

Нормурод НОРҚОБИЛОВ

# БЎРОН ҚЎПГАН КУН

*Қисса ва ҳикоялар*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2007

### **Норқобилов, Нормурод**

Бўрон қўпган кун: Қисса ва хикоялар. — Т.: «Шарқ», 2007. — 304 б.

Масъулият хисси инсондаги энг гўзал туйғулардан биридир. Агар инсонда ушбу туйғу кучли бўлса, у борликка ўзгача бир нигоҳ билан назар ташлайди. Тириклик олдида ўзини масъул сезади. Тоғдаги тошни, ўрмондаги дарахтни, дала-даштдаги чечакни, қисқаси, борликни, табиатни кўз қорачигидай асрайди, авайлайди. Нега деганда, инсониятнинг тириклиги табиат билан. У табиат неъматларидан баҳра олиш билан бир қаторда, унга нимадир беришга, беролмаган тақдирда эса, уни асраш ва авайлашга интилади. Табиатга меҳр кўзи билан қарай биладиган эзгу қалб эгаси, ўз навбатида, кишилик жамиятига ҳам худди шу хил муносабатда бўлади. Бунинг акси бўлган одам эса, худди табиатга зуғум ўтказганидек, инсон кавмига нисбатан меҳрсиз, шафқатсиз бўлади. Ўзидан ўзгани ўйламайди. Бир умр нафсига кул бўлиб яшайди. Ва натижада бу икки хил муносабат ва қарашлар ўртасида зиддият — кураш юзага келади. Бу қандай кураш? Сиз бу саволга таниқли ёзувчи Нормурод Норқобиловнинг ушбу китобидан жавоб топасиз. Адиб ўзининг мазкур китобга кирган қиссалари ва хикояларида ўзликни англаувчи гўзал туйғуларни рангин бўёқларда очиб беришга ҳаракат қилган.

**ББК.84.(5Ў)**

**ISBN 978-9943-00-084-1**

## ШАЙДОЛИК

Нормурод Норқобилов 1953 йилнинг 7 июнида Яккабоғ туманининг тоғ ёнбағри ҳудудида туғилди. Ёзувчининг қачон, айниқса, қайси куни туғилганлигини мақолада таъкидлаш шартмас. Аммо Нормуроднинг қайси йили, қайси кунда туғилганлигига атайин эътибор беряпман. Шўро адабиёти пайдо бўлиб, социалистик реализм унга ўз ҳукмини ўтказибдики: «Биз табиатдан инъом-эхсон кутмаймиз. Аксинча, табиатни ўз иродамизга бўйсиндирамиз», — деб келинди. Табиат гўзалликларига маҳлиё бўлганлар, тоғу тошларни, бепоён водийларни улуғлаганлар, нари борса, иккинчи, учинчи даражали адиб — ижодкор деб билинди. Нормурод Норқобиловнинг ижодкор сифатидаги бахти шундаки, она сути билан қон-қонига сингган шайдолик, табиат мураккабликларидан завқ олиш фазилати ижодининг илдиз-асосини белгилади. XX асрнинг 60—70-йилларидан бошлаб Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаев, Менгзиё Сафаров, Тоғай Мурод сингарилар табиатни — ҳайвонот, наботот, жамодотни завқ-шавқ билан тасвирладилар.

Нормурод Норқобилов ўтган асрнинг 70—80-йилларида ҳаётнинг мушкул, мураккаб мактабини ўтади: армия сафида хизмат қилди, турли ташкилотларда оддий ишчи, ҳатто қоровул бўлиб ишлади. Бўлажак ёзувчи ёзишни жуда-жуда севарди. У не-не мушкулларни енгиб, «Тошкент окшоми» ва бошқа газеталарга материаллар тайёрлади. У ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида таҳсил кўрди. Ўқишни тугатгач, у Ўзбекистон телевидениесида кичик муҳаррир, муҳаррир, бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. Интилганга толе ёр деганларидай, Нормурод Норқобилов телевидениеда ўзига мос, қалбига яқин мавзуларда — урф-одатлар, миллий удумлар, амалий санъат турлари, мамлакатимиздаги машҳур ғорлар, қоризлар, тоғ йўллари, чўккилари ҳақида бири-биридан қизикарли кўрсатувлар тайёрлай бошлади. Хануз унинг кўрсатувлари томошабинлар томонидан интиқлик билан кутилади.

Ёзувчининг мазкур тўпلامдаги «Белбоғ» қиссаси миллий удум таъсирида ёзилган. Халқ — доно, чин санъаткор: у ўзининг санъат тилини, имо-ишораларини ҳамиша

сайқаллаб келган. Қаранг, қиссадаги Зумрад Отамуродга: «Мен Сизни яхши кўраман, танлаганим сизсиз», — демайди. У узок мушоҳада юритгач, эрининг рухидан рухсат олгач, Отамуродга белбоғ совға қилади. Белбоғ — никоҳдай муқаддас, расмий идора гувоҳномасидай эъзозли. Ажабки, қишлоқнинг чапани бўз йигитлари Отамуроднинг пўстагини қоқмоқчи, қишлоқнинг олд жувонига кўз олайтирган меҳмоннинг адабини бермоқчи эдилар. Белбоққа кўзлари тушиши билан улар хозиргина рақиб бўлиб турган йигитга қариндошдай муносабатда бўладилар.

Нормурод Норқобилов — ўндан ортиқ қисса, қанчадан-қанча ҳикоялар муаллифи. Унинг асарларида ҳайвонот ва инсон аро мураккаб муносабатлар тасвирланади. Ёзувчи гоҳо наботот (яшил табиат), гоҳо жамодот (тоғу тошлар, қир-адирлар) оламига назар ташлайди. Унинг «Қоялар ҳам йиғлайди» қиссасида инсон ва тош, тоғ ва одам боғлиқлиги маҳорат билан очилган. Ҳайвонот оламини яшил дунё — набототдан ажратиш мумкин эмас. «Пахмоқ» қиссасидаги айиқ ўзини дўлана, зирк, олма сингари меваларга уради. «Тоғ одами» қиссасининг қаҳрамони Жондош жарликка қулайди. Қояда ўсган дарахтнинг чайир шохи Жондошни «тутиб» қолади. Ёзувчи ҳайвонот, наботот, жамодот аро алоқаларнинг ўта табиий тасвирига эриша олади. Бу, аслида, табиий ҳол: ҳайвонот, наботот, жамодот бир ота-она фарзанди. Улар одамдай туғилганлар.

Кузатганмисиз, биз фантастик асарларни ўқисак, ўзга сайёралардан келган мавжудотлар билан учрашсак, нимагадир уларни ўзимизники деб билмаймиз, бегонага муносабатда бўлаётганлигимизни ҳис қилиб турамыз. Ҳайвонот, наботот, жамодот ўзимизники, борлигимизнинг узвий бўлаги. Инсон, сўзсиз, зоти шариф, ўзга туғишганларини йўлга солиб турувчи улкан, сеҳрли куч. У вақти-вақти билан ҳайвонлардан, яшил олам «фуқаролари»дан, жонсиз табиатдан фойдаланади. Нормурод Норқобилов инсон — ҳайвонот — наботот — жамодотни бирбутун ҳолда тасаввур қилади. Ҳайвонлар инсонга хизмат қиладилар, яшил олам бус-бутун одам ихтиёрида, жамодот тирик мавжудотнинг уйи, ҳамишалик макони. Н.Норқобилов ҳайвонлардаги зийраклик, ҳид билиш уқуви, инсонга чексиз садоқати ҳақида кўп ва хўб ёзади. Сафар исмли ўсмир вафот этганида, Ёлдор бўрию Толмас бобо («Ғанимлар») ғиғон чекадилар, ўзларини қўярга жой тополмайдилар. Жуфтига садоқатда ҳам баъзи кимсалар бўри, айиқ, шердан ўрناق олсалар чакки бўлмасди. Чўнгалла бўри эрка, тантиқ жуфти

Оқёлнинг дардида ўзини ўққа-чўққа уради, ҳаётини хавф остида қолдириб Оқёл жасади ётган омборга ҳам киради. Афсуски, Сардор, Отамурод («Белбоғ»), Қиличбекнинг («Тунги меҳмон») хотини севгига хиёнат қилади. Боборайим гов («Қуёш тутилган кун»), Сувонқул («Даштда») сингарилар одам бўлатуриб хайвон ҳам қилмайдиган тубанликка қўл урадилар.

Нормурод Норқобилов асарларида эркак киши, ул (ўғил) одам табиат тартиботларидан келиб чиқилган ҳолда табақалаштирилади. Ёзувчи эътиқодича, эркакнинг гули — полвондир. Полвон одам ориятли, чайир, тошдай беўхшов, лекин метиндай пишиқ бўлади. Муҳими, полвон заифаларга суюнчиқ, элга етакчи, ёшларга ўрнак бўлади. Нормурод яратган полвонлар интеллектуал етук, билими ошиб-тошиб ётган кишилармас. Улар эркак деган номни, ул деган тушунчани улуғлайдилар. Собир полвон («Қуёш тутилган кун») улни қанча улуғласа, тул (шунчаки зурриёт)ни ёқтирмайгина тилга олади. Эрназар полвон («Қоялар ҳам йиғлайди») ўсмирларни курашда синаса, итни айиққа рўпара қилиб саралайди. Оддий ит айиқни кўриши билан четини ҳўллаб қўяди, жўн бола ўзини курашдан четга олади. Нормат полвон («Алп онадан») навнихол қизларни, келинларни оғир ишлардан асрайди. Қизлар, келинлар — туғилажак алпларнинг оналари. Она нимжон, касалманд бўлса, алплар уруғига қирон келади.

Нормурод Норқобилов асарларида чавандоз, мерганлар ҳам юқори тоифага тааллуқли кишилардир. Абдурахмон чавандоз («Белбоғ») Сардорни ўлимдан асраб қолади. Унга ҳаётий ўғитлар беради. Шу қаҳрамон: «Биз айиқни тоға, бўрини оға» деб ўрганганмиз», — дейди. Салом мерган («Овул оралаган бўри»), Панжи саёқ («Тоғу тошларда») ҳам мерган. Лекин бу мерганларда қалб кўридан кўра мажбурият, ижтимоий буюртма етакчилик қилади. Уларнинг полвон, чавандоз бўлишига ҳали анча вақт бор. Лекин уларда эркакнинг кўрки бўлиш имконияти мавжуд.

Нормурод Норқобилов асарларида омма тимсоли ниҳоятда тиниқ, ишонарли кўрсатилади. Мен ёзувчининг қисса, ҳикояларини ўқир эканман, руҳимни вазати туйғу чулғайди. Қишлоқлар бефайз, тароватсиз бўлиб қолаётганини ҳис қиламан. Ўша-ўша жойлар, ўша-ўша тоғу адирлар, ўша-ўша далалар, дов-дарахтлар. Одамлар тўй қиляпти, ўтганларни эъозлаб мангу маконига кузатмоқда. Лекин одамларда майдалиқ, сергаплик, фисқ-фужур авж олган. Энг ёмони, ҳар бир кас ўзини осмон дея англайди. Тўғри,

мустикалияк одамларга бекиёс эрк берди. Лекин бу эркни курук гапбозлик, эрмакталабдик дея англаш тўғрима. Шундай инсонлар борки, одамлар тинчини бузиб қўйишдан хузур қилади. Аммо курук гап ўрнига озгина меҳнат, озгина савоб ишлар қилса, ҳамма нарса из-изига тушиб кетарди. Бадий адабиёт оммани эмас, аниқ инсонни, бетакрор киёфани тасвирлайди. «Белбоғ» қиссасида увоққина бир персонаж бор. Отамурод хотинидан ажралгач бир бева хотинни кига бориб туришга одатланган. Аёл ниҳоятда ширин сўз, ниҳоятда меҳрибон, ниҳоятда самимий. Отамурод шу аёлга уйланишни ҳам ўйлаб қўяди. Бир куни йигит аёлдаги ўта нозик бир нуқтани кафш этади: аёл эркакни кутиб олар экан, дарҳол қўлига қарар, таъмасини ниқоблаб ололма қолади. Шу арзимасгина камчилик аёлнинг бош хусусияти бўлиб чиқади. У аввал ҳам Алишер деган йигитни жоним-жоним дея, ҳолдан тойдирган экан. «Бўрон қўпган кун» ҳикоясида Баҳром қассоб, Эшкул сомсапаз, Абрай қирриқларнинг моҳияти зинокорона назарлари орқали ёритилади. «Қабртош» ҳикоясида Эрали, Тожи шоирларнинг майда, кўзбуямачи эканликлари тасвирланади. «Кизча» ҳикоясида эр-хотин орасидаги можаролар туфайли кизча итнинг инига кириб ётишдан хузур топганлиги кўрсатилади.

«Фанимлар» қиссасида, «Қуёш тутилган кун», «Қудук», «Энатепа» ҳикоясида майда одамлар борлиги ишонarli ёритилган. Сарвар, Шойим йўғон, Эргаш боди, Абдурайим («Фанимлар»), Бегим оқсоқол, Рўзикул боди, Мамадали шофёр, Маъруф чавандоз («Қудук»), Барот семиз, Бозор оқсоқол; Бердикул, Сафар мелиса («Энатепа»), Раҳим пакана, Бобур сарик, Шоди пўрим, Шоврук посон («Қуёш тутилган кун») сингарилар томошага ўч омма вакиллари. Бундайлар истаган одам устидан мағзава тўкадилар, ўзларини ҳаммадан устун қўядилар. Лекин амалий иш қилишга келганда секингина ўзларини четга оладилар. Нормурод Норқобилов полвонларни, Ёлдор бўрини, Пахмоқ айиқни қанчалик меҳр билан тасвирлаган бўлса, бекорчи, ғийбатчи дангасаларни шунчалик фош қилади.

Нормурод Норқобилов тажрибали, эстетик принципи шаклланган ёзувчидир. Мен унинг қисса ва ҳикоялари заминида мураккаб, жиддий роман концепциясини кўряпман, ҳис этмоқдаман.

**Абдуғафур Расулов,**  
*филология фанлари доктори,*  
*профессор.*

# Қиссалар



## БЕЛБОҒ

Отамурод тонгги қуёш нурига йўғрилган кишлоқда ўзига нисбатан туғилган адоватни ички бир туйғу билан қайта ҳис этаркан, унинг муқаррар оқибати эрмуш мавҳум хавфни қидиргандай, ёнбағирликнинг кунгай томонида пала-партиш сочилган кишлоқ уйларига, қуйидаги тезоқар сой ёқалаб чўзилган қуюқ ёнғокзорга, чўққиси яккам-дуккам арчалар билан безалган қаршидаги баланд қояга ва кўкиштоб ғубор оғушида сокин мудраётган тоғларга бир-бир боқаркан, маънос ва дилгир нигоҳи ҳовли этагидаги бостирмага ёндош тушган чоғроқ кулбада тўхталди. Кичкина деразаларига қизғиш парда тutilган шу кулба ҳам ўзига таҳдидли тикилиб тургандек туюлди.

Бир қарашда теварак ғоят осойишта эди. Қушлар чуғури, енгил эпкиндан силкинаётган япроқлар саси, пастдаги сойнинг бир маромда гувиллашига қоришиқ кишлоқнинг англарсиз шовури, булутсиз кўкда бемалол дайдимок истагида тоғ чўққисига тирмашган офтоб нурининг аллаловчи тафти-бари соз ва ғоят ажойиб эди. Аммо бу фусункорлик муваққат — кишлоқнинг қай бир буржида биқиниб ётган ўша номаълум хавф ҳализамон мазкур тароватга соя ташлайдигандек эди.

Кеча тушдан сўнг Зумрадни сой бўйида ҳоли учратгандаёқ бу ерда ортиқ ўралашиши яхшиликка олиб бормаслигини пайқаб улгурганди. Кўзи ҳар дақиқада кийикдек дик сакраб қочмоққа шай турган жувонда экан, ўзига ўқдек қадалган нигоҳни сезмай қолмади. У беихтиёр ортига ўгириларкан, наридаги буталар орасидан адоватла тикилиб турган йигитчага кўзи тушди. Отамурод бошда ажабланди, сўнг уни жувоннинг хешларидан бири бўлса керак деб ўйлади. Кўнглида ёмонлик йўқлигини билдириб, хижолатомуз илжайди. Йигитчанинг эса

бир туки қилт этмади. Бақадек қотиб тураверди. Кўзларини олиб қочмоқдан ўзга иложи йўқлигини англаган Отамурод жувон томонга қайриларкан, уни жойида топмади. Зумрад кумга синггандек ғойиб бўлганди. Аммо «кейи-ин» дея шивирлаши кулоқлари остида қолганди. У жувонни қидириб, ёнғоқзор бағрига сингган сўқмоққа, юкорига ўрлаган тор йўлакка аланг-жалаңг боқаркан, тирик инсонга эмас, рўёга дуч келгандек ҳис қилди ўзини. Бу етмагандек, буталар орасидаги йигитча ҳам кўринмас, хилват бу ғўшада ёлғиз ўзи қолганди.

Аламдан гудраниб сўкинди.

— Ёввойилар!

Ахир у айна шу дақиқани қанчалик интиқлик билан кутмади. Бир парча мактуб орқали билдирилган кўнгил изхорига жавоб олмоқчи эди, холос. Мактубни шаҳардан атай келтирган совға-саломлари орасига қистириб узатганди. Гапни узоқ-узоқлардан бошламай, ярали кўксимга тоғ чечагини тақмоқчиман, шунга сиз нима дейсиз, дея мақсадини очик баён этганди. Ва шундан бери жувоннинг оғзини пойлайди: Аксига олиб, у тутқич берай демасди. Ошиқманг, ошиқмай тулинг, деганга ўхшаш сирли ва илтижоли қарашдан нарига ўтмасди.

У алами келиб, дуч келган тошлардан бирига чўқди. Тор йўлакдан ўзи томон энаётган жувоннинг отаси Сардор чолга кўзи тушди. Алами ғазабга айланди: «Булар ҳар бир қадамимни пойлашаяпти шекилли!». Аммо бу нарса чолнинг хурматига ўрнидан кўзғалмоғига моҷелик қилмади. Сардор чол, елкасида ўроқ, хушҳол кулимсиради.

— Қўйларга пича ўт ўрай деб тушувдим.

Отамурод жилмайган киши бўлди. Шу тобда кўнглига чироқ ёкса ёришмас, чолнинг қаршисига келиб чўққалашидан эса баттар ғаши келди. Бироқ буни билдириб бўлмасди. Чол уй эгаси. Боз устига... Йўқ, қизимни узоққа бермайман деб турса, нима ҳам қиларди. Негаки, бу ер шаҳар эмас, тоғликларнинг эса ўз феъли, ўз тутуми бор. Айрим қарашлари-ку ҳеч бир ўлчамга сиғмайди.

Сардор чол йигитга синчков назар ташларкан, чўнтагидан носқовоғини қидира-қидира, негадир жўшиб оқаётган сойга бир муддат тикилиб қолди. Сўнг эса



ўроқ сирти билан гарданини қашлай-қашлай, узундан узун бир ривоятни сўзламокни бошлади.

Йигитнинг тушунгани шу бўлдики, бир замонлар бу қишлоқни ёв босибди. Қишлоқ эркаклари душман қўлига тушмаслиги учун бола-бақраю қиз-жувонларни кутуриб оқаётган мана шу сойга чўктириб, ўзлари тенгсиз жангда ҳалок бўлишган экан. У замонларда тоғда қор мўл, сойда сув сероб, томдай-томдай тошларни худди хасдай оқизиб кетаркан, ҳозир ҳам шиддати ёмон эмас, тушган одамнинг тирик қолиши гумон эмиш. Буни қарангки, қишлоқни ёв босганда, Худонинг қаромати билан бир қизча-ю, бир ўғил бола дўлана тергани тоққа чиқиб кетишган экан. Улар қўни-қўнжини мевага тўлдириб қишлоққа қайтишса, ҳамма ёқ вайрон... Хуллас, қишлоқдаги кейинги авлод мана шу икки норасидадан тарқаган экан. Улар айикни тоға, бўрини ака, охуни хола билиб улғайишган экан. Шунингчун бу қишлоқ йигитларида айикнинг ҳайбати, бўрининг важоҳати, қизларида эса охунинг хуркаклиги мавжуд экан. Аммо қизларининг гўзаллиги бошга битган бало, айрим пайтларда қонли можароларга сабаб бўларкан.

Чол шуларни ҳикоя қиларкан, сўнг ўзини бу қишлоққа бегоналигини, аёли эса асли шу ерлик эканлигини кистириб ўтди. Йигитнинг ажабланиб қараб қўйганини сезгач эса, кейинги жумлани шошқалоқ бир тарзда ифода этди:

— Лекин мен бу ерга хотин деб келмаганман. Тарихи узун бунинг...

Отамурод коса тагидаги нимкосани илғаса-да, бу билан нимага шаъма қилаяпсиз, деган маънода иддаоли қараш қилди. Бироқ Сардор чолнинг ўткир нигоҳига бардош беролмай, кўзларини олиб қочди. Сўнг ер остидан унинг елкасидаги ўроққа разм солди. Қизи ҳақида гап очсам, ўроғи билан тушириб қолса керак, деган ўйга борди. Шунда юраги тубидан қайсар бир туйғу бирдан бош кўтарди. Кўнглимга тушов солмоққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Агар ошиқ кўнглини англаёлмас эканлар, майли, айикдайин фикимласинлар, бўридай ғажисинлар! Булар тоққа хўжайин, кўнглимга эмас!

У бу сафар чолга тик қаради. Бироқ энди чолнинг нигоҳи одатдагидек мулоийм тортган, мезбонлиги эсига тушгандай, одобла боқарди. Шунга қарамай, кўзлари

тубидан хануз совуқ бир ифода аримаган, салгина ноҳўя сўздан бу нарса ададсиз қаҳрга айланиши мумкиндек эди.

Отамурод ҳовли ўртасида тик қотганча, тобора қўтарилаётган тонги офтоб нуридан фусункор тус олаётган тоғу тошларга дилгир назар ташларкан, ортидаги шарпани илғаса-да, қайрилмади. Қайрилмаса-да, нелигини яхши билади. Чол обдастани ҳозирламоқда, кампири эса у ҳозиргина тарк этган ўринни йиғиш билан банд. Ҳар сафар шу — уйғониб ташқарига чиқиши билан чол обдастага уннайди, кампири тўшагини йиғиштиришга тушади.

— Бетди чайинг, мехмон.

Йигит юз-қўлини наридан-бери юваркан, орада ҳадикланиб чолнинг афтига боқди. Ундан адоват аломатларини қидирди. Йўқ, Сардор чолнинг қарашлари мулоғим, ҳатто бир қадар мехрли эди. Бундан йигитнинг кўнгли андак таскин топиб, яна ҳовли этагидаги эшик-деразалари ёпиқ кулба томон қаради. Қизингиз кўринмайди, деб сўрагиси келди. Ботинмади. Ичи қизиб кетаётган эса-да, сўроёлмади. Биладики, ташрифи кишлоқ йигитларига малол келгандек, сўрови чолга ёқмайди. У кўп юримли одам сифатида кечаёқ шуни фахмлаб етгандики, бу кишлоқнинг йигитлари анча чатоқ. Улар боши очик аёли тутил, қўтир итига даҳл қилдирмайди.

Бу хил туйғу Отамуродга бегона эмасди.

Оқшомлардан бирида ён қўшниси, художўй бир кампир эркак зотидан нолиб қолди. Дедики, маҳаллада ҳақиқий эркак қолмади, агар бор бўлганида, маҳаллани наҳс бостириб, буйтиблар қараб ўтиришмасди. Отамурод маҳаллада янги эди. Кўпчиликни яхши танимасди. Аммо кампирнинг гапларини ўзига олди. Ёмғирли тунлардан бирида қаршидаги тул аёлнинг дарвозасига тирғалган нотаниш кимсанинг йўлига кўндаланг бўлди. Буниси, эшигингни оч, дея хиралик қиларди. Униси ё ноз қиларди, ё аразли эди. Ҳарҳолда эшик очмай, кетинглаб турарди. Аммо буниси ўзига етганча сур экан, кетишни хаёлига келтирмасди. «Кетинг кўп қуявермасин, — деди Отамуродга иршайиб. — Келиша олсак, икковимизга ҳам етади. Ё сенга бошқача ваъда берганми у?» Йигит юрагида туғилган нафратни сўзда ифода этиб беролмади. Зеро, бундай онларда сўз ожизлик қилади.

Натижада, у бор ғазабини муштумига жамлади... Эртасига эса бу воқеа маҳаллада рёса гап бўлди. Отамурод аёл талашиб уришганга чиқди.

Ушанда нимани талашиб ёқалашганини Отамурод хануз тузук идрок этолмайди. Чинданам нимани химоя қилди у — маҳалланинг шаъниними ё аёлнинг қадриними? Бу ҳақда бош қотиришни кўпда истамаса-да, тубан ва жирканч нарсага қарши чиққанини яхши фаҳмлайди.

У қўлидаги намиққан сочиқни сим дорга ташлаб, ортига ўгирилarkan, чоғроқ супачадаги тузалган дастурхонни кўриб, ичидан зил кетди. Чойни ичиб, жилмоғи шарт. Ортиқ судралиши яхши эмас. Унинг эса ҳеч кетгиси йўқ эди. Умрида илк бор тузалган дастурхон кўзига ёмон, жуда ёмон кўриниб кетди.

• • •

Сардор чол дастурхон теварагига истамайроқ чўккан йигитнинг авзойини зимдан кузатаркан, ичдан унга раҳми келди. Аммо иложсиз эди. Негаки, ҳовлисида йигитнинг ортиқ даражада ўралашиши ўзининг ҳам шаънига яхши гап олиб келмайди. У буни кечаёқ сезган.

Йигит, кетгиси келмай, атай машинасини чуқилаб ўтирганида, қайнисининг ўғли Акрам қора бошлиқ икки йигит ҳовлисига кириб келган.

— Мехмонингизни мошинаси бузилиб қопти деб эшитдик, — дея Акрам қора чол билан қуюқ сўрашган.

— Темир чуқилиб юрган одамлармиз, ёрдамимиз тегиб қолар деб келавердик, — деган иккинчиси.

Учинчиси лом-мим демаган. Қалин қошлари остидан ўқрайиб қараб қўйиш билан чекланган.

Уч йигит хаш-паш дегунча машинани созлашган. Камерага ел бериб, атай узилган симларни улашган ва машина ўт олган.

— Энди сизга оқ йўл, мехмон! — деган Акрам қора куракдек кафтини йигитга узатиб.

— Қичаб ҳайдасангиз, қоронғи тушмай давондан ўтиб олишингиз мумкин, — деган иккинчиси.

Учинчиси хўмрайиб қараб қўя қолган.

Аммо бу ҳол чолнинг ҳамиятига қаттиқ теккан. Ҳар ҳолда мехмон уники. Бир қизини эплаб химоя қилишга ҳали қуввати етади. Иккинчидан эса, мехмон йигит

ҳали бирон шубҳали хатти-харакатга йўл қўйганича йўқ. Шунинг учун давоё йўлининг нобоплигини баҳона қилиб, йигитнинг кетмоғига изн бермади.

— Бугун кеч, эртан йўлга чиқарсиз, — деди.

— Унда меҳмонни биздикига оп ўтинг, почча, кўзи сўйганман, — деди Акрам қора ўлганининг кунидан илжайиб.

— Баҳонада гурунглашиб ўтирамиз, — деди иккинчиси.

Учинчисининг чехраси баттар тундлашди.

Йигитларнинг бемаврид кўмагидан ичдан энсаси қотган Отамурод чолнинг гапидан сўнг тезгина моторни ўчиради. Одоб юзасидан йигитларга раҳмат айтган бўлади. Чол эса мийиғида жилмаяди: «Кўмак баҳонасида сени қишлоқдан ҳайдамоқчи эди, нодон! Булар келдими, демак, қишлоққа ёмон бир гап ўрлаган. Ҳай, омон бўлсак, не гаплигини билиб олармиз».

Отамурод яна бир тун қолишидан, Сардор чол эса йигитларнинг ташрифидан мамнун эди. Демак, ҳали орият бутун, бу йигитлар қишлоққа бегонани оралатиб қўймайди. Айниқса, Акрам қора бобоси Абдурахмон чавандозга жуда тортибди. Тили ширин, бокишлари салобатли. Унга қолса, меҳмонни уйига олиб кетса-ю, эрта-лаб ўзи кузатиб қўя қолса. Бироқ бу қилиғи ўз қадрини билган одамга сира тўғри келмайди. Чол тутоқиб, бир меҳмонни кузатмоққа чоғи келмайди деб ўйлайсанми, нима, ўладиган жойдаманми, деб бақириб бермоқчи ҳам бўлди-ю, бир амаллаб ўзини босди. Ҳарҳолда Акрам қорани қойиб бўлмайди. Бобоси олдида қарздор. Эсла-са, ёмон туш кўргандай, ҳануз эти сесканади.

Ўшанда милтиқ чақилмаганди. Тепкини кўтариб, уч бор босса-да, милтиғи отилмаган. Ўқини алмаштирганда эса, бошига тушган соядан бир зумга чалғиган. Тепасида хотиржам турган ҳайбатли кимсани ёқтирмай қараган. Бу одамларга нима бўлган ўзи, ҳатто тинчгина ўлишингга ҳам қўймайди-я, деб ўйлаган. Нотаниш кимса қўлидаги яроғини тортиб олиб қўядигандек, уни бағрига босган. Кимса эса пинак бузмаган, наридаги тубсиз жарга ишора қилиб деган:

— Жонингда қасдинг бор экан, буйтиблар куйманмай, анову жардан сакраб қўя қол! Этинг суягингга ара-лашиб, осонгина жон берасан!

Сардор милтигини маҳкам бағрига босганча тура-верган. Нима ҳам десин. Кимса эса қўлидаги буклоғли камчи дастаси билан иягини қашлай-қашлай, унга бошдан-оёқ разм соларкан, шафқатдан йироқ оҳангда сўраган:

— Бошинга на мусибат тушдики, буйтиблар овлок жойда ўлмоқ истаб қопсан?

— Шу... одамзоддан кўнгил қолган, амаки!

— Чаток! — Кимса бош чайқайди, лекин ҳаракатида ачиниш сезилмайди. — Бу ишга аёл киши аралашганми дейман?

Сардор жавобдан қочиб, ерга боқади.

Кимса ортиқча ижакилашни бас қилиб, теваракка хаёлчан термулади. Сўнг йигит эсига тушиб қолгандай, унга ўтирилади.

— Унда бундай қилсак, — дейди гавдасига мос йўғон ва салобатли овозда. — Шу бугунча меникида меҳмон бўсанг. Сал тафтинг босилармиди дейман-да. Агар жудаям ўлгинг келаётган бўлса ва бунга қасам ичган бўлсанг, эртан ҳам улгурасан бу ишга. Бугунча шу ишни қимай турсанг девдим. Нима дейсан?

Сардор, калака қилмаяптими, деган ўйда сергак боқади. Йўк, у жиддий эди.

— Йўк, мен шу ерда қоламан, — дейди сўнг қайсарлик билан.

— Йўк, қомайсан!

— Холи қўйсангиз яхши бўлармиди дейман-да.

— Холи қўйиш йўқ-да.

— Худди товди хўжайинидай муомила қиласиз-а одамга.

— Ўзиям шу-да, — Кимсанинг гап оҳанги янада ўктамлашади. — Бу товнинг хўжайини мен бўламан! Анови қор босган чўққилар ҳам менга қарашли. Ишқилиб, кўзинг нимайки илгаса, бари меники. Ўлмоқни эвини қилолмадингми, изимдан юрасан-да, энди. Аммо-лекин дунёдаги ҳеч бир иш ўлмоққа арзимайди. Мабодо одам ўлдириб қочиб-почиб юрган бўсанг, ҳукуматга ўзим оборо-риб топшираман сени!

— Ўлдирмоқчи эдим, ўлдиролмадим!

— Унда ўзингниям ўлдирма!

— Кўксим қуйиб кетаяпти-да!

— Фамга теринг юпқалик қипти-да.

— Одам боласини кўрарга кўзим йўғу, сиз ҳам дейсиз!

— Унда дардинг оғир экан. — Кимса хўрсинган бўлади. — Мен жийдалик Абдурахмон чавандоз бўламан. Эшитган чикарсан? Айтганча, ўзинг қайси қишлоқдансан?

— Беватанман! Қишлоғим бор эди, энди йўк.

— Нима, кўчки тагида қолдими қишлоғинг?

— Ундан баттари.

— Чинданам ҳаминг қаттиқ экан. Тур, кетдик!

Унга қандай эргашди, ўзиям билмайди. Абдурахмон чавандоз не воқеа юз берганини ортиқ суриштирмади. Дарвоқе, сўраган тақдирда, айтишга тили ҳам бормасди.

Ўша тунда юз берган воқеа хотирасида абадий сақланиб қолган. Эсласа, хозир ҳам юраги симиллаб кетади. Икки гуноҳкор банданинг қилмишидан лол туриб қоларкан, жигарим дегани кўзига чўп сукқанига ҳеч ишонгиси келмади. Отмоқ истаб қўлига яроқ тутганда эса, улар қочиб бўлишганди.

Сардорга ходисадан кўра, моҳияти кўпроқ таъсир қилади. Аёлига ишонарди, еру кўкка ишонмасди уни. Тоғасининг ўғли эса ука ўрнидаги одам эди. Ота-онасидан эрта етим қолиб, тоғасининг қўлида ўсгани боис, унинг болаларини «укам» дерди. Унга яқинлари — «ука»си ва аёли хиёнат қилганди. Яқинларинг хиёнат қилдими, бу дунёда яшашдан маъни йўк, дея бир ўк билан кўнгил азобига чек қўймоқчи эди, яроғи панд берди. Худди осмондан тушгандай қаршисида Абдурахмон чавандоз пайдо бўлди. Бундан чиқди, бу дунёдан ҳали насибаси узилмаган экан.

— Шундай деб беватанман де? — дея сўради йўлда Абдурахмон чавандоз шунчаки.

— Ҳа, беватанман, — дейди Сардор алам тўла оҳангда. — Аввалига улоқмоқчи эдим. Жондорга қўшилиб, айиққа ошна тутинмоқчи эдим. Бўмай кетди-да, кейин...

— Жондорлар сени қабул қимайди, — Абдурахмон чавандоз чўрт кесади. — Айиқлар эса сенга ўхшаганлардан ор қилади.

— Ҳали хайвондан харобсан денг?

— Осмондан келаяпсан! — Абдурахмон чавандоз истеҳзоли жилмаяди. — Одам бўлганим учун жонивор-

лардан пешман деб юрибсанми? Улар ҳақида фикринг кемтик экан.

- Мендан не ўтди, сиз билмайсиз-ку.
- Айтмасанг, қаердан билай.
- Айтгилиги йўқ-да!
- Унда айтма.

Абдурахмон чавандоз не воқеа юз берганини кейинчалик ҳам суриштирмади. Бу ҳақда ўзи ҳам бировга тиш ёрмади. Бу ҳодиса юраги тубида қолди. Оғриғи, азоби, мудҳиш хотираси қолди.

Агар Отамурод шунчаки гурунг учунгина гап қўшмаганида, Сардор чол ҳали-бери хотиралар гирдобидан чиқолмасди. Шунингчун йигитнинг гапини бошда англамади.

— Нонларингиз ширин экан, — дея қайта таъкидлади йигит.

— Ҳа-а, — деди чол хаёлини базўр жиловлаб. — Тегирмоннинг унида. Магазиндики бундай ширин чикмайди.

У гап орасида йигитнинг кулба томон ўғринча қараб қўйганини сезди. Унга раҳми келди. Буйтиб қийналиб ўтирмай, қизимнинг қўлини ўзимдан сўраб қўя қолмайсанми, деган ўйга борди. Бироқ ичидагини тилига чиқаришни хаёлига келтирмади. Бу шунчаки ўй эди ва ҳар қандай ўй ҳам сўзда ўз ифодасини топавермайди...



Отамурод собиқ хотинидан кўп азоб тортган эса-да, хануз севмоқ, унинг таъбири билан айтганда, бирор-бир ожизага паноҳ бўлмоқ илинжида яшарди. Айрим оқшомлари шаҳарнинг шимолий қисмида қад ростлаган кўп қаватли уйлар томон йўрғалаб қолиши шундан эди. У қизғиш қопламали эшикни ҳаяжон ила аста қоқаркан, соғинч тўла нигоҳни кўрмоқ истайди. Афсуски, ҳар сафаргидек таъмагир кўзларга рўпарў келади. Эшик очган жувоннинг назари ўз-ўзидан унинг қўлидаги нарсаларга кетиб қолади. Бу ҳолат сониянинг юздан бир улушида юз берса-да, Отамурод аёл нигоҳида ёлқинланган таъма учқунларини пайкамай қолмайди. Қалбидаги соғинч хислари ўрнини надомат эгаллаб улгурмай, жувон унинг бўйнига осилади. Соғингани ва севишини айтади. Бу гапларга йигитнинг жон-жон деб ишонгиси келса-да,

жувон тимсолида қандайдир хатарни англагандай бўла-  
веради. Сўнг бу хонадонни кўнгли гап холда тарк эта-  
ди. Кидирган нарсасини тополмай, бекорга овора бўлган  
кишидек ҳис этади ўзини. Олам кўзига кир кўриниб,  
бозор шовқини гашига тега бошлайди. Миждоз кутиб,  
майдонча четидаги чойхонада валаклашиб ўтирган ше-  
риклари даврасига бориб кўшилгиси келмайди. «Камаз»  
русумли машинаси кабинасини дидига мослаб жихозлаб  
олган эмасми, кабинага биқинганча, махзун хаёлга бота-  
ди.

Сардор чол қия очик кабина эшигини аста чертган-  
да, у мискин ва тушкин кайфиятда мудраб ўтирарди.

Кузалган мошгуруч соқоли соғлом чехрасига ғоят  
ярашиб тушган нотаниш бу чол бунгача чойхонадаги  
хайдовчилар билан бир-бир гаплашиб чиққан, аммо у  
айтган нархга ҳеч ким рози бўлмаган. Тоғ йўли оғир,  
овора бўлишга арзимайди.

Чол айтган манзилга Отамурад умрида бормаган эса-  
да, негадир дарров рози бўла қолди. Тезроқ йўлга туш-  
са-ю, ғала-ғовурга тўла бу бозордан узоклашса.

Кўнгли шуни истади.

Чолнинг бир неча қопдан иборат юкини машинага  
ортиб, йўлга тушаркан, шаҳардан чиқаверишда барча  
киракаш хайдовчиларга хос ўй миясини тирнаб ўтди:  
«Сал чўғи кам бўлди-ёв...» Бу ўй машина дастлабки  
қияликка тирмашгандаёқ, писанда йўсинда, сўзда ўз  
ифодасини топа қолди: «Йўлнинг бунақалигини билган-  
нимда, ўйлабгина келардим-а». Аммо Сардор чол тўғри  
сўзга ўрганган одам, бу хил илмоқли гапларга парвоям  
қилмади. Жим кетишни ноқулай билиб, ўз ташвишлари-  
ни баён этди. Бу йил мева-чева зўр бўлибди-ю, картош-  
канинг мазаси қочибди. Бориниям тўнғизлар кавлаб  
ташлаётганмиш. Довонни қор босмасдан туриб рўзғор  
учун керакли нарсани ғамлаб олиши керак эмиш...

Аммо чолнинг дарди йигитга ёт эди. Менга деса,  
ўша қишлоғингда бир умр қолиб кетмайсанми. Неча  
пуллик ишим бор бу билан менинг. Ундан кўра машина-  
нинг кучанишига қаранг, зўриққанидан тўкилиб тушай  
деяпти...

Йўл бўйи бинойидек сўзлашишган, бироқ бир-бирла-  
рининг дардига бутунлай бефарқ бу одамлар тушган ма-  
шина қишлоқ четидаги ҳовлига гуриллаб кириб борган-



да, кун пешиндан оғанди. Ичдан тезроқ изига қайт-  
моққа ошиқиб турган йигит пешайвонли уйга қарама-  
қарши тушган кулбадан югуриб чикқан кизга кўзи туш-  
ди-ю, ҳамма нарсани унутди. Рул чамбарагини махкам  
тутганча бақадек қотиб қолди.

Ёқасига кашта чатилган қирмизи кўйлакли бу киз  
оҳудек чакқон, қайрилма қошлари остидаги каттакон  
шахло кўзлари кишига шу қадар ишонч ва самимият би-  
лан боқардики, юрак ўз-ўзидан ҳапқириб кетарди.

Кулоғи бозорнинг гала-говурига кўниккан, ҳар уч  
уйнинг бирида кўлбола дўкончаси бўлган, шом тушмай  
аёлидан тортиб эркакларигача кўчага чиқиб оладиган  
сершовқин маҳаллада яшаб келаётган йигитга овлоқ бир  
масканда шундай бир паривашни учратиш фавқулодда  
ходисадек туюлди. Пешвоз чикқан қизнинг қарашлари-  
да, кўйингики, бутун вужудидан шундай бир самимият  
балкиб турардики, унинг қошида қусур хаёлларга бо-  
риш гуноҳдек эди. У табиатнинг ноёб бир чечагидек ки-  
шини ўзига мафтун этаркан, кўнгилда беихтиёр унинг  
бўйидан тўйиниш, кўркидан баҳра олиш истаги туғилар-  
ди.

Аммо бу бир лаҳзалик ҳолат.

Довдирашдан базўр ўзига келган одам ичдан тошиб  
келаётган бу истакка йўл йўқлигини дарров фахмлайди.

Отамуродни эса қизнинг хусни-жамоли эмас, боқиш-  
ларидаги сокинлик ва хокисорлик ўзига мафтун этган-  
ди. Негаки, ўзи яшайдиган маҳаллада уйлар зичдек,  
одамлар қанақадир жиззаки, нигоҳлари оғир ва меҳрсиз  
эди. Торлик ҳамма нарсада — турмуш тарзидан тортиб,  
муомалаю муносабатда ҳам якқол акс этиб турарди.  
Тоғликларда эса бунинг акси — худди юксак тоғлардан  
улгу олгандек, уларнинг қарашларида ажиб бир уллуғ-  
ворлик мавжуд эди.

Одатда, Отамурод борган жойида ҳеч қачон узок  
қолмасди. Юкни туширарди-ю, дарҳол изига қайтарди.  
Бу сафар эса чолнинг биргина таклифиданоқ супа томон  
интилганини сезмай қолди. Бироқ чой устида бўлиб  
ўтган суҳбатда, чол шундай бир гап қилдики, йигитнинг  
назарида, олам хира тортгандай туюлиб кетди.

У бамайлихотир гурунг бераётган уй эгасига бакра-  
йиб боқаркан, унинг сўзлари ортиқ қулоғига кирмас, та-  
саввурида жонланган воқеа бутунлай хаёлини банд этиб

қўйганди. Каклик овига чиққан куёв йигит, бостириб келаётган қор кўчкиси, чиллалик келиннинг дод-фарёди — барини аниқ-тиниқ кўраркан, қалбида рашкка ўхшаш нимадир уйғонганини ҳис этди. Ўчоқ бошида куймаланаётган қизга, яъниким жувонга ғамгин қараш қилди.

Чолнинг кейинги гаплари ундаги қизғаниш ҳиссини баттар кучайтирарди.

— Ўзиям ғайрати ичига сирмаган йигит эди-да. Қишнинг чилласи демаган, чимилдиқда ўтирган келинчагини ўйламаган... Шундан бери қизимиз бевалик азобини тортмоқда.

Уй эгаси бу гапларни нечун айтди? Қизига махлиё бўлганидан ғаши келдими ё бошқа бирор сабаби бормиди? Қошларини чимириброк сўзлашига қараганда нимадир фахмлагандай эди.

Аслида йигит ўшандаёқ Сардор чолнинг кўнглига анча ўтиришганди. Йўлдаёқ Отамуроднинг қирриқлардан эмаслигини, ўз таъбири билан айтганда, тузуккина бола эканини пайқашга улгурганди. Бу хил йигитлар муҳит таъсирида салгина ўзгаргандек туюлса-да, лекин ҳамиша аслилигича қолаверади. Чол бунга бозор майдо-нидаёқ амин бўлган. Чойхона сўрисини тўлдириб ўтирган хайдовчилардан бири деганди: «Сиз айтган нархга бу ердагиларни кўзготишингиз қийин. Лекин чеккада турган хув анову «Камаз»да биттаси бор. Фойда-зиён деб турмайди. Бизди гурунгни унча писанд қилмай, кабинасида газет ўқиб, шеър ёдлаб ўтиради. Илтимос қилсангиз, йўқ демайди у».

Чол уни кабинада бутунлай тесқари, яъни эзгин ва мудроқ ҳолатда учратаркан, чўчиб, жавдираб боқишиданоқ тузук йигитлигини фахмлаганди. Йўлдаги илмоқли гаплари эса касб тақозоси юзасидан қилинган шунчаки инжиқлик эди. Одам боласи шу, қанчалик яхши бўлмасин, муҳитнинг таъсири қокса енгил кетадиган гарддек барибир унга кўнган бўлади.

Асил эса гарддан айнинамайди.

Қизи ҳақидаги гапидан кўзланган мақсади эса, меҳмоннинг этини ўлдириш, қизига нисбатан қизиқишини сўндириш эди. Бунга ҳов бирда уйига бир тун меҳмон бўлиб кетган овчи йигит сабаб бўлганди. Қизига беихтиёр ошиқ бўлиб қолган овчи йигит ҳе йўқ-бе йўқ,

эртаси куніёк совчи юборганди. Аммо қиз деб ўйлаганлари эр кўрган жувон чиқиб қолгач, шўрлик совчилар шу қадар ноқулай аҳволга тушишгандики, эсласа, хануз чолнинг етмиш етти томири тортишади.

Ўшанда жувон ҳақидаги ҳақиқатни билгач, Отамурад андак маъюсланган. Йўлдаёк унутиб юборсам керак деб ўйлаган. Йўқ, бунинг акси бўлган. Жувоннинг ёш қизалоқларникидай беғубор боқишлари йўл бўйи уни тарк этмаган. Симёғочлардаги яккам-дуккам чироқлар нуридан хира ёришган маҳалласига кириб келаркан, кулоғига чалингани қўшни хотинларнинг даҳанаки жанги бўлган. Шунда хаёлини бутунлай банд этиб қўйган жувонни сершовқин бу маҳалладан кизганган. Булоқ сувидек тиниқ нарса экан, бу бўтанага араллашиб кета олармикан, деб ўйлаган. Сўнг бу ўхшатиши ўзига эриш туюлиб, ховлисига кирган, бу ердан кўчиб кетмоқ керак, деган хаёлга борган. Илгари ҳам бу ҳақда ўйлаган, лекин ҳозиргидек қатъий эмасди. Ичкарига кирган ерда, бостирма тагидаги капалакнусха қурилма ёнида тўхтаган. Унда тоғ томонга учмокни истаган ва шундагина жувонни севиб қолганини англаган.

Кўкка парвоз этиш унинг учун шунчаки орзу эмас, азалий иштиёқ эди.

Токи инсон тирик экан, орзулари йўлида, ундан бирор наф етиш-етмаслигидан қатъи назар, ҳамиша ҳаракату изланишда бўлмоғи лозим. Бу унинг, негадир ўзгаларнинг ғашини келтирадиган, фикрларидан бири эди. Хаёлидаги тасаввур аниқ ҳисоб-китоблар асосида тикланаётган капалакнусха қурилмаси эса, шу каби фикрларнинг амалдаги ифодаси эди. Таниш-билишлари эса унинг бу уринишлари устидан кулишгани кулишган, дейдиларки: «Ҳай, бу зормандангда бир марта учдинг ҳам дейлик, кейин нима қиласан буни? Ё кейин кўргазмага қўйиб қўясанми?» Айни шу «кейин»и Отамуродни мутлақо қизиқтирмасди. Кўнгли парвоз истарди, тамом-вассалом. Бироқ бу истагини тушунадиганлар йўқ, масхараловчилар эса хоҳлаганча топиларди.

Аёлига талоқ айтаркан, уйдан ўзи билан олиб кетган бирдан-бир нарсаси мана шу капалакнусха машинаси бўлган. Ва шу куннинг эртаси орзусига етишмоғига санокли сониялар қолганди. Афсуски, «машина» филдираклари бедапоядаги чуқурга тушиб, канотларини син-

дириб олган. Бир ҳисобда бу яхши бўлган экан. Негаки, ўшанда юраги тўла алам эди. Осмону фалакка кўтарилиб, сўнг ер-парчин бўлмоқчи эди. Чунки аёли уйдан чиқиб кетишга мажбур қилгани етмаганидек, мактабига келиб роса тўполон кўтарган, ўқувчилари ҳузурда шарманда-ю шармисор қилиб кетганди-да.

Ўша кеч анчадан бери яқинига йўламай қўйган қурилма теварагида ўралашаркан, тоққа парвоз қилиш истагидан ўртанарди. Ақли-ҳушини ўғирлаб қўйган тоғлик жувон қошига қанот чиқариб учгиси келарди. Ўткир чироқ нурида машинани тузатиш билан банд бўларкан, қаршидаги дарвозага келиб сўйналган кимсани пайқамай қолмади. Тор кўча хиёнат эшигининг аста очилиб, секин ёпилганини ўзгалар қулоғидан яширолмади.

Салдан сўнг жойи алмашган қизалоқнинг уйқусираб йиғлагани эшитилди...

• • •

— Маҳаллани нахс бостирдинг, ё кўчиб кет, ё ҳаммани ўзингга илакиштиравермай, бирини танла!

Ўша ёмғирли тундаги муштлашувнинг гувоҳи бўлган қўшни аёл кўркувдан ранги ўчиб, унга тикиларкан, Отамуроднинг пўлиса қилмаётганини англади. Бир хаёли, ишонган қуроли-шаллақилигини ишга солмоқчи бўлди. Аммо йигитнинг авзойидан ҳайикди. Қизиқ, жувон шармандалиқдан эмас, инсондан чўчиди. Шу пайтгача эркаклар унинг учун бир пул эди. Қош-кўзини сузиб, мана-ман деганини ўз новорасида ўйната оларди.

Буниси эса ҳеч эвриладиган эмасди.

У йигитни кўчиб келган қуниёқ кўз остига олганди. Бир-икки ишва қилиб ҳам кўрганди. Бироқ янги қўшни жуда жиддий чиқиб қолди. Жувонни таажжублантирган нарса, ўзи аллақачон қўниқиб улгурган иллатга ўзга нигоҳ билан қараш мумкинлиги эди. Маҳалла эркакларининг биронтаси бу ишидан жирканмасди. Қайтамга, кўнглини овлаб, бир тун қўйнида ётиш пайида бўлишарди. Бу эса йўқ ердаги шартлар билан бошини котирмоқда. Ё сен кет эмиш, ё мен. Кетсанг кетавермайсанми!

Жувон қаршисида ғазабнок турган йигитга бошдан-оёқ тикиларкан, шу дамгача ҳеч панд бермаган маккорлигини қўллаб кўрмоқчи бўлди.

— Акам бўлинг! — деди кўзига ёш олиб. — Ҳимоя қилинг мени!

Бироқ йигитнинг кўнгли юмшамади. Кўзи аёлнинг этагидан тутиб турган қизалокда эди.

— Норасиданинг олдида шу ишни қилгани уялмайсанми! — деди оғир нигоҳини қайта аёлга қадаб. — Увол-ку бу ахир!

Отамуроднинг газабланганича бор эди. Чунки ўзи шаҳарнинг шимолий қисмидаги кўп қаватли уйлардан бирида турувчи жувоннинг хонадонида тунлари шунинг учун қолмасдики, аёлнинг кўзлари жавдираган ўғилчаси бор эди. «Бари никоҳдан кейин, — дерди хирсини қитиклаётган шайтоннинг измига бўйсунмасликка тиришиб. — Ҳалолига нима етсин!» Бироқ бу масалада жувон ўктамроқ экан, бир сафар ўғилчасини онасиникига бериб юбориб, йигитнинг васлига етишмоққа эришганди. Йигит эса бу хил муносабатни ҳеч бир таъмасиз, соф муҳаббат туфайли юзага келишини истарди. Ҳар сафар аёлнинг жон олгувчи табассуми қаршисида ожиз қоларкан, ичида улкан кураш кетарди ва оқибат, хамиша ақли голиб чиқарди. Иккинчидан, болаларни яхши кўргани учунми, бола феъли ҳам йўқ эмасди. Болага ўхшаб йўқ нарсалардан қувонар, шунингдек, тезда кўнгли ҳам қоларди. Норасида олдида гуноҳга йўл қўйишни кечирилмас ҳолат деб биларди. Қўшни жувонни шунинг учун ҳам жуда ёмон кўрарди.

Собиқ аёли унинг ана шу заиф томонини мўлжаллаб зарба берганди. Биладикки, эри мактабни яхши кўради, болалар эса жони-дили. Судга қаноат қилмай, мактабда тўполон кўтариши шундан. Тўполондан сўнг Отамуроднинг мактабда ортик қолишга юзи чидамади. Оғайнисининг машинасини олиб, бозор майдонига чиқди. У бўлиб ўтган бу воқеалардан жуда қарахт эди. Қолган барча ҳаракатлари мана шу қарахтлик оғушида бўлгандек эди. Ва бор аламини янги нонхўрни унча ёқтирмай қаршилаган Ботир довогдан олди. Энди у жилд кўтариб юрган кечаги муаллим эмасди. Бир кечада ҳамма нарсадан мосуво бўлган аламзада эди. Улар ҳўкиз болтадан қайтмас дегандек, Ботир довог билан эркакчасига гаплашиб кўя қолди.

Аммо аёллар — на собиқ хотини, на қўшни жувон билан бу хилда гаплашиб бўларди. Улар нафратдан

бошқасига ярамасди. Бирок йигитнинг нафрати баҳор ёмғиридай ўткинчи эди. Қанчалик кучайса, шунчалик тез тинарди. Кейин тошган аёлини севмоқ истади. Ўзига кўрғон, ўғилчасига ота бўлмокни ўйлади. Шунда билдики, киши табиатида мавжуд одамийликни ҳеч бир нафрат маҳв этолмас экан. Одам боласи қандай туғилган бўлса, шундайлигича, яъни яхши ёки ёмонлигича қолавераркан.

— Чойдан ичинг, мехмон!

Отамурод бошини кўтариб, қаршисидаги чолга қаради. Хаёлга ботганидан хижолат тортгандай, маҳзун жилмаяди. Эрталабдан бери қорасини кўрсатмаётган Зумрадни ўйлаб, умидсизликка тушаётганини ҳис этаркан, қизнинг кўнглини сўрамай, тўғридан-тўғри совчи юборган ёшлик кезларини эслади. Кейин хотини кўп бор юзига солган, сизга суйиб тегмаганман, отам мажбурлаб берган, деб. Худди шу нарса сабабми ё жувонда қандайдир бир сир борми, аввало унинг кўнглини овлашни ўйларди. Агар у ризолик берса, чолнинг оёғига бош уришга ҳам тайёр эди.

Аммо бу кечаги орзу эди. Жувон «кейин» дея умидлантирувчи алланимага шама қилгандай эди. Бугун эса гўё қочиб кетгандай, хануз қорасини кўрсатмаётган эди. Айтишларича, бу кишлоқ қизлари йигит томонни ёқтирмаса, ортик кўзга ташланмай кўя қоларкан.

Наҳотки шундай бўлса!

Шу пайт йигитнинг кулоғига ёқимли бир гап чалингандай бўлди.

— Таом пишгунча чой билан қоринди алдаб турамизда энди, мехмон.

У, шартмиди шу, бекорга овора бўлсизларда, дея минғирласа-да, ичдан ғоят шодланди. Негаки, вақтни бир оз чўзмоққа зўр имкон эди-да бу. Тагида гуриллаб ўт ёнаётган қора қозондаги овқатнинг сира пишмаслигига ҳам рози эди у.

Йигитнинг беихтиёр жонланганини сезган Сардор чол мийиғида кулимсиради. Аслида эса, ўзи ундан кам безовта эмасди. Қизининг қаерга кетганлигини ўзича тусмоллаётган бўлса-да, қандай кайфиятда қайтишидан бутунлай беҳабар эди. Агар кизи ҳали-бери қайтмаса, демак, йигит умидини узгани маъқул. Эшигига ортик танда қўйишидан маъни йўқ. Зумрад зоҳиран юмшоқ

кўрингани билан, анчагина қайсар. Кўнгли чопмаган кимсага қорасиниям кўрсатмайди. Бу ҳол илгариям бир-икки бор содир бўлган. Ўшанда чол қизининг қатъиятидан лол қолганди. Шунга қарамай, қизнинг беваалиги чол-кампири учун улкан дард эди. Тезроқ жойини топиб кетишини исташарди.

Сардор чол бугунги синоат хақида кампиридан сўрашга оғиз жуфтлади-ю, истиҳола қилди. Қачондан бери аёлларнинг сирига қизикадиган бўлиб қолдингиз, дейишидан ийманди.

Ахир кампирида Абдурахмон чавандознинг қони бор, ўктам ва чўрткесар. Меҳри, меҳри қатори қаҳри ҳам дарё. Аксарият аёлларга ўхшаб худа-беҳуда нарсаларга аралашавермайди. Аралашар бўлса, ҳар қандай ишни бир ёқлик қилмасдан қўймайди. Кечаги йигитларнинг мулойим келиб, мулойим чиқиб кетишларининг босиси шундан. Кампири овозини кўтарган кимсани ёқтирмайди. Шу битта қизимнинг бошини кўриқлашга ўзим-нияма кучим етади, сенларга пишириб қўйибдим бу ерда, дейишдан ҳам тоймайди.

Бу қишлоқнинг удуми шу — уйингдаги меҳмонга қўшинининг ити ҳам ҳурмаслиги керак.

Сардор чол бу ҳикматни биринчи бўлиб Абдурахмон чавандоздан эшитганди. Довонда милтиғи чақилмай, Абдурахмон чавандоз уни ўз қишлоғига бошлаб келаркан, тўққиз боларли уйини бўшатиб деганди:

— Кетсанг, ана катта йўл, қолсанг, мана уй. Бу қишлоқда уйга келган меҳмонга қўшинининг итиям ҳурмайди. Мабодо ҳалиям жонингга қасд қилиш фикридан воз кечмаган бўлсанг, мана яроғинг. Мен буни манову миҳга осиб қўяман. Хоҳлаган пайтингда олмоғинг мумкин. Фақат неки номаъқулчиликка қўл урсанг, аввалига танангга бир ўйлаб ол. Ҳозирча меҳмоним экансан, чиқиб мезбонлигимни қилай.

Абдурахмон чавандознинг ўктамлиги, айниқса, ҳеч нарсани сўраб-суриштирмаслиги Сардорга жуда ёқиб тушганди. Сўраган тақдирдаям, сўйламоғи жуда оғир эди. Сўйлаш тугул, эслашнинг ўзи қийин эди. Аммо ҳарчанд эсламасликка уринмасин, хотира дегани бами-соли қора қўзғундай бостириб келаверарди.

Ўшанда айқашиб ётган яланғоч таналарга қўзи тушганида, дастлаб унда ғазабдан кўра, ҳайрат кучлироқ

эди. Чирмашиб ётганларнинг бири ўзининг жуфти ҳало-ли-ю, иккинчиси «ука»си эканлигига ҳеч ишонгиси келмади. Тоғасининг шаҳарда ўқийдиган ўғлини ўз укасидай кўрарди. Орамиздан ҳеч бўлмаса шу ўқисин деб, ҳар келганида чўнтагига пул солиб кўярди. Бу сафар тупканинг тагидаги бир овайнисидан пул олиб қайтганди. Мана, чўнтагида дўппайиб турибди. Эрталаб ўзи автобусга чиқариб қўймоқчи эди.

Сардор кўз ўнгидаги шармандаликни идрок этолмай тураркан, йўлдан озганларнинг қонида жўш ураётган шайтон фурсатдан фойдаланиб, лип этиб унинг елкасига миниб олган. Қулоғига шивирлаган: «Ўлдириш керак! Ҳаяллатмай отиб ташлаш керак! Яроғинг нариги хонада турибди. Олиб чиқ-да, иккаласиниям шартга отиб ташла!» У шайтон қутқусига учиб, қўшни бўлмага отилиб киради. Яроғини осонгина топади-ю, аммо ўқларга келганда, раҳмон халакит беради. Ўқ жойланган қутичани топиши қийин кечади. Пайпасланиб қидиради, қани энди, лаънати қути топила қолса.

Милтигини ўқлаб чиққанда эса, шармандали тўшак вайрон... Зинокорлар аллақачон ғойиб бўлишганди.

Тонг қоронғисида мудраб ётган қишлоқ бу синоатдан беҳабар. Милтиқ тутган йигит ҳовлида беҳуда кезинади.

Аламдан ҳайқирмоқ истади.

Овози чиқмайди.

Уйга қайтиб кирмоқни ўйлайди. Киришдан жирканади. Фазабдан қилт-қилт титраганча, уй пештоқларига, деразаларига боқади. Хаёлидан, бу уйда энди қандай яшайман, деган ўй ўтиши билан, яроғини деворга суяб, ошхонадан керосин тўла идишни олиб чиқади.

Тонгги қоронғиликни парчалаб, уйи лангиллаб ёна бошлаганида, у аллақачон дўнгликда эди. Яхши ит ўлигини кўрсатмайди, дея боши оққан томонга кетиб борарди. Қасос олиш, ўлдириш истаги сўниб, ўз жонига қасд қилмоқ қутқуси кучайганди. Бу қутқу етовида қанча юрди-билмайди. Йўлда дўппайган чўнтагидаги пулни сезиб, уларни шамолга сочиб юборди.

Нотаниш булоқ бошида бир зумга тин оларкан, етимлигидан ўксинди. Жигарининг хиёрати туфайли тоғаси ва бошқа ҳешларидан айрилганини ўйлади. Ортга, қишлоғига йўл йўқлигини англади. Юз берган воқеа-



ни тоғасига қайси тил билан айтади. Дарвоқе, айтгани билан нима ўзгаради? Майли, бу мудҳиш сир сирлигича қола қолсин. Тоғаси қўлига косов тутиб, жасадини кул орасидан қидираверсин. Воқеани эшитса, минг куяди, ўлган дея гумонланса, бир куяди.

Ўша куни ҳаво намхуш, булутли эди. Қуёшдан дарак йўқ, кўнглида маҳзушлик кучайгандан кучаярди.

У қўлидаги яроғини кўксига тираганини сезмай қолди. Елкасидаги шайтон эса баттар пишанг берарди: «От! От ўзингни! Яшаб нима қиласан бу бевафо дунёда! Биргина ўқдан сўнг барини унутасан!»

Аммо умри бор экан, тўсатдан келиб қолган Абдурахмон чавандоз барига чек қўйди. У унутишни истаган ходисалар эса бир умрга хотирасида михланиб қолди. Дастлаб ёмон, жуда ёмон кийналди. Хайтовур айиқ воқеаси орага тушиб, бир оз чалғиди.

Тонглардан бирида эшик кескин очилиб, остонада Абдурахмон чавандоз пайдо бўлди.

— Айиқ овига қалайсан? — дейди гулдираган овозда. — Биз айиқни тоға, жондорни оға деб улғайган одамлармиз. Хеш деб биламиз уларни. Аммо-лекин қутурганини аяб ўтирмаймиз. Қоратошда айиқ бир кишига хужум қилпти. Қани, лаллаймай, милтиқни қўлингга ол! Баҳонада оёқни чигалини ёзиб келасан.

Энди билса, айиқ фожиаси уни сескантириб, тушқунликдан асраган экан. Ўзга бир жоннинг ўлими уни ҳаётга қайтарган экан. Ўшанда Сардор чол ўлимга рўпара келиб, унинг совуқ нафасини туймоққа улгурганди.

— Товда айиқ кўпга ўхшайди, — деди Отамурод ўз навбатида унинг ҳаёлини бўлиб. — Кеча пастда тезакларини кўргандай бўлдим.

— Улар бизга тоға-да, — дея кулди Сардор чол. — Индамасак, ховлигаям кириб келаверади.

— Қанақасига? — Йигит хайратини яширмайди.

— Шунақасига.

— Отмайсизларми?

— Йўқ.

— Нечун?

— Нечунлигини кеча сўзлаб бердим шекилли.

— Мен эртак деб ўйлабман.

— Биз эртак сўзламаймиз.

— Бунақада товни айиқ босиб кетмайдими?

— Босмайди, — Чол енгил хўрсинди. — Нега деганда, дўстлари қатори фанимлариям кўп. Уларни биз орувлаймиз, бошқалар аяб ўтиришмайди. Қунботишга қараб юрсангиз, Сувлок деган қишлоққа дуч келасиз. Одамлари чаток, сувдагини тутиб, осмондагини отиб ейишади. Бундай олиб қарасак, уларам товлик, бизам товлик, фарқ эса катта. Жониворлар қаерда кўп ўралашади, кадр топган ерида-да. Лекин қутурган жониворни аяб ўтиришмайди. Жон беришига кўмаклашамиз. Сизди ёшингизда биттасига бет бўлганман. Ўлишимга сал қолган. Айиқ қутурган экан, қовурғамни эзиб ташлаган. Мана шу момонгиз оёқлатган мени. Жонимдан тўйиб юрган пайтим эди, сўнг ўлимни истамай қўйганман.

— Қанақасига?

— Тарихи узун бунинг.

Чол кулимсираркан, йигитнинг чанқоқ нигоҳини пайқаб, хикоя қилмоқ истагини туяди.

• • •

Ўлим бу сафар ҳам четлаб ўтганини ўша тўққиз болорли уйда ҳуши ўзига келиб билди. Шифтга тикилиб ётаркан, не воқеа юз берганини тезда англаёлмади. Шарпани илғаб, эшик томон бош бураркан, қўлида ёғоч коса билан кириб келган қизнинг ташвишманд қиёфасидан ўз аҳволи тузук эмаслигини фаҳмлагандай бўлди. Танида кўзғолган кучли оғриқдан шуури тиниқлашиб, тириклигидан воят ажабланди. Бу бир мўъжизадай туюлди. Яхши эслайди, кўкси ва яғринидан яраланган айиқ бор бўйича унинг устига босиб тушганди. Йиртқичнинг қайноқ нафаси юзига урилганида ҳушини йўқотдими ё кейинми, аниқ эслаёлмаса-да, тирик қолганидан ажабланган кўйи, бошига келиб чўнқайган қизнинг хатти-ҳаракатларини зимдан кузатаркан манглайига босилган нам латтадан сесканиб тушди. Шунда бутун вужудига азоб бераётган оғриқ ўчокларини аниқ хис қилди. Кўкси ва қорнида чидаб бўлмас оғриқ бор эди. Дастлаб миясига келгани шу бўлди: «Ишқилиб, ичак-чавоғим жойидамикан?»

Кўрпа остида шалвираб ётган қўллари беихтиёр пайнасланишга тушганди. Қиз, тек ётинг, дегандай қош чимирди. У чаккаларида бармоқ учларини хис қилиб, оҳиста кўзларини юмди.

Кейин кишлоқда яроқ тутишга қодир йигитлар сероб бўла туриб, Абдурахмон чавандоз нечун ўзини танлаганидан ажабланди. Ажабланиши шубха-ю гумон билан алмашинди: «Минг қилсаям бегонаман-да, ўлса ўлиб кетавермайдим деган чиқар». Бирдан ўзини бахтсиз сезиб, миждалари ёшланди. Бегона кишлоқ, бегона том остида ётиши ёмон қор қилди. Тоғаси қуриб берган уйга ўт қўйиб, мана, етти ёт бегоналар орасида хешсиз, биродарсиз ётибди. Тоғаси қидираётган чиқар. Ё ёниб кетган дея гумон қилдимикан? Тоғасининг ўгли шаҳарга кетгани аниқ. Хотини қайси гўрга бош уриб борди экан. Ҳойнаҳой, эрим уйдан хайдади, дея отасиникига боргандир. Балки ўйнаши билан шаҳарга қочиб кетгандир.

Ўшанда нега хотинини қидирмади? Фазаб устида уни топиб, қонига беламади! Қаҳри чексиздай эди, аммо қаҳридан умидсизлик ва руҳий тушқунлик устуворлик қилди... Қизик, яқингача ундан бахтли одам йўқдай эди. Қўрасида беш-олти моли, уйида гўзал хотини, шундоққина биқинида меҳрибон тоғаси. Буни қарангки, бир сонияда бари саробга айланди. Аёли қочди, уйи ёнди. Ўзи эса ити танимаган ёт бир кишлоқда шифтга тикилиб ётибди.

— Вой, манову кишининг йиғлашини!

Сардор ўзига келиб, кафти сирти билан яноқларини суртди. Ўзига ҳамдардлик билан қараб турган қизга хижолатомуз боқди.

— Амаки қани? — деди шундагина Абдурахмон чавандозни эслаб. — Тирикми ишқилиб?

Қиз, тирик, деган маънода бош ирғаб, эшик томон юрди.

Абдурахмон чавандознинг омонлиги Сардорни унча қувонтирмади. Қўнглида ададсиз иддао бош кўтарганди: «Кишлоқда шунча йигит бўла туриб, ажалга мени рўпарў қилди-я. Минг қилсаям бегонаман-да».

Аламли ўйлардан янада тиниклашган шуурида бўлиб ўтган воқеалар секин-аста ёрқинроқ жонлана бошлади.

Айиқ кутилмаган ердан чиқиб келди.

Улар Қўшсув теварагини кўздан кечиришаётган эди. Қўнғир айиқ қоя тубидаги буталар орасидан тўсатдан чиқиб қолди. Абдурахмон чавандоз қутуриб ташланган йиртқичга кетма-кет ўқ узди-ю, эпчиллик билан ўзини четга олди.

— От! — дея ҳайқирди милтиғини қайта ўқлашга уринаркан. — Отсанг-чи!

Сардор ўқирганча устига бостириб келаётган айиққа ҳар иккала ўқни бўшатишга базўр улгураркан, ортига тисарилаётиб, тошга қоқилди. Чалқанчасига йиқилди. Йиртқич унинг устига босиб тушди.

Кейин эшитса, Абдурахмон чавандознинг сўнгги сонияларда узган ўқи жонига оро кирган экан. Узилган ўқлардан бири жониворнинг қулоғини, бири эса миясини титиб юборган экан. Жони узилаётган йиртқичнинг биргина панжа силкишиёқ йигитни абгор қилган экан. Улкан панжаси билан бир уришда ҳўкизни йиқитадиган ҳайбатли жониворга одам боласи нима бўлибди, хасдек бир гап-да.

Ўлимга илк бор юзма-юз келган Сардор лаҳзанинг ўндан бир улушига тенг вақт оралиғида кўп нарсани, яъни тирикликнинг нақадар омонатлигини, ҳаётнинг ғоят ширинлигини, тирик жон борки, ўлимга осонликча бўй беришни истамаслигини, сўнгги нафасигача талашиб-тортишишга ҳозирлигини, бунақа пайтда нурга йўғрилган борлиқ ўзга бир тус олишлигини англашга улгурди. У қоронғилик қаърига сингиб кетаркан, сўнгги сонияда сезгани йиртқичнинг қонга тўла нигоҳи бўлди. Унинг кўзларида жазава қаторида, чорасизлик, аллақандай ададсиз илинж учқунлари ҳамда ҳаётга ташналик бор эди.

Бирок у бу ҳақда ортиқ ўйламасликка тиришар, ўзи-ча Абдурахмон чавандоздан ўпқаланиб ётарди. Қўйиб берса, пиқиллаб йиғлашга ҳам тайёр эди-ю, қизнинг қайтиб кириб қолишидан ийманиб турарди. Хуллас, ёлғизлик қаттиқ қор қилиб... Аммо дунёда шундай кишилар борки, уларнинг туриш-турмушию хатти-ҳаракатидан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Бундайларнинг кенг кўксига бир зумга бош қўйишинг биланоқ ҳар қандай дарддан халос топгандай бўласан. Уларда тириклик деб аталган қудратли бир куч мужассамки, эзгин ҳаёлларингни қувиб, яшашга иштиёқ уйғотади.

Эшиқдан гуриллаб кириб келган Абдурахмон чавандоздан шу нарсани хис қилган йигитнинг гумонлари тумандек тарқаб кетди. Чавандознинг соғлом чехрасига ёш боладай жавдираб, ютиниб боқди.

— Қалай, ўзингга кеп қолдингми? — деди Абдурахмон чавандоз гуриллаб. — Қўлинг бут, оёғинг соғ, қовурғаларинг бир оз лат еган, холос. Ҳечкиси йўқ, ҳадемай отдай бўп кетасан. Аммо қойилман, сира ўзингни йўқотмадинг. Эмасам, иккимизни ҳам таппидай эзиб ташларди у. Бунақа жониворни икки-уч ўқ билан йиқитиш қийин-да.

Сардор инграниб қўйди.

— Ҳи-и, ўлим осонмикан? — Абдурахмон чавандоз истехзоли жилмайди. — Сен эса Худо берган ширин жонингдан осонгина воз кечай деб ўтирибсан. Ўлим нелигини ўз кўзинг билан кўргин деб эргаштириб чикдим сени. Эмасам, қишлоқда йигитлар камми. Айтганча, довон орти қишлоқларидан бирида қизиқ воқеа бўпти. Бир йигит хотинини ҳайдаб, уйига ўт қўйиб, бошини олиб кетганмиш. Тагин сен бўлмагин у? Тусмолимча сенсан-ов. Воқеага қараганда, аёл кишидан катгароқ гап қочганга ўхшайди. Акс ҳолда йигит одам уйига ўт ёқиб, кўкрагига милтиқ тираб юрмасди. Рангинг кўп ўчмасин, не гап ўтганини сендан сўраётганим йўқ-ку. Гап шу, бугундан бошлаб сен шу қишлоқнинг фарзандисан. Менинг жигаримсан! Яраларинг битиб, ўйноқлаб кетсанг, ҳали уйланаман дерсан. Ҳаёт-да бу. Агар ниятингни сўзда айтолмасанг, чакмон остидаги манову белбоғни ўрта михга осиб қўй. Шунчаки белбоғ эмас, авлодимиз «тил»и бу! Тил андишага борганда, бу сўзлайди. Тушунмадим дейсанми? Тушунишинг шарт эмас, айтганимни қилсанг бас. Қолган гапни эса кейин гаплашаверамиз. Қишлоқда қолиш-қолмаслигинг ўзинга ҳавола. Ҳозир эса тезроқ оёклаш пайида бўл!

Ўшанда у Абдурахмон чавандознинг ўктам гапларидан рух олганди, қувват олганди. Назарида, ҳозир қаршисида жони ҳалак ҳолда эзилиб ўтирган Отамурод ҳам шу хил кўтаринки хитобларга жуда муҳтождек эди. Афсуски, у Абдурахмон чавандоз эмас, камсукум бир одам. Ҳозирги ҳикояси эса йигитни чалғитиш, аниқроғи, гурунгу учун эди. Ахир меҳмоннинг олдида мум тишлаб ўтиролмайдими-ку.

Сардор чол шуни аниқ билардики, агар бугун қизи томонидан тайинли бир жавоб бўлмаса, йигитнинг яна қишлоққа келмоғи жуда қийин кечади. Бу сафар-ку тўрт-беш қоп ёнғоқни баҳона қилиб келди. Ана, машина

устида кераксиз буюмдай уюлиб ётибди. Йигит асл мақсадини яширган бўлса-да, чол аллақачон барини фахмлаб улгурганди. Нега деганда, арзон-гаров мева-чева илинжида келганлар ҳеч вақт совға-салом тўлдирилган ялтироқ қути билан ташриф буюрмайди. Кейин бир тийин устидан ўлиб-тирилиб тортишади. Сўнг харид қилган нарчасини олишади-ю, худди ёв кувгандай дарров изига қайтишади. Ўша ялтироқ қутида бир гап борлигини чол қизининг хатти-харакатиданок пайқаганди.

Бироқ чолнинг ташвиши бутунлай бошқа томондан эди. Қишлоқдан йигитнинг эсон-омон чиқиб кетишини ўйларди. Кеча қишлоқда кимдир хунук гап тарқатибди. Чол не гаплигини шомга яқин мулојимгина бўлиб келиб-кетишган уч йигитнинг авзойидан сезганди.

Улар аяб ўтиришмайди.

Чол мана шунисидан хавотирда эди.

У аллақерга гум бўлган қизини йигитгина эмас, қозон бошида куймаланаётган кампири ҳам илҳақ кутаётганини фавқулудда фахмлаб қолди. Кампири атай имиллаган кўйи, сой томонга, киши билмас, қараб-қараб қўймоқда эди.

Айиқ тўғрисидаги гурунғ орасида тилга олиб ўтилган белбоққа йигит қизиқиб қолганида, чол бу ҳақда ҳам гапирмоқчи эди. Йигит қизиқмагач, у хотиралари билангина чеклана қолди.

Ўшанда ипак билан безак берилган кирмизи ранг қадимий белбоғни икки тоқча оралиғидаги катта миҳга осгани билан ниятини илғатиши жуда қийин кечганди. Ахир қандай қилиб айтсин. Айтса, Абдурахмон чавандоз ўлдириб қўядигандек эди.

Абдрахмон чавандоз бир-икки сўровдан сўнг, ниманидир сезди шекилли, қисташни бас қилди. Йигитнинг очилишини кутди.

Сардор эса хануз жим. Хатто қайдандир дарагини эшитиб келган тоғасига ҳам бу ҳақда оғиз очмади. Тоға эса, тўсатдан ғойиб бўлган жиянидан роса ўпка-гина қилди. Сабабини сўраб-суриштирди. Бўлиб ўтган хиёнатдан тоғанинғ беҳабарлигини сезган Сардорнинг айтган гапи шу бўлди.

— Ичимда бир касалим бор экан, унга шу қишлоқнинг ҳавоси даво экан.

— Ҳаво дейсанми? — Тоға баттар ажабланди. —

Бизам товда яшаймиз шекилли?! Ё бу ернинг хавоси сутга чайилган эканми, ёки асалга қорилганми? Хай, унда нега уйингга ўт кўйдинг? Бунисига нима деб баҳона топасан?

Сардор дастурхон четини букиб, ёзганча тўнғиллайди:

— Ичи тўла микроб экан, ёкиб юбордим...

Абдурахмон чавандоз мезбон, тоғанинг чойига қаради, овқатига қаради, лекин суҳбатига аралашмади.

Тоға ҳайрон кетди, кўзларини намлаб кетди.

Эртаси эса миҳдаги белбоғ тўсатдан ғойиб бўлиб қолди. Абдурахмон чавандознинг аёли уни қизининг хонасидан топиб чиқди. Чавандоз белбоғни тутамлаб, узок ўйга толди. Тошга ўтириб, ўйлади, ҳовлига чиқиб ўйлади, тоғларга боқиб ўйлади. Сўнг йигитни каватига чорлади.

— Ниятинг қолишми, кетиш? — деб сўради.

— Ҳозирча кетиш ниятим йўқ, — Сардор ердан кўз узолмай гапирди. Қора терга тушиб, вужуди қалтираб сўзланди: — Кейин... бир гап бўлар!

— Унда иморатга ер танла!

Сардор теваракка кўз солди. Ер танлаши қийин бўлди.

— Иморатни, анову газага сол, — дея кўмакка келди Абдурахмон чавандоз. — Бу газанинг қишлоққа ҳеч дахли йўқ...

Сардорга илгари қишлоқдан айро бўлган бу дўнглик жуда маъкул келди. Қишлоққа ичкуёв бўлишни истамай турганди. Абдурахмон чавандоз буни дарров фахмлади ва эртаси қишлоқ йигитларини дўннга бошлаб чиқди.

Йигитлар хаш-паш дегунча иморатни тиклашди.

Сардор миҳдаги белбоғни олиб қўйган қизга уйланди. Абдурахмон чавандозга куёв бўлди. Қишлоқ аҳли учун эса «яккатомлик куёв»га айланди.

• • •

Отамурод эшик ва деразалари зич ёпиқ кулбага, сойга энган сўкмоққа зимдан-зимдан кўз кирини ташлаб кўяркан, жувоннинг рад жавобидан қалби ўпирилиб тушишини қайта ҳис қилди. Сардор чолнинг гурунги ортик қулоғига кирмай, маҳзун хаёлга толди.

У тўсатдан севиб қолиши мумкинлигини ҳеч ўйига келтирмаганди. Бу туйғу ширин, ўз навбатида, ададсиз азобларга гирифтор қилишини билмаган экан. Айни дамда эса, кўнглида саркашликка ўхшаш нимадир уйғонган. Илкис ўрнидан кўзғалиб, умиду армонларини, азобу тотли ҳисларини шу ҳовлида қолдириб, жўнаб кетгиси келарди. Бирок у кўринмас бир ип билан шу қадар чирмаб ташлангандики, уни шартга узмоққа на холи, на истаги бор эди. Қарашлари ёш қизалокларникидай хокисор, табассуми ғоят жозибали, юзлари шудринг ювган тоғ лоласидай товланувчан бу паривашнинг хуркак нигоҳлари нималарнидир ваъда қилардики, уни биргина кўрмай кетишнинг ўзи бориб турган азоб эди.

Қаерда у? Наҳотки кўнгил изҳорига унинг берган жавоби шу бўлса!

Йигитнинг турли гумон ва умидсизлик гирдобида азоб тортишига сабаб бўлган Зумрад эса айни дамда қишлоқдан унча олис бўлмаган арчазорда тиззаларини қучганча хаёлга чўмиб ўтирарди. Оёқлари тагида вафодор ити Тўрткўз ётарди. Жувоннинг маънос нигоҳи сийрак арчали бетга қадалганди. Бу қишлоқ аёллари мозорга боришмайди. Рози-ризалик учун жувон бу ерни бекор танламаганди. Кўз очиб кўргани мана шу бетдан қўчган қўчки остида қолиб ҳалок бўлган. Қишлоқ аҳли қидириб топгунга қадар, ўн кундан ошиқ шу ерда ётган. Жувоннинг назарида, унинг биринчи қабри мана шу маскан эди. Бу ерга келиб-кетишига эса ҳеч ким монелик қилмайди. Исталганча хаёлга чўмиб, хоҳлаганча кўз ёши тўкиши мумкин.

Ҳар сафар бу ерга келганида, наздида, бутун олам унга қўшилиб, мотам тутгандай туюлади. Арчалар сукутда қотади, майин шабада шўхлигини бас қилади, тоғ жониворлари сас чиқармасликка тиришади...

Кеча йигит ёнғокзорда холи учратиб, ризолигини сўраганида ҳам у мана шу манзилни қора тортганди. Сийрак арчали бетга тикилганча, қалбидаги кечинмаларини қуйидагича баён этганди: «Тўрт йил иззатингизни қилдим. Шу вақтгача ёлғиз сизнинг хаёлингиз билан яшаб келдим. Бундан сўнг бу тарзда яшаёлмайман. Яшашим ҳам мумкин эди. Аммо қулаган харсанг эзиб ўтган арча новдасиям қайта кўклашга уринади, офтобга интилади. Мен-ку бир тирик инсон. Агар билсангиз, бе-



шик тебратгим келади! Гўдак хидидан маст бўлгим келади! Назаримда, мехмон йигит ёмон йигитга ўхшамайди. Қарашлари самимий, кулишлари ёқимли... Мени ташлаб, узоқларга кетаркансанда деб ўпкаламам мендан. Аёл бамисоли бир тош, каерга отилса, ўша ерда тек қотмоғи лозим. Бу қишлоқда менинг тенгим йўқ. Бари уйланган, жойланган... Менам гўдак қучсам дейман! Суким кирмасин деб, дугоналаримнинг боласини қўлимга олишдан кўрқаман. Қийналиб кетдим жуда! Шунинг учун айбламанг мени! Рози бўлинг мендан! Тушларимга кириб, ризолигингизни билдиринг. Шўрлик йигит жуда қийналиб кетди. Кўзлари тўла мунг. Кўп азоб тортганга ўхшайди. Рози бўлсангиз, у шўрликнинг ёқасини оқартирай, бошини қировдан асрай! Бешик қучиб, гўдак хидлай! Белги беринг менга. Бу ёқда қишлоқ йигитлари фимирлаб қолишди. Нимадандир фаши келаяпти уларнинг...»

Бугун эса жувон ўзида йўқ шод эди. Эрининг рухидан миннатдор эди. Тонга яқин тушига эри кирибди. Узоқ жилмайиб туриб, қўйнидан оппоқ шоҳи рўмол чиқариб берибди. Рўмолингизни қайтардим, бахтингизни берсин, дея аста кўздан ғойиб бўлибди. Бундан миннатдор жувон эрининг рухи билан сўнгги бор хайрлашгани келганди.

Табиий, Отамурад бу синоатдан беҳабар. Зумрадининг тўсатдан ғойиб бўлишини ўзича тусмоллаб, турли хаёллар исканжасида қоврилиб ўтирарди. Кўнглига йўл тополмадим, дея азобда эди.

Одатда, аёллар билан тил топишиш Отамурад учун ҳеч қийин кечмасди. Самимият билан ёндашгани учунми, аёллар унга тез эл бўларди. Аммо нозиктаъблиги туфайли, ҳар қандай аёл ҳам унга ёқавермасди. Анчадан бери кўпол, серғалва ҳайдовчилар даврасида тирикчилик қилиб келаётган эса-да, хали-хануз нозиктаъбликдан қутулмаган, чапанилик унинг табиатига бутунлай ёт эди. Шунинг учун ҳам оғзи шалоқ ҳамкасблари гурунгига кўпда қўшилавермас, гоҳида одам қайнаётган бозор майдонига хаёлчан тикилиб, нима қип юрибман ўзи бу ерда, деган ўйга борарди. Шунда тириклик туссиз, одамлар эса хиссиз кўриниб кетарди кўзига.

Бир хилдаги туссиз кунлар — на қувонч бор унда, на умид. Биров сенга талпинмайди, сен бировга интил-

майсан. Мулоқотлар ўта жўн. Кун билан туннинг айланиши ва эврилиши тирикчилик деган ҳиссиёз тушунча теварагида кечаётгандек туюлади.

Нимаси бу?

Бир вақтлар ўзи муқаддас деб билган, эзгу орзуларга тўлиқ тирикчилик нечун бу қадар жўнлашиб кетди?

Хаёлга толади.

Бунақа пайтда луғат бойлиги ниҳоятда қашшоқ, серғалва ҳамкасбларининг овози қулоғига кирмайди. Девона, дейишади бошқа ҳайдовчилар унинг бир чеккада хаёлга ботиб ўтиришини кўриб. Шунда «девона»нинг хаёли бирдан бўлинади. Бошини кўтариб, ўзига салом берган кимсага ажабланиб боқади. Тезда таний қолмайди. Қаршисидаги кимса «устоз» сўзини тилга олгандан сўнггина, рўпарасида собиқ ўқувчиларидан бири турганлигини фахмлайди. Куюқ сўрашаркан, ўсиб кетибсан, униб кетибсан, деганга ўхшаш чучмал гаплар қилади. Ичдан эса ўзини жуда ноқулай ҳис этади. Ўз навбатида, қаршисидаги кимсанинг кўзларида зухурланган ҳайратни илғамай қолмайди. Бунга сари баттар сиқилади. Ахир бир вақтлар дарё ва денгизлар, ўрмон ва кенгликлар ҳақида берилиб сўзлайдиган, зиёли бир одамнинг ирқит чойхонада, бақирок кишилар орасида ўтириши қизиқ-да. Боз устига, эгнидаги кўйлаги вижим, соқоли киртишланмаган, фақат қарашларигина ўша-ўша, соқин, хотиржам ва меҳрли.

У, бу ишда оппоқ кўйлак кийилмайди, бўйинбоғ ҳам ортиқча, дегиси келади. Нега? Неғалигини эса ўзи ҳам билмайди. Изоҳ нечун, бари рафторингдан кўриниб турибди-ку! Қизиқ жиҳати, қуёш илғари ҳам худди ҳозиргидек нур сочарди. Ҳозир ҳам шундай. Бирок нимадир ўзгарган. Ташида эмас, ичида. Демак, олам дегани кўнгили экан-да. Кўнгилдаги эврилишларга қараб, қуёш тусланаркан-да. Манглайида хол-аҳвол сўраб турган собиқ ўқувчиси унинг ўтмиши, мақсад ва маслакка йўғрилган кечаги куни. Бутуни эса жуда ночор. Нақадар ночорлиги эса қаршисидаги кимсанинг кўзларида акс этиб турибди. Шунингчун ҳамшиша собиқ ўқувчиларидан қочмоқ истайди. Аммо улар узокдан кўриб юғриб келишаверади. Хатто яқинда бири шеърый китобчасини ташлаб кетди. Шапалоқдеккина.

У бир лаҳзага ўтмишга қайтди. Кафтидаги китобчани авайлаб варақлади.

— Эҳтиёт бўл, тагин тушириб синдириб қўйма.

У бошини кўтаради. Ўзига ишшайиб тикилиб турган ҳамкасбларини кўради. Чуқур хўрсиниб, теваракка кўз ташлайди. Бозор, тирикчилиги билан банд оломон. Юраги ториқади. Қўланса бир гапдан сергак тортади.

— Китобчангдан бир-икки варақ йиртиб бер, нарёққа ўтиб келай.

Йигит шу дамгача ҳақорату камситишларнинг турлитуманини эшитган. Лекин бунисига тоқат қилмоқ қийиндек туюлади. Ўнг панжаси беихтиёр мушт бўлиб тугилади. Бопладимми, деган маънода илжайиб турган йўғон хайдовчи йигитнинг ҳиссиз афтига ғазабнок тикилади. Дўппосламоқ ўйида ўрнидан кўзғаларкан, бирдан нијатидан қайтади. Онгсиз бир вужуд-ку бу, урмоқдан не фойда, деган хаёлга боради. Ўзини боса олганидан қувонади. Сўнг қўлидаги китобга чалғийди. Ундаги гўзал сатрларни кимгадир ўкиб бергиси келади. Таажжуб, тевараги тўла одам-у, лекин бирор тингловчи йўқ. Шунда сўрида оёқларини осилтириб, валақлашиб ўтирган шерикларига, тирикчилик ғамида ивирсиб юрган бошқаларга шогирдининг гўзал тугёнлари кераксиздай туюлади. Унда нима учун ёзилади бу беғубор ташбехлар?!

Йигитнинг кўнгли ғаш тортиб, ўзини бу ерга боғлаб турган сабаб ҳақида ўйлайди. Ўйлаши билан яқин ўтмиши қаъридан кўзлари қаҳрга тўла аёлнинг маккор сиймоси қалқиб чиқади. Аёлнинг юпқа лаблари орасидан «қанот қоққан» сўнгги иборагача Отамурод дунёда киракашлик касби борлигидан беҳабар эди. Бозор майдо-ни чеккасида қатор турадиган машиналарга кўзи тушарди-ю, лекин бу олам сир-асрорлари билан иши бўлмасди. Кейин юз берган воқеалару кескин равишда ўзгарган турмуш тарзи мисоли занжирдек бир-бирига боғлиқ эса-да, барча тафсилотлар бошида шу биргина захарли ибора қалқиб турарди.

«Сен ҳам эркакмисан!»

Сайилда қиз танлама, безаги тишда-ю иллоти ичида бўлади, деганларидек, аёлининг «ялтирок» лигига учиб уйланган Отамурод кейин бошини чангаллаб қолди. Аёлининг уқувсизлиги етмагандек, дили сўқир, тили узун

эди. Сўзнинг фаҳмига етавермасди. Сўнгги бор айтган гапи эркак киши учун нақадар таҳқирли эканини кейин ҳам англаб етолмаган. Уйдан бош олиб кетган эрининг қилигидан ажабланган, аразлайдиган нима дебман? Саволи жавобсиз қолгач, енг шимариб, чинакамига хужумга ўтган. Хафа қилиш мана бунақа бўлади, дея йўқ ердаги тухматларни қалаштириб, судга шикоят ёзган. Мактабга келиб тўполон кўтарган. Мактаб жамоаси йигитни ҳимоя қилишдан кўра, тинчликни афзал билган. Кўпчилик эса қуруқ бу тухматга чиппа-чин ишонган. Одам боласи ичида-да, ким ўйлабди дейсиз, бу одамнинг бунчалик ёвузлигини!

Отамурод мактабни тарк этди-ю, аёлининг таъқибидан кутулди.

Аёли эса, ўзича ундан бошлаб ўчини олган бўлди.

Отамурод ичкиликка муккасидан кетиб, ишини ташлаб қўйган жўраси Дониёрнинг машинасини ижарага олиб, бозор майдонига чиқди. Юқорида таъкидлаганимиздек, эркаклигини Ботир довонгга намоёиш этиб, киракашлар жамоасига аъзо бўлиб олди.

Бўш пайтларида бостирма тагидаги қурилма билан андармон бўларкан, жўраси Дониёр ширакайф холда кириб келади.

— Битмадимми ҳали?

— Битиб қолар.

— Сўнг маза қилиб учасанми?

— Насиб этса.

— Бунинг икки кишини кўтарадимми?

— Кўтарса керак.

— Кейин қаёққа учамиз?

— Бошимиз оққан томонга.

— Унда товга учамиз.

— Нега энди товга?

— Биласанми, умримда ҳали баланд товга чиқиб кўрмаганман.

Икки жўра ховлидаги ёғоч ўриндикка ёнма-ён чўкишиб, узокдаги тоғларга тикилишади.

— Агар мени товга оборсанг, ичкиликни ташлаб кетсам керак, — дейди Дониёр сигаретини буруқситиб. — Товда дўкон йўқ, демак, виноям йўқ. Одамлар ғашингга тегмайди. Жондорларга ошна тутиниб, тинчгина яшайсан.

Отамурод тоғ томонга диққатла боқади. Шу пайтгача хеч тоққа чиқмаганини ўйлайди.

— Шунинг учун манову матоҳингни тезроқ битир, — дея мингирлайди Дониёр. — Кетамиз товларга бош олиб. Булоқ сувидан ичиб, жўхори нон еймиз.

— Нега энди жўхори нон?

— Товда жўхоридан бошқаси унмаса керак деб ўйлайман.

Отамурод кулади.

— Кулма, бизам газит-пазит ўкиб турамиз, — Дониёр жаҳлланган киши бўлади.

— Бунинг битишини кутиб тургандан кўра, ўзим сени мошинда тоққа олиб чиқа қолай.

— Йўк, — Дониёр лабларини чўччайтириб, бош чайқайди. — Фақат мана шунда чиқамиз. Учи-иб чиқамиз.

Отамурод тоғларга бот тикилади. Тоғлар негадир кўзига сирли кўринади.

Мана энди эса, у жўраси орзулаган тоғда ўтирибди. Тоғлик жувоннинг ишқида юраги хун, жигари пора... Ундан эса, хануз дарак йўк.

У йўлига қўзғалган бўлади.

— Турай мен энди.

— Таом пишай деб қолди, — Сардор чол жиддий эътироз билдиради. — Биратўла еб кетасиз энди.

Дилгир кўнгли бу гапдан оройиш топиб, қайта жойига чўқади.

• • •

Ичкаридан бир жуфт чинни коса кўтариб чиққан кампирни кўрган Отамуроднинг кайфияти баттар бузилди. Мана, ҳадемай овқат сузилади. Таомдан сўнг унинг бу ерда ортиқ қолиши мумкин эмас. Хурмати борида кетгани маъқул. Агар Зумраднинг кўнгли бўлганида, кетишини билади, аллақачон қорасини кўрсатарди. Демак, юрагида уйғонган барча орзу ва умидларини мана шу тоғлар бағрига кўмиб, изига қайтишга мажбур. Олдинда эса уни бир-бирига ўхшаш руҳсиз ва рангсиз кунлар кутмоқда. Дилгир оқшомлар пайт пойламоқда.

Оқшомлари у бирор юмуш билан банд бўлиш учунгина қозон осади. Қизиган қозонга ёр сола-сола, сигарет тутатади. Ҳовли юзига ўйчан тикилганча, музлатгичдан

тўрт-беш тухум олади. Азбаройи овқат егиси келганидан эмас, азалий одатга бўйсунди. Эсида, кечки таом болалигидан унда ғаройиб бир кайфиятни уйғотарди. Деворлари қирмизи ранг сўзаналар билан безатилган чоғроқ хонада бу кайфият негадир янада кучаярди. Таом сузиб кирадиган онаси, тўрда ёнбошлаб ётадиган отаси нечундир бу дунё одамларига ўхшамас, кўзига бошқача кўришиб кетарди. Қисқаси, сирли ва сурурли дамлар эди. Бироқ кейинчалик бу хонадонга кириб келган хотини деворлардаги сўзаналарни юлқиб ташлади. Уйни мебел билан тўлдирди. Йигит кўниккан эртакнамо тус йўқолди, шунингдек, ғаройиб рух ҳам. У ўзини тақир ерда қолгандек ҳис эта бошлади. Бу ҳақда аёлига «нола» қилганда, хотини уни тентакка чиқарди. Тақдири аёлидан айро тушгач эса, у бозордан турли хил қирмизи ранг сўзаналар сотиб олиб, ҳозирги уйига бошдан-оёқ осиб чиқди. Ўзича безатди. Аммо бу қирмизи ранг у болаликдан кўниккан ўша таниш ҳароратни беролмади. Сўзанали уйга суюкли аёл ҳам керак экан. Бироқ уни бозордан сотиб олиб бўлмасди. Мушкул иш бу — ёмони келса, уйингни куйдиради. Унда яхшисини қандоқ топмоқ керак? Бунинг учун эса, аввало юрак қурғур жиз этмоғи лозим.

Юрагини жизиллатган аёлдан эса хануз дарак йўқ. Аҳмоқ бўлиб, неча кундирки уни ўз хонадонида тасаввур этиб юрибди! Унинг хаёли билан туриб, унинг хаёли билан яшаб юрибди! У эса, мана, рад жавоби сифатида қорасиниям кўрсатгани йўқ.

Отамурод, сен бўлмасанг, бошқаси, дейдиган йигитлардан эмасди. Муҳаббатсиз турмушнинг нақадар совуқлигини у бошидан кечирган, бундай рўзгорнинг боридан йўғи яхшироқлигини англаб улгурганди. Яна билардики, ёмонни яхшилаб бўлмайди. Айрим эркакларга ўхшаб аёлни зулм остида ушлаб туришни жини суймасди. Аёлинг шундай бўлсаки, уни кўчадан соғиниб қайтсанг, дерди. Худди отасидек. Кўчадан қирган отасининг кўзи онасидан бошқасини кўрмасди. Аланг-жалаң қараниб, онанг қани, дерди. Онаси ошхонадан, ё кўрадан туриб овоз бергачгина тинчланарди-да, сўнг болаларининг мавжудлигини сезгандай бўларди. Келини ёмон чиққач, у ёмон келинга аёлини талатиб ўтирмади. Чоғроқ ҳовлисини ўғлига ҳадя қилиб, ўзи катта ҳовли

олиб, чикиб кетди. Ҳозир ҳам беозор мусичалардай бир-бирига суйкалишиб умргузaronлик қилиб келишади.

Йигит ҳаётини жувонсиз тасаввур этишга ўзини кўниктиришга тиришаркан, бирдан юраги орқасига тортиб кетди. Яна ўша совуқ уй, хамиша ширакайф Дониёр, гала-говур шовқинига тўла бозор майдони, ҳистуйғудан йироқ киракаш шериклари... йилт этган нурдан эса дарак йўқ. Рўшнолик истаб борадиган аёлидан аллақачон кўнгли қолган. Бошда шаҳарнинг шимолий қисмидаги кўп қаватли уйлар кўзига жуда иссиқ кўринарди. У бу уйлардан бирида турувчи жувонни чинакамига суймоқ истарди. Бироқ аёлнинг таъмагир нигоҳлари бу туйғуга изн бермасди. Жувон, севаман, дерди-ю, севмаслиги, аниқроғи, суя билмаслиги кўзларидан билиниб коларди. Унинг барча айланиб-ўргилишлари риёкорлик асосига қурилгандек, йигит бу хонадонни хамиша эзгин бир кайфиятда тарк этарди.

Хўш, йигитни унда нима борлаб турибди?

Отамурод хаёлига келган бу саволни хамиша нари қувлашга тиришарди. Жувоннинг тақдирига эш бўлмоқ кўйида ўртанади. Аммо... Аёл феълидаги очкўзлигу таъмагирликни яширмоққа минг уринса-да, барибир билдириб қўярди. Ҳарҳолда буни йигит сезарди.

У таъмасиз меҳрни кўмсарди.

Ойда бир келиб, топган-тутганидан каттагина улуш олиб кетадиган хотинидан фарқли ўлароқ, бу аёл жуда ширинсўз эди. Жонимлаб жонини оларди. Йигитнинг назарида, ўзидан кўра, пулини яхшироқ кўрадигандек эди. Ва сўнг шундай бир воқеа юз бердики, йигит ўзининг кадр-қиммати нечоғлигини фахмлаб етгандек бўлди. Жувон сўраган маблағ унда бор эди. Негадир ўзича ноз қилгиси келди. Ҳозир ёнимда йўқ, кейин тўғрилаб бераман, деди. Шунда аёл шундай бир энса қотар қараш қилдики, йигит уни таниёлмай қолди. Жувон ортиқ бир сўз айтмади. Айтишни истамасди. Қарашлари билан йигитни жойига михлаб, чиройли қоматини кўз-кўз қилганча кетди борди. Йигит сездик, агар ҳозир чўнтагидан у айтган пулни чиқарса, аёл яшчаб кетади. Ялаб-юлқашу, суйиб эркалашдан ҳам тоймайди.

У чинни косаларни ювиб, бир четга териб қўяётган сампирнинг ҳаракатларини зимдан кузатаркан, уни ун-

чалик ошиқмаётганини сезді. Назарида, чол ҳам нима-нидир кутаётгандек эди.

Андиша деб аталмиш туйғу исканжасида беҳаловат ўтирган Сардор чол тонгда ғойиб бўлган кизини йигитдан кам кутмаётганди. Бироқ буни билдирмасликка уринар, гоҳо эса тўсатдан ғазаби кўзиб, бу уруғ шунақа — на ғазабини ошкор этади, на кувончини, бошда менам роса қийналганман, дегиси келарди. Бироқ бу гапларни меҳмонга айтиб бўлмасди. Йигитнинг қизига бефарқ эмаслигини сезган кундан буён ошқора гурунглاردан ўзини тийиб келарди. Ўзига қолса-ку, буйтиблар қийнамай, одамингни юбор, шунда бир гап бўлар, қизим хоҳласа, никоҳингга оларсан, йўқ деса, манглайингга бир уриб, изингга қайтиб кетаверасан, дегиси келарди. Бунинг энасиям шунақа эди, чимилдиққа кирмагунча суярини билдирмаган, миҳдаги белбоғни олганига суюниб, ўзимча сал суюлмоқчи бўпман, ўшанда укаларидан калтак еб қолишимга озгина қолган, дея гурунг бермоқни истарди.

Чол, сиқилгани етмагандек, қишлоққа чўмган муд-хиш бир сукунатдан жуда хавотирда эди.

У бу хил ҳолатни узок йили, яъни Шавкат шапка ўлдирилган куни ҳис қилганди. Ўшанда ҳам қишлоқ худди бугунгидек ғаройиб бир сукутга чўмганди. Барча ниманидир кутаётгандек, гунг ва дилгир эди. Бўрон ол-дидан бўладиган қандайдир сокинлик, бўрон кўпиши эса аниқ эди.

Буни фақат туман ҳарбий бўлимнинг вакили бўлмиш Шавкат шапкагина сезмади. Қўнғир отига ми-ниб, қишлоқни тарк этаркан, катта чинор тагида тизи-лишиб ўтирган чолларга писанда қилди: «Партия ва ҳукуматимиз учун ҳамма бир. Улларинг ҳарбийда хиз-мат қилишлари шарт! Тупканнинг тагида биқиниб, фуқаролик бурчларингни бутунлай унутиб қўйибсанлар. Энди бундай бўлмайди...»

Аммо ўша куни довои ошиб, манзилига етолмади. Муюлишдаги жардан учиб ҳалок бўлди. Уни жардан улоқтирган Шоқир кичкинанинг топган баҳонаси шу бўлди: «Мени ҳарбий хизматга борасан деди, боргим келмади...» Шундан кейин ҳарбий бўлинма ходимлари қишлоққа ёлғиз келмайдиган, қуролсиз юрмайдиган бўлди.



Аслида Шокир кичкинанинг икрори фирт ёлғон эди. Фожиага Шавкат шалканинг оғзи шалоқлиги-ю, ўзига беҳад бино қўйганлиги сабаб бўлганди. Чиними, ҳазилими, ишқилиб, шу гап оғзидан чиққани рост эди: «Анову бева опангни бир кечага берсанг, сен армиядан бутунлай озодсан...» Уйнинг эркаги ҳисоблашмиш йигитнинг жусаси пачокроқ эди. Тоғлиқ йигитларга ўхшамас, анчайин ушокроқ эди. Бироқ гурури тоғдан баланд эди. Ҳозирча меҳмон ҳурмати учунгина ўзини босиб ўтирарди. Чайир бармоқлари тагидаги яккат кўрпача четини асабий гижимларкан, юзидан табассум аримасди. Кўзларидан ёлқинланган ғазабини ўша табассум қатига яширмоққа уринарди. Хурматини билмаган меҳмон қаршисида ноилож одоб сақлашга тиришарди.

Шавкат шапка хийла ширакайф эди. Унинг бу ҳолатини сезмади. Бошига кепка кийганидан буён унча-бунча нарсани фахламайдиган бўлиб қолганди. Ҳарбий бўлинмага ишлагандан аввал у милицияда ишлаган. Эҳтиётсизлик оқибатида даладаги пахта хирмонини ёндириб юборган бечораҳол бир йигитнинг ишини кўраётганида, ёлғиз ўғлининг қамалишини истамаган бева аёл ноиложликдан кизини Шавкат шапкага қўшиб қўйганди. Аммо тоғликлар пахта дея ўмгани эзилган, гурури беҳад топталган даштлик эмасди. Уйда кулиб, чеккада жонини суғуриб оладиганлардан эди. Бироқ тўқимтабиат Шавкат шапка буни қаердан ҳам билсин. Билгани, йилнинг тўққиз ойи давомида катта ердан узилиб қоладиган бу қишлоқ йигитларининг шу пайтгача ҳарбий хизматга олинмай келгани эди. Бу хатони тўғрилаш гўё ёлғиз унинг гарданига тушганди. Шу боис, ўзини қишлоқда Худо ўрнида кўрмоқда эди. Бирор кимсанинг эътироз билдириши ёки бурнидан ошиқроқ гап қилиши мумкин бўлмаган ҳол эди.

Эртаси муюлишдаги жарлик тепасида қишлоқ йигитларига рўпара келганида ҳам шу ўйда эди. Шунингчун оти юганидан тутишга ботинган пачоқ йигит — Шокир кичкинанинг боши-кўзи аралаш қамчи тортишдан ҳайиқмади. Тагидаги оти юкорига сакради. Аммо пачоқ йигит чайир экан, от юганини унинг қўлидан узолмади. Бу тахлит муомалани кутмаган Шавкат шапка буни ўзига нисбатан, янада аниқроғи, давлат одамига нисбатан ҳақорат деб билди. Бот қамчига зўр берди. Сўнг

эса ўзининг жар тубига тошдек учиб бораётганини сизди...

Бу Сардор чол гувоҳ бўлган воқеалардан бири эди. Қишлоқнинг кўримсиз йигитларидан бири бўлмиш Шокир кичкинанинг ҳамиятига нисбатан ҳаваси сўниб-сўнмай, қишлоқни милиса босди. Давлатнинг одамига қарши тажовуз қилган пачоқ йигитни хибсга олмақчи бўлдилар.

Қишлоққа отлик милиционерлар кириб келишганида, Шокир кичкина ҳовлиси этагида Сардор билан ҳасратлашиб ўтирарди. Миршабларни кўриб, дарров воқеани англайди.

— Чакки бўлди-да, — дейди манглайи асабий тиришиб. — Опамга кўз олайтиргани учун ўлдирдим уни дейманми буларга! Опамнинг номини тилга оламанми?!

— Бошқа баҳона топа қол унда, — дейди Сардор унга не тахлит кўмак беришини билмай.

— Йўқ, зўр бўлишса, аввал мени тутиб кўришсин!

Шокир кичкина ҳовлиси ёқалаб дўнгга интилади. Аммо дўнглик яроқ тутган миршаблар томонидан аллақачон тўсиб қўйилганди. Қишлоқ йўлига туташ сўқмоқ ҳам улар тарафдан банд этилганди.

Унинг кулбаси Бурунтепада жойлашган бўлиб, ҳовлини этаги тик жарликка туташ эди. У оқшомлари жар лабидаги харсанг тошларга чўкиб, куёш ботишини томоша қилишни яхши кўрарди. Сардор ҳам ўта камсуқум бу йигитни жуда ёқтирарди. Бу қишлоқда илк орттирган жўраси ҳам шу эди. Аммо ҳали юраги тубида чўкиб ётган дардини тўла айтишга улгурмаганди. Ўша куни негадир хиёлгина учини чиқарганди. Бутун ҳаётини алғов-далғов қилиб юборган хиёнатнинг залворидан ўзи қолиб, Шокир кичкинанинг афти қорайиб кетганди: «Менга айтдинг! — деганди овози алланечук қалтираб. — Бошқа бировга асло айта кўрма! Жуда ёмон иш бўлган экан лекин...» У гапини тугатишга улгурмай, ҳовлида миршаблар пайдо бўлганди.

Йигит учун жарлик томонгина очиқ қолганди. Бироқ у қуш эмаски, қанот чиқариб учиб кетса. У дўнгликка интилган ерида, секин-аста жарга чекина бошлади. Тўхта, отиласан, деган хитобларга парво қилмай, тисарилишда давом этди. Сўроқларда опаси номини тилга

олишдан ор қилиб, ўзини тубсиз жарга ташлади. Бу ҳолни ҳеч ким кутмаганди. Яқин-ўргада турганлар даҳшатдан «воҳ» деганча қолаверди.

Бу фожиа сабаби фақат Сардорга аён эди. Кимдир у деди, кимдир бу, ёлғиз угина тилини ичига ютди. Шу воқеадан сўнг юрагини аёвсиз ўртаётган дард — аёлининг хиёнати тўғрисида бировга чурқ этмайдиган бўлди. Бу хил нарсаларни тилга олиш эркакларга хос иш эмаслигини боз англаб етди. Шу пайтгача Шокир кичкинадан ўзгасига сасини чиқармаганидан ўзида йўқ шодланди. Кўксига милтиқ тираган онларини ёмон тушдек дамбадам хотирларкан, бу фоний дунёда яшамокнинг ўзи бир жасорат эканлигини фахмлаб етгандек бўлди.

У юксак тоғларга маъёс боқди. Эзгин ҳисларини қалбига димлади. Чуқур қайғу ила дўстининг маъракасига бош қўшди. Бу энди бошқа бир қайғу, жудолик алами эди. Ҳарҳолда ўзлигинга қарши ич-ичингдан ғимирлаётган ғаламис ҳислардан кўра, бу қайғунинг юки сал енгил эди. Негаки, тан бўлак, бугун қуясан, эртан кўникасан ва сўнг унутасан. Ёмони ўзингники, яшаб яшолмайсан, ўлиб ўлолмайсан, дилингни забт этган қасос ҳисси сени ҳеч қачон ўз эркинга қўймайди.

Сардор тишдан сокин кўрингани билан ичдан қасос ўтида ўртанарди. Қўлбола икки ўқни хамиша ёнида олиб юрарди. Аввалига тушқунликка тушиб, янашни истамай қўйган йигит энди интиқом ўтида ўртанарди. Айниқса, Шокир кичкинанинг фожиасидан сўнг бу ўй хаёлидан кетмай қолди. Ундан қаерим кам, номус дея жонидан воз кечди. Мен эса... Йигитдаги бу ҳолатни Абдурахмон чавандоз сезгандай бўлди. Бир куни каватига чорлаб деди:

— Кимлардандир улгу олиб, қийшиқ ўсган дарахтни кесиш пайида юрибсанми дейман?

Чавандоз бу гапларни айтarkan, негадир узоқ-узоқларга ўйчан тикилади. Сухбатдошини унутгандай тутади ўзини. Қизиқ жиҳати, ўша машғум тундан у бутунлай беҳабар. Аммо гап оҳангидан барини биладигандай. Сардор унинг кўзларига тик бокишга интилади. Баҳс истайди.

- Иш арзиса-чи! — дейди.
- Иш арзисаям, бандаси арзимамайди.
- Юрак ёнса-чи?!

— Юрак ёнган кезлари сабрнинг этагидан маҳкам тутмоқ керак. Шунда сени Оллоҳ сийлайди.

Йигитнинг ўрлиги тутади. Лекин Абдурахмон чавандоз уни ортик эшитмайди. Ўрнидан кўзгаларкан, Сардорга лоқал қайрилиб қарамайди.

Аёл зотидан бутунлай кўнгли қолган Сардорни Худо ҳақиқатдан сийлади. Унга ҳозирги кампирини рўпара қилди. Вақтида қишлоғининг олди қизларидан бири ҳисобланмиш сулувнинг муҳаббатига сазовор этди. Қиз дилдаги туйғуларини тилда эмас, хатти-ҳаракатлар воситаси ила баён этди. Аммо қизи тушмагур теварагини қуршаган тоғлардек мағрур эди. Мағрурлиги ила йигитни адл бўлишга чорлади. Сардор билдики, бу қиз олдида минғирлаб ёхуд шалвираб бўлмайди. Акс ҳолда унинг чангида қолиб кетиши мумкин.

Сардор чол хотираларидан андак чекиниб, қаршисида кизининг йўлига илҳақ бўлиб ўтирган йигитга зимдан назар солди. Палаги тоза, яхши хотин тушса гуллаб кетади бу, деб ўйлади. Йигитга меҳри ийган сари унинг қишлоқдан эсон-омон чиқиб кетиши ҳақида кўпроқ қайғура бошлаганди. Қишлоқ йигитларининг зимдан гувранишларидан вазият қалтислигини сезиб турарди. Бироқ бу ҳолатда йигитга кўмак бермоғи мушкул эди. Қизига қўшмоқ ниятида ўзи югуриб юрган экан, деган маломатга қолиши мумкин. Йигитга у-бу гап ўргатай деса, гапнинг бир учи яна қизига бориб такалади. Ота учун эса, бундан оғири йўқ эди.

Ўйга чўмган чол йигитнинг гапини жуда узоқдан эшитгандай бўлади. Унга ажабсиниб қарайди. Йигит ўртадаги сукутга барҳам бериш учунгина сўзланаётганини сезади. Бош ирғаб, тинглаган киши бўлади. Карахт шуури шу гапларни англайди. Йигит шофёрликдан тўйган эмиш, мактабни, болаларни жуда-жуда соғинганмиш. Кунда қўлига тушиб турадиган тўрт-беш танга эмас, суйган касбигина кишига қувонч бағишлармиш. Айниқса, шогирдлари бўй кўрсатганда, ундан зўр бахтнинг ўзи йўқ эмиш...

Бу туйғулар чолга ғирт бегона эди. Йигитни тинглаган бўлиб, бетдаги боғини ўйлайди. Бетдаги боғ янги, дарахтларнинг олди бу йил ҳосилга кирди. Аммо куйидаги ёнғоқзор ва муюлишдаги теракзор кўрган кўзни қувонтиради. Тоғда ер сероб, биров уни эк-бунни эк де-

майди. Хар ким ўз майлида боғбонлик қилиб туради. Аслида Сардор чолнинг боғбонликка унча иштиёки йўқ эди. «Келгинди» деган қарашларга қарши қўл урганди бу ишга. Қишлоқдан олислаб, шу дўннга иморат ташлагач, бўш ер борки, дарахт ўтказди. Бу харакати билан, тоғ ўзимники, демоқчи бўлди. Қишлоқда ўзига хос обрў топди-ю, лекин «келгинди» деган қарашлардан барибир кутулолмади. Бахонада ерга қаттиқ меҳр қўйгани қолди. Эндиликда барпо этган боғларига тикилиб кўзи тўймайди. Назарида, йигит ҳам шунга яқин гап қилмоқда эди. Фақат у шодликни мактабдан, болалару ва яна алланималардан қидирмоқда эди: «...ёзган шеърларида шундай бир теран маънолар борки, шу менинг ўқувчимми дея ғурурланиб кетаман. Ўзим эса неча йиллардирки, одийгина бир учар машинани эплаб ясаёлма-япман. Аммо-лекин бир марта бўлса-да, осмонда парвоз этиш ниятим бор...»

Чол тўсатдан сўзамоллашиб қолган йигитга хайрон боқаркан, нуқул бош ирғар, гўё суҳбатдошини орзу ва режаларини маъқулларди. Ўзи эса айни пайтда, ўтган кун иёввойи тўнғизлар кавлаб ташлаган томорқасини ўйларди.

Ўз навбатида, иккиси ҳам бир-бирига сездирмаган холда Зумраднинг йўлини пойларди.

• • •

Аёли унинг нозик жиҳати — касбига нисбатан бўлган айрича муҳаббатини яхши биларди. Билгани учун ҳам, чинакам рақиблардай, асосий зарбани ўша томонга қаратди. Отамуродни жоҳил ва муштумзўрликда айблаб, мактабига шовкин кўтариб борди. Барчанинг олдида обрўини бир пул қилди.

Йигитнинг мактабдан кетмоқдан ўзга чораси қолмаганди. Энди қайси юз билан дарс беради? Ўқувчиларнинг кўзига қандай қарайди? Ахир у жонкуяр, талабчан муаллимдан жоҳил, ароқхўр, зинокор кимсага айланганди-да. Буни у болаларнинг қарашларидан англаркан, ҳамкасбларининг ўшандаги қиёфаларини ҳали-хануз унутолмайди. Ўша пайтда кимдир ачинган, кимдир эса мактабнинг фахри ҳисобланмиш ҳамкасбларининг шармандаю шармисор этилишидан ўзида йўқ сеvingанди.

Отамурод, қаерда хатога йўл қўйдим экан, деб кейинчалик кўп ўйлаб кўрган ва оқибат, аёлига уйланганининг ўзи катта хато бўлганлигини фахмлаб етган. Бир тириқликни ейиш-ичиш, кийинишда деб билса-ю, иккинчиси эзгу мақсад йўлида гувранса, аллақандай ўқувчи болалар камолидан қувониб юрса, кўкка парвоз қилиш иштиёқида алламбало «самолёт» ясаб ўтирса — ҳеч замонда келишармиди улар.

Аёлининг назарида, у ғирт аҳмоқ эди. Ўзганинг болаларига нисбатан меҳрини сира тушунолмасди. Қанақасига етти ёт бегоналарга бу қадар меҳр қўйиш мумкин, а? Мактаб етмагандек, уйида ҳам тинч қўйишмайди. Телефонда ҳали уни-ҳали бунни сўраб жонига тегишади. Аёли уни ўзгалардан қизганмасди, шунчаки тушунмасди. Жанжалга сабаблардан бири шу эди. Даҳанаки жанг кўп ҳолларда таҳқирлашга айланиб кетарди. Фалакнинг гардиши билан Отамуроднинг тоғаларидан бири қайси бир замонларда хотин олиб, хотин қўйган экан. Бу ҳолат аёлининг тилида шундай бир таърифлар ила эврилардики, билмаган одам Отамуроднинг бутун авлод-аждоди хотинбоз ўтган экан-да, деган хаёлга бориш мумкин эди. У эрини дарс пайтида қизларнинг кўкрагини томоша қилишда айбларди.

Отамурод барига чидаб келарди-ю, лекин бир оқшом ўта таҳқиромуз оҳангда айтилган гапга ортиқ бардош қилолмади. Аёли бир айтиб қўймади. Ҳазабдан шамдай қотган эрининг юзи-кўзига тикилиб, юқоридаги иборани такрор айтди: «Сен ҳам эркакмисан!»

Йигитнинг урмоққа кўтарилган қўли костюмига етди. Миҳда илиғли турган костюмини елкасига ташлади-ю, уйдан чиқди кетди. Кейинги барча ғалва мана шундан сўнг бошланди... У эса бор аламини киракашларнинг «шеф»и ҳисобланмиш Ботир довонгдан олди. Ботир довонгнинг башарасига мушт тушириб, ўзгалар назарида «зўр»га айланди. Ҳолбуки, у зўр эмасди. Муштлашишни жинидан ёмон кўрарди. Бироқ теварақдагилар йигитдаги бу беадад аламини «куч» деб билдилар. Ўзларича ундан «зўр»ни яратдилар. Ҳозир ҳам шундай деб ўйлайдилар ва анча-бунча хайиқадилар.

Ярим ойча бурун машинаси ёнида хаёлга ботиб ўтираркан, қаршисига келиб елкасини босган кимсани одатдаги мижозларидан бири деб ўйлаган. Аста бош кўтар-

ган. Кулимсираб турган жувонни таниб, шошиб қолган. Ўзини жуда ноқулай хис этиб, ха, юкингиз борми, деб юборган.

— Юким йўк, — деган жувон кулиб. — Мактаб директори сифатида сизни ишга таклиф этгани келдим.

— Қутлуғ бўлсин, қачондан буён?

— Яқинда, — жувонни овозида гурур оҳанги сезилди.

Тиниб-тинчимаслиги ва жонкуярлиги туфайли мактабда «Читтак» лақабига эга бўлган бу аёлни Отамурод қаттиқ ҳурмат қиларди. Ўша ғалвада ҳамдард бўлганларнинг бири ҳам шу эди.

— Хуллас, мен сиз билан ишламоқчиман, — дея жувон расмий оҳангда кўшиб қўйди. — Сиздек мутахассис бизга ҳаводек зарур.

— Бошлигингиз кўнармикан, — Отамурод мужмалланари. — Бошқа мактабга ўтиб ишлашга изн сўраб борганимда, сиздай ахлоқсиз одамга мактабда ўрин йўк деб, ҳайдаб чиқарган мени.

— Ҳайдаровни айтаяпсизми? — Жувон ижирғанди. — У киши анча бўлди раҳбарликдан кетганига. Бозорда ўралашиб, дунёдан беҳабар қолибсиз-ку. Ҳозиргиси ёш, жуда ғайратли йигит.

— Кўнгил қолганда, Мехрихон.

— Болаларданми? — Жувон жиддий тикилади. — Биз катталарни қўяверинг, лекин болаларда не айб? Фейлимни биласиз, рози бўлмагунингизча, тинч қўймайман. Иккинчидан, лойқаланган сув аллақачон тиниб бўлган. Сиз болаларни ўйланг.

— Ўйлаб кўрай.

— Ўйланг-ўйланг.

Йигит шундан бери ўйлайди. Ўйлаб ўйига етолмай турганида, кўнглига ишқ ўти тушди.

Шу тобда у бу кутиш дақиқаси минг йилга чўзилишига рози эди. Қозондаги овқат ҳеч қачон пишмаслигини, чойнакдаги чой тугамаслигини истарди. Ноумид қайтиш ғоят даҳшатли эканлигини хис этгани сайин юраги гупуриб, уюшиб кетмоқда эди.

• • •

Сардор чолга йигитнинг мактабга қайтиш фикри унчалик ёкинқирамади. Мактабга қайтиши эмас, тасавву-

рида туғилган муаллим сифатидаги туси — бўйинбоғ таккан, пўрим костюм-шимдаги қиёфаси кўнглига ўтиришмади. Ҳозирги ҳолатида, яъни ҳайдовчиларга хос жўнгина либосида йигит юрагига яқинроқ эди. Уни пўрим ҳолда тасаввур этгиси келмади. Айниқса, бўйинбоғни кўришга кўзи йўқ эди.

Тоғасининг ўғли шаҳардан башанг қайтганда, хотинининг ўғринча суқланиб қараганларини бир-икки сезгандай бўлган, лекин унинг хиёнат кўчасига киришини хаёлига келтирмаганди. Боз устига, тоғасининг ўғли ўз жигари, хасмига ола кўз билан қарамас. Шунга қармай, ҳарҳолда бир сафар ўз норозилигини билдирган. Аммо аёли довдирамаган, галстугига қараяшман, нега шаҳарда ўқийдиганлар галстук тақишади, а? Саволига савол билан жавоб олган Сардор ўшандагина қариндошининг бўйнидаги бўйинбоққа эътибор берган, бир парча рангдор латтани бўйинда осилиб туриши галати туюлган. Уйда ҳеч ким йўқлигида қариндошининг бўйинбоғларидан бирини бўйнига тақиб, ойнага юзланган. Йўғон бўйнига бўйинбоғ сира ўтиришмаганини сезиб, юлқиб отган. Аёл зоти аҳмоқда, йўқ нарсаларга ҳаваси тушиб юради, деб ўйлаган. Аёлининг ҳаваси бўйинбоққа эмас, йигитга тушганини хаёлига ҳам келтирмаган.

Қариндошидан умиди катта, унинг шаҳарда ўқишидан жуда фахрланарди. Юрт сўрайдиган чўнг одам бўлади деб ўйларди. Шаҳарни эгаллайдиган сиёғи бор, деб умид қиларди. Қариндоши эса шаҳарни эмас, унинг тўшагини эгаллади. Шундан сўнг дунё деганлари тўнкарилиб кетди. Борлиқ ўз аҳамиятини йўқотди. Қишлоғидан бош олиб кетаркан, охириги дақиқаларда ҳам тоғасини авайлаганидан ҳозиргача ажабланади. Мехри бор эканки, мудҳиш сирни тоғасидан яширди. Тоғаси бу сирнинг тагига етиб-етмай, гумонлар оғушида бу ёруғ оламни тарк этди.

— Келинни ҳайдадинг, уйингга ўт қўйдинг, нима бўлган ўзи сенга, а? — деди кейинги келишида тоға.

— Қутургандим, тоға, қутургандим, — деди Сардор ердан кўзини олмай. — Ҳов бирда сизга айтган ичимдаги дард шу эди.

— Қутурган одам ё ўлади, ё қолади. Ранг-рўйинг бинойидек-ку.

— Қутургандим, тов гиёҳларидан шифо топдим.



— Шифо топганинг яхши, энди қайт уйингга. Шодикул хотинингга офиз солаётган эмиш.

— Уйга қайтсам, тагин қутураман-да, тоға. Ҳавосиям ёкмайди менга.

— Шунча одамга ёккан ҳаво, нечун сенга ёкмай қолди?

— Билмадим, билолмадим, тоға.

— Унда бориб хотинингни опке, бээга ташлаб қўйма буйтиб.

— Дардим кўзиб қолишидан кўрқаман, тоға. Қасалим юкмасин дея, қутурган захотимоқ, талогини бериб, уйга ўт қўйганман.

— Биринг қишлоқни тарк этдинг. — Тоға офир хўрсинади. — Биринг шаҳардан бери келмайсан. Сенларга нима бўлган ўзи?

— Ҳеч гап бўлгани йўқ, тоға. — Сардор уни юпатишга тиришади. — Бехуда гумонларга борманг.

— Қачон қишлоққа қайтасан?

— Бориб қоларман.

У қишлоғига қайтиб бормади. Шу ерни ватан тутди. Аслида бу ерга муваққат кўнганди. Кетиш нияти йўқ эмасди. Кейинчалик буни аелидан ҳам яширмасди. Аели эса сокин тарзда ҳамиша уни маъқулларди: «Сиз нима десангиз шу, эр қаерда, хотин шу ерда». Хотини жиндаккина эътироз билдирганида, кетмоғи тайин эди. Бунинг устига, Абдурахмон чавандоз аввалдан айтиб қўйган, дунё кенг, лекин киши кўнгли тортган ердагина яшайди, яшаб кўр, ёкса қоларсан, ёкмаса, кетарсан.

Сардор чол йигитга зимдан тикиларкан, ўзидан уни қай бир маънода устунлигини хис қилгандай бўлди. Йигитнинг борар жойи, агар такдири кўшилиб, қизига уйланадиган бўлса, тушириб кетарга тайинли маскани бор. У эса вақтида мана шу имкониятдан махрум эди. Абдурахмон чавандоз дилидагини сезгандай, унга мана шу дўнгликни кўрсатган: «Келгиндиман деб сиқилма, — деган. — Аслида ҳаммамиз ҳам келгиндимиз. Фақат буни тан олувчи йўқ. Агар жуда сиқилаётган бўлсанг, хув анову газага жой сол. Ўз кўрғонингни барпо эт. Ўзинг хон, кўланканг майдон бўп яшайверасан...»

Сардор чол дўнгни макон тутганда, бу атрофда қишлоқ уйларида асар ҳам йўқ эди. Кейин тушди улар. Негадир тоғ табиати кишиларни қасрмонанд уйлар

куриб хаволанишларига йўл қўймайди. Ўн йиллаб дуппа-дуруст турган уйлар, тупроқ силжиши туфайли, тўсатдан деворлари тарс-турс ёрилиб, яроқсиз холга келиб қолаверади. Замин табиатининг бекарорлиги сабабли бу қишлоқ одамлари ҳар ўн-ўн беш йилда уйларини янгилаб туришга мажбур эди. Аммо чолнинг кулбаси қурилганидан буён қилт этмай турибди. Қишлоқ йиллар давомида силжий-силжий, дўнгни тевараклаб қолган бўлса-да, дўнг чолнинг номи билан юритилади. «Сардорнинг газаси» гоҳида «Яккатом» деб ҳам аташади. Шунга қарамай, чол гоҳида ўзини бегона ҳис этади. Довон ортида қолган қишлоғини қўмсайди. Қўмсайди-ю, ўша мавҳум тунни эслаб, тагин кўнгли музлайди. Беихтиёр икки қишлоқ одамларини бир-бирига қиёслай бошлайди. Бу қишлоқда эшикларга кулф осилмайди. У қишлоқда кулфсиз эшикни кўрмайсиз. Бу қишлоқ йигитлари бамисоли бургут, қизингга биров қош қокса, қўшнинг ёнг ҳимариб чиқади. У қишлоқда эса, кўзингни шамғалат қилиб, тўшагингга киришга ҳаракат қилишади...

Бу қиёслар билан чол шунчаки ўзини овутади.

Хозир ҳам хотира сабаб, дилидагини тилига чиқармай туrolмади.

— Шу ишингиз дурустмасми, юрасизми энди бўйинбоғ тақиб.

Отамурод унга ажабланиб қаради.

— Бўйинбоғ... эркакка ярашмайди-да, — деди чол. — Уни такқан одам эркакка ўхшамай қолади...

— Эркаклик бўйинбоғ тақиш-такмасликка қараб қолган бўлса, бўйинбоғсиз аблаҳлар қанча!

Бу ҳақ гап олдида чол жим қолди.

\* \* \*

Уй бекасининг овқат сузаётганини кўриб, Отамуроднинг юраги симиллаб кетди. Таом ейилгач, турмоқдан ўзга иложи қолмайди.

Чамаси, жувондан энди умид қилмаса ҳам бўлади. Дараги йўқлиги — севгиси рад этилгани. Акс ҳолда тонгдан изсиз йўқолмасди. Аммо унда умидлантирувчи боқишлару ва «кейин...» деган сирли шивирни қандай тушунмоқ керак? Бу нарсалар жувоннинг йигитга нисбатан безътибор эмаслигига ишора-ку. Аммо Отамурод

бунга каноат этмай, эътирофни унинг ўз оғзидан эшит-  
моқчи эди. Сўнг эса севги қанотида парвоз этиб, изига  
қайтмоқчи эди. Назарида, шундан кейин хаёти бутунлай  
ўзгариб кетадигандек, мўъжазгина гўшаси бахту таро-  
ватга тўладигандек эди.

Зумраднинг бедараклиги барча умидларини пучга  
чиқармоқда эди.

Мана энди, ҳадемай йўл тадоригини кўришга маж-  
бур. Хўш, олдинда нималар кутмоқда уни? Ҳафталаб  
супурги юзини кўрмайдиган ховлиси, ҳамкасбларининг  
ҳиссиз нигоҳлари-ю ҳолидан хабар олиш баҳонасида ке-  
либ, вино учун тўрт-беш сўм ундириб кетадиган Дониёр  
жўраси... Рангсиз ва руҳсиз кунлар. Қизик, шаҳар тўла  
одамлару, бирор дардкаш йўк, кўча тўла аёллару, лекин  
кўнглига ўтирадигани йўк. Ишоған ва умид қилган аё-  
ли яқинда кўнглини чилпарчин қилиб кетган. Йигит юз-  
сизлик қаршисида лол қолиб, чўнтагида борини чиқариб  
берган. Бу аёлни суймоққа нечун бунча уринди, не  
кидирди ундан? Жавобсиз саволлар сероб эди. Кўлига  
тутқазилган пулдан каноатланган аёл эса мамнун кет-  
ган. Мамнунлигини яшириб ҳам ўтирмаган. Балки ўтган  
сафар қуруқ қайтаргани учун ўзича бошлаб ўчини олган-  
дир. Ҳар ҳолда топган баҳонаси куракда турмасди.  
Бўйида бўп қолганмиш, дўхтирга қаратиши лозим  
эмиш. Қанақасига? Ахир бормай кўйганига бир неча ой  
бўлди-ку. Бироқ бу ҳақда ҳижжалаб сўраб-суриштир-  
моққа йигитда забон йўк. Ошкора таъмагирликдан эсан-  
кираб қолганди. Алам ва изтиробдан қаншари ачишиб,  
тахтадай қотганди.

У ердан кўз узиб, сўрида оёқларини осилтириб ўти-  
ришган ҳамкасбларини кўрган. Барининг юзида шум  
ифода, тиржайишар, яъники, олчоқлик қаршисида но-  
чор қолган инсон ҳолатини андишасизларча томоша  
қилишарди. Аёл эса аллақачон бозор тўла оломон ичига  
сингиб кетганди.

— Бопладими?! Аёлларнинг бариси шу...

Отамурод гап эгасига қарамади. Бу гапда ҳамдард-  
ликдан кўра, қандайдир қониқиш ҳисси кучли эди.  
Мамнунлик аломати устувор эди.

— Аввал Алишерни тоза соққанди, энди навбат сен-  
га келти-да.

Бу гап унинг учун тамомила янгилик эди. Аёлни ал-

лақандай Алишерга илакишганидан бутунлай беҳабар эди. Билгани, аёлнинг ёлғизлиги, турмушидан ажрагани эди. Аёл унинг қайноқ оғушида эркаланар экан, эридан сўнг бирор кимсага қиё боқмаганини ҳамиша таъкидлар, севаман, дерди, борлиғимсиз, сизсиз дунё менга қоронғи, дерди. Бу гапларга йигитнинг жуда-жуда ишонгиси келарди. Бироқ инонмоғига доимо нимадир ҳалакит берарди.

— Куйинаверма кўп, бариси бир гўр буларнинг!

Бу гапга йигитнинг кўшилгиси келмади. Эракка ҳам жон, ҳам тан бўла оладиган аёллар борлигини, ўзига аталгани эса дунёнинг қай бир бурчагида мавжудлигини ҳамиша ҳис этарди, умид киларди. Агар бунинг тескариси бўлса, бу оламда яшамоқ не даркор? Аслида дунё шундай яралган — ким кимгадир доимо интилиб яшамоғи лозим. Бировга интилмайдиган одамнинг нигоҳи бефарқ, идроки мудроқ бўлади. Унақалар Худо берган умрни яшаб ўтмоқлари учунгина йўқ ердаги нарсаларга ўралашиб, ташвишларга алданиб яшайдилар. Кўнгиллари тор, мақсадлари бачкана, кибрли бўладилар. Ана сўрида бир талайи валақлашиб ўтирибди. Улар билан оддий бир нарса юзасидан ҳам баҳслашиб бўлмайди. Барча нарсдан ёмонлик қидиришади. Аёл зотига нисбатан қарашлари шу қадар куфрлики, бу мавзуда, яхшиси, сўзлашмаган маъқул. Иймонингни қочириб, шайтонга ҳамроҳ қилиб қўйишади. Негадир окдан қора, нурдан соя қидиришади. Ҳатто газетага тикилиб, китоб варақлашингниям калака қилишади. Ўз навбатида, бари ўзини ғоят ақли санайдилар. Йўқ-бор нарсага қаж-қаж уришади. Мижозлар қолиб, бир-бирларини алдашга тиришадилар. Оддий инсоний ҳислар бегона, ҳар қандай туйғу қулгига сабаб бўлади. Нечун улар бунақа? Мижозга рўпарў келганида нега ўзи ҳам уларга ўхшаб кетади? Кўпроқ ундириш пайида бўлиб, тили ёлғонга кетганини ҳам сезмай қолади. Ёмон хислатлар нечун бу қадар ёпишқоқ? Яхши хусусиятлар эса кийимга қўнган гарддек қоқиб ташланаверади. Нега?

— Биттаси бор, жуда бой лекин. Гаплашиб берайми? Эридан қолган машинасиам бор. Яп-янги. Маза қип миниб юрасан.

Отамурод гап эгасига қарамайди. Эракклик шаъни, ор-номуси ҳақидаги қарашларини эътироф этмоқдан

наф йўқлигини ўйлайди. Қаватидаги кимса эса унга ачиниб қарайди.

— Аммо-лекин ёмон тушириб кетди-я сени. Булар шу, кўз сузиб, пулингни олади.

Йигит эса берган пулига эмас, аёлга ачинарди. Туйғулари унинг учун бир пуллигидан эзиларди. Шунинг билан биргаликда, аёл кишининг сирли мухаббатини кўмсарди. Бу туйғусиз тириклик ғоят нурсизлигини ўйларди.

Охири у кўнгилдаги ёрини одам тўла шаҳардан эмас, тоғлар орасидаги мўъжаз бир қишлоқдан топди.

Топди-ю...

Чўмичнинг қозонга урилиши юрагини ўртаб, дилини вайрон этаётганини ҳис этиб, афти тиришди. Чолнинг гаплари ортиқ қулоғига кирмай, теваракка маънос назар солди. Тонгги қуёш нуридан ақлни лол қолдирар даражада фусункор тус олган табиат чиройини сезмайди. Аммо адоватни ҳис этади. Бу қишлоқдаги жамики нарса унинг дарвозадан чиқишини пойлаётгандек, ташқарига чиқиши билан мўрмалаҳдек ёпишадигандек эди. Ҳатто қаршисидаги чол ҳам меҳмон хурмати дея, зўр-базўр ўзини босиб тургандек эди.

Отамурод тақдирига тан берган бир алфозда косадаги овқатга қошиқ урди. Таом лаззатини туймади. Назарида, маза билиш сезгиси ўлгандек эди.

У беихтиёр кавшанаркан, ортиқ теваракка боқмас, умиди бутунлай сўнганди. Олдинда кутаётган севгисиз, маза-матрасасиз ҳаётнинг бор залворини вужудида ҳис қилгандек, елкалари чўккан, шалвираган бир ахволда шўрва хўшларди.

• • •

Нонушта охирлагани сайин, чолнинг ташвиши ортомқда эди. Қизининг дараксизлигини эмас, йигитнинг қишлоқдан омон-эсон чиқиб кетишини ўйламоқда эди.

Йигит кўнглига ўтиришган, айниқса, ёлғон гапириш пайтидаги ҳолати чолга жуда ёқиб тушганди. У, тўртбеш қоп ёнғоқ керак эди, деркан, хижолатдан дув қизариб кетганди. Кейин ёлғон сўзлаганини яшириш учун тоғларга боққан, машинаси теварагини айланган киши бўлган. Чол эса уни хижолатдан чиқаришга аҳд қилгандек, айтган ёнғоғини бирпасда тўғрилаб берган. Бундан

йигит заррача севинмаган, бошини қашлай-қашлай, бу кераксиз матоҳларни машина устига тезгина улоқтирган. Аммо пул санашга келганда, роса имиллаган. У пул санамаган, пул санаган киши бўлиб, бир оз қолишга баҳона қидирган. Шу ерда чол кўмакка келган: «Бир кеп қопсиз, меҳмон бўп кетинг энди». Йигитнинг кўзларидаги ўшандаги қувончни чол хануз унутолмайди: «Тавба, худди ёш болага ўхшайди-я», деган негадир унга меҳри ийиб.

Йигит кампирига ёққанини чол дарров илфаган. Одамни билишда кампирига тенг келадигани йўқ. Бу хусусият унга отаси — Абдурахмон чавандоздан ўтган. Ҳайбатли бу одам итдай зийрак, бўридай ёвқур эди. Одам боласининг нелигини ва нималарга қодирлигини бир қарашдаёқ биларди. Дилидагини образли йўсинда ифода этишни яхши кўрарди. Гап келганда, отасиниям аямайдиганлар хилидан эди. Буни қарангки, Сардорни шу масканда муқим яшаб қолишини ўшандаёқ сезган экан: «Чангалинг бўшроқ кўринади, жигар, — деган бирда. — Чунон истасангда, бургутлик сиёғи йўқ сенда. Аммо-лекин яхши йигитсан. Кўнглингда киринг йўқ. Шунингчун ортикча чиранмай, ҳолингни билда, ризкингни териш пайида бўл».

Бу пайт Сардор пойгаҳда яроғини қайта тозалаб, мойлаётган эди. Юрагидан хануз алам аримаган, кўзига чўп суққанларнинг қонини тўкмоқ қасдида ўртанарди. Таажжубли жиҳати, ўшанда Абдурахмон чавандоз уни бу йўлдан қайтаришга уринмади, увол-савоб ҳақида сўзламади. У йўлга тушганда, айтар гапи шу бўлди: «Бугун кўзи сўяман, ҳаялламай қайт». Йигитнинг кўзларида алам учкунлади: «Мен энди эт емайман, қон ичаман, уларнинг қонини ичаман!» Абдурахмон чавандоз унинг нигоҳида алангаланган бу ифодани пайқасада, пинак бузмаган, тунга қолмай, қайт, деб қўя қолган, холос.

Сардор эса қайтиш ҳақида ўйламасди. Куну тун руҳини эговлаётган азобдан биратўла қутулмоқчи эди. Тўшақда бир-бирига айқашиб ётган яланғоч таналарни эслагани сайин, қони кўпирмоқда эди. Бу ишни биринчи куниёқ амалга оширмаганидан изтиробда эди.

Яроғини елкасига ташлаб, йўлга тушаркан, кета-кета ортига қайрилди. Ўзича туз-наъмак тотинган хонадон

билан хайр-хўшлашмоқчи бўлди. Шунда тандир ёнида хаёлчан турган қизга кўзи тушди. Аланглаб Абдурахмон чавандозни қидирди. Уни топмади. Бундан йигитнинг алами келди. Чавандозни совуққонликда айблаган бўлди. Сўнг жаҳд билан олға юришда давом этди. Шу заптда довон бошига етди. Довон тепасида бир зум тин олмақни истади. Харсанглардан бирига елкасини тираб, оёқларини узатиб ўтираркан, дунёнинг бу қадар кенглигини энди кўраётгандек, бир-бирига мингашган тоғларга, кулранг хошия тортган уфққа хайратли тикилиб қолди. Ўзини зарранинг зарраси эканлигини дафъатан ҳис этди. Чексизлик олдида юрагини ёндираётган интиқом ўти сусайгандек бўлди. Кўз ўнгидаги барча нарсаларда яшашга интилиш мавжудлигини теран идрок этди.

Авваллари у борликқа бу даражада синчков эътибор бермасди. Энди эса, худди хайрлашаётгандек, барча нарсаларга жиддий разм солмоқда эди. Аслида ҳам шундай, агар у қўнглига туккан режасини амалга оширадиган бўлса, бу тоғу тошларни қайта кўрмаслиги тайин. Шунинг учун ҳам у бўрон буккан арчаларга, елга бўй бермай қуёшга талпинаётган тоғ чечакларига, майсаларга айрича диққат билан бир-бир назар соларкан, улардаги яшаш иштиёқини ҳис этди.

Бу ҳол илгари унда бўлмаган. Бурун у борликни яхлит кўрарди. Яхлитлик бағрига разм солмоққа на уқуви, на хафсаласи бор эди.

Айни пайтда қалбида англарсиз нимадир уйғонгандек эди.

Ҳадемай яна йўлга тушади. Кўзга ташланиб турган навбатдаги довондан ошиб, пастдаги тоғ тизмаларидан бирида жойлашган қишлоққа кириб боради. Қайнотасининг уйига тикка кириб, хиёнаткор аёл кўксига милтик тирайди. Кейин йигитни... Аммо улкан шахарнинг қай бурчидан топади уни? У қаерда-ю, шахар қаерда. Йўк, топмай қўймайди.. Йигит кишининг номусини оёқости қилиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяди унга!

Шунда кутилмаганда саркаш бир ички овоз аста тебрланди: «Ўлдирсанг, мардни ўлдир, умринг сабил кетмайди. Номард нима, ерда ётган бир тезак— уни тепиб ўтдинг нима-ю, босиб ўтдинг нима. Бу билан ҳеч нарса ўзгармайди». Бу Сардорнинг идроки эмасди. Қачонлар-

дир кимдандир эшитган пурмаъно ўғитнинг калбдаги акс-садоси эди.

У бу овозга қулоқ солмокни истамади. Ўзини чалғитиш ниятида бот теваракка разм солди. Аксига олгандай, барча нарсадан ҳаётнинг қудратли нафаси уфуриб турарди. Бу қудрат олдида юрагини куйдираётган интиқом қандайдир бачкана туюларди. У йўлбарс овига чиқиб, суғир инини пойлаётган овчидек ҳис эта бошлади ўзини. Саркаш ички овоз эса сира тинай демасди: «Иш арзисаям, улар арзимади! Азалдан қийшиқ ўсган дарахтни кесдинг нима-ю, кесмадинг нима! Дунё деганлари шу — вафо ва хиёнат, ёвузлик ва эзгулик ўртасида сарсон яшайсан! Яшаш давомида чиниқиб, товланиб борасан! Сен бу борада, яхшиси, тоғлардан улгу ол. Уларнинг бу чўнг бошлари не синоатларни кўрмаган. Лекин хамиша адл! Инсон қавмидансан-да, гоҳ тушқунликка берилиб, кўксингга милтиқ тирайсан, гоҳ интиқом ўтида қовриласан. Тирикликнинг эса, икир-чикирларинг билан иши йўқ, ўз маромида давом этаверади...»

Ўша куни доводна узоқ қолиб кетди. Ўтган воқеаларни ўйламасликка тиришди. Заминнинг таскин берувчи қудратли қучини янада теран ҳис этмоқчидай қорли чўққиларга, арчазорларга тикилиб ўтирди. Сўнг изига қайтди.

Қишлоққа шомга яқин кириб келди.

Уйда кўзи сўйилган экан, Абдурахмон чавандоз уни одатдагидек хушхол қаршилади. Худди қайтишини билгандек, ортиқча сўраб-суриштирмади.

Энди билса, Абдурахмон чавандоз унинг қотилликка қодир эмаслигини сезган экан. Қон тўкиш гуноҳ, деган кейинги гурунгларида бирида, зўр бўлсанг, сабрни ошно тут, ақидасига амал қилди. Шунга қарамай, интиқом ўти анчагача юрагини куйдириб турган. Кейин мехнатга берилиб, барини унутган. Ана кетарман-мана кетарман, дея, аввалига сой бўйини обод қилди. Сўнг қаршидаги қоя пойидаги ерларни ўзлаштирди. Қоянинг қуёш чиқиш тарафидаги бет ҳам назаридан четда қолмади. Мехнат билан бўлиб, умрини ўтказиб қўйганини ҳам сезмай қолибди. Кейин ўйлаб кўрса, ўшанда борадиган жойининг ўзи йўқ экан. Қишлоғига қайтмасликка қасам ичган. Айрим ҳамқишлоқларига ўхшаб чўлга кетишдан бирор маъни топмаган. Боз устига, бу қишлоқдан ҳеч



ким сени хайдаётгани йўқ. Хурмат-иззатинг жойида. «Келгинди» масаласига келсак, бу дунёда ҳамма келгинди. Келади-кетади. Дунёга устун бўлган одамни хали ҳеч ким кўрмаган.

Бу фикр асли Абдурахмон чавандозники. Раҳматли дунёга кенг кўз, теран ақл билан қарарди. Гаплари салмоқли, гурунглари мазали эди. Дердики, аждодларимиз бу томонларга қувғин туфайли келиб қолган. Сўнг болишни бағрига тортиб, берилиб сўзламоққа тушарди. Унинг ҳикоясида киши кўз ўнгида қуйидаги манзара жонланарди.

Кенг яйлов. Юзлаб ўтовлар тикилган дашт йилқилар уюрига тўлган. Окшомлари қозонларда эт қайнаган. Йигитлар қатори қизлар ҳам чавандозлик сирларини билишган. Камон отиб, кураш тушишган. Шундай сурурли кунларнинг бирида кунботишдан ёв босиб келган. Сон-саноксиз. Тенгсиз жангда енгилган даштликлар чекина-чекина мана шу тоғлар бағрига етиб келган. Тоғ девордек тик, ўтмоқ машаққат бўлган. Шунда юрт кексалари Худога нола қилган. Довон бағри очилиб, улар мана шу водийга тушиб қолишган. Душман уларнинг манзилидан огоҳ бўлгунча бу ерда бир неча авлод яшаб ўтган. Охири улар яна ёв талонига учрайди. Бутун бошли қишлоқдан бир қиз ва ўғил бола омон қолади. Кейинги авлод мана шу иккисидан таркаган. Ва у ҳикоясини ҳаммаша мана шу тарзда яқунларди: «Шунинг учун иттифок бўлинг! Баринг бир ота-онанинг зурриётларисиз! Иттифок бўлинг!»

Бу ривоят Сардорга жуда ёқарди. Демак, бу қишлоқда ҳамма келгинди. Келгиндиман деб, сикилмасамам бўларкан. Бундан кўнгли андак оройиш топади. Барча нарса ўзига дахлдордек туюлади...

Чол бу ҳақда сўзламоқ ниятида қошида ўтирган йигитга тикилади. Тикиларкан, унинг бу қишлоқда қолмаслигини сезади. Қизи минг хурлиқо бўлмасин, ҳеч бир куч йигитни бу қишлоқда олиб қололмайди. Газа тугул, бутун бошли тоғни ҳада қилсангда, қолмайди бу. Негаки, унинг ўз манзили, ўз маскани бор. Йўқ, қолмайди бу!

Сардор чол бирдан ҳушёр тортади: нимани истаяпман ўзи мен?! Қариганда, жинни бўп қолдимми, нима бало!

У косага қошиқ ураркан, йигитни ёктириб қолганини қайта ҳис этди. Умр бўйи мана шундай ўғилни орзу қилиб келганини ўйлади.

Худо қиздан қарашди-ю, лекин ўғилдан сикди. Икки қизи шу қишлоқнинг бўлаги ҳисобланмиш паст қишлоққа тушган. Кенжасининг эса бахти чопмади. Суксурдай куёви кўчки тагида қолди. Кенжа қизи ўр чикди. Шундан кейин бировга кўнгил қўймади. Отанинг назарида, бу йигитга қизининг кўнгли товлангандай эди. Ё адашдимикан? Ё йигит бирор бежо ҳаракат қилдими ёхуд ножўя сўз айтдимикан? Ундай деса, қизининг ковоқ читганини сезмади. Қайтамга қисинган, қимтинган, лекин ичдан яшнаб турган. Ё тасавури алдадимикан?

Чол кўз остидан йигитга айбдорона тикилди. Йигит шўрликнинг руҳи чўккан, нима еб, нима ичаётганини сезмайдиган бир ахволда кавшанарди.

• • •

Косадаги сўнгги луқмани еб бўлган Отамурод боши эгилган кўйи, лаб-лунжини суртди. Чуқур хўрсиниб, аста қаддини ростлади. Теваракка ғамгин назар солди.

— Бизга энди руҳсат берсангиз, — деди ғамгин оҳангда. — Турай энди.

— Чойдан ичинг, борасиз-да шу уйингизга. — Чол қувноқ сўзлашга уринди. — Қоринди ниқлаб олсангиз, йўл юрмоқ осон кечади.

Йигит кулимсирашга тиришади. Қишлоқ томонга боқади. Тонгданоқ руҳини исканжага олган адоватни теранроқ ҳис этмоқчидай, ҳар бир хонадонга бир-бир кўз ташлаб чиқади. Аммо жувоннинг дардида ёнаётган юраги адоватни ортиқ даражада сезмайди. Агар шу тобда, кўчага чиқа кўрма, калтак остида қоласан, дейишган тақдирдаям бирор туки қилт этмасди. Дунёда ҳажр ва умидсизликдан оғир дард йўқлигини илк бор англаб етган йигитнинг юраги чилпарчин бўлган. Назарида, чол, суймаганга суйкалма, деган маънода кулимсираётгандек туюлди. Ҳадикланиб чолга бокди. Йўқ, у ҳам ўз ўйи билан банд эди.

Отамурод эзилиб ўтириш жонига теккандай, саркашона бир ҳаракат билан ўрнидан кўзгалди. Қозон бошида серрайиб турган кампирга миннатдорчилик билдир-

ган бўлиб, кераксиз юк ортилган машинаси томон юраркан, негадир, яна келаман, деди. Чол одоб юзасидан, эшигимиз ҳамиша очик, деркан, ичидан зил кетди: «Эсон-омон чиқиб кета олармикансан ҳали».

Иккиси машина томон олдинма-кейин юрган ерларида, бирдан тақа-так тўхташди.

Сой томондаги тор сўқмоқдан хурмача кўтарган жувон бамисоли қуёшдай порлаб чиқиб келарди. Ҳарҳолда йигитга шундай туюлди. Ва у бир лаҳза уят ва андишани унутди. Жувонга бақадай тикилиб қолди. Аммо бунини уй эгалари сезмади. Уларнинг эътибори ҳам Зумрадда эди. Бундан жувон баттар кисинди, баттар қизарди. Кўзига тик тушган қуёш нуридан шапақлангандай, беихтиёр қоқилди. Ўзини базўр ўнглаб, хижолатомуз жилмайди.

— Меҳмон кетаяпти, кизим, — деди ота.

— Бунча йўқ бўп кетмасанг, — деди она.

— Мен хозир.

Қиз шундай дея ҳовли этагидаги кулба томон интилди. Ҳаракатларида қандайдир ошиғич, ҳаяжон бор эди. Бунини сезган чол-кампир бир-бирларига маъноли қарашди. Сўнг йигитга ўгирилишди. Уларнинг қарашларини йигит жуда кеч пайқади. Лавлагидай қизариб, ерга боқаркан, кабина эшиги тутқичини тополмай, пича тимирилди.

Жувон кулба эшигида пайдо бўлганида, чол янада сергакланди. Қизининг қўлидаги тугунга қаради. Зумрад хурмачани Абдурахмон чавандоз авлоди учун маълум бир тимсолга эга бўлган ўша таниш белбокка тугиб чиққанди.

— Қаймоқ, — деди у қўлидаги тугунни онасига узатаркан оҳиста. — Ўзимизда йўқ экан, бўламникидан олиб келаяпман.

Жувон аста ортга чекинарган, йигитга бир қараб қўйди. Шу бир қарашнинг ўзиданоқ Отамурод кўп нарсани англади. Ҳаяжондан хаприқиб, тили калимага келмай қолди.

— Кутлуғ уйдан қуруқ кетманг, болам!

Кампир қўлидаги тугунни йигитга узартаркан, чолига маъноли қараб қўйди. Чолнинг зийрак нигоҳи белбоғнинг маъносини йигит англамаганини дарров пайқадди. Жувоннинг ташрифи ва қараш билангина чеклан-

ган Отамурод қўлидагини шунчаки тугун деб ўйлади. Уни ўтиргичга қўйди.

— Қаймоқ тўкилса, белбоғ расво бўлади, улим. — Чол шундай дея ортига ўгирилди. Аёли ва қизига қаради. Улар йигит билан тезгина хайрлашиб нарироқ кетдилар. Ота уларни нигоҳи билан кузатиб қоларкан, тагин йигитга юзланди.

— Белбоғни белга, э, елкага ташлаб олинг, — деди. — Хурмачани оёқ остига жойлаштиринг. Оғзи маҳкамми? Ҳа, маҳкам экан. Тўкилмайди. Белбоғни елкага ташланг.

Йигит хурмачани челақ ичига жойлаштириб, белбоғни елкасига ташларкан, чолга хушнуд жилмайди.

— Яна озроқ ёнроқ ғамлаб қўйсангиз, — деди дув қизариб. — Икки-уч кун ўтказиб келамиз.

— Келамиз? — Чол бу сўровда сўзга алоҳида урғу берди.

Йигит ҳаяжон билан таъкидлади.

— Ҳа, келамиз!

— Кутамиз, лекин белбоғни елкадан ташлай кўрманг!

Афсус, йўлда йигит бу гапни паққос унутди. Ҳаяжондан терчиган манглайини белбоғда суртаркан, одати бўйича уни ёнига, ўриндикқа ташлади. У шу қадар бахтиёр эдики, қўшиқ айтиб юборишдан зўр-базўр ўзини тийиб турарди.

Қишлоқдан чиқиши билан қўшиқни бошлаб юборди. Ҳаётида бирон марта қўшиқ айтмаган, шунингдек, бирорта ашулани тузук-қуруқ билмасди. Буни қарангки, сўз дегани ўз-ўзидан қуйилиб келаверса денг.

Аммо унинг шодлиги қишлоқдан унча узоклашмай адоғлади. Муюлишда йўл чоғроқ харсанглар билан тўсиб қўйилганди.

\* \* \*

Бу пайтда чол хансираганча дўнгга тирмашаётган эди. Дўнгдан муюлишгача бир кадам. Довонга тирмашадиган яккаю ягона йўл эса қишлоқ ёқалаб бориб, Бештошдан сўнг муюлишга буриларди.

Муюлишга бориш чолнинг хаёлида ҳам йўқ эди. Аммо машина ҳовлидан чиқиши билан қизи онасига, она эса чолга ялт этиб қаради.

— Муюлишгача кузатиб қўймадингизда, отаси.

Чол, белбоғ бор-ку, демоқчи бўлди-ю, сўнг бирдан хавотирга тушиб, оёғини қўлига олди. Дўнглик жуда тик эди. Аммо тоғ аҳли учун бу тиклик нима бўпти. У мисоли қоплондай бута ва харсанглар оралаб, жадал юкорилаб борарди.

• • •

Машина йўлга кўндаланг ташланган харсангларга тумшук тираб тўхтаркан, наридаги арча тагида ёнбошлаб ётган беш-олти йигитлар орасидан икки нафари ўрнидан кўзгалди. Улардан бири кеча шомга яқин машинани тузатишга кўмаклашган қоратўри йигит эди.

— Кўп қопкетдингиз, меҳмон? — деди у машинага яқинлашиб, кабина эшигини очаркан, совуқ илжайди.

Отамурод саволга жавоб беришдан аввал тевааракка зимдан разм солди. Ўнг бет тик қоя, чап тубсиз жарлик. Тушган одам тарикдай сочилиб кетиши тайин.

Йигитлар кулимсираб туришган эса-да, авзойилари бузук, гўё қахрларини табассумлари остига яширишга тиришгандай, ғалати илжайишарди.

— Тушинг, меҳмон, бир майдон гаплашиб олайлик энди! — деди иккинчиси.

Ишқдан маст Отамурод хушёр тортаркан, тонгдан юраги сезган адоват ва унинг натижаси эрмиш хавф мана шу эканини англади. Лекин негадир қўрқувни хис қилмади. Агар жувондан воз кеч, десалар, яхшиси, анови жардан улоқтира қолинглар дейман, деб ўйлади. Бирок оғзидан бутунлай бошқа гап чиқиб кетди.

— Мени ҳатто йўл назоратчиси тўхтатганда ҳам машинадан тушмаганман, — деди қўрсроқ оҳангда.

— Лекин биз йўл назоратчиси эмасмиз, — деди биринчи йигит ўша сокин оҳангда. — Туша қолинг энди!

— Унда қароқчи экансизлар-да, — Отамурод шундай деркан, зигирча чўчимаётганидан бот ажабланди. — Лекин менда тўрт қоп ёнғоқдан бўлак нарса йўк.

— Ёнғоқ ўзимизда ҳам сероб, ҳатто керагидан ортиқча, — деди биринчи йигит ўша-ўша мулойимлик билан. — Озгина ноҳўя ҳаракатларингизни сезгандай бўлдик. Тўхтатганимиз шундан. Гапни чўзмай, туша қолинг!

Отамурод йигитнинг исталган пайтда газабнок тус олиши мумкин бўлган афтига бир муддат тикилиб тураркан, чўчимаётганидан баттар хайрати ошди. Кабинадан туша-туша деди:

— Сизга ножўя кўринган ўша ҳаракат самимий бўлса-чи?

Бирок бу саволи жавобсиз қолди. Қоратўри йигитнинг кўзлари ўриндикдаги белбоққа қадалганди. У бир белбоққа, бир Отамуродга тикиларкан, ишонқирамай сўради:

— Белбоғ сизникими?

— Ҳа, ҳозиргина совға қилишди.

— Ким?

— Буни билишингиз шарт эмас! — Отамурод оёқ тагига ташлаб кўйилган темир бўлагига ўғринча қараб кўяркан, йигитнинг қарашлари юмшаганини пайқаб ажабланди.

— Бундан чиқди тагин келаркансиз-да? — Йигитнинг овози бу сафар илиқлик касб этди.

— Худо хоҳласа, уйдагилар билан келаман! — деди Отамурод йигитнинг нигоҳида жилоланган дўстона ифодадан руҳланиб. — Ҳаялламай келаман! Ишқилиб, кўясизларми? Ё...

— Э, бемалол! — Йигит энди хижолатомуз жилмаяркан, йўлдаги харсангларга ишора қилиб деди: — Юқоридан тош ўпирилиб тушган экан, йўлни энди тозалаймиз деб тургандик.

— Кўчки денг? — Отамурод жилмайди.

— Йўк, кўчки ўтиб бўлди, бу шунчаки тош.

— Унда мен кета қолай.

— Олдин йўлни тозалайлик.

— Қарашайми?

— Йўға-ай, сиз меҳмонсиз ахир.

— Жар тубсиз экан лекин, — Отамурод куйига ишора қилиб кулди.

— Ҳа, тубсиз.

— Тунда юриш хавфли экан.

— Ёмон одамга кундузи ҳам хавфли.

— Ёмонлар сирасига кирмасам керак мен?

— Нималар деяпсиз, хафа қилаяпсиз бизни.

— Хай, бизга жавобми унда?

— Шундайгина йўлни тозалаб олайлик.

Отамурод йўлдаги харсангларни четга суришга уннаётган йигитлар ҳаракатини бир зум кузатиб тураркан, сўнг ўтиргичда ётган белбоғни қўлига олди. Уни димоғига олиб бориб хидлади. Белбоғдан кўхналик хиди, шунингдек, заиф атир иси анқирди.

— Уни белга маҳкам боғлаб олинг, мехмон, — деди қоратўри йигит, кафтларини бир-бирига ишқаларкан, жилмайиб.

— Ҳа, маҳкам боғланг, — деди иккинчиси.

— Аввалроқ шундай қилиш керак эди, — деди яна биринчиси.

Отамурод белбоғни белига боғларкан, масрур жилмайди. Бунга жавобан йигитлар ҳам кулишди. Сўнг қўл силкиб, хайрлашиб қолишди.

• • •

Худди шу аснода Сардор чол дўнгга кўтарилиб улгурганди.

У йигитларнинг йўлни тозалашларию, жилган машина кетидан қўл силкиб қолишларини жимгина кузатаркан, енгил, жуда енгил нафас олди. Кейин улар кўриб қолмасин дея, буталар орасига яширинди.

Йигитлар узун-қисқа бўлиб, қишлоқ томон юришаркан, улар қаторида Абдурахмон чавандознинг невараси ҳам бор эди. Отамуродга рўпара бўлган биринчи йигит эди у.

Чол буталар панасига хотиржам жойлашиб ўтираркан, ўзининг бу қишлоқда муқим яшаб қолишига сабаб бўлган омиллардан бирини топгандай бўлди. Аммо буни сўзда ифода этиш қийин, фақат ҳис кила билишгина мумкин эди, холос.

## **ТОҒУ ТОШЛАРДА**

Унинг ҳаётида беҳаловат кунлар бошланганди. Энди илгаригидек эмин-эркин юролмас, назарида ҳар бир харсанг, бута ёки арча ортидан ғаними пойлаб тургандек ўзини бежо ҳис этарди. Бундай пайтда кўзидан кўра кўпроқ димоғига ишонарди. Ўша даҳшатли хидни илғаши баробар бутун вужудида титроқ кўзғалиб, тезроқ қочмоқ пайида бўларди. Ўша даҳшатли хид — ин-

сон хиди эди. Кўпинча бу хид милтиқ иси билан коришиқ бўларди. Қоришиқ хид — ажал эди. Ажал ҳидини пайкаган кезлари қора, намчил тумшугини юқорига кўтариб, барча айиқларга хос хиёл сусткаш хатти-ҳаракатлар ила ҳавони бот-бот искар, кейин эса лапангланча орқа-олдига қарамай қочиб қоларди. Орқа-олдига қарамай деганимиз сал ёлгон бўлар, нега деганда, Пахмоқ қочиб бораётиб, йўлда дуч келган нарса — харсанг, бута, арча, қисқаси, бекиниш мумкин бўлган нимаики учраса, бир зумга тўхтаб, ғаними томонга секингина мўралар ва шу созда уни бир неча бор кўришга муяссар бўлганди.

Эгридара худудида ўзи ёлғиздек, ғаними ҳам ёлғиз эди. Тошлоқсойлик Панжи саёқ унинг изидан тушганди. Шу дамгача уларнинг бир-бирлари билан ишлари йўқ эди. Пахмоқ ўз ерида тинчгина умргузаронлик қилганидек, Панжи саёқ ҳам тоғбегининг кўзини шамғалат қилиб, тулки ва парранда-ю даррандаларни отиш билан қаноатланиб юрарди. Айиқ овлаш етти ухлаб тушига кирмаганди. Умрида йирик йиртқичлардан — уч-тўрт бўринигина отишга муваффақ бўлган бу одамнинг феъли ёзда шаҳарлик мехмонларнинг навбатдаги ташрифидан кейин айниди.

Қишлоқ пастидаги сой бўйида сўлим гўшалар ниҳоятда сероб эди. Айни саратонда бу ердан дам олувчиларнинг кети узилмасди. Бундай пайтда Панжи саёққа ўхшаш такасалтангларнинг куни туғарди. Тимирскиланиб сой бўйига тушса бўлди, истаган давра уни ўзига қўшиб оларди. Панжи саёқ мехнатга териси юпка бўлгани билан улфатчиликни жуда қойиллатарди, хизматдан сира қочмасди. Ўчоқ кавлаш дейсизми, тандир осиш дейсизми, юқоридан ўтин териб тушиш дейсизми, хуллас, бу хил юмушларни жуда кифтини келиштирарди. Боз устига уста гурунги эди. Оғзига озгина «тегиши» билан ов ҳақида шундай бир гурунглари бошлардики, ўтирганларнинг оғзи ланг очилиб қоларди. Даврадагиларнинг кўз ўнгида бу бирдан ўзгача тус оларди. Шунчаки бир фақир эмас, балки уста овчи, ҳар йили неча-неча бўриларнинг шўрини қуритадиган мохир мерган, неча-неча кўчклардан омон қолган омадли инсон сифатида таассурот уйғотарди. Барча овчилардек бирга ўнни қўшиб гапиргани сайин туйқусдан шу қадар



завки тошиб кетардики, окибатда гапирган гапига ўзи ҳам чиппа-чин ишониб қоларди. Дам олувчилар ҳам фавқулудда сахийлашиб, ундан ичкиликни аямас, кетишаётиб эса баъзилари манзилларини ҳам ташлаб кетишарди, боринг, бормасангиз хафа бўламиз, дейишарди.

Панжи саёқ уларникига бормаганидек, уйига ҳам таклиф этмасди. Қандай қилиб таклиф этсин. Пешанасига битгани уй бўлиб уй эмас, оғил бўлиб оғил — бир айвонли, етти боларли шунчаки бир кулба. Ёз бўйи ҳовлисини супурги ўт босиб ётади. Кузга томон супурги ўтларни ўриб, улардан супурги ясайди. Хафсала қилса, бозорга чиқариб сотади, йўғасам, ховлининг бир четида қиш ичи чириб адо бўлади. Рўзғор ишига камхафсала ва овдан бери келмагани учун хотини ташлаб кетган. Сўққабошликка тамомила кўниккан бўлса-да, гоҳо тўсатдан уйлангиси келиб қолади. Аммо бунинг учун аввало уйини тузатиб олиши лозим, иккинчидан, қуёш кўрмай моғорлаб кетган кўрпа-тўшагини янгилаши керак. Учинчидан, хотин туширгандан кейин ис-пис чиқариш деган гаплар бор, бунинг ҳаммасига эса пул керак. Қиш ичи отган тулкилари терисига битта қисир сигир келмайди. Ака-укалари, одам бўлмайди бу, дея қўл силтаб қўйганларига анча бўлган. Унинг эса одам бўлгиси келади-ю, лекин...

Панжи саёқ эркин яшашга ўрганган. Елкасида милтик, тоғма-тоғ изғишни хуш кўради. Унинг бу хил турмуш тарзини одамлар ҳазм қилолмагандек, ўз навбатида, у ҳам одамларнинг яшаш русумини ҳеч танига сингдиролмайди, ўзича одамларни кўркаламушга қиёслайди: «Иш, рўзғор, хотин ва бола-чақа... туфи-ий, шуям тирикчилик бўлди-ю!» Қишин-ёзин устидан пахталик тушмайди. Негаки, кечалари дуч келган ерда ётиб қолаверади-да. Дала-дашт, тоғу тош, ўнқир-чўнқир унинг учун ҳар қандай уйдан афзал. У, асосан, тулки овлашни яхши кўради, паррандаларни эса овқати учун отади. Ёздан бўлак пайт кулбасининг ёнидан ўтиб қолган одамларнинг димоғини каклик шўрва ҳиди қитиклайди. Агар кўнглингиз каклик шўрва тусаса, марҳамат, яримта винони қўйинга тикиб, эшик қоқиб бораверинг. Панжи саёқ сиздан овқатини аямайди.

Боя айтганимиздек, ёзда унинг куни сой бўйида ўта-

ди. Дам олувчилар орасида ҳафталаб туриб кетувчилар бор. Панжи саёқ гурунги ва хизмати эвазига ҳафталаб маза қилади. Бир сафар уни норғул-норғул эркаклардан ташкил топган давра аҳли ўзига тортди. Даврабоши туман марказидаги аллақандай бир каттакон идоранинг бошлиғи экан. Гап орасида кимдир бу ҳақда қистириб ўтди. Аммо Панжи саёқ учун бу нарсанинг зиғирча аҳамияти йўқ эмасми, бошлиқнинг виқорли чимирилиб ўтиришларига мутлақо аҳамият бермади. Одатдагидек, хизматини сидкидилдан адо этиб юраверди. Қўли ширинлигини билган бошлиқ бора-бора уни ўзига яқин олди, ов ҳақидаги гурунглари жон қулоғи билан тинглади. Тинглаб туриб, бир куни шундай деб қолди:

— Мулла Панжи, бу-у айиғу қоплонларгаям тишлари ўтадими ё фақат бўрининг кетидан пойлайдиларми?

Панжи саёқ ҳузур қилиб суяк кемираётган эди, жавобга ошиқмади. Суяк кемира-кемира аввалбошда бошлиқнинг семиз, оппоқ яланғоч сонларига, сўнг калта иштони устига тўкилиб турган йўғон қорнига назар солди, тоғ йўлига ўлақолса чидамаса керак бу, деб ўйлади негадир ўзининг чайирлигидан суюниб. Сўнгра унинг ўзига бир қадар ихлос билан тикилиб турганлигини кўриб, мой юки бармоқларини ялай-ялай, ўта жиддий оҳангда гап қотди.

— Тишимиз ўтади, ака. Тоғда бизди тиш ўтмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Кўнгиллари нимани тусайди, айтаверсинлар, отиб бераверамиз. Тоғбегини ўйламанг, битимниям туютолмайди у.

Табиий, бошлиқ тоғбегини ўйламаган. Шундоқ қаршисида савлат тўкиб турган тоғу тошларнинг қўриқланиши унга бир қадар эриш туюлади. Мийиғида илжайиб, жўшиб оқаётган сойга тикилади. Атрофнинг ниҳоятда гўзаллигини ўйлайди. Яна озгина «отиб», сувга тушишни хаёл қилади. Аммо қаршисидаги кимса жавоб кутиб кўзларини лўқ қилиб турибди. Шунда у яна мақсадга ўтади.

— Бизга битта қоплонми, айикми отиб берсалар, — дейди. — Полга ташлаб қўйсак дегандим. Ҳов бирда бир оғайнимникига ўтгандим. Айиқ териси шундоққина дивани тагида ётибди. Айтишига қараганда, айиқ жуни товонни қитиклаб, нервга ором бераркан.

— Қоплон деганимиз пишак<sup>1</sup>дан каттароқ бир жонивор-да, — дейди Панжи саёқ сергўштроқ қовургани қўлига олиб. — Пишакди акаси десаям бўлади уни. Сиз, яхшиси, айувдан<sup>2</sup> қолманг, ўзиям бир гектар ерни олади. Янгам билан устида ўйин тушсангиз ҳам бўлади.

Унинг гапи бошлиққа хуш ёқиб, улкан қорнини силкитганча мириқиб кулади. Унга бошқалар қўшилади. Соё бўйи қаҳқахага тўлади.

— Оббо, сизи-ий, — дейди бошлиқ мижжаларига қалкиган ёшни артиб. — Гапни зап оларкансиз-ку, а. Унда бизга битта айиқ отиб берасиз. Лекин ҳақиниям айиқдай қилиб тўлаймиз. Нима ишонмайсизми? — У ёнидаги йигитга им қоқади, йигит чодир яқинидаги машинадан семизгина ҳамён кўтариб келади. У ҳамённи қўлига олиб, ундан бир даста пул чиқаради-да, санамай, унинг олдига ташлайди. — Бу аванс, — дейди, сўнг. — Қолганини иш пишгач оласиз. Вақтини айтинг, шофёрим кеп опкетади.

Бир даста пулни кўрган Панжи саёқнинг кўзлари чакнаб кетади. Хаёлининг бир четида ҳамиша яшаб келган ва гоҳо-гоҳо секин кўзғалиб қўядиган ожиз бир илинж илкис жонланиб, кўз ўнгидан кулбасининг таъмирдан кейинги ҳолати ўтади. Тасаввури янада рангланиб, кулбасида рўзгор иши билан қуйманиб юрган бир аёлни кўради. Ана у эрининг музлаб қолган этигини иббо билан тортмоқда. Қани энди чоғи келса. Бунга сари Панжи саёқ хузур қилади. Қабатида кўш-кўш каклик ва бошқа даррандалар. Милтиғи деворга суялган. Тўнғиб қолган сирти уйнинг ҳароратидан терчиган. Хотини этигини ечиб бўлиб, милтиққа қўл чўзади. Панжи саёқ норозиланиб бош чайқайди, яроққа тегма, хотин кишининг ишимас бу, яхшиси, мановулардан битта шўрва яса, дейди. Аёли итоаткорона бош ирғаб, тагига янги қавилган кўрпача ташлайди. У оёқларини печкага тоблаб, ёнбошлайди. О-о, қандай маза!

Унинг хаёлга ботиб қолганини бошлиқ ўзича тушунди шекилли, хиёл ошиброқ изоҳ беради.

— Пулдан гам еманг. Қанча десангиз тўлаймиз. Қачон юборай шофёримни.

<sup>1</sup> Пишак — мушук.

<sup>2</sup> Айув — айиқ.

Панжи саёкнинг хаёли қочиб унга қарайди. Бунда пул кўп, деб ўйлайди унинг кўлидаги ҳамёнга хирслик билан тикилиб, бунга пул писанд эмас, йўғасам, битта сассиқ айувга шунча пул тўлайдими, лекин айув отиш ҳам осон иш эмас, қийин.

Бошлиқ сал жонсарақлашиб, яна сўрайди.

— Қачон юборай одамимни?

— Кузда, — дейди Панжи саёк.

Бошлиқ узоғи билан «хафта-ўн кун» деган жавобни кутганди. Бу гапни эшитиб ҳафсаласи пир бўлади. Ўртадаги пулга ичи ачиб қарайди, мастлик қурсин, дея ўзини янади. Аммо қайтиб олишга юзи чидамайди. Ат-рофдагилар нима дейди, деган андишага боради.

— Ҳозир отиб беролмайсизми? — дейди кейин. — Сизга чўт эмас-ку бу...

— Ҳозир туллаган пайти, — дейди Панжи саёк олдидаги пулни бахузур чўнтагига жойлаб. — Кузда жуни зўр бўлади. Лекин бахтингиз бор экан. Эгридарада битта зўри бор. Жуни бир қарич. Пахмоқ деб от кўйганмиз. Шойирни кузди ўрталарида юбораверинг.

— Битта-яримтаси отиб қўймасмикан ишқилиб?

— Отмайди, — дейди Панжи саёк ишонч билан. — Қўриқхонада отиш ман қилинган. Бизнинг йўриғимиз эса бўлак. Эгаси минг пойласин, ўғри бир дегандай... амаллаймиз-да энди, ака.

— Эркакча гап-а? — Бошлиқ унга қўлини узатди.

— Худога шукур, эркак бўп туғилганмиз. — Панжи саёк олдинга эгилиб, унинг хамирдай юмшоқ кафтини тутаркан, алоҳида таъкидлайди. — Сўз бердикми бажарамиз. Бажармасак ўзимизни эркак санамаймиз, биз!

Бу гап ёз чилласининг ўрталарида бўлиб ўтганди. Пахмоқ бу вақтда ёз неъматларидан тўла-тўкис бахраманд бўлиб юрарди. Ора-сира сойга эниб балиқ овларди. Балиқ овлашнинг обдон ҳадисини олганди. Асосан буримдаги қиёқзорда кўп ўралашарди. Қиёқзор сойдан айри тушган бўлиб, у ерга сув тошлар орасидан сизиб ўтарди. Чикиш жойи торгина ўзан эди. Пахмоқ овни худди ўша ердан бошларди. Аввал чўнқайиб ўтириб, илиқ сувда бемалол сузиб юрган балиқларга панжа урарди. Турган гап, балиқлар патир-путир қочмоққа тушарди. Шунда унинг сабри чидамай, қиёқзор оралаб сувни бошдан-оёқ лойқатиб ташларди. Кейин эса тамомила гарангсиб қолган балиқларни битта-битта тутиб,

кирғоққа улоктираверарди. Қорни дўмбирадай шишиб кетгунча балиқхўрлик қиларди-да, нафси қонгач, сойнинг чап қирғоғидаги дўланазорга чиқиб, ўзини офтобга тоблаб ётарди. Орада бир-икки бор сувга тушиб чиқарди.

Қискаси, айна ўша пайтда у сойнинг юқори қисмида ов қилиб юрарди. Қуйида эса унинг ўзини овлаш хусусида бир битимга келинганди.

Улар илк бор кузнинг ўрталарида Оқсув бўйида тўқнаш келдилар.

Оқсув деганимиз Эгрідара туби оралаб оқадиган сойга келиб қуйиладиган кичик ирмоқ эди. Ирмоқнинг манбаи Эгрідаранинг ўрта тармоқларидан бири ҳисобланмиш тик жарликнинг тўридаги булоқ эди. Тик жарлик тоғ бағрига уч чақиримча суқилиб кирган бўлиб, туби булоқ бошигача қалин чангалзор эди. Оқсувнинг сойга келиб қуйиладиган қисмини эса улкан зирк майдони ташкил этарди. Шу куни Пахмоқ зирк оралаб, нордон, қизил мевалардан тотиниб юрарди. Кузда айиқлар йилнинг бошқа пайтларига нисбатан овқатга ўчроқ бўлишарди. Сабаби, олди қиш. Қиш уйқусига оч қорин билан кириб бўлмайди-да.

Олдинги чап оёғига ўқ келиб текканда, у зиркнинг шигил мевали шохига энди интилай деб турганди. Кучли оғриқ баробарида наридаги харсанг бошида тутун кўрди. Сўнг овчининг боши кўзига чалинди. Нақл қилишларича, яраланган айиқ ганимига дарҳол от кўярмиш. Аслида ҳам шундай. Аммо ҳар пайт ҳам бу ҳодиса юз беравермайди. Пахмоқ харсанг томонга бир талпинди-ю, чўлоқланганча, гингшиб, ингиллаб қоча бошлади. Шўрлик эндигина уч ёшга тўлган бўлиб, у қадар жасоратли эмасди. Боз устига, оғриқ шу қадар зўр эдики, чопса оғриқ босиладигандек, оёғига зўр бермоқда эди. Иккинчи ўқ ёнидаги тошга келиб тегди. Бунга сари у баттар шаталоқ отди.

Ўша куни тоғ ўнгиридаги коваклардан бирига бикиниб, роса бир ҳафта жароҳати билан андармон бўлди. Ялаб-юлқаб жонига ором берди. Хайтовур, ўқ суягига зиён етказмаган экан, ҳафта деганда жароҳати анча битиб, ташқарига чиқди.

Яраланганда илк бор ёлғизлиги қор қилди. Онасини эслаб, узоқ-узоқ гингшиди. Милтиқдан эса ёмон юрак олдириб қўйди.

• • •

У онасидан эрта етим қолганди. Онаси ҳам ўзига ўхшаш журъатсизроқ айиқ эди. Келбати кичикроқ, кўримсизгина эди. Лекин барча оналар каби ўта меҳрибон эди. Боласини ер-кўкка ишонмагандек, сабоқ бериш борасида анча талабчан эди. Аммо сал эҳтиёткорсизроқ эди. Нега деганда, сўнгги пайтларда кўриқхонада йирик жониворлар ҳаётига қасд қилиш ҳоллари камдан-кам содир бўларди. Тартиб бузар овчилар, асосан, майда жониворлар билан чекланарди. Кам ҳуркитилгани боис, у хийла боқибегам эди. Айни шу нарса унинг бошига етди. Билмай захарланган сигир гўштини еб қўйди.

Кўриқхонада милтиқ отилар, қопқон қўйилар, лекин захар ишлатилмасди. Захарни бўрилар жонига теккан чўпонлар қўйганди. Захар нималигини билмаган онаси гўштдан тўйиб еди. Ўша пайтда, бахтига, Пахмоқнинг қорни тўқ эди. Онаси гўшт билан андармон вақтида арчазорда ўйнаб юрарди. Қайтиб, онасини чўзилиб ётган ҳолда кўрди. Ўлим нелигини тушунмас, югуриб келиб онасининг пинжига суқилди. Кейин устида умбалок ошиб ўйнади. Қулоғидан тишлаб тортқилади. Қизик, онаси фик этмади. Одатдагидек, улкан панжаси билан уни нари сурмади. Миқ этмай ётаверди.

Шу пайт сўкмоқ бошида отлиқ кўринди. Одатда, онаси инсон зотидан иложи борича нари юришга ҳаракат қиларди. Бу ҳолни унинг шуурига қуйишга ҳам улгурганди. Бу сафар уни танг қолдириб, онаси кимир этмади. Пахмоқ хавфдан огоҳлантириб, оёғидан қаттиқ тишлади. Бирок бу ҳаракати ҳам фойда бермади — онаси пинак бузмади. Отлиқ эса тобора яқинлашиб келарди.

От ташвишли пишқириб, туёқ товушлари тинди. Киши от устидан диққат билан уларни кузатди. Сўнг елкасидаги милтигини қўлига олиб, осмонга ўқ бўшатди. Ўқ овозидан Пахмоқ кўрқиб кетди. Ички бир идрокка бўйсуниб, арчазорга қочди. Анча вақт биқиниб ётди. Онасининг излаб келишини кутди. Қуёш қоялар ортига бекинсаямки, онаси қидириб келмади. У ҳурка-хурка онаси томон жилди. У ётган ерда бир уюм гўштни кўриб анг-танг туриб қолди. Онаси қаёққа йўқолди? Бу саволга жавоб тополмагандек, олға силжишга ҳам ботинолмади. Арчазор оралаб, гингшиганча, онасини қидириб кетди.

Онасини излаб тошсупагача борди. Тошсупа кичик-роқ қоянинг туртиб чиққан бурни бўлиб, чор тарафи куюк арчазор эди. Онаси кўпинча шу ерни маъқул кўрарди. Қорни тўқ кезлари тошсупада ором оларди. Сукунатга чўмилган даранинг бу бурчида тик этган товуш дарров кулоққа чалинади. У тунни шу ерда ўтказди. Шитирлаган ҳар бир товушни онам деб ўйлади. Тошсупа лабидан туриб пастга илҳақ-илҳақ термулди. Аммо ҳар сафар товуш эгаси бошка бўлиб чиқаверди — гоҳ уни тўнғизлар галаси алдар, гоҳ дарахтадаги қушларнинг патир-путури чалғитар, гоҳ қайсидир жониворнинг оёғи тагидан кўчган тош умидлантитар, қисқаси, турли-туман ҳидга тўла ҳавода онасининг таниш хидини беҳуда кидиради.

Пахмоқ етимликнинг илк тунини тошсупа лабида маъюс ва эзгин бир ҳолатда ўтказди. Қуёшнинг дастлабки нурлари қаршисидаги қоя юзини ёритгач, қорни ниҳоятда очганини англади. Фингшиб, ингиллаб нола қилди, ўзича онасидан ўпка-гина қилди. Тонг отганидан ботирланиб, нораста овозда ўкириб-ўкириб уни йўқлади. Ҳар йўқловдан сўнг диққат билан теваракка кулоқ тутди. Таниш шарпа кулоғига чалинавермагач, яна ва яна ўқирди. Онаси чиқиб келиши мумкин бўлган арчазорга тикилиб-тикилиб ўқирди. Охири ўкиравериш жонига тегиб, бир нуқтага термулганча туриб қолди.

Кун хийла ёйилгач, олифта бир тулки диққатини тортди. Арчазордан чиқиб келган бу жонивор искаланиб, тошсупа тагига келди. Тошлар орасидан ниманидир топиб, иштаха билан чайнай бошлади. Бундан Пахмоқнинг қорни баттар гўлдираб, тумшукчасини ялади, нолакор фингшиди. Тулки чўчиб тепага қаради. Уни кўргач, бамайлихотир ўз юмушида давом этди. Сўнгра тор сўкмоқ бўйлаб юқорига ўрлади. Пахмоқ кўзи билан уни тор муюлишгача кузатиб қолди. Муюлишдан Эгридаранинг асосий қисми бошланади. Ундан нариёғи кичик водий, водийдан сўнг Қорадара. Пахмоқ Қорадарада икки бор бўлган. Негадир онаси у томонларни унчалик хуш кўрмас, асосан Эгридара ҳудуди билан чекланарди. Кейинчалик билса, Қорадарада емиш камроқ экан, шу боис онаси у томонларга кам бошлаб борарди.

Тулкининг қораси ўчгач, у майда тошли сўкмоқдан пастга энди. Боя тулки ниманидир чайнаган ерга борди.

Тошлар орасига бошини сукиб искаланди. Димоғида сасиганроқ парранда исини туйиб, пишқирди. Пишқира-пишқира қуйига жилди. Илк бор мустақил равишда емиш қидириб кетди. Емиш дегани мўл эди. Мазали томирлар истаганча топиларди. Нафси бир оз конгач, ўз майлида тентиб кетди. Онасини қўмсаб, фингшиди. Оёқлари беихтиёр кечаги жойга тортди. Тезроқ борса онасини топадигандай қадамини тезлатди. Аммо қалин бутазорга кирганида кутилмаганда ганимга дуч келди. Тўсатдан унга тўнғиз ташланиб қолди. Бечорани бир туртиб нишабликдан пастга улоқтириб юборди. Биқинлари тошга урилиб, қуйига юмалаб тушаркан, оғриқдан ҳам кўра даҳшатдан, даҳшатдан ҳам кўра ожизликдан чинқириб юборди. Ахир онаси ёнида бўлганида бу ҳол юз бермасди-да. Онаси даврида бу каби хунук ва серзарда жониворларга неча-неча бор дуч келишган, бироқ улар ҳеч вақт ҳад қилолмаган. Энди эса...

Пахмоқ дунёнинг бу хил ишларидан таажжубга ботиб, арча тагида узоқ ўтирди. Танидаги оғриқ босилгач, яна секин олға жилди. Буримда яна тўнғизларга дуч келди. Бояги тўнғиз болаларини эргаштириб, сойга эниб борарди. Пахмоқ уларни кўриши билан ошиғич ҳолатда тош ортига биқинди. Илгари бундай эмасди, онаси қаба-тида тик босиб бораверарди. Тўнғиз деганлари хўр-хўрлаганча ўзини четга олмасдан иложи йўқ эди.

Тўғри, бир сафар улкан тўнғиз онасига ҳамла қилган. Чамаси, болаларини қизганганди. Аммо онаси ўта совуққонлик билан уни шундай бир туширгандики, шўрлик тўнғиз майда буталарни босиб-янчиб харсанг ортига юмалаб тушганди. Онаси эса ортиқ тирғалишни ўзига эп кўрмай, секин йўлида давом этган ва ўша куни Пахмоқни роса баликка тўйдирганди.

Тўнғизнинг сўнги боласи буталар ортида кўздан йўқолгач, у биқинган жойидан чиқди. Биринчи бор атрофига кўрқув ила назар ташлади. Кейин ёнверига ҳадикли аланглай-аланглай, онаси тўсатдан ғойиб бўлган кечаги жойга жилди. Кўклам тошқини ўпирган ўнгир бўйлаб юриб, ялангликка чиқди. Кечаги ерда қузғунлар галасини кўриб, жойида хайрон туриб қолди. Улар орасида онаси кўринмасди. Қаёққа кетди экан у? Енгил шабада ўша томондан яна қўланса хидни олиб келди. У енгил пишқириб, ўнгирга тушди. Зорланиб



фингшиди. Қорни очганини ҳис этиб, онасини эммоқ ис-тади. Тамшаниб-тамшаниб она сутини қўмсади. Мункиб кетиб, тумшуғи билан ўнгир деворига туртилди. Оғизча-си сут ўрнига қумга тўлди.

У йиғлади, росмана фингшиб, зорланиб, хўнграб йиғлади. Нораства овозда ўқириб-ўқириб йиғлади. Асрий қоялар миқ этмади, асрий арчалар дардига малҳам бўлмади. Қайтага нақ тепасида иккита тоғ бургути пай-до бўлди. Қаровсиз, ҳимоясиз қолган бу митти жони-ворга чоғлари келиш-келмаслигини чамалагандай осмон бағирлаб узоқ айланиб учдилар. Пахмоқ арчазорга кир-магунча бошидан кетмадилар.

У ўқсиб-ўқсиб йиғлаганида, миқ этмаган арчалар уни бағрига олди. Ташқи ғанимлар кўзидан пана қилди. Аммо арчазор қўйни ҳам ғанимларга сероб эди. Йиғлаб бораётган Пахмоқ ўзига ўқдек қадалиб турган нигоҳни ҳис этиб, бошини кўтарди. Нақ қаршисида ғазабнок си-ловсинни кўрди. Сировсин кўрқинчли ириллаб, кет, йўқол, деди. Олдинги оёқларини олға чўзиб, жангга шайланди. Пахмоқ бир одим олдинга босса, ташланиши-ни огоҳ этди. Пахмоқ кетига тисарилиб, йўлни чапга солди. Хайрати аламга алмашинди. Онаси борида булар қаерда эди? Нега энди ҳаммаси унга ҳамла истаб қолишди? Тўнғиздан еган турткиси каммиди? Нималар бўлаяпти ўзи? Онаси қаерда қолди? Нега қидириб кел-маяпти?

Пахмоқ ўша куни ғанимларидан юрак олдириб, тош-супа тепасидаги ковакка эртароқ кириб ётди. Тунни оч-наҳор ўтказди. Тушида онасини кўрди. У тушида онаси-ни эмди. Тонгда эса қаршисидаги қоя юзида қуёш нури-ни кўрди. Ички бир сезги билан онаси энди қайтиб келмаслигини идрок этди. Ковак оғзида ғамга ботиб узоқ ўтирди. Аммо очлик ғамдан кучли эди. У Пах-моқни ҳаракатга ундади. У ўзи сезмаган ҳолда мустақил ҳаётни бошлади. Онасидан ўрганган усул бўйича қорин тўйдирмоққа тушди. Шўх айикчадан дилгир ва маъюс айикчага айланди. Бора-бора онасини унутди. Ёлғизлик-ка кўникди.

Бугун эса онасини бот эслади. Оғриқ қор қилиб, ёлғизлигини ўйлади. Фақат ҳиқиллаб йиғламади. Инг-раб-инграб ярасини ялади. Ғаним балосидан қутул-моқни ўйлади.

Пахмоқ биқиниб ётган жойидан оқсоқланиб чиққанида қуёш анча қўтарилиб қолганди. Кузнинг муздек хавосидан тани яйраб, бир муддат чўнқайиб ўтирди-да, теваракни синчков назардан ўтказди. Сўнг бир-бир бо-сиб йўлга тушди. Юргани сайин ярасидан қон сизаётганини пайқаб, таъби яна хира тортди. Пастга, сой бўйига тушиб, оёғини сувга тикди. Муздек сувдан вужуди тий-раклашиб, ўзини бардам ҳис этди. Беқарор шабада қаердандир ёввойи олма ҳидини олиб келди. Кўп ўтмай олма хидига дўлана ҳиди қўшилди.

У хидга эргашди. Ўз ҳудудидаги ерларни яхши биларди. Олма хиди Бужурқоя тарафдан келарди. Дўлана кута турсин, у олмага тўймоқ истади. Йўл-йўлакай у-бу тотинган бўлиб, манзил томон ошиқмай жилди. Оқсоқ оёғи ҳар қадамда ўзини эслатиб борди.

Олмазорга арчазор сойлик орқали чиқиларди. Арчазордан нарёғи кафтдек тошлоқ яланглик эди. Олмазор тошлоқ ялангликнинг нариги бетидан бошланиб, Бужурқоя этагига бориб туташарди.

Пахмоқ арчалари сийрак дўнгликка чиқаркан, ўзи учун ўта жирканч туюлган инсон хидини сезиб, бутун тани даҳшатдан титраб кетди. Бутун вужуди кўзга айланиб, хид келаётган томонга аланглади. Нариги бетдаги сўқмоқ бошида отликни кўрди. Уни дарров таниди. Кўнгли андак хотиржам тортиб, арча остига бекинди. Билади, тоғбеги безиён. Шунга қарамай, у ўтиб кетмагунча яширинган жойидан чикмади. Атрофни жиддий, шунингдек, бир қадар мароқ билан кузатиб ётди.

Мароқланиб дейишимизга сабаб шундаки, ҳузурланиб эшлашга арзигулик хотиралар унда сероб эди. Бу жойнинг тарихи ана шундай хотиралардан бири эди. Аслида онасининг мулки ҳисобланмиш бу майдонда у ўз ҳукмронлигини ўтган йилнинг кузида тиклаганди. Унга-ча бу ер кулранг бўриларга тегишли эди. Норасталигида тортиб олишганди. Эсласа, ғазабдан ҳозир ҳам эти тиришади.

Норасталигида ҳудуд нималигини билмасди. Қорин тўйдириш ғамида боши оққан томонга тентиб кетаверарди. Бир куни олма хидини олиб Бужурқоя тарафга юрди. Олди киш, ўзи сезмаган ҳолда қорин ташвишига тушиб қолганди. Киш уйқусига оч қорин билан кириб

бўлмаслигини табиатнинг ўзи огоҳ этганди. Ўша огоҳга бўйсунган ҳодда ҳаракат қиларди у. Аммо ўша кун илма насиб этмаган экан, арчазордан чиқиши билан тошлоқ ялангликда бўриларга дуч келди. Бир эмас, икки бўри уни олдига солиб қувлади. У чинқирганча арчазорга қочди. Пастликдаги арчазорларда яккам-дуккам учраб турадиган тоғ теракларидан бирига ўрмалаб чиқиб олди. Бўрилар терак тагида беҳуда ўралашдилар, беҳуда юкорига сапчидилар. Уларга яна икки ёш бўри, болалари шекилли, келиб қўшилди. Бири қўйиб, бири тепага сапчиди. Кейин ўзаро маслаҳатлашиб, қайгадир гум бўлишди. Уларнинг қораси ўчиши билан Пахмоқ пастга тушди. Аммо йигирма-ўттиз одим юрмай, ўзи томон келаётган хавфни пайқади. Бундай қарасаки, халиги бўрилар елиб келмоқда. Демак, пастга тушишини пойлашган. У янада қаттиқ чинқирганча бу сафар арчага тирмашди. Хайтовур, бахтига камбутоқрок арча дуч келди.

Ўша кун и арча устида узок қолиб кетди. Бўриларга нисбатан кек ва адоват юрагида маҳкам ўрнашиб қолди. Аслида у онасининг ғанимига дуч келганди. Заҳарли гўшт айни шу бўриларга қаратилганди. Онаси уларнинг касрига ўлиб кетганди.

Табиий, у буни билмасди. Ўзига ўтказилган алам туфайли орадан бир йил ўтиб, у бўрилардан бошлаб ўч олди. Бу воқеа ҳам Бужурқоя яқинида юз берди. Пахмоқ билмасдан бўриларнинг ини устидан чиқиб қолди. Қаршисидан ириллаб чиққан икки бўрини кўриб, аввалига лол туриб қолди. Бировга ёмонлиги йўқ одам ноҳақ ҳақоратга рўбарў келгандай, кўзларини пирпиратиб, анграйиб тураркан, бир хаёли изига қайтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Сўнг бирдан бўриларни таниб қолди-да, хайрати баттар ошди. Назарида, бўрилар анча кичрайиб қолгандай эди. Ўтган йилги бўрилар анча басавлат эди. Булар эса... Бўрилардан бири узок ўйлатгани қўймади. Кутуриб хужумга ўтди-да, унинг сонидан гарчча тишлаб олди. Пахмоқ беихтиёр кетига тисарилди. Қочмоқчи ҳам бўлди. Бироқ тўсатдан нафсонияти кўзиб, қаҳри жўшди. Яқинига тишини иржайтириб келиб қолган бўрилардан бирини панжаси билан уриб учуриб юборди. Иккинчиси ўзини чапга олиб улгура олмади. Ўз запти билан Пахмоқнинг кучоғига келиб тушди. Шўрлик-

нинг суяклари бир сикувдаёқ синиб адо бўлди. Пахмоқ бу билан чекланмай, унинг яғринидан тишлаб ҳам олди. Оғзида қон таъмини туюб, баттар қутурди. Рақибини, том маънода мижиёлаб ташлади. Кейин шу яқиндаги катта тош билан бўрилар инини бекитиб қўйди. Аммо ғалабасидан негадир руҳланмади. Эски ғаними бўлмиш бўриларнинг бу қадар кичрайиб қолганидан ажабсиниб, улар бошида хийла вақт туриб қолди.

Пахмоқ ўзини кундан-кун улғайиб бораётганидан бе-хабар эди. Бир оз хайратдан сўнг, бўрилардан бири чўзилиб ётган арча тагига борди. Ички бир ундовга бўйсуниб, тумшувини кўкка чўзди-да, орқа оёқларида даст туриб, арча танасига елкасини обдон ишқалади. Одатдагидек аждодларига хос ишни қилди, яъни бу ер меники, деган белги қолдирди.

Юмушини битиргач, арчадан сал узоклаб, белгига қиялаб разм солди ва шундагина ўзининг улғайганини пайкагандай бўлди. Бу сезгидан томирларига қон югурди. Ярим овозда хушнуд ўкириб, теваракка мағрурмағрур назар солди. Кейин эса рақибларининг мурдаларига қиё ҳам боқмай олмазорни қора тортди.

Бу энди бир йил олдинги гаплар эди. Қиш ичи у яна улғайди. Кучга тўлди. Шу йил баҳордан бошлаб ажиб бир диққат ва ҳафсала билан ўз худудини кенгайтиришга тушди. Энди билсаки, бир йил олдин белги қўйган бу ерлар ўз худудининг маркази экан. Онаси у ўйлагандан кўра кўпроқ ерга ҳукмронлик қилган экан. Буни у қаердан билди деб ўйларсиз? Гап шундаки, бу йил баҳорда Бужурқоянинг жанубий қисмидаги Қўнғир тизмаларда ҳам обдон санқиган эди. Санқиш давомида болалик хотиралари хаёлида секин-аста қайтадан жонлана борди. Тизмаларда онаси билан юрганларини эслади. Қўнғир тизмалар Эгрідара каби емишга мўл бўлмаса-да, ҳарҳолда ўз мулки, баҳор кезлари тишга босгулик нарсалар топилиб туради. Пахмоқ қизиқсиниб, ундан наридаги ерларни — Чуқуркамар тепасидаги сойликдан бошланиб, хув кунботишдаги Мудроққоягача чўзилган Яланғоя тизмаларни ҳам айланиб чиқишга улгурганди. Ҳатто фасллар гўзали баҳор ҳам бу асрий қояларга бирор-бир кўрк беролмасди. Овчилар тилида, худо қарғаган жой, деб номланмиш бу масканга Пахмоқ қайтиб оёқ босмади. Шунингдек, Қинғир тизмаларда ҳам

камдан-кам ўралашарди. У, асосан, Эгридарада ва унинг теварагидаги бошқа катта-кичик дараларда тентирарди. Бужурқоя этагидаги бу ёввойи олмазор эса унинг энг хуш кўрган жойларидан бири эди.

Тоғбеги кўздан ғойиб бўлгач, у биқинган жойидан охиста қўзғалиб олмазор томон жилди. Ерга тўкилган меваларга қаноат этмай, дуч келган олма дарахтларини силкиб қокди. Тўйиб-тўйиб мева еди. Лекин хушёрликни бир дақиқа ҳам унутмади. Нафси ором олгач, ярадор оёғи симиллаб оғришига қарамай, бир хафта ковакда ҳаракатсиз ётганининг ҳиссасини чиқармоқчидай, одатдагидек, тентиб кетди. Тентий-тентий кечга томон Эгридара оғзига — осмонўпар икки қоя оралиғига бориб қолди. Соё бўйидаги харсанглардан бирининг пойига чўкиб, қаршисида ястаниб ётган кенг яланглик — водийни ва унинг ортидаги қўнғиртоб пастак тоғ тизмаларини синчиклаб кузатишга тушди.

Пахмоқ пастак тоғ тизмаларида ҳали ҳеч бўлмаган, лекин водийда истаганча кезган. Водий кўриқхонанинг этак қисми ҳисобланса-да, шу яқин-атрофдаги қишлоқ одамлари, асосан, тошлоқсойликлар томонидаги анча-мунча ўзлаштириб олинган. Кишилар бу ерга картош-кадан тортиб, қовун-тарвузгача экиб ташлашган. Водий ўртасидан оқиб ўтган соёнинг қирғоқлари хув адоқда қорайиб турган Тошлоқсой қишлоғигача мевазор боғ. Боғдаги мевалар тоғдаги мевалардан тубдан фарқ қилади. Йирик-йирик, серсув ва тотли мевалар. Кузда Пахмоқ мана шу мевалар илинжида пастга кўп энади. Аммо энган кезлари ўзини ҳеч қачон эркин ҳис этолмайди. Негаки, водийда истаган вақтда одам боласига рўбарў келиш мумкин-да. Шунингчун, нафси жуда ҳакалак отган дамлардагина ўғринча келиб кетади. Айниқса, водийнинг қишлоқ тарафдаги қисмида жойлашган ола-була йўлтўсгич ва унинг қаватида қўнқайган чоғроққина кулба ҳамиша юрагига қутку солиб туради. Бу йил ёзда ғаллазор оралаб, пишиб улгурмаган кўк майсаларни бамайлихотир тушираётганида, ўша томондан милтиқ отиб ҳуркитилганди. Шулар боис, уйчага нисбатан худди ғанимидек муносабатда бўлар, иложи борича у томонга яқинлашмасликка уринарди. Бироқ нафс деган бало ҳар вақт ҳам уни ўз майлига қўявермасди.

Хозир ҳам димоғида турфа хил мевалар хидини сезиб, у безовта гимирлаб қолди. Шабада бу томонга эсгани сайин оғзи сув очиб, фингшишга тушди. Кейин сой ёқалаб, беихтиёр водий томонга юрди. Картошкапояни кесиб ўтиб, боққа киргачгина ўзини анча бежавотир хис этди. Инсон боласи оғзига олмайдиган тоғ олмаларига сира ўхшамаган йирик-йирик қизғиш олмаларга дарров ташланмади. Аввалига теваракни диққат ила обдон кўздан кечирди. Кейин бамайлихотир йўғонроқ олма дарахтига яқинлашди. Уни силкитмоқ ўйида қаддини ростлаган жойида бирдан тек қотди. Сўнг хумдай бошини эгиб, дарахт танасини искади. У майда жониворларнинг ўзига хос «сўзлашув устун»ига дуч келганди. Тунда ташриф буюрган неки жонивор борки, бу ерда ўз белгисини қолдириб кетганди. Ҳатто кишлок дайди итларининг ҳам белгилари бор эди бу ерда. Пахмоқ келиб-кетувчиларнинг устидан айиқларча қулди ва қаддини тиклаб дарахтга ўз белгисини қолдирди. Ким келиб кетганини бир билиб қўйишсин!

Бахтига ўша куни ҳеч ким халақит бермади. У олмага обдон тўйиб, қуёш ботиб-ботмай дарага қайтди. Ўзи билган синашта коваклардан бирига кириб ётди. Кўп юрганиданми, ярадор оёғи қақшаб, яна азоб бермоқда эди.

\* \* \*

Панжи саёқ ўша заҳотиёқ Пахмоқнинг изидан тушмаганига кейинчалик кўп ўқинди. Аввалбошда Пахмоқни бир ўқ билан тинчитама деб ўйлаганди. Аммо баҳайбат жониворнинг салобати босдимми, қўли қалтираб кетди. Иккинчи ўқ эса умуман хато кетди. Агар ўн дақиқача бурун юқорига ўралаб кетган тоғбегининг қайтиб келишидан ҳадиксирамаганда, ундан Пахмоқ шўрликнинг қутулиши кийин эди. Ҳайтовур, ўқ овози тоғда акс-садо бериб тинар-тинмас, юқори сўқмоқдан от туёқларининг дупури эшитилди. Айиқ қочган зирк буталари сари ғоят эҳтиёткорлик билан яқинлашиб бораётган Панжи саёқ ўзини қалин чангалзор ичига олди. Қамчи тутган қўлини пешонасига қўйиб, теваракка олазарак қараётган тоғбегининг тезроқ кетишини илҳақ кута бошлади. Бахтга қарши, тоғбеги кетишга ошиқмади. Отини ўтловга қўйиб, чордона қуриб ўтириб олди. Овчи

шу атрофда бўлса, барибир ўзини билдиради деб умид килди.

Панжи саёқ чангалзор орасидаги тош ортида биқиниб ётаркан, бошда тоғбегининг галварслигидан кулди. У ерга чордона қуриб олгач эса, ўзининг шошқалоклигидан куюнди. Ўз навбатида, айиқнинг ўлмайд қолганидан суюнди. Мабодо, айиқни ўлдирганида, терисини тушида кўрарди. Бугун ярадор килдими, эрта бир кун отиб олишига ишониб, панада баҳузур ёнбошлаб ётаверди.

Тоғбеги кетгач, биқинган жойидан чиқди. Бояги жойга борди. Ерда қон изларини кўриб, аста из бўйлаб юрди. Сойгача чалғимайд келди. Қон изи сой бўйида йўқолганди. Демак, айиқ сойни кечиб ўтган. Этик ечмай сувга кирди. Муздек сув миясига чиққанига парво килмади. Сойдан ўтиб, қирғоқ бўйлаб изғиди. Изни тополмади. Йирик жониворларни овлаб кўрмагани шу ерда панд берди. Агар оқим бўйлаб яна тўрт юз одимча юқорилаганда изни топган бўларди. Пахмоқ муздек совуқ сув ярадор оёғига хуш ёқаётганини сезиб, сув кечиб қочган, боз устига, кўз остига олган коваги хийла юқорида эди. Ковакка сой ёқалаб юрилиб, чангалзор орқали чиқиларди. Пахмоқ бу ерда фавқулудда бир туйғуга бўйсунган ҳолда изини сув ёрдамида йўқотишга муяссар бўлганди.

Панжи саёқ сойдан ўтиб, Эгридара тармоқларидан бири бўлмиш Ичакдара оғзига рўбарў бўлганди. Ичакдаранинг тор ўзани қалин арчалар билан қопланган бўлиб, ваҳимали суратда қорайиб турарди. У айиқни ўша ерда деб гумон килди. Назарида, Пахмоқ арчалардан бирининг остида пойлаб тургандек туюлди. Ярадор жонивордан ҳар балони кутиш мумкин. Тоғда бу хил воқеалар кўп бўлган. Хов бирда тоққа равоч тергани чиққан қизилқишлоқлик бир чол ярадор айиқнинг чангалида бекордан-бекорга нобуд бўлганди. Отиб яралаган бошқа биров, балога эса чол қолган ўшанда. Шу боис, айиқни иссиғида тинчитгани маъқул. Эплаёлмадингми, бу ёғига ниҳоятда хушёр бўлмоқ лозим.

Бу ўй унинг бошига Ичакдара оғзига рўбарў бўлганда келди. Ва шунингдек, айиқ овлаб кўрмагани шу ерда билинди. Ичкарига киришга ҳайиқди. Халакит бергани учун ичида тоғбегини бошлаб сўқаркан, ўзини оқла-

моққа зўр бахона топди: «Нима кўп, худонинг куни кўп, бугун бўлмаса, эртага барибир отиб оламан. Анову қайсар хўкиз кеп қолмаганда, ҳозир уйда терисини тузлаб ўтирган бўлардим-а. Энди ортидан тилимни осилтириб юраверсам, у ёқда лойим қотиб қолади. Бугун лойни бир ёқли қиламан-да, эртан сахарлаб изига тушаман».

«Лойим қотиб қолади», деб бекорга ўзини окламаганди. Кейинги пайтда кулбасини тузатмоққа туппа-тузук киришганди. Бунга аслида Зариф устанинг пичинги сабаб бўлганди.

Кун анча ташлаб, сой бўйидаги базми жамшидлар ниҳоясига етгач, у Зариф устани йўқлаб қолди. Йўқлаб десак хато бўлади. Нега деганда, иш юзасидан йўқлаш унинг хаёлида ҳам йўқ эди. Шунчаки устанинг уйи ёнидан ўтиб кетаётганди. Қарасаки, Зариф уста дарвозаси қаватидаги қўлбола ўриндиқда мудраб ўтирибди. Шунда йўлига бир бодилик қилгиси келди. Пули борлиги билан мақтаниб қўйгиси келди. Билади, устанинг оёғида боди бор, ёздан бўлак пайт иш олмайди. Шу дардинг бор экан, ёзда қаерда эдинг деб рад этишга этади-ю, лекин Панжи саёқ уйига уста олмоқчи бўпти деган гап бутун қишлоққа тарқалади. Унга мана шуниси қизиқ эди.

Аммо уста каттазанг одам эди. Панжи саёқни пайқамаганга олди. Саломи ерда қолган Панжи саёқнинг дили оғриси-да, ўзини босди. Бу сафар овозини баландлатиб салом берди. Устанинг ўнг кўзи хиёл очилиб, лаблари кимирлагандай бўлди, чамаси, алик олди.

— Шу-у... бизди уйди қўлдан чиқариб берсангиз, уста, — деди Панжи саёқ мақсадга кўчиб.

Бу гапдан Зариф уста ғоят таажжубланди. Лекин шундаям иккинчи кўзини очмади. Чап кўзини баттар қисиб, унга бошдан-оёқ ҳайрон тикилди. Негаки, Панжи саёқ, унинг назарида, санокда йўқ одам, нимасига ишониб уйига уста солмоқчи экан? У Панжи саёқни қузатишда давом этаркан, истехзоли илжайди.

— Уста ҳақиқа битингни тўлайсанми? — деди кейин. — Ё уста насияга иш қилади деб ўйлайсанми?

— Пул дегани бизда ачиб ётибди, уста, — деди Панжи саёқ чўнтаги устидан шапатилаб. — Исига чидаёлмай олдингизга келганмиз... — Шундай дея у устанинг



кўркам иморатига ишора қилди. — Уйимди ўзингизникидай «култирний» кип берсангиз.

Зариф уста унинг дўмпайиб турган чўнтагига ўшшайиб тикиларкан, кўзини юмиб фикр қилмоққа тушди. Пулга хирси қанча баланд бўлмасин, иш масаласида одам танларди. Хунарим ерда қолмаган деб, бундайроқ одамларникига қадам босмасди. Панжи саёққа ўхшаганларни эса одам қаторида кўрмасди. Шулар боис, унинг ташрифидан жаҳли чиқинқиради.

— Култирний уйда ўтиргилари кеп қолдими? — деди бир оз ўйловдан сўнг ҳар иккала кўзини бараварига очиб. — Ким қўйибди сенга култирний уйни? Яшайвермайсанми ўша тезакхонангда тинчгина.

Бу хил муомалани кутмаган Панжи саёқнинг жаҳли чиқса-да, ўзини босди.

— Уста! — деди овози андак титраб. — Истамасангиз, истамайман денг. Лекин буйтиб тилга эрк берманг. Уста уруғига қирғин кемаган, сиз бўлмасангиз бошқасида. Аммо оғизга сал эғалик қилинг!

Зариф уста унинг ялинишини кутганди. Бир оз ялинтириб, узрини айтмоқчи эди. Панжи саёқнинг черс жавобидан иззат-нафси оғриб, ўтирган жойида бир тебраниб олди. Кейин Панжи саёқнинг кулбаси томон имо қилиб, янада совуқ ишшайди.

— Шунини уй деб уста солмоқчимисан хали? — деди. — Нимаси уй буинг? Товуқхонам дурустроқ уйингдан.

Панжи саёқ кулбаси томон ўтирилди. Шу пайтгача пайқаманган экан, кулбаси ҳақиқатан ғариб аҳволда эди. Эгасиз уйдаи тепаликнинг бир четида шумшайиб турарди. Кулбасига раҳми келди. Қаншари ачишиб, чуқур хўрсинди. Лекин паст кетгиси келмади.

— Демак, менсимамайман денг? — деди оғирлигини бир оғридан иккинчисига ташлаб. — Бошқа биров айтса, хўп-хўп, бизга келганда, йўқ-йўқ экан-да, а?

Уста индамади. Ботаётган қуёшга термилиб ўтираверди. Унинг бу қадар беписандлигидан Панжи саёқнинг қаҳри кўзиди.

— Аммо лекин энағар экансиз, уста! — деди овози қалтираб. — Олдингизга одам деб келувдим. Сиз эса... Садқан одам кетинг-э!

Зариф уста унга кўз қирида ўкрайиб қараркан,

чўнтагидан носковорини олди-да, кафтига мўлгина нос тўкди.

— Хунарим ерда қолмаган, — деди носли кафтини оғзига яқинлаштириб. — Ким айтса югуриб боравергани. Сенам бундай ҳаддингни билиб юр-да. Суриштириб келса, кишлоқда итнинг орқа оёғича обрўйинг йўқ. Тагин уйга уста соламан дейсан. Яхшиси, иссиғинг бо-рида уйингга жўна, йўғасам, чатоғингни чиқараман. Ул-ларимни чақираман... тенгингни бериб қўйишади.

— Чақиринг! — деди Панжи саёқ тап тортмай. — Қани, нима каромат кўрсатишаркан! Уларда мушт бўлса, менда яроғ бор! Битта-битта отарман, кейин ҳам-масини! Мени ким деб ўйлаяпсиз ҳали?!

Зариф уста уни бўш-баёв деб биларди. Билгани учун ҳам тилига эрк берганди. Буни қарангки, бўш-баёв дега-ни жуда ботир чиқиб қолди. Андак ортиқча гап қилса, бетига чанг соладиган.

— Бор, кўп бетамиз бўлма, — деди сулхпарвар оҳангда. — Индамаса, андишанинг отини кўрқоқ қўяди-ган чоғинг бор. Каттанинг олдида озгина уялиш керак киши.

— Сизам оғизди бепалаки қиманг-да, уста, — Пан-жи саёқ бир қадар паст тушиб, унга гинали тикилди. — Тилим бор деб оғизга келганини валдирайверадами ки-ши.

— Ана, валдирамадик. — Зариф уста кафтидаги носни тили тагига ташлади. — Бўлдимиз? Энди жўна! Уйингга бор!

— Ҳайдаманг, — Панжи саёқ ортига ўгирилган жо-йида изига қайрилди. — Ҳайдамасангиз ҳам кетаман. Лекин сиз бундан кейин оғизди размирига қараб гапи-ринг, уста. Эмасам, йиртилиб кетиши мумкин.

— Оғзимнинг размирини ўлчагунча уйингга қара-санг-чи, нодон. — Устанинг дили оғриб унга ҳўмрайиб қаради. — Тагин бирор кун устингдан босиб тушмасин.

— Қарайманам! — Панжи саёқ бот чегирайди. — Нима, қўлидан келмайди деб ўйлайсизми?

— Келса, шу пайтгача қарардинг-да, — Зариф уста аччиқ кулди. — Лой чангаллаш санғиш эмас сенга. Уй-га эркак киши қарайди, аёл эмас.

— Уй қўриқлаб аёл ётади, эркак эмас, — деди Пан-жи саёқ унга тақлид қилиб. — Тунда уйингиздан бир

одим нари жилмайсиз, нимангиз эркак сизни! Эркак кишининг тўшаги ер, кўрпаси осмон бўлиши керак. Уйда товуғам ётади-да.

— Нега унда кулбамга қараб беринг, деб келдинг?

— Буям бир ҳавасда.

— Ҳавас эмиш, қўлингдан келмайдики, бош уриб келдинг.

— Жудаям келади-да.

— Кўрамиз, — Зариф уста носини туфлаб ташлаб, унга жиддий ва синовчан тикилди. — Агар томингни туси ўзгарса Зариф отимни бошқа қўяман!

— Яхши! — Панжи саёк қишлоқнинг кунчиқарида қад ростлаган қояга қўлини бигиз қилди. — Агар туси ўзгармаса, ўзимни анову чўққидан пастга ташлайман! Ташламаган номард!

Шу гапдан сўнг, у ховлисига зафт ила кириб келаркан, одатдагидек, тагин дангасалиги тутди. Чамалаб кўрса, иш дегани жуда кўп экан. Бироқ, Зариф устанинг гапи хануз юрагининг бир четини куйдириб турарди. Ҳаракат қилмаса бўлмаслигини сезиб, ўлганининг кунидан тимирскиланиб ўроқ кидирди. Ўроқни топиб, ховли юзини сунургидан тозалагунча қоронғи тушди. Эртаси эрталаб лойхонани тўлдириб лой қориди. Бино бўлганидан бери хомсувоқдан ўзгасини кўрмаган кулба деворлари бўйлаб андава юра бошлади. Аммо уй бетини бир амаллаб сувоқдан чиқарди-ю, тагин саёклиги тутиб қолди. Андавани бир ён ташлаб, тоғларга ҳасрат билан кўз солди. Шунда дафъатан сой бўйидаги ваъдаси эсига тушди. Ҳадемай терини сўраб келишади, деди баҳона топилганидан ич-ичидан қувониб, ваъдани бажармоқ лозим, йўғасам сўзда субут қолмайди. Ўша куни иш-ишда, лой-лойда қолиб, елкасига милтигини осди-да, овга жўнади. Пахмоқни тинчитиб, кейин ишни давом эттирарман деб ўзини овутган бўлди.

Тепаликка ўрлаётиб эса, ортига ўгирилди. Қишлоққа разм солди. Кулбасига анча сон кирганини кўриб, яна суюнди. Суюна-суюна Пахмоқни қидириб кетди. Бахтига айиқ нақ рўпарасидан чиқди. Рўпарасидан чиққани учун ҳам шошиб қолди. Ва натижада... ўшанда айиқнинг изини тополмай, лойим қотиб қолади, деб ўзини беҳуда алдаганди, қайта лойга киришга умуман хуши йўқ эди. Ўша куни кечга томон белига беш-олти каклик

ва икки қуённи осиб қишлоққа қайтганида, ҳовлисида ажиб бир манзаранинг устидан чиқди. Ундан ҳафсаласи пир бўлиб, аллақачон қўлларини ювиб қўлтиғига уриб қўйишган оға-инилари ҳамжихат ҳолда уйнинг ташқарисини гир айланасига сувоқдан чиқариб қўйибди. Бир дунё лойдан асар ҳам қолмабди. Бу қадар меҳр-оқибатни кўриб, унинг миждаларига ёш қалқиди. Милтиғини миҳга осиб, қайта бошдан лойхонага тушди. Укаси ҳамроҳлигида тизза бўйи лой қорди.

Аслида воқеа бундай бўлганди. Унинг Зариф устага борганидан бутун қишлоқ хабар топганди. Оға-инилари бошда томошабин бўлиб туришди, қани нима қиларкин бу тентак? Қарашсаки, саёқ тупша-тузук тентинмоқда. Ака дарҳол укаларини ёнига чорлади, дедикки, худо саёққа ақл берганга ўхшайди, бориб қарашмасак бўлмайди. Эски араз унутилиб, ҳаммаси бир ёқадан бош чиқаришди. Панжи саёқ бошлаб қўйган ишни бирпасда битириб қўйишди. Унинг қайта лойга кирганини кўриб, аканинг меҳри ийди, сувоқни ичкаридан бошламабсизда, полвон, деди. Лойингиз обдон ачисин, ака, дея маслаҳат берди иниси. Ўзиям келин тушадиган уй бўлаяпти-да, ака, деб мақтади яна бириси. Меҳри жўшган Панжи саёқ какликлардан шўрва осди, қуёнларни қовурди. Кенжа ука ароққа чопди. Ака эса эскиган, намиққан кўрпа-тўшакларни эшакка юклаб, ўз ҳовлисига обориб ташлади-да, хотинларни йиғиб буюрди: янги-ланглар!

Шўрва устида гурунг зўр бўлди. Кенжа ука китмир эди, ҳамманинг дилидаги гапни секин сиртга чиқарди. «Ака, — деди шўрвага нонни бўктириб. — Эртан ичкарини сувоқдан чиқарамиз. Кейин уйингиз қизнинг бетидай чип-чиройли бўп кетади. Лекин чип-чиройли уйга чип-чиройли янгаям керак-да. Шунисини нима қиламиз энди-а?» Панжи саёқ хижолат тортиб, бош эгган бўлди. Бош эга-эга косасидаги каклик тўшини укасининг косасига солди. Ука гўшт чайнаб, қишлоқдаги эрсиз жувонларни бир-бир санаб чиқди. Акаси ҳаммасидан бир-бир айб топди. Яхши жувон топиш масаласи тугун бўлиб қолди.

Бу тугунни Панжи саёқнинг ўзи ечди. Орадан икки кун ўтиб, ярадор Пахмоқни қидириб роса санғиди. Санғий-санғий тоғ ичкарисидagi Кўкбулоқ қишлоғининг

устидан чиқиб қолди. Кўкбулоқ дегани дўшпидеккина қишлоқ бўлиб, одамлари жуда хушмуомала ва меҳмондўст эди. Саёқ одам жой танламайди дегандек, Панжи саёқ бир кеча тунаш учун энг четдаги уйни қора тортди. Йўлда булоқдан сув олаётган ёш бир жувонга дуч келди. Бегона аёлга кўз ташламоқ яхши эмас, дея юзини ўгириб ўтаётганида, қулоғига бир сас чалингандай бўлди. Ажабланиб жувонга юзланди. Жувон салом берганини у кеч англади. Юраги ажиб бир тарзда ҳаприқиб, шошиб кетма-кет алик олди. Аслида юраги бежиз ҳаприқмаганди. Ўз қишлоғида унга салом берувчилар кам эди. У бунга кўникканди. Кутилмаган бу салом унга фавқулодда қаттиқ таъсир этди. Азбаройи ховлиққанидан икки бор алик олганини пайкамади. Кейин қандайдир бир кучга бўйсуниб тўхтади. Сувингиздан ичсам майлими, деди. Жувон бошидаги рўмолини юзига тушириброк, марҳамат, деган маънода бош ирғади. У челақнинг икки биқинидан тутиб, тўкиб-сочиб сув ичди. Сўнг четдаги ҳовлида ким туришини сўради. Жувоннинг майин жавобидан юраги баттар дукурлаб кетди. Ўзи овозидан, овози ўзидан чиройли экан, деб ўйлади. Унинг тайсаллаб туришини ўзича тушунган жувон ўша ёқимли овозда далда берди. «Тортинмай бораверинг, уйда одам бор».

Одам дегани чол-кампир экан. Меҳмонни хушхол қутиб олдилар. Эзмаланиб ҳол-аҳвол сўрашгунча бўлмайд бояги жувон булоқдан қайтди. Куз ҳавоси илиқ бўлгани учун елиб-югуриб ҳовлидаги супага жой қилди. Жувон уни кўп қизиктирди. Лекин у қизикаётганини билдирмади. Ичида жувоннинг эрига ҳаваси келди. Кўп ўтмай жувоннинг эри кўпкарида от тагида қолиб ўлганидан огоҳ бўлиб, ўзича кўп ачинди. Аммо ичида ҳўп суюнди. Суюнганидан хафа бўлиб, одамга ўхшамай қолаямман деб ичдан ўзини роса янди. Яниб туриб жувонни кўп кузатди. Тоғларга боққан киши бўлиб, кўз остидан кузатди, дастурхонга тикилиб, кўз қирида кузатди, пешонасини қашлаган бўлиб, бармоқлари орасидан кузатди. Эртаси эса дардини акасига айтди. Акаси эса тоғани қаватига олиб, Кўкбулоққа жўнади. У ёқдан хийла дуруст жавоб билан қайтишди.

Шундан кейин, Панжи саёқ дунёга сифмай қолди. Пахмоқни эса паққос унутди. Аммо «бошлиқ» унутма-

ган экан, эртаси тушдан сўнг шофёри келиб кетди. Ка-софатнинг тили ачкиққина экан, битим пайтида оғзига олган сўзини эслатиб кетди. Панжи саёқнинг ёмон ач-чиғи келди. Бир хафтага мухлат сўради. Шу хафта ичи отиб бермасам, одам эмасман, деди.

Бу борада иккинчи бор борган совчилар нохушроқ хабар билан қайтишди. Жувоннинг отаси «йўқ» демаб-ди-ю, лекин, куёв бўлмиш кўринишда жуда бамаънига ўхшаса-да, ҳеч қаерда ишламас экан, доим ов билан ан-дармон экан, ишламаган одамга қандай ишонарканмиз, деганга ўхшаш гап қилибди. Бу гапдан сўнг акаси эрта-си ўзи ишлайдиган гараждан иш топиб келди, юр мен билан, деди. Шўрлик саёқ икки ўт орасида қолди. Ишга чиқай деса, ваъда бериб қўйган, айикни отиб бермай иложи йўқ. Бу ёқда эса акаси махкам оёқ тираб туриб олган, боз устига, жувон кечалари тушига кириб чиқмоқда. Ишни кейинга сургани сари аёлнинг висолига эришмоқ ҳаяллайверади. Ўшанда илк дафъа Пах-моқнинг изидан дарров тушмаганидан ўкинди. Ёзда сой бўйида оғзига сўз олиб қўйганига ачинди. Охири бўлма-гач, воқеани акасига тушунтирди. Оғзига олган сўзини-ям айтди. Шундан сўнг акасининг турки бирдан ўзгар-ди, отиб бер, деди қатъий йўсинда, уруғимиздан лафзсизлар чиқмаган, бир камимиз шу иснодга қолиш эди, хотин бўлса қочмас, буниси бўлмаса, бошқаси, отиб бер-да, бундан кейин оғизга сўз олишда жуда эҳти-ёт бўл! Шундан бошқаси керакмас, деди Панжи саёқ акасининг қўллаб-қувватлашидан рухланиб, шу хафта ичи айувни тинчитаману ишга чиқаман. Акаси шу ерда сал ҳаддидан ошди, кейин милтиқни менга берасан, де-ди. Панжи саёқ ажабланди, нега? Овга элакишсанг, бу хотининг ҳам кетиб қолади, — деди ака. Йўқ, — деди Панжи саёқ ўта жиддий тарзда. — Хотингаям қарай-ман, овгаям чиқаман, овсиз мен ўлиб қоламан-ку! Акаси улкан муштини унинг бурни тагида ўйнатди: Аввалам шундай дегансан? Унисини суймасдим, — деди Панжи саёқ бўш келмай, — бунисини суйиб қолдим, зўр эр бўламан бунга! Ишонмайман, — деди ака тишлари ора-сидан, — уйланганингдан кейин саёқлик килиб, бу хо-тинингдан ҳам айрилсанг, ўзим сени отиб ташлайман! Панжи саёқ этни жунжиктирар даражада совуқ оҳангда деди: — Хавотир олманг, буниси кетиб қолгудек бўлса,

Ўзимни ўзим отиб ташлайман! — Сўнг кўшиб кўйди: — Зариф уста эмасман мен, сўз олиб бажармаган, отини ўзгартириш ўрнига, тиржайиб юрибди, номард!

Шу тарика, унга бир ҳафта муҳлат бердилар. Панжи саёк бир ҳафта тоғма-тоғ санғиди, ўлиб-тирилиб Пахмоқни қидирди. Бу пайтда Пахмоқ камарда яраси билан андармон эди. У водийдаги олмазорга чиққан куни эса Панжи саёк уни беҳудага юқоридан қидириб юрган эди. Окшом қишлоққа қайтаётиб, яланглиқда унинг изини учратиб қолди. Юраги ҳаприқиб, из бўйлаб кетди. Эгрідара оғзига етмай, қоронғи тушди. Ортик юриш энди фойдасиз эди. Эрта азонлаб келишни дилига тугиб, у қишлоққа қайтди.

• • •

Тунни Пахмоқ тинч ўтказди. Қорни тўк, жароҳатининг сим-сим оғришини демаса, камарда яйраб, ҳузурланиб ётди. Тонгда эса тимирскиланиб ташқарига чикди. Тумшуғини кўкка чўзиб, муздек ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Димоғи ёрдамида теварак-атрофни обдон ўрганди. Пастликдан эсаётган тизгинсиз ел димоғига куз неъматларидан ташқари тўнғизнинг қўланса исини олиб келарди.

Кўйидаги чангалзорда тўнғизларнинг бутун бир оиласи истикомат қиларди. Булар Пахмоқнинг етим ва норастанлигида қаттиқ ранжитган тўнғизлар галаси эмас, бошқаси эди. Ўшанда юрагида тўнғизларга қарши кучли кек тўнғиб қолган. Пахмоқ кейинчалик уларни кўшни кичик дарага ҳайдаб юборганди. Чангалзордаги бу тўнғизлар оиласи билан эса иттифоқ эди. Аммо бу иттифоқлик тинчлик асосида қўлга киритилмаганди. Бунгача тўнғизлар галаси Қизилжар этагидаги бутазорда яшарди. Жанжалдан сўнг Пахмоқ томонидан бу ёкка ҳайдалганди.

Жанжал ҳеч қутилмаганда юз берганди. Аслида тўнғиз деганлари кўп бефаросат, кўп серзарда жонивор бўлади. Жини кўзиса тирик жон у ёқда турсин, тиккайган тўнкагаям хужум қилаверади. Саратон ўрталарида улар тўсатдан сан-манга бориб қолишди. Пахмоққа қолса-ку, биров тинчини бузмаса, шу боис, ўзидан бўлиб бировга қотинмайди.

Қисқаси, ўша куни у бутазор этагида мазали томирларни териб еб юрарди. Турган гап, унинг ташрифи оила бошлиғига ёкмади. Йўкол деган маънода теварагида гир айланиб, пишқириб ғашига тега бошлади. Пахмоқ парво қилмади. Бунга сари тўнғизнинг жони чиқиб, кутилмаганда унга ташланиб қолди. Сағрисига яхшигина зарба еган Пахмоқ бошда ханг-манг бўлди, сўнг қутуриб кетди. Оғзидаги емишини ташлаб, ўкириб юборди-да, ўнг панжасини куч билан сирмади. Чириган тўнка унинг зарбидан чирт узилиб, ҳар томонга сочилиб кетди. Ўз хужумидан руҳланган тўнғиз, кичкина кўзлари ёвузона чакнаб, яна унга ташланди. Аммо Пахмоқ бу пайтда анча эс-хушини йиғиб олганди. Қорнини мўлжалга олган рақибига осонгина чап бериб, нақ яғринига қаттиқ зарба берди. Шўрлик тўнғизнинг оёқлари букилиб, ёнига ағдарилиб тушди. Пахмоқ унинг устига миниб, ҳов бирда бўриларни дабдала қилганидек, жонига чанг солмоқ истади. Бироқ нақ тумшуғи тагида пайдо бўлган бошқа бир тўнғиз бу ишга халақит берди. У тагида хириллаб ётган ғанимини ташлаб унга от қўйди. Тўнғиз деганлари бамисоли хурккан чумчукдай чор-тарафга тўзғиб кетди. Пахмоқ бутун бутазорни титкилаб, уларни таъқиб этди, қувиб солди. Тўнғизлар бутазорни тарк этибгина ундан кутулдилар. Шундан буён улар чангалзорда.

Пахмоқ ортиқ уларга тирғалмади. Чангалзор тепасидаги ковакни эса кейин топди. Бу хил муваққат жойлар унда сероб эди. Қишлайдиган жойи эса Эгридаранинг Илондарага туташ қисмидаги хилват маскан эди. Гирди пакана арчалар билан қуршалган ўнгир кўздан жуда холи эди. Қишдан бўлак пайт Пахмоқ у ерга сира қадам босмасди. Муваққат жойлари билан чекланарди.

Тепадаги ковакни топгач, бир хаёли тўнғизларни чангалзордан ҳам қувиб юбормоқчи бўлди. Кейин фавқулодда мияси ишлаб, бу ниятидан қайтди. Тўнғизлар у қадар ёқимли кўшни эмаса-да, хавф-хатардан огоҳ этишда ишончли восита эди. Безовта хўр-хўрлашиб, хавфдан бохабар этиб туришарди.

У ҳозир қурама хидлар орасидан ўзига керакли емиш хидини танлаб, олға босаркан, оёғида оғриқ қучайганини сизди. Азобдан оҳиста ўкириб, оёғини авайлаб кўтарганди, оғриқ тўхтагандай бўлди. Босганда яна оғриди. У ўйга ботгандай, бошини осилтириб, бир сония



туриб қолди. Шунда эсига Эгридаранинг олис бурчидаги, Чукуркамар тўридаги иссиқ булоқ тушди. Емишдан воз кечиб, йўлни ўша томонга тортди. Иссиқ булоққа тушса, жони ором топишини ўйлаб, нолакор гингшиб кўйди.

Иссиқ булоққа бир ярим соат деганда зўрға етиб борди. Намхуш ҳидни узоқдан сезиб, пишқириб-пишқириб кўйди. Ўзга бирор жонивор қадам босмадимикан, деган ҳадикда теваракка синчков-синчков назар ташлаб борди. Булоққа яқинлашган сайин таъби хира тортиб, ғазаби ошиб борди. Билдики, булоққа кўпчилик келиб кетибди. Ҳатто Пахмоқ жинидан ёмон кўрадиган қизил-жардаги силовсиннинг иси ҳам бурқсиб турарди.

Бирдан у титраб кетди. Жойида таққа тўхтаб, хар тарафга олазарақ қаради. Аввал ҳавони, кейин ерни бот-бот искади. Ўсиқ жунлари енгил титраб, яна ва яна искаланди. Сўнг андак хотиржам тортиб, секин энгашди. Ҳид эски эди. Яроқ тутган ўша ғаними ўтган куни келиб кетганга ўхшайди. Шунга карамай, у ўзини яқиндаги бута ортига олди. Биқиниб атрофни обдан кўздан кечирди. Тиқ этган шарпа сезмагач, аста оёққа қалқди. Илгаригига нисбатан хийла дадил тортиб, олға жилди.

Қоя остидан сизиб чиққан иссиқ сув анча беридаги охурга ўхшаш мўъжазгина кўлга қуйиларди. Ҳаво муздек бўлгани учунми кўл юзи буғланиб турарди. Пахмоқ сувга тушишга ошиқмади. Атрофни яна бир карра кўздан кечирди. Унга инсон ҳиди ёқмаётган эди. Авваллари бу ерни одам оёғи етмайдиган жой деб ўйларди. Энди билсаки, икки оёқли махлукнинг қадами шу ерга ҳам етибди. У енгил пишқириб кўлга тушди. Илик сув танига хуш ёқиб, қаттиқроқ пишқирди. Бутун танасини сувга кўмиб, ҳузур қилиб ётди. Азбаройи маза қилганидан кўзларини юмишни шу қадар истаса-да, юммади. Бошини сувдан чиқариб, теваракни кузатиб ётди. Илик сувдан оёғига жон кираётганини сезиб, секин-секин гингшиди, яъни бизнинг тилда «ох-ох» деди. Аммо минг «ох-воҳ» қилгани билан барибир кўнгли ғаш эди. Инсон ҳиди уни қаттиқ безовта қилмоқда эди.

У илгари ҳам бу ерга бир неча марта келган, лекин инсон изига ҳеч дуч келмаганди. Бу сафар эса шундоққина тумшуғи тагида, кўл бўйидаги майин қум устида этик излари манаман деб турарди. У этик изларига

қараб-қараб кўяркан, сувда узок ётолмади. Пишқира-пишқира қирғоққа чикди. Қирғоқдан хийла наридаги ясси харсанг томон юрди.

У ясси харсанг устига ястаниб, ўзини офтобда тоблаб ётаркан, ногахон ўзини қопқонда турганини фахмлаб қолди. Камар уч томондан қоялар билан қуршалган бўлиб, фақат бир тарафигина очик эди. Фаними ўша томондан бемалол биқиниб келиб, уни осонгина тинчителиши мумкин эди. Бу ходиса ҳозир юз берадигандек Пахмоқ ошиқиброқ камардан чикди. Бехавотирроқ жойга етиб, камарга ҳасрат ила термуларкан, чамаси, шундай деб ўйлади. «Қандай соз жой эди-я, шуниям хидини билибди, номард!»

У оқсоқланиб йўлга тушган жойида бирдан кескин ортига ўтирилди. Вужуди нафратдан ёниб, кўл бўйига жадал юриб қелди-да, этик изларидан бири устига чўнқайди. Нафратининг белгиси сифатида изига телпақдай қилиб тезаклади. Шундан сўнг, ўз ишидан мамнун бўлиб, оқсоқланиб кетига қайтди. Бу сафар дара ичи билан эмас, тепадан дара ёқалаб юрди. Икки дара оралиғидаги бу чоғроққина водий кўзига энг бехавотир жой бўлиб кўринди. Ҳолбуки, бу ерда турли илон изи сўқмоқлар ниҳоятда сероб эди. Ҳатто онда-сонда қўй-қўзиларнинг кумалоқлари ҳам учрарди. Мана бу сўқмоқдан бир соатча бурун тулки югургилаб ўтган экан. Қачонлардир бўриларга емиш бўлган қўй қалласи тошлар орасида думалаб ётибди. Пахмоқ бу нарсаларга эътибор бермай бораркан, кўп ўтмай димоғида парранда хидини туйди. Парранда хидига сезилар-сезилмас темир иси қоришиқ эди. У сергақланиб илгарилади ва салдан сўнг тулкилар юришни хуш кўрадиган торгина сўқмоқда товук қалласига дуч келди. У бояги тулки сезиб, қотинмай ўтган қопқонни пайқаб, айиқларча кулди. Кейин оёғи остидаги тошлардан бирини товук қалласи томон думалатди. Майда тошлар тагига сошлаб яширилган қопқон юқорига қалқиб, «шилқ» этиб ёпилди. Пахмоқ яна кулди. Одамзодни галварс санаб, мириқиб-мириқиб кулди. Сўнг эса қопқонни қозиқ-позиғи билан суғуриб олди-да, пастга — дарага улоқтирди.

Барча жониворлардек, у ҳам қопқонни жинидан ёмон кўрарди. Темир иси сезилган ердан бепарво ўтиб кетолмасди, ё зарарсизлантирарди, ё бўлак жойга

иткитиб ташларди. Аслини олганда, Чукуркамардаги кўлни қопқон туфайли кашф этганди. Агар гапни сал узокроқдан бошлайдиган бўлсак, ўтган йили худди шу пайтда ўзини жуда доно санаса-да, нодонгина айиқ эди. Нодонлиги учун кўринган қорага тумшук тикиб юрарди. Қопқонга илк бор мана шу водийда дуч келганди. Сонсиз сўқмоқлардан бирига ғоят усталлик билан қўйиб кетилган қопқонга тасодифан эмас, нодонлиги, янада аниқроғи, қизиқувчанлиги туфайли тушиб қолганди. Ўша кунни қорни тўқ эса-да, майда тош аралаш майин кум устида ётган гўшт бўлагига панжа урмасдан ўтолмади. Аммо панжаси гўштга тегар-тегмас, кўринмас бир ёв «шилк» этиб оёғини қисиб қолса бўладими. Аввалига жуда кўрқиб кетди, сўнг ажабланди, нима бало бўлди бу? Кейин оёғини силкиб, ундан халос топмоқ истади. Бироқ ёв жуда ёпишқоқ экан, қани энди қўйиб юборса. Навбатдаги қаттиқ силтовидан сўнг занжирининг нариги учига маҳкамланган темир қозик жойидан силжиб, ёнига тўп этиб тушди. У қутулмоқнинг эвини қилолмагач, қозикни судраб олға юрди. Бу балодан қандай қутулсам экан деб, роса боши қотди. Чукуркамарга тушаверишдаги сўқмоқ бошига етгач, тагин қопқонга ташланиб, тишлаб тортқилашга тушди. Аммо ёв дегани балойи азим экан, шунча тишлаб тортқиласа-да, фик этмади. У нима қиларини билмай, сўқмоқ бошида узок ўйга ботиб ўтирди. Орада икки-уч бор қопқонни тошга уриб ҳам кўрди, қайдам барча ҳаракатлари зое кетиб, бекорга урингани қолди. Ана шундай беҳуда уринишларнинг биридан сўнг, у ўнг оёғини қопқон устига қўйиб, сўл оёғини кучаниб тортишга тушди. Бахтига ўнг оёғи тасодифан қопқон қулфи устига тушиб қолди. Залварига қулф бардош беролмай қопқон тиши очилиб кетди.

Ўшанда у қопқондан халос топгачгина нотаниш ерга келиб қолганини англаб етганди. Азобланган оёғини авайлаб босиб, сўқмоқдан қуйига энаркан, намхуш нарсанинг исини сезді. Намчил тумшуғини олдинга чўзиб белги оларкан, хид қуйидан келаётганини пайқади. Одатдагидек, яна қизиқувчанлиги кўзиб, дара тубига тушди-да, йўлни Чукуркамарга бурди ва кўп ўтмай юзи буғланиб турган кўл бўйига етди. Хид кўлдан таралмоқда эди. Ер нотаниш бўлгани учун кўл бўйида ортик ўралашмай, теваарак-атрофни бир сира тентиди-да,

сўқмоқдан юқорига — Чуқуркамар тепасига чиқди. Кўшни бегона худудга қизиқсиниб-қизиқсиниб боқди. Ўзининг худуди Чуқуркамарда тугашини ички бир сезги билан идрок этди. Кўпинча ички сезги ҳар қандай белгидан устун келади. Пахмоқ бу атрофда огоҳлантирувчи бирор-бир белги кўрмаган эса-да, ундан нарига ўтиш яхши эмаслигини фахмлаб етганди. Шу сабаб букри арчага белги қўйиш билан кифояланиб, изига қайтди.

Хуллас, ўша куни қопқон сабабли Чуқуркамардаги илиқ қўлни кашф этиш билан чекланиб қолмай, ўз худудининг шарқий чегарасини аниқлаб, белги қўйишга мушарраф бўлганди. Унинг бу хил белгиси, асосан, ҳамжинсларига қаратилган бўлиб, майда жониворларга ҳеч алоқаси йўқ эди. Майда жониворлардан фақат қўлни қизганарди. Аммо минг қизганмасин, бошқа турдаги жониворлар ҳам қўлдан унумли фойдаланишар, бунга сари ҳар келганда ёмон жони чиқарди. Бора-бора у бу ҳолга тамомила кўникди. Чуқуркамарга киргунча норозиланиб бир-икки ўкирган бўларди-ю, сўнг тинчланиб чўмилиш билан овора бўларди.

Аммо бугунги из уни зўр тахликага тушириб қўйди. Бу ҳашаки жониворларнинг эмас, балки ҳар нарсага қодир икки оёкли махлуқ ғанимининг изи эди. Шунингчун, қўлнинг шифобахш сувидан вужуди ором олган бўлса-да, руҳи сира таскин топмаганди.

Қопқонни дарага улоқтиргач, Пахмоқ иккиланиб туриб қолди. Қорни ўлгудек оч эди. Нафсини тезроқ қондирмоқ ўйида теваракка маъюс аланглади. Оч қоринга нафрат унчалик ўтиришмас эканми, у ғанимини буткул унутди. Нафс эркига бўйсуниб, тумшугини кўкка чўзганча ҳавони бот-бот искади. Ҳавода турли хил емиш хиди анқирди. Енгил эпкин водийнинг адоғидан, Эгридаранинг муқолишидаги ўнгирлардан олма-ю дўлана хидларини олиб келарди. Аммо масофа анча олис эди. Пахмоқнинг эса тезроқ қорин тўйдиргиси келарди. Шунда унинг эсига Чуқуркамарнинг жанубий қисмидаги дўланазор тушди. Оралиқ жуда яқин. Чуқуркамар устидан ўтилса, у ёғи бир одим.

У лапанглаганча йўлни ўша томонга солди. Чуқуркамарнинг энг баланд қояси ҳисобланмиш дўнгликка чиқиб, ўзи бир йил бурун белги қўйиб кетган букри ар-

ча ёнига борди. Бу ердан чор-атроф кафтдагидек яққол кўзга ташланиб турарди. Пастдаги қўл мисоли сув тўла пиёладай базўр кўзга чалинарди. Пахмоқ тевааракка кўпда алахсирамади. Ерга чўнқайиб, қўшни худудга диққат билан тикилиб қолди. Қаршисида баланд қоялар, арчали тизмалардан иборат нотаниш маскан сирли холда ястаниб ётарди.

Пахмоқнинг табиатида ёвқурлик йўқ эди. Шу сабаб бегона худудга оёқ босиш истагини хис этмади. Ва шунингдек, бегона жойга тумшук суқиш яхшиликка олиб келмаслигини ҳам биларди. Макон талашиб ҳали бирор-бир айиқ билан ёқа бўғишмаган эса-да, ташрифи мезбонга сира хуш келмаслигини ўз табиатидан келиб чиққан холда идрок этарди. Мабодо, ўз ерига бегона айиқ оралагудек бўлса, ўлар-тириларига қарамай, жангга ташланишини ич-ичидан сезарди.

У бегона худудга суқланишни бас қилиб, мақсад сари юзланди. Чуқуркамарнинг жанубий қисмида узун сойлик бўлиб, Пахмоққа қарашли худуднинг чегара чизиги саналади. Соё бетига тирмашган қуюқ дўлानазор Пахмоққа қарашли эди. Дўлानазорга Чуқуркамарга қираверишдаги тик қиялик юзига сапчиган сўқмоқ орқали ҳам чиқиш мумкин эди. Пахмоқ дўланизорга ҳамиша ўша сўқмоқдан чиқиб борарди. Дўланизор кун ботишда харсанг тошли ялангликка чегарадош бўлиб, ялангликдан сўнг яланғоч тизмалар бошланарди. Умуман олганда, Пахмоқ бу ерга камдан-кам келарди. Асосан, қуйидаги емишлар билан кифояланарди.

У сойлик ёқалаб дўланизорга йўл оларкан, ярим йўлга етиб-етмай, даҳшат ва ғазабдан бутун вужуди титраб кетди. Тўхтаб, ҳавони искади. Йўқ, димоғи алдамаётган эди. Дўланизорда бегона айиқ юрганини аниқ хис этди. Аммо қўрқув ва эҳтиёткорлик ғазабдан ҳамиша устун турганидек, Пахмоқ қанчалик кутурмасин, барибир эҳтиёткорликни маъқул кўрди. Дўланизорга писиб яқинлаша бошлади. Учли харсангга етганда, аста бошини кўтариб, олдинга мўралади. Дўланизор четида қавшаниб турган чоғроқ жуссали айиқни кўрди. Агар баҳайбат айиққа рўбарў келганида, ғазабини билдирмасдан, унинг кетишини пойларди. Аммо қаршисидаги айиққа бемалол кучи етишини фахмлаб, ўқиришдан ўзини тийлмади. Ўқириши билан бегона айиқ ялт этиб

каради-да, кутилмаганда шаталоқ отиб коча бошлади. Кўп ўтмай сойликнинг у бетидаги чангалзорда кўздан ғойиб бўлди. Бирдан ғойиб бўлмади. Чангалзорга етмай, у томонга алланечук гинали тарзда мўлтираб тикилди-да, сўнг тигиз ўсган буталар орасига кириб кетди.

Бегона айикни урғочилигини Пахмоқ исидан билганди. Қочишида кўрқувдан ташқари андак ноз борлигини пайқади. Гинали равишда мўлтираб тикилиши эса кўнглида тушунуксиз ҳисни уйғотди. Агар эвини топса, бегона айик рақиб эмас, тузуккина йўлдош бўлиши мумкинлигини табиат ато этган нозик сезги туфайли фахмлаб етди. Хийла вақт унинг таъкибли нигоҳини хис этиб турди. Бироқ у томонга боришни хаёлига келтирмади. Кўпроқ қорнининг ғамида бўлди. Нафси анча ором олгачгина, бирдан уни эслаб қолди. Беихтиёр унинг ёнига боргиси келди. Эҳтиёткорлик билан чангалзор тарафга юрди. Бироқ, у ерда бегона айикнинг изи ҳам қолмаганди. Пахмоқ хид олиб, Чуқуркамар дўнглигига келиб тақалган арчазоргача келди. Кўшни худудга кириш-кирмаслигини билмай, бир муддат тараддудланиб турди-да, сўнг таваккал қилиб олға юрди. Юз одимча юрмай, тик ўсган арча танасидаги огоҳлантирувчи белгига дуч келди. Белги жуда юқорида эди. Бу бояги урғочи айикники эмас, балки бутунлай ўзга айикники эканлиги кундай равшан эди. Ҳа, қандайдир улкан бир айикнинг белгиси, ўтсанг ўласан, дегандай, манаман деб турарди. Пахмоқнинг кўнглида кўрқув ва рашк бараварига тугилди. Аммо кўрқув яна устун келди. Улкан айикнинг чангалига тушса, чивиндай эзиб ташлашидан хайиқиб, ноилож изига қайтди.

Кўшни худудда айиклар оиласи яшашлигини, арчадаги белги ота айикқа тегишли эканини у билмасди. Билмагани учун ҳам улкан айик ҳукмронлик қилаётган худудда бояги пачақкина урғочи айикнинг бемалол умргузаронлик қилиб юрганидан жуда ҳайратланди. У етим ўсгани боис ҳамжинсларининг галалашиб яшашларини ҳеч тасаввурига сиғдирилмасди. Назарида, айиклар ўзи каби якка-якка яшашга маҳкум эди. Урғочи айикнинг изидан тушиб, бошқа айик белгиси устидан чиқиб қолганидан таажжублана-таажжублана кетига бурилди. Урғочи айик улкан айикдан қочиб чиқар, деган умидда дўнгда анча пойлаб ўтирди. Унга тузукрок

разм солиб қўйишни жуда-жуда хохламоқда эди. Аммо урғочи айиқ қайтиб қорасини кўрсатмади.

У ноилож ўрнидан қўзғалди. Эгридарага тушишни истамай, водий ёқалаб йўлга тушди. Дарага олиб тушадиган сўқмоқлардан бирига яқинлашганда, ёндаги харсанглар ортидан Панжи саёқ чиқиб келди. Фаними шамолга тескари томондан келиб қолгани учун Пахмоқ уни тезда найқамади. Улар бир-бирларини кўришганда, оралиқ масофа атиги эллик одимча эди. Панжи саёқ елкасидан яроғини олгунча, Пахмоқ, қочмаган номард, дея ўзини дарага урди. Биринчи ўқ сўқмоқ четидаги бута шохини чирт узиб юборди. Иккинчиси қулоғи остидан чийиллаб ўтди.

Пахмоқ дара тубидаги арчазор оралаб, фанимидан осонгина қочиб қутуларкан, фаними туфайли турмушидан ҳаловат кетганлигини, ҳаловати бўлмагач, кўнглида галати ҳисларни уйғотиб юборган анову бегона айиқ билан қайта учраша олмаслигини ўйлади. Алами келиб, фанимини тилка-пора қилиб ташлагиси келди. Аммо унинг яроғи бор эди. Ундаги яроғ ўзининг тишлари ва панжаларидан кучли ва даҳшатлироқ эканини у яхши биларди.

У ўша куни тунда коваклардан бирида ғужанак бўлиб ётаркан, фанимини эмас, шунингдек, лўқиллаб оғриётган оёғини ҳам эмас, негадир ўзига гинали назар ташлаб кетган ўша бегона айиқни ўйлади.



Пахмоқ қочиб қутулгач, Панжи саёқ аламидан бир ирғишлаб олди. Милтиғини тошга уриб синдиргудек бир вазоҳатда қутуриб сўқинди. Кейин Пахмоқнинг изидан юрди. Дарага энаверишдаги сўқмоқ бошига етгач, таъқибдан наф йўқлигини англади. Боз устига, шу тобда бу ишга ҳеч ҳафсаласи йўқ эди. Харсанглардан бирига ҳардамхаёл суяниб, пастга ҳасрат ила тикиларкан, қуёшга қараб вақтни чамалади. Овда хаёл суришга бало бормиди, дея пича ўзини янди.

Ҳақиқатда, ҳар галгидек бугун ҳам хушёр юрганида Пахмоқ ҳозир оёғи остида чўзилиб ётган бўларди. Нега деганда, вазият тўлалигича унинг фойдасига ишламоқда эди: биринчидан, улар харсанг тошли майдонда учрашдилар, иккинчидан, энг муҳими, шамол у томонга эс-

моқда эди. Пахмоқ энг ишончли восита — хид илғашдан маҳрум эди. Панжи саёк ўй сурмай, теваракка зеҳн солиб юрганида, ўзига қарши келаётган Пахмоқни кўрган ва бирор харсанг ортига биқиниб, уни осонгина тинчитган бўларди. Аммо ҳамма бало шундаки, айна шу пайтда хаёли ўзида эмасди. Бутун фикри-зикрини бир соат бурун юз берган тотли учрашув банд этганди. Ўзига ширин табассум ҳадя этган жувоннинг рухсорини хаёлидан қуволмай гаранг эди. Аслида жувон билан учрашув унинг етти уҳлаб тушига кирмаганди. Бари Пахмоқ туфайли юз берганди. Аввалига у Пахмоқни Эгридара бўйлаб қидирди. Кейин қўшни кичик дарага ўтди. Қайтишда Чуқуркамарга бир мўралаб, Эгридара бўйлаб қишлоққа қайтишни мўлжаллаб, Қизилбет ёқалаб юрди ва ўзи сезмаган ҳолда Кўкбулоқ қишлоғи устидан чиқиб қолди. Ўша таниш ҳовлига кўзи тушгач эса, юраги тошиб, бирдан кучли ҳаяжон оғушида қолди. Туйғусини жиловлаёлмай, булоқдан хийла берида, кунчиқишга ёнбошлаб ўсган арча ортига бекинди-да, ҳовлини кузатишга тушди. Жувон одатдагидек, ҳовли юзида куймаланиб юрар, энаси офтобрўяда жун савар, отаси молхона ортидаги гўнгтепа ёнида қўшни чол билан гурунглашиб ўтирарди.

Панжи саёк жувоннинг ҳар бир хатти-ҳаракатини назаридан қочирмай, синчков кузатаркан, кўнглида ададсиз меҳр, шунингдек, мамнунлик ҳиссини туйди: «Қачон қарама, гимир-гимир, — деб ўйлади. — Қўлоғи чакқонгина экан. Бундай аёл рўзгорингни бутлайди, ямоғингни ясқайди». У бир зумга, атиги бир зумга аёлни ўз уйида тасаввур этди. Тасаввуридан дили шу даражада ёришдики, аёлга бир оғиз сўз қотмасдан кетолмаслигини англади. Бироқ бу иш мушкул эди. Қишлоқ урф-одати ундаги бу майлни ўзига сингдиrolмасди. Устига-устак, жувонга оғиз солган, ота-онаси кўриб қолгудек бўлса, уни енгилтакликда айблашлари муқаррар эди. Ўрта ерда битай-битай деб турган ишни бузиб қўйиши мумкин эди. Ўз навбатида, учрашмай кетиш ҳам кўп душвор туюлмоқда эди.

У нима қиларини билмай, гарангсиб турганида, худонинг ўзи ишини тўғрилади. Орада булоққа сувга келиб-кетган жувон, иккинчи гал бу томонга салт юрди. Ана у булоқдан ҳам ўтди. Булоқ билан у бекинган арча



ораси олтмиш-етмиш одим. Жувон майда-чуйда буталар оралаб келаркан, эгилиб ўтин теришга тушди. Ўтин дегани бу атрофда сероб эди. Жувон ўтин тера-тера йигит биқиниб турган арча ёнигача келди. Шу орада унинг диққатини ерда чўзилиб ётган каттакон қуриган шох тортди. У қучоғидаги ўтинни ерга ташлаб, шохга яқинлашди. Уни қандай қилиб судраб кетишни чамалади. Кейин негадир фикридан қайтиб, ортига ўтирилди. Индамаса, ўтинини қўлтиқлаб кетадиган.

Панжи саёқ ошиғич ҳолатда ўзини билдирди.

— Шошманг! — деди дудукланиб, паст овозда. — Сизда бир оғиз гапим борида!

Табиий, жувон чўчиб тушди. Ранги қув оқариб, ён-верига аланглади. Бир хаёли, қочмоқчи ҳам бўлди.

— Қўркманг, бу мен, — Панжи саёқ арча ортидан бўй кўрсатди. Лекин очикқа чиқишга ботинмади. Назарида, гурунглашиб ўтирган чоллар шу томонга қараша-ётгандек эди.

— Вой, ўлмасам! — Жувон кўксига туфлади. — Юрагимни чиқариб юбордингиз-а!

— Узр! — Панжи саёқ култ ютиниб, жувонга диққат-ла тикилди. Буни қандай қилиб узоқроқ тутиб турсам экан, деб ўйлади. Негаки, тоғ аёлларининг феъли маълум, бегона эркак қошида ортиқча эзмаланишни хуш кўришмайди. Шу боис, тузукроқ баҳона кидириб топгани шу бўлди: — Қўрқитиб юбордим-а?

Аёлнинг кўзларида зоҳирланган қизиқиш ифодаси ўрнини дафъатан истиҳола эгаллади. Йигитга унаштирилиш арафасида турганлиги туйқусдан эсига тушиб, бошидаги кизғиш рўмолини қошигача тортди. Уялиб бурилиб кетмоқчи бўлди. Буни сезган Панжи саёқ отини тезроқ қамчилади.

— Нон... нонингиз йўқми? — деди.

Панжи саёқни аёл қалбининг биларгани деб бўлмасди. У тоғни биледи, тошни биледи, табиат билан яхши тиллашади. Аммо аёллар масаласида ҳеч нарсага ақли етмасди. Шунга қарамай, ҳозир у ўқни аниқ мўлжалга олганди. Шу сонияда миясидан нималар ўтмади дейсиз, аёлни яна бир зумга тутиб қолмоқ учун нималарни ўйламади дейсиз. Қалласига келгани нон сўраш бўлди. Шундай десагина аёл қолиши мумкинлигини ҳис этди. Негаки, аёл кишининг қўнгли меҳр ва шафқатга мойил

бўлади. Кўмак сўраган кишига қайиша қолади. Турган гап, Панжи саёқ буни билмасди, лекин алланечук идрок этганди.

Идроки алдамади. «Нон» сўзини эшитиши билан кетмоқ истаб турган жувон бирдан ўзгарди. Йигитга ачиниш ва ҳамдардлик кўзи билан қаради.

— Вой, ўлай, қорнингиз очми? — деди. — Уйда отам бор. Юринг, овқатланиб кетасиз.

— Борардиму, — Панжи саёқ уялинқираб чеккасини кашлади. — Ҳозирча бизга... мумкин эмас-да.

— Юраверинг, — деди аёл қистаб, унинг тортиниш сабабини англамай. — Эркакли уйдан нега уяласиз?

— Сизга... оғиз солганмиз-да, — деди Панжи саёқ ростига кўчиб. — Борсак, бу йигитда бет йўғакан деб ўйлашади-да.

Аёл бу ёғини ўйламаган, аниқроғи, бир лахзага унутган экан, уялди. Нима қиларини билмай бирпас тараддудланди, сўнг, мен ҳозир, деганча, терган ўтинини қўлтиқлаб, жўнаб қолди.

Кўп ўтмай у челақ кўтариб қайтди. Булоқ бўйига етганда, аста ҳовли томонга разм солди. Кампир жун билан, чоллар гурунг билан андармон эди. Тепадан тушиб келган бир отлиқ улар ёнида тўхтади. Қўшни ҳовлидан ўмганини қўлидаги ҳассага ташлаб, яна бир чол чиқиб келди. Қулай пайт келганини сезган жувон, челагини ерга кўйди-да, унинг ичидан қизил тугун олиб, бағрига босганича арча томон шошилди. Боягина бамайлихотир юрган аёл бирор айб иш қилаётгандек, тахлика оғушида ҳаракатланарди. Ошиққанидан уринган кавушини чўлга илинтириб, йиртиб ҳам олди. Лекин бунга эътибор бермади. Қўлидаги тугунни арча шохлари орасидан йигитга узатиб, шошилиш ортига ўгирилди.

— Ўзим... — деди йигит тўлқинланиб. — Ўзим сизга янги кавуш обераман!

Бу гапдан сўнг жувон бошда оёғидаги кавушига, кейин унга қаради. Ширин жилмайди. Челагини сувга тўлдириб, пастга энаркан, яна жилмайиб қараб кўйди.

Бу жилмайиш замирида кўп яхши маънолар жамланганини сезган йигитнинг юраги ёмон орзиқди. Аёлни кўзи билан кузатиб қолди. Кейин чўнқайиб тугунни ечди. Иккита нон орасига яхшилаб жойлаштирилган катта бўлак яхна гўштни кўриб, аввалига шодланди, сўнг не-

гадир димоғи қаттиқ ачишиб кетди. Тугунни авайлаб бағрига босганча, арчазор оралаб юқорилади. Бир дўнг ошиб, жилға бўйидан чиқди. Ерга чордона қуриб, тамадди қилишга тушди. Бир маҳал чайнаётган лукмаси шўртанг туюлиб ажабланди. Ва шундан сўнггина йиғлаётганини пайқади. Кўзларидан шашқатор ёш оқмоқда эди. Бу хил ҳолат илғари унда ҳеч бўлмаганди. Лекин у бундан уялмади, хўрсина-хўрсина кавшанишда давом этди. Ора-сира жилгадан ховучида сув олиб ичиб турди. Кўз ёши эса тинай демасди. Тинишини ўзи ҳам истамади. Кўз ёшлари тотли туюлиб, қалби дарддан фориг бўлаётган эди.

Аслида у меҳрдан йиғламоқда эди. Меҳр кўрмаган кўнғил озгина турткидан жунбушга келгандек, ҳозир у шу ҳолатда эди. Гапнинг сирасини айтганда, у меҳрдан йироқ эди. Болалигидан меҳрдан йироқ ўсди, худо раҳмат қилгур ота-онаси анчайин қаттиққўл одамлар бўлиб, тоғу тошдан бери келмас бу болани деярли эркалатмас эдилар. Уларнинг назарида, бу ўғил қулоқсиз эди, саёқ эди. Натижада, беармон урдилар, сўқдилар, аммо болани тоғу тошлар бағридан айира олмадилар. Шу тариқа тоғу тошдан сокинлигу хотиржамлик топган ўғилни тушунувчи бўлмади, қайтага «саёқ» деган тамғани пешонасига маҳкам босдилар, шунга яраша муомала қилдилар. Бунга сари у тоққа қочди. Бир кетишда уч-тўрт кунлаб санғиди. Тўшаги тош, емиши парранда гўшти бўлди. Кўнгли бамисоли эркин шамол — нимани истаса ўшани қилди.

Ота хайрон — бу кимга тортди? Эна хайрон — бу кимга ўхшади? Уруғ суриштириб, ўтган аждодлари орасидан бу хил сиёкли одамни топмадилар. Бир-бирига хайрон боқишиб, тоғу тошга лаънатлар ўқидилар ва оқибатда асосий масаланинг тагига етолмай ўлиб кетдилар.

Аслида ўғилни тоғу тош тортиб олмаганди, сеҳрлаганди. Бу сеҳр жуда жўн тарзда юз берганди. Кекса овчи Шомурод чиноқ носни таялаб чекарди. Чеккандаям каттагепалик Шайман носфурушнинг носидан бошқасини тан олмасди. Аммо бир тўйда иккисининг орасидан гап қочиб, қайтиб юз кўришмас даражасига етдилар. Шундан сўнг Шомурод чиноқ шу атрофдаги бошқа носфурушларнинг носидан бир-бир тотиб кўрди. Лекин би-

рортасини Шайман носфурушнинг носига ўхшатолмади. Урушсам, сен билан урушганман, носинг билан эмас-ку, дея ўша пайтларда энг маъкул бола ҳисобланмиш Панжи саёққа пул бериб, отамга дегин, дея Шайман носфурушникига зинғиллатди. Шу-шу носни унга Панжи олиб келадиган бўлди.

Шомурод овчи кўп танги эди. Беминнат дастёрлиги учун уни икки-уч овга олиб чиқди. Милтиқ отишни ўргатди. Бир куни эса тўсатдан қўлига милтиқ тутқазди. «Бор, жигитдай бўп сенам бир овга чиқиб кел! Тулки отсанг — менга, парранда отсанг — ўзингга». Мустақиллик кўп ажиб нарса, ўша куни ўн уч яшар бола ўзини йигит ҳис этди. Аммо Ялангбетда ўзини офтобга солиб ётган тулки изидан йигит эмас, бола бўлиб тушди. Тулкининг найрангларига алданиб, узок-узокларга улоқиб кетди. Кечга яқин тулкидан умид узиб, кишлокқа қайтаркан, қияликдан иккита каклик уриб олди. Илк мустақил ов унга қаттиқ таъсир қилди. Илгари ҳеч ҳис қилмаган туйғуларни бошидан кечирди. Ярим тунда кишлокқа бошқача одам бўлиб қайтди. Тонгда овни кўмсаб уйғонди. Яна кетди. Яров билан илгари ҳеч кўрмаган ўнгирилари кезиб чиқди. Бора-бора узокдан мудроқ кўринган тоғу тошлар тирик бир вужуд, унда ҳаёт ўзига хос тарзда қайнашини англаб етди. Кейинкейин нафақат овни, балки тоғу тошни ҳам кўмсайдиган бўлди. Биринчи бор тулки отган кундан бошлаб эса тоққа буткул боғланди. Бу орада Шомурод чинок яна бир иш қилди, эски милтигини унга совға этди. Ўша тун Панжи саёқ милтигини росмана кучиб ётди. Эртаси ота-она унинг тўшагини яна бўш кўришди. Кейин бу ҳол доимий одатга айланди. Сўнг-сўнг йигитчанинг гоҳо тоғда ётиб қолиш ҳоллари ҳам юз бера бошлади. Қисқаси, тахминан ўн тўрт-ўн беш ёшларида тоғу тошни тамоман ўзиники қилиб олди.

Тоғдан топган эркинлиги эвазига у яқинлари меҳридан Мосуво бўлди. Тоғ дея ҳатто хотинининг ҳам меҳрини козоолмади. Аёли кетиб қолгач, у оға-иниларидан балога қолди. Тергашлар жанжалга, жанжаллар аразга айланди.

Бу ерда яна бир аччиқ ҳақиқат бор эдики, бу ҳақда озгина тўхталмасак, Панжи саёқнинг феъли унча очилмайди. Хуллас, қайси бир доно айтиб ўтгандек, одамни

хадеб чўчка-чўчка деяверсанг, охир-оқибат, у хўр-хўрлаб юборади. Паңжи саёқнинг қисмати ҳам шунга яқин эди. У эсини танигандан бери меҳр ўрнига камситиш кўрди, хурмат ўрнига нописандликни сезди. Натижада, бора-бора одамлардан кўнгли қолди. Одамлар унга қанчалик нописандлик билан қараса ўз навбатида, у ҳам одамларга шу хил муносабатда бўлди. Одамлар ундан қулди, у эса одамлардан. Одамлардан четлашгани сари тоғлар уни маҳкамроқ бағрига олди, эркалатди, суйди. Оқибатда, у бутунлай тоққа боғланиб қолди. Инсон меҳрига ташналик қалбининг чуқур ерида кўмилиб қолаверди. Кўкбулоқлик жувоннинг илиқ муносабати ўша ташналикни уйғотиб юборганди. Меҳрга қондирилган ташналик муҳаббатни туғдирганди. Бугун у ўша муҳаббатнинг илк мевасини тотиганди. Тугун шунчаки тугун эмас, меҳр эди. Ундаги таом шунчаки таом эмас, муҳаббат эди.

У меҳрдан йиғлаб, муҳаббатдан масрурланиб, жилға бўйида узоқ ўтирди. Қолган нонни рўмолга ўраб белига боғлади. Белига қувват ингандай бўлди. Кейин кўз ўнгидан жувоннинг меҳр тўла қарашларини ҳеч қуволмай, тўғрироғи ҳеч қувгиси келмай, йўлида давом этди. Пахмоқни ўйламади. Қачонки, унга дуч келгачгина, не мақсадда санғиб юрганлиги эсига тушди. Аммо...

Пахмоқдан умидини узгач, у водий бўйлаб кетди. Чуқуркамарга мўралашдан мақсад қолмаганди. Чалкаш сўқмоқларнинг биридан ошиқмай юриб бораркан, водий четидаги сийрак арчазордан какликларнинг сайрашини эшитди. Юрагидан ўкинч кетиб, қони қайта жўшди. Милтиғига майда сочмали ўқ жойлаб, ўша томон юрди.

Қош қорайганда, белига саккиз какликни қатор териб, йўлга шай бўлди. Бироқ уйга қайтишни энди хаёлига ҳам келтирмади. Қишлоғигача икки соатлик йўл. Албатта, йўл унга писанд эмас, ҳар куни босиб ўтадиган масофанинг арзимас бир қисми. Биринчидан, эртаси Пахмоқни Чуқуркамардан бошлаб қидирмоққа аҳд қилди. Иккинчидан, Чуқуркамар эски ошнаси Самад полвоннинг қишлоғига яқин эди. Учинчидан, қалбини гупуртираётган хис-туйғуларини ким биландир ўртоқлашгиси келарди. Бунга Самад полвон жуда боп ўртоқ эди. Мана шуларнинг бариси сўнгги дақиқада қарорини ўзгартиришга туртки бўлди.

У ошнасининг қишлоғига қоронғида кириб борди. Самаднинг аёли уй соҳиби каби очиққина эди, уни одатдагидек, хуштавозелик билан қаршилади. Қўлига сув қуйиб, сочиқ тутди. Тагига тўрт қават кўрпача ташлади. Аёлнинг қай бир жиҳатлари кўкбулоқлик жувонга ўхшаб кетишлигини сезган Панжи саёкнинг димоғи ўз-ўзидан чоғ бўлди. Бизди бўлғуси хотин ҳам мана шу аёл каби эпчил ва меҳрибон чиқадиғанга ўхшайди, деб ўйлади. Ошнаси келгунча чой хўплаб, девордаги сўзаналарни, токчадаги идишларни, қисқаси, уйга зеб бериб турган жамики нарсаларни бирма-бир, томоша қилиб ўтирди. Диққатини, айниқса, девордаги айиқ териси тортди. Унинг ўнг ёнига тулки териси осиглиқ эди. Бу нарсалар уйга унчалик ўтиришмаганини сезиб, томоқ қириб-қириб қўйди. Айиқ териси устига қўндаланг осилган милтиқ уни қўл қизиктирди. Бориб тутиб кўришдан ўзини зўрға-зўрға тийиб ўтирди. Кейин аёл кишининг қўли сезилиб турган бошқа жиҳозларга алаҳсиди. Ошнасининг уйини беихтиёр ўз кулбасига қиёслади. Хаётида илк бор шинам-саришта хонадонни қўмсади. Ошнасининг аёли ўрнида кўкбулоқлик жувонни қўйиб, чексиз-чегарасиз орзуларга берилди. Сўнг эса, ошнаси билан ярим тунгача сирли ва сеҳрли суҳбат курди. Ичилган ароқ қулф-дилини баттар очиб, ғоят усталик билан қовурилган гўштдан ўз ёрининг дидини тасаввур этди.

• • •

Пахмоқ якка ўсгани учунми ёлғизликка жуда кўниккан эди. Боз устига, норасталигида еган турткилари уни анча серҳадик қилиб қўйганди. Натижада у ўзидан бошқаларга ишонмай улғайди. Тани-жони соғ пайтида-ку ёлғизлиги сира билинмасди. Аммо жони азоб тортган кезлари, тирик жон-да, беихтиёр ҳамроҳ истаб қоларди. Зилдай оғир бошини йўлдошининг пинжига суқиб, оғриқдан шу йўсинда ором тошгиси келарди.

Норасталигида тушида ўзини кўпинча онасининг пинжида кўрарди. Вужуди илиқ тана ҳароратини ҳис этиб, эркаланиб гингширди, тамшанарди, талпинарди ва бу ҳаракати жажжи тумшукчаси совуқ ўнгирининг муздек деворларига бориб тақалмагунча давом этарди. Кейин бехос ўйғониб кетиб, ўзини тор ўнгирида кўраркан,

онасини кўмсаб, беҳуда гингширди, бекорга нола тор-тарди.

Аслида у нолимаса ҳам бўларди. Эндиликда оналикни табиат бекаму кўст ўз зиммасига олганди. Ўз онасидан фаркли ўлароқ, табиат шундай она эдики, меҳридек, қаҳри ҳам жуда жўшқин эди. Бу она унинг насибасини бутун тоғу тошларга сочиб ташлаганидек, пишиб улғайсин, салга руҳи чўкадиган бўлмасин дея сон-саноксиз ганимларини йўлига кўндаланг кўйиб кўйганди. Пахмоқ улар билан талашиб-тортишиб улғайишга мажбур эди. Ҳатто човроққина тўнғиз ҳам унга ҳамла қила оларди. Бўриларга-ку гап йўқ, уни кўрди дегунча олдиларига солиб қувлашарди. Аммо она табиат бунинг ҳам гамини еб кўйганди. Қочиб бекинсин дея ўнгирларни яратгандек, тирмашишга тоғда арча-ю бошқа хил дов-дарахтлар билан чор-атрофни тўлдириб ташлаганди. Пахмоқ жойи келса, булардан усталик билан фойдаланарди. Лекин шунга қарамай, ёлғизлик балоси олдида кўпинча ожиз қоларди. Тани азоб тортган кезлари бу оламда ўзи танҳо қолганидек, сиқилишдан юраги тарс ёрилай дерди. Боз устига, кўз ўнгидаги жамики жонлик зоти ўз жуфти билан умргузаронлик қилишарди. Ҳаттоки анови бефаросат тўнғизлар ҳам ёлғиз эмасди. Қуйи сойдаги қўрқоқ қуёнлар ҳам галалашиб яша-шарди.

Катта қоя биқинидаги бургутлар ҳам ўта ҳамжиҳат эдилар. Фақат угина ёлғиз эди. Ёлғизлиги қор қилган кезлари кўнглида ҳамроҳга — ҳамжинсга мойиллик кўзгаларди. Ўтган йили ўша майлга бўйсунаман деб, жонидан айрилиб қолишга сал қолганди. Агар ўша воқеа юз бермаганида, у майлга итоат этиб, бирор кун ўзига ҳамроҳ топиб олиши мумкин эди. Бироқ ўша воқеадан сўнг у ўз ҳамжинсларидан қаттиқ юрак олдириб кўйди. Ҳар хил таниш-билишчиликдан ёлғизликни афзал деб билди. Кейинчалик ҳамжинсларидан бирортасининг хидини илғаши билан ўша ҳодиса эсига тушар, нарироқ, имкони борича нарироқ кетишга ҳаракат қиларди. Албатта, нари кетиш дегани қочиш эмасди. У эндиликда қочмасди. Пусиб чекинарди. Юраги қаҳру ғазабга тўлиб чекинарди, ҳар лаҳзада ташланишга шайдек, ер тирнаб чекинарди. Бахтига ўзга айиқлар унинг худудига кўпда оралайвермасди. Худди ўзи ўзга худуд

қаршисида жонсарак туриб қолгандек, улар ҳам бу нотаниш ҳудудга юрак ютиб бетлайвермасди.

Ушбу воқеа юз берганида, Пахмоқ ҳозиргидек кучга тўлмаган, болалик билан балоғат ёши ўртасидаги сарсон айикча эди. «Сарсон айикча» деганимизга сабаб шундаки, у бола бўлиб бола, катта бўлиб катта эмасди. Бир қарасанг, кичик айикчадай ўйноқи ва галварсроқ, бир қарасанг жиддий ва жаҳлдор — яқинлашсанг, ейман, ютаман дегандай, ўз майлида хўмрайиб юарди.

Ўша куни Пахмоқ ўз ҳудудининг кунботиш қисмида ўзга айик ҳидини фавқулудда пайқаб қолганди. Бу томонда унинг сарҳади илон изи сойлик билан яқунланарди. Ундан нарига у ҳеч ўтмаганди. Қолаверса, ўтишга ҳеч қизиқмаганди. Бунга сабаб, биринчидан ўз ҳудудида емиш керагидан мўл эди. Иккинчидан эса, айрим ҳолларни ҳисобга олмаганда, ўз ҳудудини кенгайтиришга иштиёқманд ўктам жониворлардан эмасди, бориға қаноат этиб, тинчгина яшашни хуш қўрарди. Шу куни у кунботишга тасодифан бориб қолганди. Ўзга айик ҳидини сезиб, дастлаб бутун вужуди кўрқувдан қалтираб кетди. Сўнг негадир беихтиёр шодланди. Борлиқни қуршаб турган минглаб хидлар орасидан аниқ сезилиб турган бу хид жуда қадрдон туюлиб, беихтиёр ўша томонга талпинди. Сал ўтмай ялангликдаги зирк буталари ора-лаб юрган улкан айикни кўрди. Айик ўзини жуда ювош тутганидан, у ортиқча хавотирланмади. Эркаланганнамо ҳаракатлар қилиб, секин-аста яқинлашиб бораверди. Бироқ ҳамжинси у кутганча қаршиламади. Пахмоққа кўзи тушиб аввалиға таажжублангандай бўлди. Сўнг шундай кутурдики, Пахмоқнинг назарида тоғу тошлар титраб кетгандай туюлди. Даҳшат оғушида бир зумга гангиб қолди. Мен сенга нима қилдим, деган маънода унга мўлтиллаб тикилди. Аммо бундай қарасаки, ажал дегани улкан махлуқ тимсолида ўзи томон шиддат ила бостириб келмоқда. Хиёл ҳаялласа тупроққа қорадиган. У кўрқувдан ура қочишга тушди. Улкан айик уни лўкиллаганча таъқиб қилиб келди. Лекин бу ёғиға ўтишга негадир ҳафсала қилмади. Хойнахой, шу атрофда она айик юргандир, деб ўйлаган чиқар. Акс ҳолда Пахмоқнинг шўриға шўрва тўкилиши аниқ эди.

Ана шу воқеа сабаб бўлиб, унинг ҳамжинсларига нисбатан қизиқиши батамом сўнган эди. Вақти келса,



хамжинслари бўридай тажовузкор, силовсиндай газабкор эканлигини англади. Бахтига бу тоғларда айиқлар сийрак эди. Қўриқхона ташкил этилмасдан бурун уларнинг кўпчилиги бошқа ҳайвонлар қаторида кириб юборилган эди. Йўқса, катта бир худудда бу тарзда эмин-эркин юролмасди. Тўғри. Баъзи пайтларда чегара бузилиши ҳоллари бўлиб турарди. Бундай пайтда Пахмоқ газабни қанчалик жўшмасин, тартиббузар айиқнинг кўзига кўринмасликка уринарди. Негаки, унинг ожизтоbligини кўрган айиқ биринчи галдаёқ уни ҳайдаб ёки махв этиб, ерига эга чиқиб олиши мумкин эди-да. Уларни мавҳумлик тутиб турарди, холос. Бу бегона худудда қандай айиқ яшашлигини билмаганликлари учун ҳам Пахмоқнинг ерида ортиқча ўралашмай, қандай келишган бўлса, шундайлигича секин ғойиб бўлишарди. Ҳатто ўзларидан бирор-бир белги қолдиришга ҳам тиришмасди. Ер эгасининг белгиси манаман деб турган жойда белги қолдиришга камдан-кам айиқ журъат этади. Ва яна шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Пахмоқ муштадай боши билан анчагина шум эди. Белгини бўй-бастига мослаб эмас, имкони борича юқорироққа кўярди. Унинг учун буни ҳеч қийин жойи йўқ эди. Дарахтга тирмашиб чиқарди-да, керакли жойга, бошқа айиқлар каби елкасини эмас, ўнганини обдон ишқаларди. Бу хил шумликни у ўз худудидаги бошқа жониворларнинг сон-саноксиз «сўзлашув устун»ларидан ўрганган эди. Пахмоқ қуйидаги белгиларни писанд қилмаганидек, юқоридаги белгиларга жиндек ҳайиқиброқ қарарди. Юқоридаги белгилар бўрига ўхшаш йирикроқ жониворларга тегишли бўларди. Белги қанчалик юқори бўлса, эгаси шунчалик маҳобатли тасаввур уйғотишини норастиалигидаёқ фахмлаб етганди. Шумлигининг боиси мана шунда эди.

Умуман олганда, Пахмоқ онасидан деярли ҳеч нарса ўрганмай қолганди. Яшаш учун зарур бўлмиш барча тажрибаларни туртиниб-суртиниб, ўзи ўзлаштириб бормоқда эди. «Сўзлашув устун»ларидан шумликни ўргангандек, кўзидан кўра кўпроқ димоғига ишонмоқ лозимлигини ва бунинг учун елга ошна тутинмоқ кераклигини бир-икки аччиқ воқеадан сўнг ўзлаштирганди.

«Сўзлашув устун»ига келсак, жониворларнинг ахборот улашуви азалдан мавжуд. Сиз оддий, хонаки итларни ҳеч кузатганмисиз? Агар кузатган бўлсангиз, улар

кўпроқ диккайган нарсалар, дейлик, дарахт, бута, хатто ерга қоқилган қозик атрофида ўралашиб, искаланади ва ўша нарсанинг сиртига ёзилиб кетишади. Искаланиш орқали бу ерга нималар келиб кетганини аниқласа, ёзилиш билан ўзи келиб кетганидан огоҳ этади, яъни белги қўяди. Белгини жониворлар турли усулда қўяди: бири ёзилади, бири сўлагини суркаб кетади. Жониворлар белги қўйишни бировдан ўрганмайди, бу нарса уларнинг табиатида бор, фақат сал қувроклари буни ўз фойдасига нисбатан тузукроқ усулда қўллай олади. Пахмоқ ана шундай жониворлар жумласидан эди. Бошқа жониворларнинг назарида ҳайбатли тасаввур уйғотиш учун белгисини юқорилатиб қўяди.

У бу шумликни худуднинг кун ботиш қисмида ўша улкан айиқ билан учрашмасдан анча бурун ўзлаштириб олганди. Бу пайтда ҳамжинсларига нисбатан кўнглида зигирча адовати йўқ эди. Шунчаки хавфсираш мавжуд эди. Ушбу воқеадан кейин ўзга айиқлардан бутунлай юрак олдириб қўйди. Иложи борича улардан йироқроқ юришга ҳаракат қилди. Бу йил баҳорда ўша айиқ худудининг ғарбий қисмида тентиганди, ер эгаси сифатида ғазабдан титраса титрадики, лекин яқинига йўлаёлмади. Уни ҳайдаб сололмади. Хайтовур, бегона айиқ кўп ўралашмай, яна ўз ерига қайтиб кетди. Пахмоқ забардаст бу улкан махлуқнинг қўланса ҳидини яхшилаб эслаб қолди.

Аммо кечаги учрашув кўнглида бутунлай ўзга таассурот уйғотди. Ҳали ҳеч сезмаган янги туйғуларни юзага қалқитди. Буни қарангки, ҳаётида илк бор бегона айиқ ундан питирлаб қочди. Иккинчидан эса, унинг турк-тароватида ҳеч бир тажовузкорлик пайқамади. Ҳайиқиш, фақат ҳайиқиш. Бу ҳайиқиш унда ғолиблик ва ўзига ишонч хиссини уйғотган бўлса, нозли ва маъюстоброқ термулишлари кўнглини ийдирди. Энг муҳими, Пахмоқ ундан юракка кутку солувчи эркак айиқ ҳидини эмас, урғочи айиқларга хос майинтоброк хидни илғади. Бундан негадир андак қони жўшди. Бориб у билан искалангиси келди. Бироқ бегона айиқ бунга изн бермади. Бекинган жойидан чиқмади.

Агар муҳаббат оғзи — баҳор пайти бўлганида улар ортиқча хавфсирашиб ўтирмай осонгина топишишлари мумкин эди. Бироқ муҳаббат ойигача олдинда ҳали бир қиш бор эди. Кўнгилда ошиқлик хиссини қўзғовчи

бахоргача яшашлари, яшаганда ҳам табиатнинг азалий қонун-қондасига бўйсунган ҳолда, турли хавф-хатардан жонини омон сақлаган ҳолда, ҳозир эса тахминан икки ойча давом этадиган киш уйқусига тайёрланиб кириш учун қорин ғамида куймаланиб яшашлари керак эди. Уйқудан кейинги юмушлари ҳам сероб эди. Оч қоринга муҳаббат ёқармиди дегандай, емин кидириб пастга эниш ва қор тагидан тишга босгулик нарса кидириб топишнинг ўзи бўлмайди. Қачонки ҳаводан кишнинг захри ариб, кун ботишдан илиқроқ шабада эсиб, қонлари кўпирмагунча ўз ҳолича яшашлари даркор эди. Тоғ жониворларининг ҳар бир куни кутилмаган турли тафсилотларга тўла эканлигини ҳисобга олинадиган бўлса, муҳаббат ойигача ҳали олдинда бутун бошли бир умр ястаниб ётарди. Шунингчун, Пахмоқнинг ҳозирги интилишлари муҳаббатга дахлдор эмасди. Уни қизиқтирган нарса урғочи айиқнинг андак маъюстоб боқишлари-ю ювошлиги, ёлғизликнинг зохиран сокин, ботинан оғир исканжаси эди. Бунинг устига, Пахмоқ балоғат ёшига етган эди. Одатда, айиқлар уч, гоҳида тўрт яшарлигида балоғатга етади. Лекин буни кўкламгача ўзлари сезмайди. Муҳаббат фаслида эса бирдан қонлари кўпириб, ҳамжинс кидириб қолишади. Айиқлар оиласи мана шу тарзда дунёга келади. Агар ўлим айирмаса, уларнинг бирлиги умрларининг охиригача давом этади. Ўз навбатида, Пахмоқнинг тажовузкорликдан ҳоли феъли, бир қадар мўминлиги урғочи айиқнинг эътиборини тортмай қолмаганди. Фақат носинашгалик ўртада катта бир ғов бўлиб турардики, бу тўсиқдан ҳатлашга иккиси ҳам дафъатан журъат этишолмаган эди.

Тунни чангалзордаги қулаган тоғтеракнинг тагида ўтказган Пахмоқ ярим кечага бориб оёғида яна кучли оғриқ сизди. Фингиб оёғини яларкан, ўша бегона айиқни қўмсади. Иссиқ, ёпишқоқ тили билан ярадор оёғини ялаб-юлқашини истади. Бошини унинг пинжига суқиб ором олишни хоҳлади. Тинимсиз азоб бераётган дард унда илғари ҳеч юз бермаган хоҳиш ва истақларни тугдирмоқда эди. Айниқса, бегона айиқнинг чангалзорга етиб-етмай алланечук гинали мўлтираб тикилиши кўз ўнгидан кетмай қолганди. Бу боқишда на у кутган ва кўниккан тажовуз, на адоват бор эди. Бунда нимадир ваъда берувчи гинадан ўзга нарса йўқ эди. Айни шу

нарса Пахмоқни ўзига ром этиб, кўнглида меҳрга хоҳиш уйғотганди.

Ўзга жониворларнинг бир-бирига нисбатан меҳрибонликларини Пахмоқ кўп кузатганди. Ўнг қулоғини милтиқ ўки чирт узиб юборган қоратоб тулкига урғочи тулки томонидан кўрсатилган ғамхўрликни гувоҳи бўлган эди у. Ўшанда малларанг чиройли тулки ўз жуфтининг ярасини соатлаб ялаб-юлқаган, айланиб-ўргилганди. Ўшанда у бу қадар меҳр-окибатдан жуда ҳайратланган, сўнг неғадир ғаши келиб, уларни ҳайдаб солганди. Энди эса ўшандай ҳолатни ўзи истамокда эди.

Тонгда у ўша истак оғушида ташқарига интилди. Ёш новдаларни босиб-янчиб яланг ерга чиқаркан, намчил тумшугини кўкка чўзиб бир майдон хид олди. Сон-саноксиз хидлар орасидан емиш хидини тез илғади. Аммо бу гал хидга эргашмади. Ички бир хоҳишга бўйсуниб, Чуқуркамар юкорисидаги дўланазорни қора тортиб, йўлга тушди. Назарида, кечаги айиқни бугун ҳам ўша ерда учрагандек эди.

У оғриётган оёғини авайлаб босиб, бирор соатлар йўл босгандан сўнг бирдан титраб кетди. Тумшугини кимирлатиб, ҳавони кетма-кет искади. Адашмабди. Турли хидлар орасидан ғанимининг иси яққол сезилиб турарди. Бу бало қаердан келиб қолди, деган ҳадикда атрофга олазарақ назар содди. Кўрди. Панжи саёқ пастда, сой ёқалаб ошиқмай келарди.

Пахмоқ мушкул аҳволда қолганди. Ортга қочай деса, наридаги арчазор анча олисда, ўртада кафтдек яланглик ястаниб ётарди. Ялангликка чиқиш ўлим дегани эди. Ўнг ёндаги қуюқ арчазор узра баланд қоя қад рост-лаган, шунингдек, чап ёндан ҳам умид йўқ — қиялик тўғри сойга тушади. Ҳар икки ҳолатда ҳам ғаними уни дарров илғайди. Бир муддат каловлашдан сўнг, у илк бор қочмай, секин ўнг ёндаги арчазорга беркинди. Ер бағирлаб ўсган арча шохлари орасига яшириниб, бутун вужуди кўзга айланганча ғанимини кузата бошлади.

Бу орада Панжи саёқ сой ёқасидаги товатош ёнида тўхтади. Елкасидаги милтиғини тошга суяб қўйиб, ошиқмай сувга энди. Чўккалади. Ҳовучида сув олиб ичди. Кейин кўзларини қисиб, теваракка диққат билан назар солди. Агар табиат инсонга жониворлардек хид билиш қобилиятини берганида, турган гап, у Пахмоқни

аллақачон пайкаган бўларди. Аммо у ҳозир атрофга махлиё эди. Эрталабки қуёш нуридан фусункор тус олган тоғу тошлар бир лахзага бўлса-да, диққатини ўғирлаган эди. Панжи саёқ, кўзи атрофда, оёқларини узатиб ўтирди. Ҳадемай тотли хидлар қаторига арзонбахо сигаретнинг қўланса хиди қўшилди.

Пахмоқ бекинган жойдан у бемалол кўриниб турарди. У биринчи бор инсонни милтиқдан холи кўрди. Юрагига ҳамиша кўрқув солиб келган яроғ инсондан уч-тўрт одим нарида бамисоли калтакдай беозоргина суяғлиқ турарди. Инсон деганлари усиз ҳеч нарса эмаслиги, унда на ўткир тирноқлар, на даҳшатли тишлар борлигини, гар яроғи бўлмаса, уни бемалол махв этиш мумкинлигини у дафъатан пайқади. Пайқаши баробар вужудини хануз титроққа солаётган кўрқув хисси ҳийла чекиниб, ўрнини қизиқиш эгаллади. Негаки, шу дамгача у инсонни яроғ билан яхлит тасаввур этарди-да, энди эса уларни бир-биридан холи кўриб турарди. Кўз ўнгидаги бу хил манзарадан таажжубга тушган Пахмоқ бошини у ён-бу ён қийшайтириб, ғаниминини обдан кузатди. Бора-бора вужудудидан титроқ бутунлай ариди.

Бир пайт Панжи саёқ илдам ўрнидан кўзғалиб, милтиғини қўлига олди. Пахмоқнинг кўзига у яна даҳшатли тус олди. Шўрликнинг танига тағин титроқ оралаб, ерга баттар қапишди. Бахтига Панжи саёқ унинг рўпарасидан эмас, сал қуйи юриб, яланглик қаршисидан юкорига кўтарилди. Бир оздан сўнг тошлар устидан енгил-енгил сакраб наридаги арчазорда кўздан йўқолди. Аммо Пахмоқ биқинган жойидан чиқар-чиқмас, Панжи саёқ тўсатдан яна яланглик четида пайдо бўлди. Милтиғини ўнғай тутганча чор-атрофга аланг-жалаңг қарай бошлади. У Пахмоқнинг яқиндагина ташлаган тезагига дуч келган ва уни шу атрофда эканини пайқаб қолганди.

Аллақачон жойидан жилишга улгурган Пахмоқ оёғи остидаги қуриган шохни бехос босиб, ўзини билдириб қўйди. Панжи саёқ у томон илдам югуриб кела бошлади. Ортиқ биқинишдан фойда йўқлигини фаҳмлаган Пахмоқ ошиғич пастга эниб, сой бўйлаб қочишга тушди. Бирпасда ғаниминини жуда орта қолдириб кетди. Аммо ғанимининг ғоят чидамли ва саботли эканини у яхши биларди. Билгани учун ҳам уни чалғитишга уринди. Сой ёқалаб бир оз юрди-да, сўнг қарши бетдаги арча-

зорга шўнғиди. Ундан ўтиб, тагин Чуқуркамарга олиб борадиган сўқмоққа тушиб кетди.

Пахмоқнинг бу харакатини дийдорлашув йўлидаги собитлик деб бўлмасди. Шу тобда Чуқуркамар томонларга улоқишдан бўлак иложи ҳам йўқ эди. Кўзига энг бежавотир жой ўша ёқ бўлиб кўринди. Фанимимдан илгарилаб кетдим, деган умидда йўлнинг бу ёғига унчалик ошиқмади.

У Чуқуркамарга яқинлашганда, қуёш анча кўтарилиб, ҳаво исий бошлаганди. Чуқуркамарга кираверишдаги ўнг қўл сўқмоқ бошига етганда бир муддат нафас ростлади. Қоп-қора тумшугини олдинга чўзиб, хид олди. Илк сезгани қўл хидига қоришиқ арча хиди бўлди. Сўнгра ўлакса хидини илғади. Қаттиқ пишқириб, шабадага юз тутди-да, тагин искаланди. Бу сафар узокдаги дўлана хидини пайқади. Оғзи сув очиб, тамшанди. Узун тили билан тумшугини ялади. Кейин юмшоқ панжаларини ерга шарпасиз босиб, сўқмоқдан юқорига ўрлади. Тепага кўтарилган сайин ўлакса хиди баттар анқий бошлади. У тумшугини кўкка чўзиб, бот искаланди. Ўлакса хиди бу сафар жуда яқиндан келди. У чапга кўз ташлаб, каттакон арча ортидаги ялангликда ўлакса талашаётган қора қузғунларни кўрди. Пишқириб яна юқориларкан, дўланазорга кирмай, сўлга бурилди. Салдан кейин қўшни ҳудуд чегарасига етди. У ерга чўнкайиб, қўшни томонга диққат билан кўз ташлади. Бир оздан сўнг, аста изига қайтиб, дўланазорга кирди. Мева териб ейишга киришди. Оғзи емишга етгач, бегона айиқ уни ортиқ қизиқтирмай қўйди. Кўзи фақат меваларни кўрарди. Кўп ўтмай қалин қор кўрпаси остида қолиб кетадиган мазали меваларга ичи ачигандай, айиқларга ҳос очкўзлик билан кавшанарди.

Нафси тўла қонгач, у четга чиқди. Ётоқ истаб тева-ракка аланглади. Қорни тўйса, дангасалиги тутиб қоларди. Шу босис, ётиб ором олмоқ ниятида қора харсангни кўзлаб олға юраркан, шу пайт беқарор ел унинг димоғига кечаги айиқнинг таниш хидини олиб келди. У бу хидни базўр илғади. Илғаши баробар кўнглида эрта-лабки ҳис қайта бош кўтарди. Қизиқсиниб, хидга қарши юрди. Кўп ўтмай қўшни ҳудуд сарҳадидаги харсангтош ёнига етди. Дайди ел бу сафар дара ичидан эса бошлади. Қадрдон хидни йўқотган Пахмоқ ерга чўнкайиб ўти-

раркан, бирдан титраб кетди. Шабада димоғига ғанимининг исини олиб келганди. У ишонқирамай, аввал бошини ўтирди, сўнг бутун гавдаси билан бурилиб, ҳавони қайта-қайта хидлади. Йўк, димоғи алдамаётган эди. ҳавода юракка кутқу солувчи хид баралла сезилиб турарди. У букри арча томон ошиқди-да, қуйига мўраллади. Бир қарашда тоғу тошда тирик жонни пайкаш кийин. Албатта, бу инсон учун. Аммо айиқ зоти бир кўз ташлашдаёқ жуда кўп нарсани илғайди.

Шунингдек, Пахмоқ ҳам дара тубида бармоқдек бўлиб келаётган ғанимини узоқданок кўрди. Бошда енгил фингшиди, сўнг норозиланиб охиста ўкирди. Қочишга унчалик ошиқмади. Негаки, ғанимининг қайси томонга юриши хали номаълум эди. Чуқуркамарга етмай чапга бурилиб, водий тарафга юриши ҳам мумкин эди. Шунингдек, ўнгга қайрилиб, боя ўзи ўрлаган сўқмоқ орқали юриб, нақ қаршисидан ҳам чиқиши мумкин эди. Агар шундай хол юз бергудек бўлса, у дўлاناзор ёкалаб ўтиб, мулкининг жанубий қисми бўйлаб юришни мўлжаллади. Шунда унинг диккатини куйидаги нимадир пойлаб турган тулки тортди. Тулкининг ўликдай қотиб туриши қизиқ туюлиб, бошини бир ён қийшайтирганча уни кузата бошлади. Бир муддатдан сўнг четдаги арчазор шитирлаб, у ердан кулранг қуён отилиб чикди. Уни бошқа бир тулки таъқиб этиб келарди. Таъқибчи тулки ўлжасини пистирмада ётган тулки томон қувиб келарди. Шўрлик қуён сакраб-сакраб қочаркан, навбатдаги сакрашида шап этиб, пистирмадаги тулкининг чангалига тушди. Икки тулки хаш-паш дегунча уни бир ёқлик қилди-қўйди. Пахмоқ одатда бу хил манзараларни кўп кузатган, аммо бунисига айрича эътибор қаратди. Орада тобора яқинлашиб келаётган ғанимига кўз солиб қўйишни ҳам унутмади.

Тоғ ели тоғ табиатидек жуда бекарор бўлади. Салдан сўнг муздек шабада қўшни худуд томондан эса бошлади ва узоқ-узоқлардан ўша бегона айиқ хидини олиб келди. Энди жилмоқ ниятида турган Пахмоқ бу исдан яна сергакланди. Ортига ўтирилди. Ўтирилаётиб, ғаними томонга яна кўз ташлаб қўйди. Бу пайтда Панжи саёқ водийга олиб чиқадиган сўқмоқдан ўтганди. Сўнгги умиди пучга чиққанини сезган Пахмоқ икки ўт орасида қолди. Секин жилиб қолай деса, кидиргани шу атрофда юриб-

ди. Қочмай деса, ғаними бу томонга олиб чиқадиган сўқмоққа тобора яқинлашмоқда... Начора жон ширин. У дўлानазор ёқалаб ўтиб, жанубий тизмаларни қоралаб йўлга тушди. Худуднинг бу қисмини унчалик хуш кўрмасди. Яланг-яланғоч қоялардан иборат бу тизмалар жуда кўримсиз жойлар эди.

У яланғоч тизмалар бўйлаб бориб, Эгридара марказига тушмоқни мўлжаллади.

Тизмалар оралиғидаги илон изи, энсиз сўқмоқлар киррадор тошларга тўла эди. Сал эҳтиёткорлик қилинмаса, оёқни синдириб олиш ҳеч гап эмасди. Шунингчун ҳам овчилар бу ерни «оёқсиндирар» деб атайдилар. Шу боис, айиқ зоти тугул, бошқа жониворлар ҳам бу масканга кўп боравермайди.

Пахмоқ дастлабки тош устига оёқ қўяркан, ярадор оёғига янада кучлироқ оғриқ кирганини сезди. Фингшиди. Фингшиганча кузги офтоб нурида сўник тус олган яланғоч тизмаларга маъюс термулди. Тизмалар оралаб қочишдан маъни йўқлигини англаб, гарангсиб, бот фингшиди. У каловланиб, чор-атрофга жавдираркан, кўзи сал наридаги қўзиқоринсимон чоғроқ харсангга тушди. Ва беихтиёр ўша томонга жилди. Харсанг атрофида бир оз тентиди-да, бояги тулкига тақлид қилиб, унинг пойига чўқди. Кейин қоматини чўзиб, яхшилаб биқиниб олди. Эрталаб арчазорда қилган қилиғидан сўнг, биқинишда гап кўплигини фавқулодда фахмлаб етганди.

У вақтида биқинган экан. Орадан кўп ўтмай дўнгда Панжи саёқ пайдо бўлди. Дўнгдан туриб, кафти манглайида, атрофни узок ва синчков кузатди. Ўзича Пахмоқ юриши мумкин бўлган ерларни тусмоллади. Яланғоч тизмалар томонга айиқнинг ўтмагани аниқ. Ўтса, узокдан яққол кўзга ташланарди. Унинг эътиборини ўнг томонга чўзилган энсиз сўқмоқ тортди. Сўқмоқ Пахмоқ биқинган харсанг ёнидан ўтиб, дара лабидаги арчазорга сингиб кетганди. Бу сўқмоқ дара бўйлаб бориб, бир ярим чақиримдан сўнг қуйига энарди. Панжи саёқ Пахмоқни арчазорда деб гумон қилди. Бирпас ўйловдан сўнг сўқмоққа тушди. Ошиқиброк, шунингдек, хиёл иккиланиброк юрди.

Қадам товушлари яқинлашган сайин Пахмоқнинг жони товонига туша борди. Кўп ўтмай димоғига қўланса тер хиди урилди. Бир хаёли ура қочиб қолмоқчи ҳам



бўлди. Хартугул ўзини босиб, харсангга баттар қапишди. Унгача фаними жуда яқин келиб қолганди. Ана у майда тошларга сирғала-сирғала харсанг ёнидан ўта бошлади. Салдан сўнг чанг босган этиги, кейин ўзи кўринди. Пахмоқ унинг ортидан қараб қоларкан ажиб бир ҳолдан хайрон бўлди. Фаними, қўлидаги милтигини демаса, ушоққина нарса экан. Бир сакрашда ортидан етиб, осонгина ерпарчин қилса бўларкан. Хайронлиги истакка алмашилиб, у ҳатто бир кўзғалиб ҳам олди. Аммо журъати етмади.

Бунгача, Панжи саёк анча узоқлашиб улгурганди. Арчазорга етиб, теваракка синчковлик билан назар солди. У ерда жон шарпасини сезмагач, арчазор ёқалаб дўнгликка қайтди. Салдан сўнг дўнглик ортида кўздан йўқолди.

Остидаги тошни ҳўллаб қўйган Пахмоқ ниҳоят ўрнидан қўзғалди. Бегона айикни истаб, дўнглик сари юришни ҳатто хаёлига келтирмади. Оқсоқланганча арчазорга синган сўкмоққа тушди-да, Эгридара марказини қоралаб олға жилди.

• • •

Бу фикр Панжи саёкнинг бошига фавқулодда келди.

Бу пайтда у Эгридарага кираверишдаги Ялангтепага етган. Ёлғизоёқ сўкмоқдан охиста юқорига ўрлаётган эди. Ушбу фикр хаёлига келиши билан такқа тўхтади. Кўз ўнгидан Самад дўстининг уйида кўрган айик териси ўтди. Терини бор бўйича тасавурида тўла-тўкис гавдалантираркан, дуч келган тошга чўкди-да, тоғ бошидан пирпираб чиқиб келаётган куёшга мамнун боқди. Куёшдан андоза олгандек, юзи табассумдан ёришиб кетди. «Бирдан сўрамайман, — деб ўйлади. — Бирдан сўрасам бермайди. Озгина ичгандан сўнг сўрайман. Ичса жониниям аямайди. Ичмаса хасниям бермайди. Жўра, сени тўйга айтгани келдим, дейман. Қиз томон айик терисини сўратибди дейман. У менга, ўзинг овчи бўла туриб, тери сўрашга уялмайсанми, дейди. Мен эса уни мактайман. Тоза мактаганимдан сўнг тери тугул юрагини суғуриб беради у. Тавба, нега илгарирок шу нарса хаёлимга келмади, а? Пахмоқнинг кетидан қувгунча Самадникига бормайманми. Уйингдаги анову терини менга бер, жўра демайманми».

У елкасидан тоғ ағдарилганини хис этиб, ўтирган жойида атрофга мағрур боқди. Дўстининг уйига олиб борадиган яқин йўлни кўзи билан чамалади. Эгридара юқориси билан юриб Оқсувга, Оқсувдан эса чапга қайрилса йўли анча қисқаришини ўйлади. Аммо овчининг қисмати курсин, қўлингда яроғинг турса, овнинг хуружи тутмай қўймайди. Кўзи Эгридарага кираверишдаги қоялар оралиғига тушгач, овнинг хуружи тутиб, тагин фикридан қайтди. «Дара ичи билан юраман, — деб ўйлади. — Пахмоқ учраса — бахтим, шартга тинчитаман. Учрамаса, Самад жўрамнинг уйидаги терини опқайтаман. Тери райондаги анови начальниқка. Хотин эса бизга. Хотинди тўшга босайлик, у ёғи кейин бир гап бўлар. Лекин ортиқ имилласак, чатоқ бўладиганга ўхшайди. Пастқишлоқлик Мели тумшуқ унга одам қўймоқчи экан. Отни қамчиламасак қўлни бурунга тикиб қолаверишимиз ҳеч гап эмас. Бугун, агар учраса, ё Пахмоқни тинчитаман, ё Самаднинг уйидаги терини опқайтаман. Лекин шу начальниқка қойил қолмадим. Сассиқ пўстакнинг нимасига бунча қизиқади у? Ерга ташлаб қўярмиш. Ерга тапшлашга эчкиниқиям бўлаверадик-ку, ахир. Фарқи нима? Майли, сўз бердикми, бажармай иложи йўқ энди. Бажармасак, эркак эмас экансан дейиши тайин. Бу гапдан кейин бош кўтариб юрмоқ қийин. Аммо-лекин пулиниям эркакча тўлайдиган. Бошқа биров у берган пулнинг чорак қисминиям бермасди. Бундай одамга ҳар қанча қилсанг арзийди. Қисқаси, бир амаллаб қутулиб олай, шундан кейин қаклик отиб, тулки отиб, тинчгина юрамыз. Муҳими, келинди қўлдан чиқармаслик. Бугун терини қўлга киритсак, эртан акамнинг қаватига ишга кирган бўламызда, келинди уйига совчиларни зинғиллатамыз, бу гал ишни битирмай қайтмаларинг, деймиз. Агар келин қўлдан кетса, бу дунё ҳаром, деймиз. Тўйдан кейин Мели бурун билан бир гаплашиб қўямыз. Мен оғиз солган нарсага нега тумшуқ тикиб эдинг деб, яхшилаб пўстагини қоқамиз. Жовлининг тўйида еган қалтакларинг эсингдан чиқдими деб, бир ғалвирдан ўтказамиз. Қасди бор-да, атай қилаяпти. Бўлмасам, қар эмас, оғиз солганимизни эшитган. Юрган бир саёқ-да деб, ўзича писанд қилмаган чиқар хали? Шошма, хали сенга бир отўйин кўрсатма-

самми! Лекин тезроқ отни қамчиламасак бўлмайди, йўғасам, энағар опқўйишдан ҳам тоймайди».

Панжи саёқ чинакамига ташвишга тушиб қолганди. Агар бу қадар ташвишга тушмаганида, бу даражада ич-этини емаган, Самаднинг уйидаги тери дабдурустдан эсига тушмаган ва ҳали-хануз Пахмоқнинг изидан овора-ю сарсон юрган бўларди.

Аслида бугун тонгда, кечаги оворагарчиликдан дили қаттиқ хира тортиб, одатдагидек, Пахмоқнинг жонига қасд этмок ўйида уйдан чиққанди. Самаднинг уйига ўтиш хаёлида ҳам йўқ эди. Қишлоқдан чиқаётиб, кўйларини ёйиб қайтаётган акасига дуч келганди. Акаси уни ёмон хабар билан қаршилади, дедики, бугун овингни бир амалла-да, эртан ишга чик, пастқишлоқлик Мели тумшуқ одам қўймоқчи эмиш. Олдинги гурунгда бу гап йўқ эди. Панжи саёқ акасига меровсираб боқди. Сўровга тили бормаса-да, акасининг жиддий нигоҳидан, Мели тумшуқ ўзи танлаган аёлга оғиз солмоқчи эканини англади. Аввалига бадани жунжикиб, тиззаларидан мадор кетди. Кейин вужуди ғазабдан титраб, кўзларига қон қуйилди. Ўлдираман уни, деди. Ўлдираманинг нимаси, деди акаси унинг нодонлигидан ранжиб, жувон ҳали сенга товин эмас, боши очик аёлга ит ҳам, бит ҳам оғиз солади-да. Йўқ, у меники, деди Панжи саёқ ўжарлик билан, фақат меники. Ака деди, агар у сеники бўлса, бугун айиғингни тинчит-да, эртан қаватимга чик, индинга совчиларни қайта юборамиз, лекин билиб қўй, ишнинг бошини тутганлигинг ҳақидаги хабар совчилардан олдинроқ етиб боради...

Панжи саёқ шу ўтирганча туришга ошиқмади. Қуёш нури хуш ёқаётгандек, масрур бир ҳолатда ялпайиб ўтираверди. Нафсиламарини айтганда, унинг шошадиган жойи йўқ эди. Тери нақд. Шошиб қаёққа ҳам боради. Зора Пахмоқ учраб қолса, деган умидда дафа ичи билан юрилса-да, дўстининг уйига тушга қолмай етиб боради.

У ошиқмай чўнтагидан сигарет олди. Мирикиб тутатди. Узоқ-яқиндан эшитилаётган каклик овозига кулоқ тутиб, маъносиз илжайди. Кейин хаёли яна Пахмоққа кетди. Ўзи мўмингина деб ўйлаган жониворнинг бу қадар туткич бермас чиқиб қолганидан таажубланди. Кеча кун бўйи бекорга санғиганидан таассуфланди.

Кеча тонгда Самаднинг уйидан чиқаётганида Пахмоқни учратишига аниқ ишонганди. Қидирувни Чуқуркамардан бошлаганди. Бекорга бу ерга бош суқмаганди. Биладики, Пахмоқ ярадор. Ярадор жониворлар Иссиқбулоқ қўлида кўп ўралашади. У буни кўп кузатган. Ҳатто ўзи ҳам ўтган йили лат еган оёғини шу қўлда даволаган. Булоқ суви бир оз иссиқ бўлгани билан, жуда хушдаво, танингни губордан тозалайди.

У кўл атрофни синчиклаб кўздан кечираркан, Пахмоқни уч-тўрт кун бурун келиб-кетганини пайқади. Демак, у ўздан кейин келибди. Нафрати белгиси сифатида этик изларидан бирига бошлаб тезаклаб кетибди. Панжи саёқ унинг бу қилиғидан хахолаб кулди. Кулакула дара ичи бўйлаб юрди. Йўл-йўлакай кўйган қопқонларини кўздан кечириб борди. Чамаси икки соатлардан сўнг сой бўйига тушиб, бир муддат нафас ростлади. Сигарет тутатиб, атрофни кўп ва хўп томоша қилган бўлди. Сой икки юз одимлардан кейин ўнг ёндаги тик қоя тубини ялаб ўтарди. Йўлни давом эттирмак учун сой кечиб нариги қирғоққа ўтиш лозим эди. Нариги бетдаги энсиз сўқмоқ сойга энган нишаблик тепасидан ўтарди. Сўқмоқдан юқоридаги қиялик қуюқ арчазор эди. Арчазор тик қояга бориб туташганди. У ўтирган жойдан сўқмоқ кесиб ўтган тошлоқ яланглик ва унинг ортидаги арчазор бемалол кўзга ташланиб турарди. Умуман олганда дара ичида бундай арчазорлар ниҳоят-да сероб эди.

Панжи саёқ кетма-кет икки сигарет чеккач, қўлига милтиғини олди-да, сой ёқалаб сал юрди. Ўтиш мумкин бўлган жой қояга яқинроқ эди. У тошлар устидан сакраб нариги қирғоққа ўтди. Нишабликдан юқорилаб тошлоқ ялангликка чиқди. Арчазорга яқинлашганда, одатига кўра, милтиғини ўнғайроқ тутди. Арчазорга кириб, у янги тезакка дуч келди. Тезак жуда янги, ундан билинар-билинемас ховур таралиб турарди. Демак, Пахмоқ шу яқин ўртада. Аммо қайси томонга кетган? У ердаги қуриган хасларга, негадир арча шохларига эътибор берди. Хаслар ҳозир ўзи келган томонга эгилганди. У милтиғини қия тутганча, ялангликка отилиб чиқди. Ялангликда зор кўринмас, қоя тагидаги арчазордан бирор сас кулоққа чалинмасди. У атрофга аланг-жаланг қараб турганида, арчазорда нимадир кирс этди. Панжи саёқ

буни Пахмоқ эканлигини дарров фаҳмлади. Бироқ айиқ оксоқ бўлса-да, жуда эпчил экан, уни бирпасда ортда қолдириб кетди. Панжи саёқ уни қоралаб изидан тушди.

Ўша кунни Панжи саёқ уни Чуқуркамар юқорисидан қидирди, кейин водийга ўтди. Қайтишда яна Эгрідара бўйлаб юрди. Оксув атрофларини ҳам бир сира кўздан кечирди. Аммо Пахмоқ ерга киргандай бутунлай ғойиб бўлганди.

Омадсизликдан Панжи саёқнинг ёмон қаҳри келди. Пахмоқни «чўлоқ» деб сўқди, «маймоқ» деб сўқди, «илойи пўстак бўлгур» деб сўқди, қўлимга тушсанг, ундок қиламан, бундок қиламан деб роса қаҳру ғазабини сочди. Кейин эса, одатдагидек, бирпасда тинчланиб, ошиқмай уйига жўнади. Ярим тунда уйига қайтаркан, ечинмаёқ қотиб қолди. Бугун тонгда яна йўлга чиқиб, акасидан юқоридаги шумхабарни эшитди.

Агар бу шумхабарни уч-тўрт кун бурун эшитганда, унчалик парво қилмаган бўларди, жуда нари борса, югурганники эмас, буюрганники, буниси бўлмаса, униси-да, деб қўя қоларди. Бироқ булоқ бошидаги «нон» воқеасидан сўнг бундай деб бўлмасди. Ўша кундан буён Панжи саёқ чин маънода, ошиқ эди. Хаётида илк бор ошиқлик ҳиссини туймоқда эди. Унинг алангали кучини сезмоқда эди. Шу боис, Мели тумшукдан қаттиқ ранжиди, кўнглида унга нисбатан ададсиз адоват кўзгалди. Лафзга сира тўғри келмаса-да, Самад дўстининг уйдаги терини олиб келишга қарор қилди. Жувондан айрилиб қолиш жуда оғирлигини англагани сайин қарори қатъийлаша борди.

Лекин бу қарори Эгрідара бўйлаб юришига тўсқинлик қилолмади. Пахмоқ учраса — бахтим, учрамаса — отасининг гўрига, жўрамнинг уйдаги терини орқалаб қайтаман, дея секин ўрнидан туриб, бамайлихотир йўлга тушди. Теридан кўнгли тўқлиги туфайли, аввалгидек хушёр юрмади. Фақат тоғбегига рўбарў келиб қолмаслик ташвишида бўлди. Ҳар эсига тушганда, гудраниб, уни сўқиб борди.

Унинг тоғбеги билан сира сози чикмасди. Иккаласи гўё ит-мушук. Бироқ Панжи саёқ анойилардан эмас, у билан ади-бади айтишиб ўтиришдан кўра, кўзига кўринмай қўя қолишни маъқул кўради. Тоғбеги уни кўп пойлаган, аммо бирон марта ноқонуний иш устида қўлга ту-

широлмаган. Тўй-маъракаларда учрашиб қолишса, тоғбеги адоватини очик билдиради.

— Бирор кун бошлаб қўлга туширарим бор сени, — дейди бошқалар эшитмайдиган бир тарзда. — Ўшанда қонун йўли билан яхшилаб таъзирингни бериб қўяман!

Панжи саёқ анқовсирайди.

— Мусичадай беозор, безиён одамга буйтиб зуғум қилишингиз нимаси, ака, — дейди кўзларини пирпира-тиб. — Айбимиз товди яхши кўриш бўса, ана, эртадан бошлаб чикмадик тоғингизга.

У меровсираган сайин тоғбегининг жони ҳалқумига келади.

— Милтиқни бер, милтиқни, — дейди газабини базўр жиловлаб.

Панжи саёқ баттар меровсирайди. Чаккасини қирт-қирт қашиб, қаншари остидан қарайди.

— Милтиқ уйда-ку, ака, — дейди, милтиқ шу тобда қўлида эмаслигидан ичи ачигандай.

— Опкеб бер! — дейди тоғбеги гижиниб. — Бўлма-сам, участкавойни бошлаб бораман-да, ўзим тортиб ола-ман!

— Ҳаққингиз йўқ-да, ака. — Панжи саёқ ошкора эр-маклаб кулади. — Биз ким — овчилар жамиятининг аъзосимиз. Милтиқ сақлашга ҳуқуқи бор одамлардан-миз. Давлатга ҳар йили план берамиз. Давлатнинг ўзи, Бердиёров Панжининг яроғ сақлашга ҳаққи бор, деган документ бериб қўйган. Нима, сиз давлатданам зўрми-сиз? Ё документдан ҳам кучингиз кўпми?

Тоғбегининг кўзларига қон қуйилади. Қўлидан кел-са-ю, ерга қозиқ қилиб қокиб юборгудек бир вазоҳатда тикилади унга.

— Ўша документни зиён-безиён жониворларни кир-гин деб бермаган-ку, ахир, — дейди сўнг чийиллаб.

— Олдин тутинг, кейин гапиринг, — дейди Панжи саёқ сиртига сув юқтирмай. — Мусичага озор бермайдиган одамман мен. Тухмат қилганингиз учун ўзим уйин-гизга участкавойни бошлаб бораман.

Тоғбеги уни бирон марта тутмаган, ўйланқираб қола-ди. Лекин бўш келишни хаёлига келтирмайди.

— Қопқонлар кимники? — дейди газаби баттар авж-ланиб. — Қўриқхонага қопқон қўйиш ман этилганини билмайсанми, нима?! Тунов кунни Қизилбурундаги қоп-

қонингга кийик тушиб қопти. Яхшиям бориб қолганим, йўқса, унияж жигилдонингга урардинг!

— Ё тавба, — Панжи саёқ, бу не тухмат дегандай елка учиради. — Ахир қопқонга, Панжиники, деб ёзиб қўйилмаган-ку, ака. Нима қиласиз одамнинг ажинасини отлантириб!

Охир-оқибат, тоғбеги бу хил тортишишдан маъни йўқлигини англаб, паст тушади, худонинг нимаси кўп, куни кўп, дейди тахдидли охангда, бирор кун қўлимга тушарсан ахир, ўшанда ийиғингни чиқараман сен болани!

Тоғбеги хануз унинг «ийиғини чиқариш» умидида юради. У эса, сира тутқич бермайди. Тоғбегининг шарпасини сезиши билан биқиниб олади. Фақат қопқонларига жуда ичи ачийди. Тоғбеги анчагина қопқонларини йўқотиб юборган. Шунингчун, Панжи саёқ доим унинг ортидан сўкиб юради. Олдида эса ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдай илжайиб тураверади. У илжайгани сайин тоғбегининг жони чиқади. Аммо қўлга тушмаган ўғри, ўғри эмас дегандек, нима ҳам қила оларди, шўрлик.

Панжи саёқ теваракка лоқайд кўз ташлаб, ҳали у бетда, ҳали бу бетда ўзидан дарак бериб, тинимсиз сайраётган какликларга эътибор бермай борарди. Қайтишда, дерди маст одамдай ўзича гудраниб, саккиз-тўққизингнинг унингни ўчираман-да, бугун бир шўрва осаман, ҳозирча эса сайраб турларинг, қушчаларим, ҳозир отсам, жўрамдан ортмайсанлар, каклик шўрвани мендан яхши кўради у.

У беғам бир алфозда Эгридара белидаги чоғроқ йўлакка рўбарў бўлди. Бу ерда сўқмоқ кескин баландлашиб, тик қоя сиртидан ўтарди. Паст ҳам, тепалик ҳам гўё пичоқ билан кесилгандек, тик жарлик эди. Пастга қараган одамнинг боши айланарди. Қуйида пишқириб оқаётган сой юқоридан худди ариқчадек бўлиб кўринарди. Икки от бемалол сифарли бу йўлакнинг энг юқори қисмидан катта-кичик харсанглар оралаб ўтиларди. Харсанглардан сўнг яна нишаблик бошланарди. Нишаблик сой ёйилиб оқадиган, икки томони тик қоядан иборат хушманзара кенгликка олиб тушарди. Бир сўз билан айтганда, Эгридара ўз номи билан Эгридара эди. Бу ерда ноқулай сўқмоқлар ҳам, хушманзара кенгликлар ҳам истаганча топилади.

Панжи саёқ елкасидан яроғини олди-да, подачи таё-

ғини белига тирагандек, уни белига кўндаланг кўйиб секин-аста баландлай бошлади. Йўл-йўлакай ярмигача намланган оғзидаги сигаретни пуфлаб пастга учириб юборди-да, оёғи остидан бир нима топадигандай, ерга бокқанча йўлнинг танобини торта бошлади.

• • •

Айни шу пайтда Пахмоқ йўлак тепасидаги харсанглар орасида дахшат ва кўрқувдан бамисоли баргдай титраб турарди.

У бу ерга Панжи саёқдан сал бурун етиб келган, хушманзара кенгликда ивирсиб юрган тоғбегига кўзи тушиб, олға силжишга ботинолмай турганди. Тоғбеги кетар, деган умидда, зўр сабр ва бардош ила кутмоқда эди. Бунга сари тоғбеги ошиқай демас, отини эса нарига кантариб, аллақадан оёғига қопқон илаштириб келган улкан тоғ тулкисининг тепасида чўнқайганча, уни «кишан»дан халос этмокни ўйлаб ўтирарди. Нодон тулки эса бошида халоскори турганини сезмай, унинг узатилган қўлини ғарчча тишлаб олмоқ пайида жонҳолатда у ён-бу ён талпинар, гоҳо оёғини бамисоли омбурдай сиқиб турган қопқонга вахшат билан оғиз солиб қўярди. Ана у эҳтиёт юзасидан чўзган қамчи дастасини жонҳолатда ғажиб, тулкиларга хос ириллаганча уни силкилай бошлади. Унинг бу қилиғи тоғбегига қизиқ туюлди шекилли, кулиб уни баттар қутуртирмоққа тушди. Тоғ тулкиси кучли ва чиройли эди. Қопқонга орқа оёғи илингани боис, ўзини химоя қилишга бемалол ҳаракатлана оларди. Хатто у тоғбегининг тиззасига сапчишга ҳам уриниб кўрди. Тоғбеги ўзини ортга олгани ҳамон ер тирнаб қочишга интилди. Бироқ тошлар орасига сиқилиб қолган қопқон бунга изн бермас, боз устига, тоғбеги қўлини чўзишни қўймасди. Тулки яна ва яна ўзини химоя қилишга ўтади. Оҳиста ва тахдидли ириллаб, ҳар дақиқада сапчишга шай ҳолда, тоғбегининг қўл ҳаракатларини зимдан кузатади. Ора-сирада ер тимдалаб олата-сир қочиб қолишга тиришади.

Пахмоқ бошда бу манзарани бамайлихотир кузатиб турди. Бу пайтда юрагида на кўрқув, на ташвиш бор эди. Тоғбегининг кетишини кутиб, харсанглар орасида томошабин бўлиб ўтирарди. Тоғбегининг қораси ўчиши ҳамон манзил томон йўл тортмоқчи эди.



У бугун ҳам Чуқуркамар юкорисидаги дўланазорга қоралаганди. Нега деганда, туни билан оёғи сирқираб, кўнглида ўша ўзга жонивор меҳрига ташналик қайта бош кўтарганди. Улкан бошини унинг илиқ пинжиға сукиб, бир зумға, атиги бир зумға чуқур тин олиш учун у ҳамма нарсаға тайёр эди. Нотаниш айиқнинг гинали мўлтираб тикилишлари ҳар одимда кўз ўнгида қайта-қайта гавдаланиб, мисоли оҳанграбодай ўзига чорламоқда эди. Оёғидаги оғриқ эса бу истакни баттар кучайтирмоқда эди.

Кечаги таъқиб остида бетиним юришлар ўз таъсири-ни кўрсатмай қолмаганди. Боз устига, кеча кечға яқин, довдираб, майда тошли қияликдан пастға думалаб кетганди. Сал имодан қуйига бамисоли селдай оқувчи бу тошли қияликдан айиқ тугул, кийик ҳам ўйланқираб юрарди. Пахмоқ тошлар оқимиға кўшилиб пастға думаларкан, чуқур зов бўйидаги ёлғиз арчаға базўр илашиб қолганди. Ўшанда ярадор оёғи бўларича бўлганди.

Оёғининг бетиним қақшаб оғриши ҳам ундаги ички истакни босолмаганди. Тонгданоқ у йўл тадоригини кўрган, оч-наҳор Чуқуркамарни қора тортганди. Гўё ўша ерга борса, жони бутунлай ором топадигандек, ажиб бир жаҳд ила олға интиларди.

Ҳозирча унинг бу ҳаракатиға тоғбеги тўсиқ бўлиб турарди. У норозиланиб, секин фингширкан, бирдан кўрқиб кетди. Бурун катаклари керилиб, хавони бот-бот искади. Сўнгра ел эсаётган томонға, ортиға кескин ўғирилди. Не кўз билан кўрсинки, пастдан шу тарафға қараб Панжи саёқ чиқиб келарди. Ана у йўлак бошиға етиб, бир зумға тўхтади-да, елкасидан яроғини олиб белиға кўндаланг қўйди. Кейин секин-аста тепаға ўрлай бошлади.

Пахмоқ икки ўт орасида қолганди. Олға босай деса, тоғбеги бор, ортдан эса ажал бостириб келмоқда. У беихтиёр ўнг ёниға ўғирилди. Кўзи тик қоя сирти бўйлаб юкорига югургилади. Қоя бошида арча тошни ёриб чиққан, ундан тепада кўм-кўк осмон. Осмонда бир бургут эмин-эркин сузиб юрибди. У чап ёнға интилди. Тубсиз жаҳаннамға кўзи тушиб, юраги орқасиға тортиб кетди. Қуйидаги сой бамисоли илондай тўлғаниб оқарди. У харсанглар орасида у ён-бу ён талпиниб, нолакор фингшиди. Фингший-фингший фанимиға жавдираб боқди.

Ғаними бамайлихотир келмоқда эди. У титраб олға талпинди. Аммо уч-тўрт одим босмай, беихтиёр тўхтади. Тоғбеги ҳануз тулки билан андармон эди.

У йиғлаганнамо овозда гингшиди. Нажот қидириб, аянчли овозда ингради. Нажот эса йўк — йўлакнинг икки тарафи ҳам инсон зоти томонидан тақа-тақ бекитилганди.

Пахмоқ барча жониворлар каби инсон зотидан жуда каттиқ хайиқарди. У тоғбегими, овчими, бурнини эплаёлмайдиган ёш болами, барибир — жониворлар инсонни ўзига дўст деб билмайди. Иложи борича улардан узоқроқ юришга ҳаракат қилишади. Шу тобда Пахмоқ инсонларга хос жиндеккина идрок этолганда эди, у таваккалига олға босган бўларди. Тоғбеги, табиий, унга тегмасди. Отини миниб, гўё уни кўрмагандай, астагина жўнаб қоларди. Бирок буни Пахмоқ қаердан билсин. Айни пайтда эса тоғбеги кўзига ғанимидан даҳшатлироқ кўринмоқда эди. Негаки, у кўз ўнгида тулки шўрликнинг жонини олмоқ қасдида куймаланарди-да. Худди тулки ўзи тутиб олган суғурини эрмаклаб ўлдиргандай, у ҳам тутқунини шу зайлда кийнамоқда эди-да. Кўз ўнгидаги воқеадан шу хулосага келган Пахмоқ юрак ютиб олға босармиди. Унинг харсанглар орасида жон талвасасида чир айланишдан бўлак иложи қолмаганди.

Лекин, ўз навбатида, инсон ҳам йирик жониворлардан чўчийди. Масалан, тоғбеги уларнинг жонини ҳимоя қилади-ю, аммо ўзларидан кўрқади. У ҳозир тулкини бир амаллаб қопқондан бўшатаркан, тинмай сўкинарди. Нега деганда, тулки уни бошлаб тишлаб олганди. Тоғбеги уч оёқлаб қочиб бораётган тулкига ортиқ эътибор бермай, билагидаги қонни юваркан қопқон кўйган шоввознинг гўрига тинмай фишт қалар, етти пуштини қолдирмай сўқарди.

Аммо буни Пахмоқ кўрмади. Тоғбегининг отига миниб, дара ичкарасига жўнаб кетганини ҳам сезмади. Бу пайтда унинг бутун диққат-эътибори Панжи саёққа қаратилган эди. Аввалига нажот қидириб, харсанглар орасида роса изғиди. Икки бор харсанг пойига бикиниб, ҳар сафар бир дакикадан ортиққа сабри чидамай, яна бикинган жойидан отилиб чикди. Ҳатто даҳшат оғушида тик қояга тирмашиб кўрди. Орада сакраш умидида куйига мўралаб-мўралаб ҳам кўйди. Ҳамма ҳаракатлари

зое эканлигини сезгач, тақдирига тан бергандай, фаними томонга ўгирилиб олди. Фингшиганча унинг ҳаракатларини кузата бошлади.

Панжи саёқ қўланса тер хидини бурқситиб яқинлашган сайин Пахмоқнинг юраги туйқусдан ғазаб ва нафратга тўла борди. Қизиқ, ҳозиргача бутун вужудини бамисоли баргдай титратган кўрқув қаергадир изсиз йўқолиб, унинг ўрнини мислсиз қаҳр эгаллади. Бу хил ҳолат жониворларда энг ночор пайтда юзага келади. Ўлимни бўйнига олган жонивор уни мардона қаршилайди. То жони танини тарк этмагунча киши ақли лол қоладиган бир даражада ғоят сабот ва бардош ила қаршилик кўрсатишда давом этади. Тоғ тулқисининг тоғбегига қилган ҳамласининг боиси ҳам мана шунда эди.

Пахмоқ ҳозир шу ҳолатга кирганди. Бироқ, ғазабдан ҳали ақлини йўқотмаган, йўқотмагани сабабли, ақл-идрокка эмас, шуурига бўйсуниб, оҳиста кетига тисландида, иккинчи харсанг ортига ўтди. Ортида яна иккита харсанг бор эди. Пахмоқ иккинчисини маъқул кўрди. Аввалига чўнқайди. Сўнг бор бўйича қаддини ростладида, шайланиб, харсангга қапишиброқ турди. Харсангга соғ чап оёғи билан таянди. Аммо зарб бермоқ учун уни бўшатмоқ лозим эди. У чап оёғини бўшатаркан, беихтиёр ўнг оёғига суянди ва жароҳати оғриб, ўкириб юборишига сал қолди. Ҳартугул, вақтида ўзини тия билди. Секин фингшиб, жароҳатини яларкан, кўнглида иккинчи бир ҳис — қасос бош кўтарди. Қасос туғёни шуур ўрнини идрок билан тўлдирди. Бор тортган азобларининг бош гуноҳкори мана шу одам эканлигини, шу туфайли жони қийноқдалигини, агар бу тирик юрса, гинали нигоҳ ташлаб, юрагини англрсиз ҳис-туйғуларга тўлдирган бегона айикнинг дийдорига ҳеч қачон етиша олмаслигини охир-оқибат ёрқин бир тарзда идрок эта олди.

У энди фанимига қасоскор туйғу ила боқди. Қасос лаззати бутун вужудида ёқимли бир титрок уйғотди. Ғаними эса ҳеч нарсадан хабарсиз бир ҳолатда битта-битта босиб келарди. Оёғи остига тикилганча, ниманидир ўйлаб, мийиғида илжайиб-илжайиб келарди.

Пахмоқ харсангга баттар қанишди. У энди фанимини кўрмас, қадам товушларини аниқ эшитиб турарди. Ана у биринчи харсангдан ўтди. Белига кўндаланг қўйилган милтиғининг кўндоғи тошга тегиб ўтди. Кўндоқ товуши-

дан кейинги учинчи ё тўртинчи кадам сасидан сўнг, Пахмоқ харсанг ортидан шиддат-ла сирғалиб чикди-да, ганимининг нақ қошида пайдо бўлди. Улар ораси атиги бир одим эди. Кутилмаган бу ҳолдан Панжи саёқ, даҳшатдан кўзлари олайганча, шамдай қотиб қолганди. Лоақал қимирлашга, овоз беришга ўзида куч топмай, мисоли бақадай қотганди.

Инсон дегани шундай дақиқаларда ожиз бир махлуқдан фарқсиз бўлиб қолишини сўнгги лаҳзада фаҳмлаб етган Пахмоқ бундан гоят хайратланди-да, ўша хайрат оғушида ганимининг гарданига панжаси билан бошлаб бир туширди. Шўрлик Панжи саёқ фик этишга улгурмай, пастга тошдай юмалаб кетди.

Бу ҳодиса дақиқанинг ўндан бир улушида бўлиб ўтган эса-да, Пахмоққа гўё йилдай чўзилди. У бошида оҳиста, кейин баланд овозда ўкириб юборди. Ўқирган кўйи аввал пастга, сўнг тўртинчи харсанг ёнига бориб, тоғбеги турган томонга қаради.

У ерда тоғбегининг қораси ҳам кўринмасди.

• • •

Жониворлар табиатидан келиб чикқан ҳолда иш тутган Пахмоқ йўлақдан пастга қараркан, бирдан ўзининг ҳаловат оғушида эканини сезди, ганими ортиқ безовта қилолмаслигини ҳис этди. Бундан у туйқусдан шодланиб, нораства айиқчалардай ўйноқлаб кетди. Ўйноқлади-ю, оғриқ азобидан бўкириб юборди. Ярадор оёғини кўтариб, иссиқ тили билан ялаб-юлкашга тушди. Жароҳатини ялай туриб нолакор фингшиди, ўша бегона урғочи айиқ эшпитишини истагандай, чўзиб-чўзиб фингшиди. Сўнгра кўнгли оромбахш туйғуларга тўлиб-тошиб, олға интилди. Бўлғуси кунлар унга ниманидир, нималарнидир ваъда бераётгандай эди.

Айни шу паллада тоғнинг бошқа бир бурчида ўзга бир юрак ўз-ўзидан беадад ғуссага тўлган эди. Кўкбулоқлик бу жувоннинг таъби аввалига хиралашди. Хиралик кўп ўтмай ғуссага айланди. У юрагини аёвсиз кемираётган ғуссанинг боисини англаёлмай, теварагини гир қуршаган тоғу тошларга маъюс ва ғамгин термулиб қолди.

## ҒАНИМЛАР

Суюкли ити Диккикулоқ ўлдириб кетилгандан сўнг, ғазаби кўкка ўрлаган Сарвар, итининг қотили бўлмиш Ёлдор бўрининг жонини олмоққа қатъий аҳд қилди. Шу тоғда ё сен турасан, ё мен, дея бор овозда хайқирди. Кейин ити жасадини иззат-икром билан тепаликка кўмди. Дўнлайган «қабр» устида, теварақдагилардан уялди шекилли, кўзини ёшламоқдан базўр тийилди. Мижжалари ёшланмаса-да, йиғламоқдан бери бўлиб деди:

— Ит эмас, гавҳар эди! Гавҳаримдан айирдилар!

Атрофдагилар мийиғида илжайишса-да, одоб юзасидан, сукут сақламоққа ҳаракат қилдилар. Шунга қарамай, кинояомуз томоқ кирувчилар барибир топилди. Нега деганда, итнинг ўлими тоғда фожиа саналмайди. Жасади бу тарзда иззат-икром билан кўмилмайди. Эшақда бирор ўнқир-чўнқирга судраб обориб ташланади. Эти қузғунларга ем бўлиб, суяги тупроққа қоришиб кетади. Бинобарин, тоғда ит қаҳат эмас, исталган хонадонга бош суқсанг, йўқ деганда, уч-тўрттаси олдинга акиллаб чиқади. Эгаси билан келиш-да, хоҳлаганини танлаб олавер.

Итга аза очиш нимаси?

Бироқ Сарвар деганлари кишлоқ итларини бир чакага олмайди. Буларда фақат жасад бор, фаҳм-фаросатдан эса зигирча йўқ, дейди. Тулқисимон Диккикулоғини эса дунёдаги барча итлардан афзал кўради. Бунда бор-йўғи забон йўқ, қолган ҳамма нарсани одамдай илғайди, одамдай фаҳмлайди, ишонмасангиз синаб кўринг, дейди. Аммо Диккикулоқнинг ўзига хос аъло жихатларини одамлар билишга улгурмади. Эрта тонглардан бирида у Ёлдорнинг чанғалида, эгаси айтмишли, фожиали равишда нобуд бўлди.

Энг ёмони, бу ходиса Сарварнинг кўз ўнгида юз берди.

Тонг ғира-ширасида кўра адоғидан қора кўланка сирғалиб чиққанида, Сарвар одати бўйича ховлида нафас олиш машқини бажармоқда эди. Ити кўрадан бери роқдаги ялангликда искаланиб юрарди. Қора шарпани кишлоқ итларидан бири деб ўйлаган Сарвар аввалига унга эътибор бермади. Қачонки, Диккикулоқ ўзи томон

жонҳалпида отилгачгина, диққат қилди. Итини таъқиб этиб келаётган кўланкани росмана бўри эканлигини англади. У бамисоли қора куюндай бостириб келарди. Ана, у хаш-паш дегунча итини кувиб етди. Сарвар эс-хушини йиғиб олгунча бўлмай, уни жонсиз жасадга айлантириб, тоғ томон аста йўртиб кета бошлади. Ҳатто ўқ овозидан сўнг ҳам ҳаракатини ўзгартирмади.

Табиийки, Сарвар уйдан милтигини олиб чиққунча у анча олислаб кетганди. Йигит унинг ортидан беҳуда югуриб, бекорга ўқ узиб, хийла ергача таъқиб этиб борди. Сўнг нафаси қисилиб, такрон ерда чўзилиб қолди.

Бу ҳодисани ўзидан бўлак фожиа сифатида қабул қилувчи бўлмади. Сарвар деганлари бу қишлоқ учун бегона. Тоғ хавосидан дардига шифо излаб келган бир одам. Аммо у ўзини бегонаман деб тургани йўқ. Киришимли, пишиқ-пухта йигит экан. Келиши билан кишилардан бир сурув қўй-қўзи сотиб олиб, Гуччи паканани чўпонликка ёллади. Суюн чолнинг ўртанча ўғлига атаб қурдирган уйини қўра-пўраси билан ижарага олди. Ҳафтада бир машинада келиб, ҳолидан хабар олиб кетадиган ошна-оғайниларининг турқ-тароватига қараганда, ўзига тўқ одам. Аммо ҳеч бетобга ўхшамайди. Кун бўйи, елкасида милтиқ, тоғма-тоғ санқийди, ё бўлмаса, бетдаги ёввойи бодомзорда соатлаб мук тушиб ўтиради.

Гуччи пакана эса унга итдай содиқ. Сурувга қарашдан ташқари, оқшомги куйдириш-пишириш ҳам унинг зиммасида.

— Ака шаҳарга қайтишда мениям ўзи билан олиб кетаркан, — дейди мақтаниб. — Шаҳарди жонон қизларидан бирига уйлантириб қўяман ўзим сени деяпти.

— Шу нияти бор экан, қишлоқди қизлариям тешиб чиқмасди, — дейди эшитганлар кулиб. — Ё шаҳарди қизлари бошқача бўларканми?

— Қишлоқди қизлари бизга тўғри келмайди. — Гуччи пакана «акахони» каби теваракка виқорли назар ташлашга уринади. — Энди биз, шу... шаҳарди энаси ўпмаган қизига уйланамиз-да. Шу иш пешонада бор экан-да.

— Назаримда, Товқора зарангнинг қизи кетидан тилингни осилтириб юрувдинг, нима, кўнмадими у?

— Айтдим-ку, қишлоқди қизи бизга тўғри келмайди деб. — Гуччи пакана бўш келмасликка тиришади. —

Унинг бошидан ачиган қатиқ иси анқийди. Шаҳарди қизлари атирда чўмилади. Бизга шаҳарди қизи дуруст.

— Узоқдаги қўйруққа интилиб, яқиндаги ўпкадан куруқ қолмагин тагин. Эшитдингми, унга Учтолдан совчилар келаётганмиш.

Бироқ бу гап Ғуччи паканага зигирча таъсир қилмайди. Сўзловчи қолиб, тоғларга боқади, ғалати тамшанади.

— Ҳар кеч ака билан маза қиламиз лекин, — дейди томдан тараша тушгандай. — Акада ароқ сероб. Оғайнилари ташлаб кетишади. Ўзи камгина ичади-ю, лекин мендан ҳеч аямайди.

— Одамга ўхшаб, уч-тўртгасини қўйнингга собчиқмайсанми, бизам маза қимаймизми.

— Ака хафа бўлади-да.

— Билиб ўтирибдими.

— Билади. Ака ёмон синчков.

— Зўр ака топдинг-да лекин.

— Худога шукр!

— Ҳазир бўл, тагин чопонсиз қолдириб кетмасин. Шаҳарди одами айёр бўлади.

— Хафа қилаяпсиз, биродар. Ака сиз ўйлаган одам эмас.

Қишлоқ аҳлининг Сарвар ҳақида ҳозирча билганлари шу. Кўпроқ ўз майли ва ўз хаёлида юрадиган бу одам ити ўлдирилган куннинг эртаси оқшом эркаклар йиғилиб ўтирадиган дўнгликка чиқиб келди. Кун бўйи Ёлдорнинг изидан санғиган шекилли, ҳорғин ва андак тажанг эди.

— Нима, тутқич бермаяптими, меҳмон? — деди Суюн чол ҳол-аҳвол сўраган киши бўлиб. — Тутишингиз қийин уни. Эргаш бодигаям тутқич бермаган у. Ўрта ерда Эргашнинг ўзи ўлиб кетди.

Сарвар жавобга ошиқмади. Тоғларга бир муддат тикилиб тураркан, ҳорғин бир ҳаракатла чўнтагидан бир даста пул чиқарди.

— Итимнинг хунига мана шуни тикаман! — деди идаоли, ҳам кибрли оҳангда. — Шарти шу, жасади оёғим остида бўлиши керак! Тепкилаб аламимдан чиқмоқчиман!

Унинг қўлидаги озмунча пул эмасди, одамларнинг фимирлаб қолишини кутганди. Аммо у кутган ҳодиса юз

бермади. Давра аҳли тебранмади. У, бу камми, деганча бўлмай, кимдир бу йил қиш эрта келиши мумкинлигини айтиб қолди. Бир зум сукутга толган давра бирдан жонланди. Қишнинг эрта келиш-келмаслиги хақида ҳар ким ўз билганича башорат қила бошлади.

Сарвар сездики, бунинг ҳаммаси шунчаки гап. Ноқулай вазиятдан қутулмоқ учун кўтарилган «ғавғо». Одамлар гўё унинг борлигини унутгандай, кераксиз баҳсга берилганди. Ҳартугул Суюн чол жонига оро кирди.

— Чўкинг, меҳмон, турманг буйтиб, — деди кўзлари жавдираб.

— Борай! — деди Сарвар, бу ерда мен ортиқча эканман, деган охангда. — Ўтириб нима қилдим, борай!

У кетмоққа улгурмади. Бир чеккада чакмонига ўралиб, гумбаздай бўлиб ўтирган Шойим йўғон тўсатдан тилга кирди. Сарвар хамиша хўмрайиб юрадиган бу одамни жинидан баттар ёмон кўрарди. Шунинг учун энсаси қотиброқ унга юзланди.

— Ўлдирсангиз майли, лекин жасадини хўрлашингизга йўл қўймаймиз, — деди Шойим йўғон томоғини қира-қира. — Нимага деганда, Ёлдор бизга бегона эмас, ўзимизнинг жондор. Итларга кун бермагани билан, ҳозирча мол-ҳолимизга текканича йўқ. Пулди эса киссага солинг! Пул дегани ўзимиздаям ачиб ётибди.

— Ҳа, у ўзимизнинг жондор, — Суюн чол ўйиндан ўт чикмасин деган ўйда, шоша-пиша гапга аралашди. — Гуччивой сизга айтган чиқар, а?

— Ҳозирча айтганича йўқ.

— У айтмаган бўлса, биз айтамыз-да, — Шойим йўғон ўсиқ қошлари остидан ўқрайиб тикилди. — Ёлдорни Толмас чолнинг невараси Сафар деган бола асраб олган. Иккисиям раҳматли бўлиб кетган. Аввал бола ўлди, кейин бобой... Шундан бери Ёлдор эркинликда юрибди. Тўғриси, у биздиям роса жонимизга теккан. Итларга ҳеч кун бермайди. Шу куз ичи учта итимни бўғизлаб кетди. Бу туришда қишлоқда биттаям ит қолмаса керак. Шунинг учун уни ўлдиришга изн берамиз. Лекин хўрлашга рухсат йўқ.

— Ўлдирилгандан сўнг... — Сарвар гаши келаётганини яшириб ўтирмади. — Хўрланди нима-ю, хўрланмади нима, барибир эмасми?



— Аввал сиз уни ўлдиринг, — Шойим йўғон совук кулимсиради.

— Ўлдираманам!

— Агар ўлдира олмасангиз, Гуччи пакана бокиб юрган анову сурув меники.

Сарвар унинг бу гапини ҳазилга йўйиб кулмоқчи бўлди. Бироқ Шойим йўғоннинг авзойи бунга йўл қўймади.

— Назаримда, сиз... гаров ўйнамоқчисиз шекилли? — деди шошиб.

— Эмасам-чи! — Шойим йўғон илжайишга тиришсада, кўзлари кулмади. — Сиз нонни «нанна» деб юргангизда, Шойим акангиз шаҳарнинг кўзирларидан бири бўлган. Вақтида ахмоқликни кўп ва хўп қилганмиз. Қисқаси, гап битта, жондорни ўлдиромасангиз, сурувни ташлаб кетасиз. Акси бўлса, менинг сурувим сизники!

— Демак, эплашимга ишонмаяпсиз?

— Кўп майда гап бўлманг, укам! — Шойим йўғон аста ёнбошларкан; унга ғазабнак тикилди. — Ўйинни бошлаган сиз, мен эмас! Пул кўрсатиб бодилик қилган мен эмас, сиз! Шунинг учун гапни кўпайтирмай, ҳаракатингизни қилинг! Муддат ўн кун.

— Ўйинга биз ҳам қўшилсак бўладими? — деб сўради кимдир.

— Йўқ! — деди Шойим йўғон қатъий йўсинда. — Ютқазса, бу йигитнинг ташлаб кетадиган нарсаси бор. Хўш, сенинг ниманг бор? Ё қари энангни тикмоқчимисан?!

— Ҳай-ҳай, оғизга эгалик қилинглар! — Суюн чол катталарга хос босиқлик билан даврани тинчитишга уринди. — Арзимас бир жондорни деб итдай ириллашманглар! Уят бўлади-я.

— Арзийди, ака, арзийди, — Шойим йўғон тирсагини ердан узиб Сарварга қошлари остидан ўқрайиб тикилди. — Дамингиз чиқмай қолди, меҳмон? Қайи, қўлни ташламайсизми?!

— Қўл ташлаш бўлса, қўл ташлаш-да! — паст кетишни истамаган Сарвар ўтирган одамларни оралаб ўтиб, унинг қошида тўхтади ва зардали бир ҳаракатда кафтини узатди: — Ташланг!

— Узинглар!

Йигитлардан бири сакраб ўрнидан турди. Кўлини хаволатиб, туташган панжалар устига урган бўлди:

— Уздим!

Кунботиш томондан тўсатдан кўзгалган аччиқ изғирин кишиларнинг ортиқ эзмаланиб ўтиришига йўл қўймади. Аввал Суюн чол ўрнидан турди, сўнг бошқалар.

Дўнгда ёлғиз қолган Сарвар теваракка хомуш боқаркан, тўнғиллаганча, Шойим йўғоннинг гўрига гишт қалай бошлади...

• • •

Бу пайтда Ёлдор қишлоқдан унча узок бўлмаган сийрак арчали дўнгликда ерга бағрини берганча, локайд чўзилиб ётарди. Нигоҳи тўнг эса-да, қулоқлари динг, димоғи тийрак эди. Димоғи илғаган хидларга қараб, теваракни тўла идрок ётарди. Ланжлигига келсак, ҳамма бало қорни тўқлигидан эди. Қорни тўқ кезлари у ҳаммаша тўнг тортиб қоларди. Бугун ҳам у Учдарада чорроқ тўнғиз боласини қўлга туширган бўлиб, энди унинг ҳазми билан овора эди.

Яғрини тукларини хурпайтириб эсаётган совуқ ел тоғлар бошига қор тушаётганидан дарак берарди. Бу ерларда қиш эрта ва тўсатдан тушади. Даралардан куз хавоси ариб улгурмай, кутилмаганда қор ташлаб қолади. Ковлашга улгурилмаган картошкалар, териб олинмаган мевалар қор тагида қолиб, совуқдан нобуд бўлади. Шунинг учун аксарият кишилар чорвани маъқул кўриб, ерга қарамайди. Шунингдек, ерга умид билан уруғ қадовчилар ҳам йўқ эмас. Чорвадорлар қишда бўрилардан азият чеккандек, улар хавонинг авзойига қараб, жонлари ҳалак бўлишади. Бу етмагандек, ердаги ҳосил етилиб-етилмай «тунги қароқчилар» — тўнғизлару, айиқлар томонидан хомталаш қилина бошлайди.

Бир қарашда, дунёнинг бу ташвишлари билан Ёлдорнинг ҳеч иши йўқдек. Аслида эса...

Қоратепа биқинидаги олмазор туфайли тунлари унинг ҳам ҳаловати йўқ. Олмазор Суюн чолга тегишли. Кундузлари эшакда келиб, боғда тентиган бўлади-ю, шом тушмай қорасини ўчиради. Тунда олмазорга кўнғир айиқ — Маймоқ эғалик қилади. Ёлдор ундан олмазорни

эмас, Қоратепа этагидаги чоғроқ қабрни қизғанади. Нега деганда, калтафаҳм Маймоқ бошқа йўл қуригандай, нуқул қабрлар оралаб юради. Чоғроқ қабр ёнига етганда эса, теваракни ўрганиш учун албатта тўхтайди. Ана шунда нақ тумшуғи тагида ириллаганча Ёлдор пайдо бўлади. У ён сакраб, бу ён сакраб, Маймоқни қабр ёнидан узоклаштирмагунча тинчимайди.

Маймоқ эса ҳамиша бир ҳолдан таажжубланади. Негаки, тумшуғи тагида бамисоли иблисдай ирғишлаётган кулранг бу маҳлуқ бошқа ерда, яъни тоғу тошда рўпара келиб қолса, қайрилиб ҳам қарамайди. Қоратепада эса нақ бетидан олади.

Не сабабдан?

У Қоратепада ҳамиша Ёлдорга ён беради. Ахир бир неча метр нарида олма ҳиди димоғингни китиклаб турса, қайси аҳмоқ безбет бир маҳлуқ билан пачакилашиб ўтиради. У олмазорга шўнғиркан, албатта, ортига қараб кўяди. Ёлдорни қабр ёнида чўнқайган ҳолда кўради. Аммо ҳакалак отаётган нафси ортиқча ўйларга изн бермайди.

Ёлдорга тирғалмаслигининг асосий сабабларидан яна бири шундаки, одатда, жониворлар ўзларининг қачон ҳақ, қачон ноҳақлигини жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам ҳамиша вазиятга қараб иш тутишади. Олмазор эса ўз мулки эмас, одам боласига тегишли бегона ҳудуд. У, қулоғи динг ҳолда, ҳар бир мевага оғиз соларкан, ўзга ҳудуддалигини, хатти-ҳаракатидаги ноҳақликни доимо ичдан ҳис этиб туради. Бунақа пайтда ортиқча шарпа чиқармасликка уринади.

Ёлдорнинг куракда турмайдиган қилиқларига чидашининг боиси шунда.

Аммо яқинда Маймоқники ёмон тутди. Тупроқ титиб қаршисида ирғишлаётган Ёлдорга бирдан ҳамла қилиб қолди. Ёлдор базўр ўзини четга олган бўлса-да, хиёл тегиб ўтган зарбадан барибир бир юмалаб тушди. Эзиб ташлаш қасдида бостириб келган ганимининг чангалидан бир амаллаб қутуларкан, охирги дақиқада унинг орқа сонига тиш ботиришга улгурди. Маймоқ бесўнақай, Ёлдор эса эпчил, қабр тепасида олатасир жанг бошланиб кетди. Қабр қаватидаги чириган чўплар синди, ҳар ён сочилди. Аслида буни олишув деб бўлмасди. Маймоқ хужум қилар, Ёлдор эса қочар, қоча туриб гоҳ

унинг ёнбошида, гоҳ ортида пайдо бўлиб қоларди... Охир оқибат, бу сафар ҳам Маймоқ босиклик қилди. Беҳуда ҳамлани тезда бас қилиб, қабрдан узоқлашди. Зумда олмазорга сингиб йўқолди.

Қабр ёнида дарғазаб қолган Ёлдор андак зарбанинг залворли кучини кейин ҳис қилди. Вужуди қақшаб, қабрлар орасида хийла вақт чўзилиб ётди.

Ҳозир ҳам у яғринининг сим-сим оғришига эътибор бермасликка тиришиб, қишлоққа тикилиб ётаркан, дўнгда йиғилиб ўтирган одамлар яқинида искаланиб юрган малла итга кўзи тушиб, бошда оҳиста ириллаб кўйди. Сўнг, итнинг ҳаракатларини зимдан кузатаркан, юрагида ўша таниш ҳис-жон олмоққа ташналик туйғуси қайта бош кўтарганини сезди. Дахшатли жағлари шақирлаб, беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Аммо ит олисда, ёнида эса одамлар... У ноилож қайта жойига чўкди.

Занжирбанд этилган мурғак жонивор қишлоқ итлари томонидан эрмакка эмас, бўри зотидан бўлгани учун бе-шафқат таланарди. Қалин тахталардан кўполдан-кўпол ясалган ини ва жонсарак бола — Сафар жонига оро кирмаганида, у аллақачон итлар чанғалида жон таслим қилган бўларди. Қизиқ жиҳати, итлар унга очикда хужум қилишар, инига эса бирортаси бош суқолмасди. Бола ховлида пайдо бўлиши билан ҳаммаси тумтарақай қочарди.

Барча қишлоқ уйлари каби ховли гирди девор билан ўралмагани учун ит ҳам, бит ҳам бемалол кириб келаварарди. Шалпангқулоқ итини эргаштириб юрадиган Эргаш боди ганимларининг энг ёмони эди. Ховли эгалари йўқ пайтларида, у итини Ёлдорга гиж-гижлар, бу етма-гандек, уни инидан судраб чиқариб, биқинига аёвсиз тепкиларди. Хонадон соҳиблари келиб қолса, баҳонаси тайёр эди.

— Шу келди-ю, сигиримнинг сути қочди, — дерди оғзидан кўпик сачратиб. — Тезда йўқотинг буни! Эмасам, ўзим йўқотаман!

— Қанақасига? — Толмас чол хайрон.

— Шунақасига! — Эргаш боди янада баланддан келишга тиришади. — Сиз уйда жондор саклаганингиздан бери қишлоқдан ҳаловат кетди. Кўйларим ем емай кўйди. Болалар кўчага чиқолмай қолди.

Толмас чол оғир одам, ammo невараси Сафар унинг фирт тескараси эди. Қўлига тушган тошу кесак билан аввал шалпангқулоқ итни, сўнг эгасини сийларди. Жони оғриган Эргаш боди тутоқиб қувларди. Бола қочарди. Қоча туриб, мўлжалга беҳато урарди. Оқибат, Эргаш боди бу хонадонни манглайи ғўра ҳолда тарк этарди. Бола ва бўриваччага нисбатан юрагида ададсиз кек сақларди. Негаки, бу ховлида одатдан ташқари ҳодиса юз берган, яъни хонадонда бўри сақланарди. Кўникмадан йирок ҳол эса гоҳида кишида нафрат ҳиссини кўзғатади. Эргаш боди мана шу туйғу етовида Ёлдорга озор беришга тиришарди. Унинг химоячисини эса кўрарга кўзи йўқ эди.

— Шошма, ҳали икковингни ҳам ейман! — дерди мавҳум оҳангда.

Эргаш бодининг қораси ўчиши билан Сафар инга суқилиб кирар, тўрда қалтираб турган Ёлдорни силаб-сийпалар, эркалаб овулар, гоҳи эса алами келиб йиғлаб ҳам оларди. Шу сабаблими Ёлдор унга қаттиқ меҳр қўйганди. Ёнидан бир қадам нари жилмаслигини истарди. Бироқ бола бекорчи эмас, унинг ўзига яраша бир талай юмушлари бор эди. Мактаб, ўт-чўп териш, қўй-кўзиларга қараш, ишқилиб, уйда қадалиб ўтириши қийин эди. Ёлдор эса унинг қайтишини ҳамиша илҳақ кутарди. Овозини эшитиши билан инидан ўқдек отилиб чиқар, бўйнидаги оғир занжирни шилдираганча ирғишлар, сўнг ер бағирлар, этигини ялар ва тагин ирғишлар, хуллас, муҳаббатини тўлалигича намоён этишга тиришарди.

Бола унинг томоғига яхши қарарди. Ёлдор еганича еб, ортган емишларни ини тўрига кўмиб қўярди.

Ҳозирда тоғда унинг ортган емишлари сақланадиган бир неча ҳуфия жойлари мавжуд. Шулардан бири мана шу дўнглик ортидаги ўнгир. Ўн кун бурун қўлга туширган ўлжасининг қолган-қутганини ўша ўнгирга бекитиб қўйганди. Қишлоқ итлари топиб, талон-тарож қилиб кетишибди. Ёввойи табиатнинг ўзгармас, шафқатсиз қонун-қоидаларига итлар буйсунмайди. Жониворлар томонидан қаттиқ амал қилинадиган ҳудуд масаласига муносабатлари ҳам шунга яраша. Акс ҳолда Ёлдордек бе-шафқат жониворнинг худудида бемалол дайдишиб, унга тегишли насибани пок-покиза тушириб кетишмасди.

Ёлдор ҳафтада икки-уч бор бутун худудини айланиб чиқаркан, қишлоққа ёндош сарҳадлар итлар томонидан бузилганини сезгач, эски аламлари янгилиниб, улардан бошлаб ўчини оларди.

Сарварнинг ити Диккиқулоқ айни шу важдан унинг ғазабига дучор бўлганди.

Сарвар овга ҳамиша итини эргаштириб чиқарди. Ёлдор инсон ҳиди қатори итнинг исиниям туярган, ғазабдан қалтираб кетарди. Тажрибадан билардики, худудни инсон қавмидан асраш қийин. Аммо манови ит нима қилиб юрибди унинг мулкида? Ёқимсиз ҳидини буруқситиб, роса тентибди. Тағин белгисини қўйиб кетганига ўласанми. Учдарадаги букри арча танасига, сойдаги кулранг харсанг сиртига, ёнбағирликдаги синик симёочга пешобини сочиб кетибди. Ёлдор унинг белгиси устига ўз белгисини қўяди: «Тутсам, ўлдираман! Қорангни кўрмайин бошқа!» Эртаси эса Диккиқулоқ томонидан қолдирилган қуйидаги жавобни ўқийди: «Яхши-си, ўзинг қорангни ўчир! Бу ерга келдим ва яна келаман!» Ёлдор қахрдан оташ бўлиб ёнади. Аммо яроқ туган эгасининг олдида итга қотинишнинг ҳеч бир иложи йўқ. Натижада, у пайт пойлай бошлади ва эрта саҳарларнинг бирида осонгина ниятига етди.

У дўнгликда йиғилиб ўтирган одамлар орасида ўзи хақида гап бўлаётгани ва жони гаровга қўйилаётганидан беҳабар ҳолда теваракни жимгина кузатиб ётаркан, ички бир сезги билан Маймоқнинг шу яқин атрофда ўралашиб юрганини туйди. Маймоқ олмазорга энишдан аввал Бўрижардаги бутазорга танда қўяди. У ердан тишга босгулик мева-чева қидириб, тезроқ қоронғи тушишини кутади. Қиш эрта келишини сезган айиқ зоти ҳамиша ошиқади. Қиш уйқусига кетиш олдидан баданидаги ёр захирасини кўпайтириш илинжида емишга зўр беради. Бунақа пайтда юҳо нафсини тоғдаги мевалар билан қондириш мушкул, шунингчун мўл-кўл озиқа қидириб қолади. Агар анови ярамас Ёлдорнинг ғашига тегишини ҳисобга олмаса, олмазор жуда боп жой. Маймоқ ундан зигирча чўчимайди. Чўчимагани боис ҳам ҳар галги йўналишини ҳеч ўзгартирмайди. Бинобарин, бундан бўлак иложи ҳам йўқ. Негаки, одам боласига тегишли худудга доимо пусиб яқинлашмоқ ва сўнг теваракни обдан ўрганмоқ зарур. Ким бор, ким йўқ дегандай. У шу

ниятда қабрлар оралаб бораркан, чеккадаги чоғроқ қабр тепасида тўхташга мажбур бўлади. Чунки тепа ёқалаб ўтган йўлдан нарисси олмазор. Унг панжаси қабр устида, чап панжасини хиёл олдинга чўзганча, олмазорни диққатла кўздан кечира бошлайди. Бунақа пайтда барча жониворлар каби кўпроқ димоғига ишонади.

Кўмилган ўлжасини кавлаб еяётган жониворлар харакатини кўп кузатган Ёлдор унинг бу қилигини ўзича тушунади. Маймоқни қабрга дахл қилаяпти деб ўйлайди. Қабрда эса унинг севикли одами Сафар ётибди...

У Маймоқ билан бўладиган тунги учрашувни ўйлаб, эзгин овозда ув тортиб юборганини сезмай қолди. Қишлоқ итлари хушёр тортиб, акиллашга тушди. Одамлар эса бу нидога эътибор ҳам беришмади.

Улар Ёлдорнинг вақт-бевақт ув тортишига кўникиб қолишганди...

• • •

Дўнгда хануз дилгир чўзилиб ётган Ёлдор итларнинг навбатдаги аккиллашидан хушёр тортиди. Кулоқларини диққайтирганча қишлоқ томон тикилди. Кўрдикки, қишлоқ ўртасидаги сайхонликда бир гала ит қандайдир суворий ортидан акиллаб келмоқда. Отлик нотаниш шекилли, итлар унга қишлоқ чеккасигача илашиб келди. Сўнг номига бир-икки акиллаб, эран-қарон тарқалиша бошлади.

Итларни кўрган Ёлдорнинг кўзлари ёвузона чақнади. Бевотланиб ўткир тирноқларини ерга ботирди. Бўғиқ ириллади. Қани энди манови ярамас махлуқларни овлоқ жойда учратса-ю, бўғзига тиш ботириб, обдан хуморидан чиқса. У ҳар бир итни ўлдирганда қасоснинг тотли бир хиссини туярди. Бироқ бу лаҳзага етишиш мушкул, негаки, итлар ҳеч қачон осонликча тутқич бермасди. Боз устига, унинг қишлоқ оралаганини сезган одамлар варанглатиб ўқ узиб қоларди. Узоқдан туриб «тишлайдиган» бу яроғдан Ёлдор жуда чўчирди. У яна шуни яхши билардики, бу яроғ яйдоқ жойда хавфли, тоғда эса унинг ёмонлиги кам, истаган бир бута ёки харсанг жонига оро қириши мумкин. Эплаб яширина билсанг бўлди. Бунақа пайтда унинг ҳид билиш сезгиси

фавкулудда очилиб, фаними қаерда ва қанча масофада гуванаяпти, барини билиб, англаб туради. Сездирмай узоқлашишга хамиша улгуради. Бошқа жониворлар сингари ваҳимага тушмайди.

Итларга қирон келтираётган бўлса-да, қишлоқда унинг жонига қасд қилувчи кимса йўқ эди. Ҳатто Эргаш боди ҳам бошда бу ўйдан йироқ эди. Қачонки, Ёлдор шалпангкулоқ итини ўлдириб кетгандан сўнггина, унинг мавжудлигини, шу атрофда ўралашиб юрганини хис қилди. Итимдан кейин навбат қўйларимга келади шекилли, бу ярамас кўрамни бўшатмагунча тинчимайдиганга ўхшайди, деган хаёлга борди. Бу етмагандек, Суюн чолнинг гапи ҳаммасидан ошиб тушди: «Азоб еган жондор ўша одамдан қасдини олмасдан қўймайди. Буни ҳаётда кўп кўрганман. Шунинг учун олди-ортингизга қараб юринг». Эргаш боди нописанд кулган бўлса-да, юрагига ҳадик оралаган. Унда аввалроқ ўзим тинчита қолай уни, дея енг шимариб ишга киришган.

Аммо Ёлдорни маҳв этиш осон эмасди. Эргаш боди شوҳида юрса, у баргида ҳаракатланарди. Ана шундай кунлардан бирида улар тасодифан тўкнаш келиб қолдилар. Эргаш боди бу сафар яроғсиз эди, Довонорти қишлоғини жанозага айтиб келаётганди. Фанимлар Қилсўқмоқнинг юқори қисмида учрашдилар. Қилсўқмоқ азалдан Худо қарғаган жойлардан бири ҳисобланади. Пичоқда кесилгандек тик жарлик бетигаги бу сўқмоқ Довонорти қишлоғини водий билан боғлаб турувчи ягона йўл эди. Икки отлик базўр сигарли бу йўлдан хали одам боласи йиқилиб ўлмаган. Унинг биринчи қурбони Эргаш боди бўлди.

Агар Эргаш боди сўқмоққа хиёл кечикиброқ етиб келганида ёхуд унинг ўрнида бошқа бир кимса бўлганида, фожиа юз бермаслиги аниқ эди. Негаки, ҳавода терчиган от хиди бурқсиб, туёқ товушлари эшитилган заҳотиёқ Ёлдор изига қайрилганди. Узун сўқмоқни илдам босиб ўтиб, ёнбағирликдаги арчазорга шўнғимоқчи эди. Уларни қоҳдан туртиб чиққан қизғиш харсанг ажратиб турарди. Аввал фанимининг хидини олдим, ё қизиқиш устун чиқдими, хархолда жадал қўйига энаётган Ёлдор бирдан тўхтади. Бошини буриб, суворийнинг харсанг ортидан чиқиб келишини кута бошлади. Сергак тортган отини қичаб келаётган Эргаш бодига кўзи туш-



гач эса, беихтиёр ириллади. Унинг ўткир нигохи бир зумда кўп нарсани, яъни отнинг хуркаётгани-ю эгасининг бепарволигини, энг муҳими, эгар қошида ярок йўқлигини илғаб улгурганди. Фаними бу сафар қуролсиз эди. Шунга қарамай, у, одатига хос, лўкиллаб қочмоққа тушди. Агар Эргаш боди ўзи ва отига далда бериш учун «хайт!» деб қичқирмаганида, Ёлдор сўқмоқни адоқлаб, арчазорга бекинмоқчи эди.

Эргаш бодининг ҳадик тўла бу хайқириғи ундаги эски аламларни кўзгаб юборди. Айниқса, қуйидаги манзара бор бўйича хотирасида жонланди.

Ўша қуни ҳовли кимсасиз эди.

Ёлдор ини ёнида чўзилиб ётарди. Йўлдан ўтиб бораётган Эргаш боди эшиқда қулф кўргач тўхтади. У ён-бу ён қараниб, хунук тиржаяди. Сўнг кетидан эргашиб келаётган шалпангулоқ итини Ёлдорга гиж-гижлайди. Ити ҳамлага ўтиш ўрнига унинг чотига суқилади. Бундан унинг қаҳри келади. Фингшиётган итини бошлаб бир тепади-да, Ёлдор томон юради. Йўл-йўлакай ерда ётган калтакни кўлига олади.

Ёлдор энди улғайган, кучга тўлган. Аввалгидек инига суқилмайди. Шум ниятда ўзига яқинлашаётган ганимига иррилаганча пешвоз чиқади. Эргаш бодига худди шу нарса керак эди. Ҳали сенми менга ириллайдиган, дея қўлидаги калтакни ишга солади. Аммо тезда калтагини олдириб қўйгач, тош қидиришга тушади. Бўйнидаги занжирни узиш даражасида тортқилаб, ўзига томон интилаётган Ёлдорни тошбўрон қилишдан бирор хузур топмагач, наридаги кўрадан узун калтак топиб чиқади. Бу орада ҳовли хангоматалаб болаларга тўлади. Ёлдор улар орасидан халоскорини беҳуда қидиради. Тийрак нигоҳли болани тополмагач, шалоқ сўзлар билан сўқинганча, ўзига калтак кўтарган ганимига ташланади. Орада бўйнини сириб турган занжирига ҳам оғиз солиб кўради...

Агар қўшни чол аралашмаганида, бу иш не натижа билан яқунланиши номаълум эди. Қўшни чол Ёлдорни аяб эмас, Толмас чолнинг хурмати учунгина орага тушди. Эргаш бодини ҳовлидан ҳайдаб солди.

Эргаш боди сўкина-сўкина узоклашаркан, Ёлдорнинг юрагида ўзига нисбатан қасос ўтини баттар алангалагани ва бир кун келиб, бу ўтда ўзи қуйиб адо бўли-

шидан беҳабар эди. Қайтамга ўз қилмишидан ғоят мамнун эди.

Пайт топиб, жониворга тирғалишларини кейинчалик ҳам қўймади.

Мана энди, лўкиллаб кетиб бораётган жойида кескин ортига бурилиб, важоҳатли бир тарзда йўлига кўндаланг бўлган Ёлдорнинг қаршисида танг аҳволда қолганди. Изига қайтай деса, тор сўқмоқдан отини ортга қайриш қийин. Боз устига, сакрамоққа шай турган йирткич ҳар лаҳзада ҳамла қилиб қолиши мумкин. У яроғсиз чиққан ўзиниям, айна шу кунда қазоси етган қўшнисиниям гўрига гишт қаларкан, орада тезгина тубсизликка кўз ташлаб олди. Пастга қуласа, тариқдай сочилиб кетишини ўйлади. Бирдан бир қуроли қўлидаги қамчисини маҳкам чангаллади, рақибининг ҳаракатларини кузатаркан, унинг нигоҳига назари тушгач, юраги орқасига тортиб кетди. Ёвузона чакнаётган бу кўзларда узоқ ва илҳақ кутилган лаҳзага фавқулодда етишганда пайдо бўладиган шундай бир ифода мавжуд эдики, бу ҳолат ёвузликнинг ўзидан кўра минг чандон даҳшатлироқ эди.

Эргаш бодининг тагидаги от кўрқувдан титраб-қалтираб ортга тисариларди. Кўзлари олайиб, бурун катакларини керилиб кетганди. Туёқлари остидан кўчган тош куйига учарди. Айна тобда рўпарасидаги йирткичдан кўра, остидаги отнинг талвасаси хавфлироқ эди. У ҳар сонияда жарга қулаши мумкин эди. Худди шуни сезгандай, Ёлдор олдинга сакради. От қаттиқ кишнаганча, ўзини ортга ташлади. Юганга ёпишган эгасининг барча уринишлари бесамар кетди. Шўрлик жонивор устидаги суворийси билан жарга қулади.

Қишлоқ аҳли бу фожиадан ниманидир сезгандек эсада, Ёлдорни айбловчи топилмади. Қилсўқмоқнинг бўлгани шу — вақт-бевақт қурбонлик талаб қилиб туради. Ҳар йили бу сўқмоқдан нечталаб қўй-қўзилар йиқилиб ўлмайди дейсиз. Чўпонлар барига чидайдилар, юқори яйловга олиб чиқадиган бошқа йўл бўлмагач, чидамай қаёққа ҳам боришарди.

Фаними жарга қулагандан сўнг, Ёлдор дарҳол сўқмоқни тарк этмади. Юз берган бу воқеадан хайрон бўлгандек, чўнкайган кўйи жар лабида узоқ туриб қолди. Сўнг ўзининг мунгли қўшиғини бошлаб юборди. Тийрак кўзли болакайни қўмсаб, чўзиб-чўзиб ув тортиди.

У болакайни ўнгида эмас, тушларида ҳам соғинарди. Яғринида унинг илиқ кафтини ҳис этиб, фингиб-фингиб кўярди ва уйғониб ўзини қўналғаларидан бирида кўрарди.

Ёлдорнинг муқим ини йўқ эди. Қўнолғалари эса сероб эди. Оёғини узатмоқ истаса, ўша қўнолғалардан бирини танлаб, баҳузур чўзиларди. Бу унга тутқунликдан одат бўлиб қолганди. Зеро, тутқунликда инидан ишончлироқ жойнинг ўзи йўқ эди. У ҳам ўзга жониворлардек, қўналғаларини сир тутарди. Чўзилмоқни истаса, аввалига обдан теваракни кузатар ва сўнггина ором учун ястанарди. Кўзи илинганда эса, гоҳ итларга таланаётганини, гоҳ болакайнинг силаб-сийпалаётганини туш кўрарди. Қисқаси, тутқунликдаги хотиралари уни мудом тинч қўймас, доимо таъқиб этгани этган эди. Болани қўмсаган кезлари эса чўзиб ув тортар, сўнгсиз бу нидолар унинг дардли «достон»и — алам ва армонлари эди.

Ёлдор бу «достон»ни деярли ҳар тун куйларди. У хануз икки сарҳад ўртасида — кишилиқ дунёси билан ёввойи олам ўртасида сарсону саргардон кезинарди. Қишлоқни тарк этолмаганидек, ёввойи олам қўйнига ҳам тўла сингиб кетолмасди.

У қишлоқ итлари томонидан «кузатиб» қўйилган отликни лоқайд кузатаркан, у яқинлашавергач, ўзини панага тортди. Бунинг учун хиёлгина чапга сурилиш билан кифояланди, яъни совук шамолда чайқалиб, елкасини сийпалаётган бута новдалари орасига яхшилаб яшириниб олди. Аммо қуйидаги сўқмоқ бўйлаб ҳорғин одимлаётган от барибир ҳидини сизди. Қулоқларини динг қилиб, кетма-кет пишқирди. Тайсаланди ва бу қилиғи учун серзарда суворий томонидан аччиқ қамчи билан сийланди. Отнинг баданига теккан зарбани Ёлдор ўз танида ҳис этгандек, ёмон тиришди. Тумшугини оёқлари орасига суқиб, инграшнамо фингишиди. Хайтовур, суворийга Худо инсоф бериб, отни қамчилашни бас килди. Сўқиниш билан чекланди.

Ёлдорнинг назарида, одам боласининг турган битгани шу, салга қўлига эрк беради. Тутқунликда у буни кўп кузатган. Ўзининг ҳовлида сақланиши негадир кўпчиликка унча ёқмас ва шу боис, бобо ва неваранинг кайфияти тез-тез бузилиб турарди. Бобо одамларнинг гап-сўзларига майллик билдирарди-ю, лекин қайсар не-

варасининг кўнглидан ўтолмасди. Шундай пайтларда гирдини ёмғир ювган супа лабига маҳзун чўкиб қоларди. Аксига олгандай, худди шу лаҳзада кўра биқинида қантарифли кулбет хангиники тутиб қоларди. Қулоқни қоматга келтириб, ханграшга тушарди. Оқибат, чол бор аламини ундан оларди. Халачўп билан роса саваларди.

Лекин у бирон марта ҳам Ёлдорга қотинмаган. Уни бошқалар уришган. Шунинг учунми, милтиқ овозидан ҳам кўра, калтақдан кўпроқ чўчийди. Чўчийди-ю, бироқ қайтмайди...

• • •

Милтиқни елкага осиб, эрмак учун тоғма-тоғ санкиш бошқа-ю маълум бир жониворнинг изидан тушиш бошқалигини Сарвар биринчи куниёқ англаб етганди.

Одатда, ов кишига бир олам завқ бағишлайди. Бирор ўлжани қўлга киритсанг-киритмасанг, уззукун шу туйғу измида ҳаракатланасан. Ҳориш нелигини билмайсан. Бироқ мақсад аниқлик касб этса, бу ҳисни ортиқ туймайсан. Жонсаракланасан, пойлайсан, юрасан, қидирасан ва ўлжанг тутқич бермагани сари, фифонинг кўкка ўрлаб, қазаб отига миначасан. Ов ўзининг одатий сир-синоатини йўқотиб, ўта ёқимсиз бир юмушга айланганини сезасан.

Агар ўша куни Шойим йўғон билан гаров ўйнамаганида, Сарвар бу ишдан аллақачон воз кечган ва ҳатто ичган қасаминиям унутиб юборган бўларди. Аслида барига бодилиги айбдор. Шу феъли туфайли хамиша йўқ ердаги гавғолар билан бошини оғритиб юради. Ўшандаям кутилмаганда бодилиги хуруж қилиб қолди. Пули билан мактангиси келди. Аммо у кутган ҳодиса юз бермади. Қўлидаги пулга қайрилиб қаровчи бўлмади. Сездики, овозидаги кибр оҳанги ёкмади уларга. Бундан хи-жолат тортмади, қайтамга ич-ичидан истехзоли кулди. Худди бир вақтлар уйда мардикорчилик қилган талаба йигитнинг устидан кулгандай кулди.

Ўшанда талаба йигит ғалати гап қилган. «Ака, хафа бўлманг-у, шу-у, сизларда ҳайрат етишмайди. Ҳамма нарсани аниқ ўлчам ва ҳолатда кўрасизлар. Болаларингиз эртакка, ўзингиз афсонага ишонмайсиз. Аниқлик рухни ўлдиради, афсона эса руҳга чексиз парвоз бағиш-

лайди. Айни шу рух етишмайди сизда...» Сарвар истеҳзоли табассум билан чекланмаган, ўзича гап билан узиб олган: «Афсонага ишонганингдан мардикорчилик қилиб юрибсан-да!» Талаба, сизга гапириш бефойда, дегандай бошини эгган, сўнг манглайини қашлаб, янги ташаётган қўшқаватли иморатга, ҳовлини кенгайтириш мақсадида чопиб ташланган дарахтларга, иккинчи қаватга олиб чиқадиган нақшинкор зинапояга берилиб гул чизаётган кекса устага бир-бир боқаркан, ўйчан нигоҳини яна уй эгасига қадаган. Ачининини яширмаган. Бу ҳолатдан Сарвар ханг-манг туриб қолган. Қизик, юпун бир талаба унга ачинаптими?

Нима учун?

Бироқ бу хил майда-чуйдалар устида бош қотиришга кўникмагани учун сабабини сўрамаган. Назарида, бажариши лозим бўлган юмушлари шу қадар кўп эдики, бир лаҳзага чалғиши мумкин эмасдек эди. Лекин дард дегани ёмон экан, ҳар қандай орзу хавасинг ва бу йўлда тинимсиз елиб-югуришларинг бир чақага қиммат экан. Худди шунини сезгандай, табиб чол гапнинг лўндасини айтди-қўйди.

— Жон керак бўлса, дардга безътибор қараманг, — деди ортиқ эзмаланмай. — Манови дамламани қанда қилмай ичиб туринг. Тоғдаги бодомзор хавосидан нафас олинг. Баҳор ёки ёзни кутиб турмай, хозирок жўнанг! Худо хоҳласа ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз.

Дўхтирлардан унча наф кўрмаган Сарвар табиб чолнинг айтганига кўнди. Таваккал дея тоққа келди. Келганда ҳам дардманд киши сифатида эмас, яроғию овчи ити Диккиқулоқ билан келди. Келибоқ шунини билдики, бу ерда қўй-қўзилар жуда арзон экан. Узоқ ўйлаб турмай, кишилардан бир талай жонлиқ харид қилди. Олганлари чоғроққина бир сурув бўлди. Агар томоғига жиндек яхши қаралса, ҳар бир жонлиғи шаҳарда бирга уч ташлаб турибди-да. Мана фойда қаерда!

Энди эса ўша «фойда» хавф остида қолганди. Ёлдорни айтилган муддатда тинчитмаса, сурувни қўшқўллаб Шойим йўғонга топширишига тўғри келади. Агар ютса... Аммо ҳамма бало шундаки, Ёлдор деганлари анойи жониворлардан эмас экан. Худонинг балоси, қидирганингда йўқолиб, қидирмаганингда қаршингдан чиқиб туради, худди калака қилаётгандай.

Бу етмагандек, окшомлари Гуччи пакана ярасига туз сепгани сепган эди. Дердики, бугун уни ўтовлисойда кўрдим. Ўша куни Сарвар Тошлисойда тентиган бўлади. Эртаси умид билан ўтовлисойга борса, Ёлдорни бутунлай бошқа бир манзилда кўришганини айтишади.

У Гуччи пакана усталик билан ковурган этдан бир бўлагини оғзига соларкан, хуноби ошганиданми, иштаҳаси йўқолганини сезади. Шишадан ўзига ароқ қуяди.

— Эллик граммдан оширмайман дегандингиз-ку, ака, — дейди Гуччи пакана унинг бу қилиғидан ажабланиб.

— Негадир юрагим сиқилиб кетаяпти, — дейди Сарвар нафсини тийишга тиришиб. — Шаҳарда буни яшиклаб ичардик.

— Шунинг учун ҳам товга даво қидириб кеп ўтирибсиз-да...

Сарвар олдидаги ароқ тўла пиёлани истар-истамас нари суради. Гуччи пакана худди шуни кутиб тургандай, пиёладагини ликқа ютади. Чапиллатиб эт чайнайди. Бугун сурувни яхши ўтлоқда боққанини айтиб мақтанади. Эртанги режаларини билдиради. Сарварнинг эса қулоғига гап кирмайди. Унинг овқат ейишини ҳавасланиб кузатади. Бу темирниям ҳазм қилиб юборса керак, деб ўйлайди. Сўнг хаёли яна Ёлдорга оғиб, кайфияти баттар тундлашади. Беихтиёр шишага қўл чўзади...

Мана шундай окшомлардан бирида Гуччи пакана Ёлдорга хиёнат қилди. Унинг айрим тунлари Қоратепага келиб туришийи оғзидан гуллаб қўйди. Атай эмас, шунчаки бефаросатлик қилди. Холбуки, қишлоқ аҳли буни Сарвардан сир тутишганди. У эса оғзини тўлдириб сотди. Барига Сарварнинг бўри ҳақидаги айрим ҳангомаларига ишонмаслиги сабаб бўлди. Ўзига ортиқ даражада бино қўйган бу одамнинг осмонга қараб қах-қах отиши Гуччи пакананинг нафсониятига тегди. Қизишиб, андак тутақиб, ўзи гувоҳ бўлган бир воқеани сўзлаб берди. Ҳар икки гапнинг бирида, биз бандалар шу жондорча эмасмиз, дея таъкидлаб турди.

Бола жон берган тунда Гуччи пакана Толмас чолни-кида эди. Чол уни фақир ва хокисорлиги учун яхши кўрарди. Келса, иззатини қиларди.

Ўша тунда Ёлдор қаттиқ безовталанади. Фингшийди, инграйди ва увлаб оламини бузади. Толмас чол ундан

йиртқични занжирдан бўшатишини сўрайди. Майли, кетса кетсин, дейди. Бироқ занжирдан бўшатишган Ёлдор ҳеч қаёққа кетмайди. Гуччи пакана кутгандек, тун қўнига сингиб йўқолмайди. Тўғри бола ётган хонага кириб боради. Беморни тевараклаб ўтирганларни лол қолдириб, боланинг бош томонига ўтиб чўнқаяди. Юзига термулганча туриб қолади.

Сахарга яқин боланинг жони узилгач, уни уйдан ҳайдаб чиқардиларми ё ўзи кетдими, Гуччи пакана буни эслаёлмайди. Аммо боланинг тобути ердан кўтарилиши олдидан яна ховлида пайдо бўлади. Сомонхона девори ёнида чўнқайиб, кўзларидан дув-дув ёш тўқади. Буни Гуччи пакана кўрмаган, эшитган. У икки йигитни қаватига олиб қабр қавлагани кетганди. Дафн маросими пайтида Ёлдорни мазор яқинида кўргани чин. Жонивор эзгин бир ҳолатда кишиларнинг хатти-ҳаракатларини синчковлик билан кузатиб турган.

Қишлоқ ахлининг юрагини ўртаган иккинчи ҳодисасал кейин юз берди. Тупроқ йўлдан гамгин одимлашаётган одамлар ордан эшитилган хазин нидодан ажабланиб, хушёр тортишади. Бунақа пайтда ортга, Қоратепага қайрилиб қараш таомилга тўғри келмаса-да, ҳамма изига ўгирилишга мажбур бўлади. Қарашсаки, янги қабр бошида Ёдгор кўкка тумшук чўзганча, хазин ув тортмоқда. У шу қадар мунгли ув тортадики, юракнинг бардош бермоғи қийин эди.

Одамлар орасида боши эгик бораётган Толмас чол ортик чидаёлмайди. Ўкраб юборади. Қоратепада Ёлдор, тупроқ йўлда Толмас чол басма-бас «ув» тортмоққа тушадилар.

Ҳамма шошиб қолади.

Мижжалар ёшланади.

Толмас чолга қийин эди. Кимсасиз қолганди у. Ёлғиз ўғлидан ёлғиз ёдгор бўлмиш неварасидан жудо бўлган чол айтиб-айтиб йиғлайди ҳадемай қаватингга бораман, кутгил мени, болам, болажоним, дея бўзлайди.

Ҳақиқатан у узок кутдирмади. Боланинг қирки ўтиб-ўтмай, бу дунёни тарк этди.

Чол дафн қилинган куниям Ёлдор туни билан Қоратепада увлаб чикди.

Гуччи пакана бунинг барига гувоҳ эди. Ҳаммасини била туриб, Ёлдорнинг Қоратепага келиб туришини ет-

ти ёт бегонага айтиб қўйди. Сўнг эса шоша-пиша хатосини тўғрилашга уринди.

— Лекин Қоратепада ўқ отмайдилар. Гуноҳ бўлади!

Сарвар у тўлқинланиб хикоя қилган воқеани лоқайд эшитди. Аммо Ёлдорнинг Қоратепага келиб туришини эътиборидан қочирмади. Фуччи пакананинг кейинги гапидан эса қутуриб бақириб юборди. Фуччи пакана хокисор, бироқ анчагина орийтли эди.

— Нимага менга бақирасиз?! — деди кўзларини чакчайтириб. — Мен сизга хизматкор эмас, укаман! Сиздан ука сифатида илтимос қиляяпман. Отманг шуни! Юраверсин ўз майлида. Тўрт-беш итни ўлдирган билан қишлоқда кучук камайиб қолармиди. Эртан Шойим йўғоннинг олдига ўтаман. Гаровингдан кеч дейман! Ёлдор бизга бегона эмас дейман!

— Кечмаса-чи!

— Кечмаса, ўлдираман уни! — Фуччи пакана муштини дўлайтириб, мастона чайқалади. — Аслида у одам эмас, ёшлигида гуноҳни кўп қилган дейишади. Ҳозир ҳам одам боласига қайишмайди. Тўғри сўзида туради, берган ваъдасини бажаради. Шунга қарамай, барибир инсон эмас у. Қачон қараманг, қовоғини осиб юради. Эртан бориб, гаровдан кеч, дейман! Кечмасанг ўлдираман дейман!

Сарвар қизлардан ҳеч омади чопмаган бу одамчанинг беҳуда чиранишларидан ичида куларкан, унинг попугини пасайтириш учун нозик гап қилди.

— Унда мен топган қиз ҳали-бери эрга теголмас экан-да.

— Нима деганингиз бу, ака? — Фуччи пакана хушёр тортди.

— Гапингизга қараганда, уйланиш ниятингиз йўққа ўхшайди.

— Э, йўқ, эртагаёқ уйланишга тайёрман, — Фуччи пакананинг овози қалтираб кетади. — Мен тенгилар учтўрт боланинг отаси бўлди! Мен юрибман итнинг орқа оёғи бўлиб. Бу ёғига бир акалик қилинг. Бутун умидим сиздан, акажон! Бу дунёдан хотин кучмай ўтиб кетмайлик.

— Мен сизга тушунмай қолдим, — Сарвар ажабланган киши бўлади. — Бир уйланаман дейсиз, бир Шойим йўғонни ўлдираман дейсиз, қайси бирига ишонай?



— Уни ўлдириш менга не зарил, кайфда одам нима-лар демайди, ака.

— Унда бу йўлда Ёлдорни қурбон қиламиз.

— Қандай қилиб?

— Қоратепада отиб ўлдираамиз.

— Эл нима дейди?

— Тунда биров билиб ўтирибдими?

— Гуноҳдан қўрқаман, ака!

— Мен отаман, сиз шунчаки ёнимда бўласиз.

— Тунда мозордан қўрқасизми?

— Ҳарҳолда...

— Мен ҳам қўрқаман!

— Ёрнинг васлига етишмоқ учун одам ҳеч нарсдан қайтмаслиги керак.

— Тўғриси, Ёлдорга ачинаяпман! — Гуччи пакана хомуш тортади. — Кейинги кунларда ёмон ачинаяпман.

— Гаровда ютқизсам, ким менга ачинади?

— Ҳалитдан юрагим увушиб кетаяпти лекин...

— Жононга етишсангиз, ҳаммаси эсдан чиқиб кетади.

— Қиз-қиз деб тоза жонимни олаяпсиз!

— Жон оладиган хурлиқода улар, — Сарвар овозига сирли тус беради. — Битта эмас, ўнта жонни тикишга арзийди.

— Шунчалик зўрми?

Сарвар бу гапга эътибор бермаган киши бўлиб, ид-дао қилишга ўтади:

— Сиз эса Ёлдорга ачинаман дейсиз. Биз отмасак, эрта бир кун барибир бошқа биров ўлдириб кетади.

— Шунчалик зўрми, а, ака?! — Гуччи пакана унинг гапига эътибор бермай, баттар типирчилайди.

— О-о! — Сарвар кўзларини юмиб, бошини сарак-сарак қилади. — Сутга чайилгандай бари. Танлаб-танлаб олаверасиз.

— Ўх-х, ўлиб қоламан ҳозир! — Гуччи пакана қалтираб дастурхон четидаги шишани қўлига олади. — Юз грамм ичмасам, юрагим тарс ёрилиб кетади! Бари сутга чайилгандай денг?! Вой, аками-ий, сиз учун ундай жондорларнинг ўнтасини қурбон қилиб юборамиз! Сизгаям қуяйми? Озгина, кўп эмас, озгина. Эртан қаватингизда бўламан. Унинг қаердан кеп, қаерга кетишини яхши бил-ламан. Доим боланинг қабри теласига келиб кетади.

Тўғри айтасиз, биз отмасак, барибир бошқа биров ўлдиради. Шунинг учун кўзни чирт юмамиз! Кўзни чирт юмиб... Кейин эса уни иззат-икром билан кўмамиз!

— Ха, унга аза тутамиз, — Сарвар кафти билан қаншарини қашлаган бўлиб, мийиғида илжайди.

Гуччи пакана калака бўлаётганини сезмай, бу гапни кизғин маъкуллайди. Сўнг Ёлдор ҳақидаги гурунг яна кизларга уланиб, Сарвар йигитни энтиктирувчи ёлғон-яшиқ таассуротларга эрк беради. Гуччи пакана эса болишни кучоқлаб, туни билан ухлаёлмай чиқади.

• • •

Маймоқнинг навбатдаги ташрифи бўлмаганида, Ёлдор бугун Қоратепага энишни хаёлига ҳам келтирмаганди. Нега деганда, шусиз ҳам ташвишлари етиб ортарди. Пешинда Яшилдараорти бўрилар галасининг хидини олганидан бери, ўзини кўярга жой тополмай қолганди.

Мудом кўчиб юрувчи бу тўдани эски фаними Бўзбўри бошқаради. Шарқдан кўзгалган изғирин олиб келган бу хидни туйган Ёлдор дастлаб таажжубланади. Кейин сергак тортади. Ҳаводаги исга қараб, гала аллақачон унга қарашли ҳудудга қадам қўйгани ва лаллайиб ўтираверса, улар янада хадларидан ошишлари мумкинлигини фаҳмлади. У бирдан қутуриб кетади. Тирноқларини ерга ботириб, ваҳшатли ириллайди. Бу билан қаноатланмай, арча танасини тимталайди: Сўнг арча тубига пешобини сочиб, шарққа интилади.

Ҳудуд учун кураш ҳеч қачон осон кечмаган. Ҳудуд эгаси ё фолиб, ё мағлуб бўлиши керак. Шунингдек, учинчи йўли ҳам бор. Бу — хўрлик. Аммо хўрлик билан ўлим ораси ҳамиша бир одим. Ёлдор хўрлик қурбонига айланиб, хаётдан эрта кўз юмган жониворларни кўп кўрган. Ўзига қолса, хўрликдан ўлим минг марта афзал. Одатда, кучи танига сиғмайдиган ёвқур жониворлар доимо икки йўлдан бирини танлайди. Улар учун учинчи йўл йўқ.

У сойлардан сакраб, арчазорлардан қуюндай учиб, худудининг шарқий чегараси ҳисобланмиш тор ялангликка етиб келганда, ҳануз ғазабдан қутурмоқда эди. Учраган қорани бурдалаш важоҳатида эди. У итлар ка-

би қахрга эрк бериб, бўриларга хос виқор ва совуққонликни бутунлай унутиб қўйганди. Бу яхшилик аломати эмасди. Негаки, ғазаб кучни қирқиб, ақл-идрокка панд беради. Қонли тўқнашувларда эса куч қатори, идрок хаамиша муҳим рол ўйнайди.

Бирок бунда Ёлдорни кўпда айблаб бўлмасди.

У тутқунликда не балоларни бошидан кечирмади. Кимлар унинг ғашига тегмади. Ўтган ҳам қотинган, қайтган ҳам. Оқибат, у итлардек серзарда махлуққа айланганди. Итлардан фарқли жиҳати, кўринган қорага ириллайвермайди. Инида тинчгина ётишни ўйларди. Бирок уни ўз ҳолига қўйишмасди. Эндигина баҳузур чўзилганда, бўйнидаги занжирнинг ташқарида қолган қисми шилдираб, кимдир уни тишга торта бошларди. У мураса илинжида аста ириллайди: «Тинчимга қўйсанчи!» Бунга жавобан эрмакталаб кимса баттар иршанлайди. Бўйнидаги тасма томоғини бўға бошлагач, у таҳдидли ириллайди: «Чиксам, чатоғингни чиқараман! Ғашимга тегма кўп!» Бу ифодани барча жониворлар, ҳатто энг калтафаҳм ит ҳам илғаши мумкин. Лекин одамзод ундаги маънони ҳеч қачон тушунмайди. Ёлдор инидан бошини чиқариши билан ура қочишнигина биларди. Баъзилари ортиқ тирғалмай, дарров кета қолади. Айримлари эса наридан туриб тошбўрон қилишга тушарди. Ёлдор тумшуги, яғрини ва биқинига келиб тушаётган зарбдан чинакамига қутуради. Худди қопағон итлардек олға сапчийди. Бурдалаш қасдида тўлғонади.

Бу хил қотинишлар туфайли ундаги бўриларга хос табиий виқорга путур етганди. Итлардек жиззаки бир махлуққа айланганди. Аммо тинч пайтларида яна аслига қайтарди. Тунлари юлдуз тўла осмонга бокқанча, хазин ва мунгли қўшиғини бошлаб юборарди.

Бундай вақтларда у оламини унутарди. Хаёлан тоғларда эркин чопқиллаб юрарди.

Холбуки, тоғларда эмин-эркин чопқиллаб юриш унга насиб этмаган. Кўз очиб кўргани оғзи тор, тўри кенг ўнгир бўлган. Ўнгирда ўзидан бўлак яна тўртта оға-иниси бор эди. Бари бир-биридан шўх эди. Ёруғ оламга, яъни ташқи дунёга биринчи бўлиб у интилган. Кўзлари қуёш нуридан қамашиб, бир зумга гаранг туриб қолган. Оламда ҳидлар кўплигини шунда англаган. Шабадада чайқалаётган бута новдасига, харсангтош устидан

йўрғалаб бораётган какликка лолу хайрон тикилиб турганида, қаердандир онаси пайдо бўлган. Елкасидан беозор тишлаб қоронғи инига олиб кирган. Онасининг бу ҳаракатида у тахликага ўхшаш нимадир сезган. Айрим пайтларда ота бўрида ҳам шу нарсани хис этиш мумкин эди. Бу эса унинг жимитдек юрагида ташқи оламга нисбатан кизиқишни янада кучайтирарди. Хуллас, қуёшли оламни кўришга улгурган Ёлдор шу кундан эътиборан иннида тинч ўтиролмай қолди. Бир куни ўнгирдан анча узоклашиб кетди.

Оғзи калин бута билан ихоталанган ўнгир куюқ арчазор дўнгликда жойлашганди. Дўнглик пасти тошлоқ сайхонлик бўлиб, сайхонликдан сўнг яна арчазор бошланарди. Арчазорда ёввойи жониворлар юришидан ҳосил бўлган чалкаш сўкмоқлар сероб эди. Ёлдор ана шундай сўкмоқлардан бирига тушиб қолиб, пилдираганча боши оққан томонга кета бошлайди. Бу камдек, у йўлда какликлардан бирига алаҳсийди. Каклик кулоклари диккайган бу беўхшов жониворни ҳийла ергача эргаштириб бориб, бирдан учади кетади. Ёлдор анқайганча қолаверади.

У адашиб қолганини кейин сезиб, фингшимокқа тушади. Тумшукчасини олдинга чўзиб, таниш ва қадрдон хидларни кидиради. Онасининг иликқина қучоғини шу қадар қўмсайдики, юраги торикқанидан зорли овозда ингиллаб юборади. Худди шу пайт ўнгир тарафда нимадир кетма-кет қарсиллайди. Сўнг ўлик сукунат чўқади. Қўркувдан ўзини арча пайига урган Ёлдор тошдек қотади. Қимирласа яна нимадир юз берадигандек, хатто кўзларини очишдан ҳайиқади. Салдан сўнг гумбурлаган овоздан эса ўтакаси ёрилиш даражасига етади. Умрида эшитмаган бу садодан тоғлар қалдираб, арча танаси титраб кетганини сезади.

Дахшатдан арча пайига қапишган Ёлдор шу созда қанча ётди билмайди. Лекин дунёда қўркувдан ҳам кучлироқ шундай бир нарса бор эдики, у ҳар қандай тирик жонни ҳаракатлантирмасдан қўймасди. Бунинг оти очлик эди. У очликка тоқат қилолмай, биқинган жойидан аста чиқади. Дуч келган сўкмоққа тушиб, пилдираб кета бошлайди. Бир оздан сўнг шарпани сезиб, ўзини това-тош панасига олади. Бироқ шарпа — Сафар уни аллақачон пайқаб улгурганди...

Мана шу тарзда Ёлдор тоғлардан айро тушади. Одам боласининг асирига айланади. Ота-онаси ва ўнгиридаги оға-иниларининг тақдири не кечганидан беҳабар қолаверади.

Аслида воқеа бундай бўлганди. Ўнгиридаги жониворларни пайқаб қолган чўпонлар катта бўриларни отиб ташлаб, уяни-портлатиб юборишганди. Куйидарада ўралашиб юрган геологлар бир қўзи учун улардан портлатгичларини аямаган.

Шу тариқа, эсини таниб-танитай, унинг кўргани деворсиз ховли, ётоғи қўпол тахталардан наридан-бери ясалган кенгина ин бўлди.

У туткунликда зохиран ўзлигини йўқотгандай эсади, ботинан аслича қолганди. Негаки, у ўз вақтида тоғларга даҳшат солган кекса бўри Оқтишнинг зурриёти эди. Унга ота бўрининг куч-қудрати, зийраклиги ва ёвқур табиати мерос бўлиб ўтганди. Шунинг учун Ёлдорнинг ичида доим бир қуюн ўйнардди. Бу қуюн уни тоғу тошларга ундар, кўнглида адоқсиз ва англрсиз туйғуларни уйғотарди. Ойсиз тунлари кўкка боқиб уларкан юрагида кечаётган бу хисларни тушунолмайд гаранг бўларди. У кундузлари бир оз тинчланар, тунда эса бари яна қайтадан бошланарди.

У тунда бу оламга сизмай қоларди.

Ёлдор тор ялангликка итдай газабкор важоҳатда етиб келаркан, табиий идрок барибир устуворлик қилди. Қаҳрга эрк бериб, катта хатога йўл қўйганини англаб етгандай, хайратли даражада осойишталик билан теваракни ўргана бошлади. Тўда бу ерда каттакон тўнғизни тинчитиб, изига қайтмай, қўшни худудга ўтиб кетганини тезда аниқлади. Ёлдор қўшни худуд эгаси Кулбет бўрини яхши танийди. Чоғроқ тўдани бошқарадиган бу жониворнинг яхши одати, ўзгалар мулкига ҳадеганда суқилавермайди. Шунингдек, ўз ерига кадам қўйганларни аяб ўтирмайди. Бўзбўри тўдаси эса унинг акси, тоғ қолиб, кенг даштга ҳам энишади. Доим ҳаммадан дакки еб юришади.

Ёлдор йўқолиб улгурмаган хидлар орасидан Бўзбўрининг таниш исини учратмади. Бундан чиқди, тўдани ўзга бўри бошқармоқда эканда. Қўп ўтмай у бунга тўла амин бўлди. Нотаниш тўда бошлиғи кулранг харсанг сиртига ўз белгисини қолдириб кетган экан.

Белги, одатда, турлича маънони ифодалайди. Худудга даъвогарлик, тажовузкорлик, нописандлик ва ҳатто мазахли белгиларгача бўлади. Белгисига қараб, жониворнинг неларга қодирлигини аниқлаш қийин. Аммо нописанд белги эгаси кўпинча аҳмоқ, ўпкаси йўқ жонивор бўлиб чиқади. У тахминан мана шундай белги қолдиради: «Ҳозирча шошиб турибман, лекин албатта қайтаман!» Ҳақиқатдан у қайтади. Лекин то қайтгунча худуд эгасининг қонига ташна килиб юборади.

Ёлдор харсанг сиртига бошлаб ўз жавоб белгисини қолдирган бўлса-да, бундан кўнгли тариқча таскин топмади. У яхши биладики, рақиби билан қонли тўқнашув юз бермагунча, ҳаловат топиши мушкул. Аммо ҳамма гап шундаки, у билан қачон учрашади?

Эртами ё индингами?

Балки бирор соатлардан сўнгдир?

Ғолиб бўладими ё мағлуб?

Айни шу мавҳумлик Ёлдорни қийнаб юборганди. У кун бўйи шунинг таъсирида юрди. Сўнг суюкли масканларидан бири, қишлоқ яқинидаги ўша сийрак арчали дўнгликда қўним топди.

Худуди кенг бўлса-да, у бўш вақтининг кўп қисмини мана шу дўнгликда ўтказарди. Қишлоқни қоралаб яшарди. Бўзбўри галасини довонортига қувиб, улкан худудга аллақачон эга чиққан эса-да, хануз қишлоқдан узоқлашиб кетолмасди. Қишлоққа ўз мулкидек қарама-са-да, ҳадди сифиб уни бемалол ораларди. Ораламаган тунлари кам бўларди. Ораларкан, тутқунлик даври ўтган ховлига албатта бош суқиб ўтарди. Эшик ва деразалари зич ёпиқ кимсасиз кулба теварагини узоқ айланарди. Боланинг изларини қўмсаб, ичдан нола тортарди. Бу ерда ҳамма нарса ўз холича сақланган, фақат ини ўғирлаб кетилганди. Ўғрилар бир тун эшик ва деразаларни ҳам қўпориб кетишмоқчи бўлишган, бироқ ховлида Ёлдорга дуч келишиб, жуфтакни ростлашган. Қишлоқда, Ёлдор туни билан кулбани кўриқлаб чиқаркан, деган гапни тарқатишган. Бу гапга кимдир ишонди, кимдир йўқ, аммо текшириб кўрувчи бирор мард топилмади. Қишлоқ итлари эса унинг шарпасини илғаши билан ин-инларига уриб кетади. Ҳатто баъзида овоз чиқаришга ярамайди.

Ёлдорнинг кишлоқ оралашидан бохабар кимсалар, унинг бу хил ташрифларини фавқулодда ходиса деб билишмайди. Уларнинг бирдан-бир билганлари, Ёлдор тутқунликдан халос бўлди-ю, кишлоққа ўзга бўрилар доримай қўйди. Бироқ бундан одамларни миннатдор деб бўлмасди. Улар учун Ёлдор шунчаки бир бўри ва муносабатлари ҳам шунга яраша эди: «Жондор зоти ҳеч қачон кишига эл бўлмайди, хушёр турмасанг, кўзингни ўйиб кетиши мумкин». Ёлдорнинг эса бу гаплар билан иши йўқ, ёввойи олам қонунига бўйсуниб яшарди. У ёввойи оламга хуркак жонивор сифатида эмас, ёвқур бир махлуқот сифатида кириб келди. Бўзбўри унинг рафторида ўта хавфли бир рақибни кўради ва бошлаб таъзирини бериб қўйишни истайди. Бундан сал аввал бу худуднинг ҳақиқий эгаси Яссибошнинг тавбасига таян-тирганди. Яссибош бу ўлкага қанжиги Оқсийна билан хукмронлик қиларди.

Агар Бўзбўри Оқсийнага даҳл қилмаганида, Яссибош бу тизгинсиз тўдага рўбарў келиб ўтирмасди. Наридорса, одатдагидек, ўзини кўрмаганга оларди. Негаки, Бўзбўри тўдаси бирор худуд этагини муқим тутмаган, нуқул кўчиб юрарди. Қиш чилласида даштга эниб, бу томонларда кун илиш олдидан пайдо бўларди. Баъзи йиллари эса даштни унутиб, Довонортида қишлаб қоларди. Бу энди дашт бўриларига қандай жониворнинг етакчилиги қилишига боғлиқ эди. Қисқаси, Бўзбўри зўрлардан «калтак еб», бундайроқларни танобини тортиб юрадиган жонивор эди. Яссибошни шунчаки талабгина қўя қолмай, уни қанжигига қўшиб, тоғнинг жанубий қисмидаги серқишлоқ худуд томонга ҳайдади. Бироқ унинг бу зўравонлиги Ёлдорга ўтмади. Ёлдор хавфли рақиблигини бирпасда намоиш этиб, бутун тўдани тиркиратиб юборди. Кейинги учрашувда эса уларни бутунлай Довонортига суриб ташлади.

Ёлдор табиатан ўта зийрак ва эҳтиёткор жонивор. Синалмаган рақибни олдидан ҳеч қачон хаволаниб кетмайди. Айрим кезлари туйқусдан тутиб қоладиган итларга хос жиззаки феълини ҳисобга олмаганда, қолган пайт ҳар қандай вазиятда совуққон бўлишга тиришади. Ховлиқмайди. Рақибининг заиф жиҳатларини илғашга уринади. Биринчи бўлиб ҳужумга ташланмайди. Агар бунга зарурият туғилса, энг аввало тўдадаги «зўр»ларни саф-

дан чиқаришга ҳаракат қилади. Тўдада эса «зўр»лар унча кўп бўлмайди, битта ёки иккита. «Зўр» мағлубликка юз тутиши билан, қолганлари ўз-ўзидан тўзиб кетади.

У Бўзбўри тўдасини мана шу хилда пароканда қилганди.

Ҳозир эса бутун фикр-ўйи харсанг сиртига ўз белгисини қолдиришга журъат этган ўша нотаниш тўдабошида эди. У кун бўйи хаёлидан кетмай қолганди. Унинг Бўзбўрига нисбатан ёш ва бақувватлигини идрок этаётган бўлса-да, келбатини жонлантиролмай гаранг эди. Бунга гўё Маймоқнинг мавжудлиги халакит бераётгандек эди.

Ёлдор бу томонга келаётиб, Маймоқни Чуқурдаралаги бутазорда гимирлаб юрганини кўрганди. Демак, у бутун тунда яна Қоратепага ўралашади. Ёлдор унинг қай тарафга йўналишига қарабоқ, мақсадини англайдиган бўлиб қолганди. Дейлик, агар Маймоқ Сувлидара ёхуд Яшилводий бўйлаб ҳаракатланса, уни фақат юқоридаги арчазорда учратиш мумкин. Белгиларини янгилаб, худудини кўздан кечириш билан банд бўлади. Негаки, арчазор ўта нотинч сарҳад — Улкан айиқ томонидан тез-тез бузилиб туради... Қўтирбулоқ йўналиши зирк тўла Айрирмоқ бўйларига олиб чиққандай, Туяқоя бағри ўзининг мазали ёнғоқлари билан Маймоқнинг диккатини тортади. Қишлоқ томон чўзилган узундан-узун, ваҳимали Чуқурдара бўйлаб қилинган сафари эса олмазорда қорин тўйдириш билан яқунланади. Чуқурдарада турли мевалар унчалик сероб эмас, лекин тишга босгулик бирор емиш ҳамиша топилади. Агар истаса, созтупроқли ўнгирда бир оз оёқ узатиб олиши мумкин. Қолган ишларни эса тун қоронғисида бемалол эплайверади.

Ёлдор унинг бу ҳаракатини ўзича тушунади. Фақат Маймоқ аллақандай Бўзбўри эмас, ҳар тўқнашганда жуда хушёр бўлиш лозим. Акс ҳолда...

У Чуқурдарага туташ Бўрижарда Маймоқнинг шарпасини илғаганида, тун аллақачон яримлаганди. Ёлдор аста ўрнидан кўзгалди. Хузур қилиб, узоқ керишди. Сўнг эса аста йўртиб, Қоратепа томон йўлга тушди.



Ёлдор хавфли хид — инсон ва яроғ исини Қоратепага етмасдан бурун сезд. Ёзда тупроғи ўйнаб ётадиган Калтатепа ёқалаб бориб, Қоратепа этагидаги тошлоқда тўхтаркан, димоғига чалинган бу хиддан яғрин туклари хурпайганча туриб қолди. Аммо изига қайтмоқни хаёлига ҳам келтирмади. Қайтага тошлар орасига чўзилиб ётиб олди. Тумшугини олдинга чўзганча, теваракни обдан ўрганишга киришди. Ва бир оздан сўнг Қоратепанинг олмазорга туташ қисмида ажал яширинлигини тўла англаб етди. Милтиқ иси — ажалдан дарак. Тоғда ундан чўчимайдиган жон зотининг ўзи йўқ. Ҳатто Маймоқдек кучли, анчайин сурбет жонивор ҳам яроғ хидини илғаш билан ювош тортиб, йўрғалаганча қорасини ўчиради. Ҳарҳолда милтиқ тутган кимсадан доимо узоқроқ юриш маъқуллигини тоғдаги барча жониворлар яхши билади.

Ажал ҳидининг кутилмаганда Қоратепада пайдо бўлиши дастлаб Ёлдорни чўчитди, сўнг таажжублантирди. Кейин эса қизиқтириб қўйди. Ахир шу пайтгача Қоратепада бу хидга ҳеч рўбарў келмаганди-да. Бу сирнинг тагига етмоқ учун у кутишга қарор қилди. Биладик, одам боласининг бардоши узоққа чўзилмайди. Ҳадемай ўзидан огоҳ этади.

У тутқунликда одамзоднинг феълини хийла ўрганганди. Уни ўзига даҳшатли ганим деб билмасди. Лекин яроғнинг йўриғи бўлак. Яроғ тутган одам... Эсласа, хануз танаси тиришади.

Толмас чолнинг ён қўшниси Улаш бир куни унга дабдурустан милтиқ ўқталиб қолди. Кайфининг зўрлигидан зўрға оёқда турганлиги боис, биринчи отган ўки тупроқни тўзғитиб юборди. Иккинчиси катакнинг чекка тахтасини учириб юборди. Учинчи ўкни узишга улгурмади. Эшакда аллақердан келиб қолган Толмас чол унинг қўлидан милтиқни тортиб олди. Қулоқ чаккасига ўхшатиб бир тарсаки туширди.

— Э, ичмай ўл! — деб сўқди.

— Ичаман! — деди Улаш ёш боладай ҳиқиллаб. —

Шунингиз бор экан, ичаман ва яна ичаман!

— Бунинг сенга нима оғирлиги тушаяпти, аҳмоқ?

— Тунда увлаб кайфимни қочирыпти.

Аслида эса гап бутунлай бошқа томонда эди. Ҳамиша ширакайф юрадиган бу банда бир кунмас бир кун Ёлдорга ем бўлишдан чўчирди. Унинг нимаси кўп, ичиши ва дуч келган ерда думалаб қолиши кўп. У мастликда Ёлдорнинг ёнида чўзилиб қолишидан кўрқарди. Икки бор бўлган. Икки сафар ҳам кўзини очиб, бошида Ёлдорни кўрган. Йиртқичнинг нигоҳида қаҳр ва қизиқишга қоришиқ ғалати бир жиддиятни пайқаган. Кўркувдан иштонини хўллаб, ундан нари қочаркан, бўриларнинг кўз қарашлари итларникидан тубдан фарқ қилишини ўшанда билган.

У йўқ ердаги гаплар билан жониворга тирғалиб ўтирмаган. Шартта милтиққа ёпиша қолган...

Ўшанда тасодиф туфайли мукаррар бир ўлимни четлашга муяссар бўлган Ёлдор яроғ ва ўқ-дори ҳидини бир умрга эслаб қолган. Кейинчалик эса ўзининг мунгли кўшиғи билан Улашни сўнгги манзилга узатиб кўйган.

У ҳеч вақт бу қадар хазин куйламаганди.

Ёлдор қалин қор кечиб тўйдан қайтаётган Улашни бошда ириллаб қаршилаган. Аммо Улаш, кайфи зўрлигидан, уни пайқамаган. Чолнинг ҳовлисини кесиб ўтаўта, ундан сал нарида гурсиллаб қулаган. Йиқиларкан, ўрнидан қайтиб кўзгалмаган. Гупиллаб ёғаётган қор бир зумда уни кўздан бекитган. Ана шундагина Ёлдор одатдан ташқари нимадир юз берганини ичдан ҳис қилган ва увлашга тушган. Бироқ тунда унинг ноласига эътибор берувчи кимса топилмаган.

Эртаси тушдан сўнг Улашнинг музлаб қолган жасадини қор тагидан топганлар, дастлаб Ёлдордан шубҳаланишган. Мурда танасида тиш изларини кўришмагачина, совуқда қотиб қолганини фахмлашган. Бироқ юз берган бу фожиадан бутунлай эсини йўқотган Улашнинг шаллақи хотини эрининг ўлимига Ёлдорни айбдор деб билган ва қарғаниб қишлоқни бошига кўтарган.

Бу воқеадан Ёлдорнинг андак англагани шу бўлдики, итлар кўринган қорага ақиллагандай, одам боласиям йўқ-бор нарсага тирғалаверар экан. Агар эси бутун тўртбеш йигит Толмас чолнинг тарафини олмаганда, Ёлдорнинг холига маймунлар йиғлаши аниқ эди. Мурда бир четда қолиб, оломон унга ҳезланган. Бунинг бошида Эр-

гаш боди турган. Қачонки, йигитлардан бири, агар ҳадеб сакраверсангиз, Томлисойдан сигир ўғирлаганингизни ҳаммага айтаман, дея шишшигандан сўнггина уни ўчган.

Ўша тун одамларнинг гала-ровуридан қаттиқ юрак олдириб қўйган Ёлдор кишлоқ оралаган жинсдошларини жуда яқиндан кўрган. Қутқаринглар мени, дея зорли фингшиган. Яссибош қилт этмаган, ҳадик ва адоватла безрайиб тураверган. Аммо урғочи бўри Оксийна негандир анча ройиш билдирган, ҳатто берироқ келишга журъат этган. Ёлдорга, унинг бўйнидаги занжирга, қўнқайган катакка ҳайрон-ҳайрон боққан. Агар халақит беришмаганда, келиб искаланишиям мумкин эди. Бирок тўсатдан кулба эшигини очган Толмас чол барча ишнинг белига тепган. Уларни чўчитиб юборган.

Шундан кейин, орадан анча вақт ўтиб, улар Қораторнинг белида қайта учрашдилар. Аммо энди Ёлдор бир пайтлар зорди-зорли фингшиган чорасиз тутқун эмас, Бўзбўри галасини қувиб, улкан ҳудудга эга чиққан, янада аниқроғи, узоқ кутилган озодликдан маст юрган ёвқур бир жонивор эди.

Ўша куни у ҳеч бир сабабсиз, Яссибошни таппа босиб талаган. Ҳолбуки, Яссибош ортиқча бирор ҳаракат қилмаганди. Бор-йўқ айби, Қоратор ёкалаб кета-кета, Бўзбўрига бой берган кадрдон худуди сарҳадида бир зумга тўхтагани ва билиб-билмай салгина ичкарилагани эди. У ғуссага берилиб, Ёлдорнинг пайдо бўлганини пайкамай қолганди.

Оксийнанинг назарида, шу куни Ёлдор кучи ва келбатига яраша иш тутмади. Яссибошдек ўртамиёна жониворга бу даражада қутуриб ташланиш шарт эмасди. Биргина дўқнинг ўзи кифоя эди. Яссибош ўлақолса у билан ёқалашиб ўтирмас, дарҳол қорасини ўчирарди. Негаки, шусиз ҳам унинг ахволи анча хароб, қуймичини ялаб ўтган ўқдан қаттиқ азият чекиб юрганди.

Оксийна арча ёнида ғўдайиб қолган Ёлдорга қарай-қарай, Яссибошнинг ортидан лўкиллаб бораркан, бирдан уни таниб қолди. Ия, бу тутқундаги бўри-ку! Зўрликка зўракан-у, лекин жуда тезоб ва беодоб экан. Бу борада Оксийна ҳақ эди. Ҳали-хануз ёввойи оламга тўла сингишиб кетолмаган Ёлдор, тез-тез қуюшқондан чиқиб, «тарбиясиз»лигини бот-бот намойиш этиб турар-

ди. Акс ҳолда Бўзбўридек жиддий рақибни совуққонлик билан енга билган Ёлдордек жонивор аллақандай Ясси-бошни итдай талаб ўтирармиди. Бу эса унинг тутқунлик асоратларидан ҳали тўла қутула олмаганидан дарак берди.

Эндиликда Ёлдор бу нохуш одатлардан деярли соқит бўлган, ўтмишидан эса сабр-тоқатнигина ўзига мерос қилиб олганди. Шунинг учун ҳам тошлар орасига беҳузур жойлашиб, Қоратепада яширинган сирни тагига етиш илинжида эди. Бу юмушга бутун диққатини қаратганиданми, Маймоқнинг Қоратепага етиб келганини пайқамай қолди. Пайқаган вақтда эса, Маймоқ тумшугини олдинга чўзганча ҳаводан хид олаётганди. Ана, у хавфни дарров илғади. Бир зум ханг-манг бўлиб тургандан сўнг, тезгина изига қайрилди-да, ортига қарамай, жадал жўнаб қолди.

Маймоқнинг қораси ўчгач, Ёлдор енгил тортиди. Хайрият, бугун у билан ёқалашиб юрмайдиган бўлди. У яна Қоратепа томонга ўгирилди. Бир муддатдан сўнг ҳаводаги хиднинг тебранганини сизди. Кўп ўтмай Қоратепадан тошлоқ тарафга қайрилган йўлда икки кўланкани кўрди. Йўл тошлоқни ёнлаб келиб ясси тепаликка ўрларди.

Ёлдор чекинмоқни хаёлига ҳам келтирмади. Худди бир пайтлар ини тўрига биқингандай, ерга янада маҳкам қапишди. У ўз тажрибасидан шуни яхши билардики, одам боласи хид олмайди, ҳаракатсиз қораниям илғаши қийин. Шу боис, у ортиқча таҳликага тушмай, кўланкаларни кузатишда давом этди.

— Буйтиблар сарсон юргандан кўра, қопқон қўйган маъқул, ака, — дерди кўланкалардан бири — Ғуччи пакана совуқдан тишлари тақиллаб. — Қайтамга уйқудан қолдик.

— Келади дегансиз... — дерди Сарвар норози тўнғиллаб. — Қор ёғиб берса зўр бўларди-да, изидан бирпасда топардим.

— Изига тушганингиз билан... — Ғуччи пакана чайналди. — Лекин ҳавода корнинг захри бор. Совуқни каранг! Тешиб юборай дейди.

Улар гангур-гунгур сўзлашганча Ясситепа ортида кўздан ғойиб бўлишди. Ёлдорни ташвишга солган ажал ҳидиниям ўзлари билан бирга олиб кетишди.

У ўрнидан қўзғалишга ошиқмади. Узала тушиб ётган жойида бақувват панжаларини олдинга чўзиб, обдан ке-ришди. Сўнг илдам оёққа қалқиб, Қоратепа томон йўналди. Таниш сўқмоқдан қабрлар оралаб бораркан, йўлда Маймоқнинг эски тезагига дуч келиб, аста ирил-лаб кўйди.

Боланинг дўппайган қабрига етганда, бутунлай хо-тиржам тортганди. Бироқ хотиржамлиги тезда таажжуб билан алмашинди. Бояги кимсалар хиди қабрнинг шун-доққина биқинига ўтириб қолганди. Аччиқ изғирин уни ўчиришга улгурмаганди.

Ёлдор қабр теварагини норози айланаркан, ўша та-ниш гусса — айрилиқ хисси яна юрагини чулғаб олди. Инграниб фингшиди. Бу хил фингшиши кўпинча махзун нолага айланиб кетарди.

Ҳозир ҳам шундай бўлди.

\* \* \*

— Ана келди, ака!

Эндигина ўринга чўзилган Ғуччи пакана устидаги кўрпани улоқтириб ташлаб, туриб ўтирди. Сўнг гапи тўғри чиққанидан хурсанд бўлгандай, кўшиб кўйди:

— Айтдим-ку, келади деб!

— Балки итдир, — Сарвар ишонқирамай, дераза ор-тидаги қоронғиликка тикилди. — Баъзан итлар ҳам ма-на шундай овоз чиқаради.

— Жондорнинг овозини итникидан фарқлаёлмай ўлибманми, ака!

— Аниқ шу деб ўйлайсизми?

— Эмасамчи! — Ғуччи пакана унга норозиланиб ка-раб қўяди. — У боракан, бу томонларга бошқа жондор дориёлмайди. Дориб ҳам кўрсин! Аммо-лекин ёмон вафодор чиқди бу! Қаранг, халиям боланинг дардида куйиб юрибди. Овози юракни эзади! Ўлдиришга одам-нинг қўлиям бормайди. Балки... а, ака?! Нима дейсиз?

— Айтдим-ку, анову турки совуқ аканг гаровдан воз кечса, унга ортиқ хусуматим йўқ, деб.

— Йў-ўқ, у гаровдан воз кечмайди.

— Унда қандай йўл билан бўлмасин уни тинчителиши-миз керак.

— Шойим йўғонними?

— Уф-ф...

— Тушундим, ака, тушундим, — Гуччи пакананинг боши шалвираб тушди. — Эртан ўзим сизга қопқон топиб бераман. Узунқулнинг бевасида бир талайи бор. Эридан қолган. Ота томондан озгина қариндошлигимиз бор, йўқ демаса керак. Аммо-лекин сизни акам демаганимда, Ёлдорнинг яқинига йўлатмасдим. Бой бўлганимда, унинг хунини ўзим сотиб олардим. Афсус, кўлим калта-да.

Бу гаплар Сарварга малол келса-да, қилт этмади. Негаки, Гуччи пакана керакли одам. Аразлаб кетса, кўйлари қаровсиз қолади. Қишлоқ одамларининг териси юпқалигини келган куниёқ билган. Содда кўринишса-да, гап кўтаришлари қийин. Бу ҳол Гуччи паканага ҳам бегона эмас. Шунинг учун доим яхши гапиришга тиришади, йўқ ердаги қизларни ўйлаб топади. Гуччи пакана барига ишонади. Сарвар эса ичдан кулади: «Сулувга ҳавасинг кетмай ўл, аввал ўзингга бундай қарасанг-чи!» Бироқ Гуччи паканани унчалик овсар деб бўлмади, минг ҳаяжонга тушмасин, баъзан хижолатдан манглай қашлаб дейди:

— Бу... айтган қизларингизни бари бўйчан экан, шу... ўзимизга ўхшаган майдароғи йўқми, а, ака?

— Бор, — дейди Сарвар ишонч билан. — Турли сўрти, турли маркасидан бор. Танлаб-танлаб олаверасиз. Сиз фақат чорвага яхши қарасангиз бўлди.

— Бундан сира ҳам еманг, ака. — Гуччи пакана дағал қафтларини олдинга чўзади. — Менинг кўлларим баракали! Менинг кўлимда кўйлариңиз тез семиради.

— Яшанг, укам, яшанг!

— Шаҳарга тушган кезларим, йўл бўйидаги чойхонада ўтириб, қизларни томоша қиламан. — Гуччи пакана негадир андак маъюсланади. — Кўзимни кўйдириб, ҳар қизлар ўтади, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа, нима еб, нима ичаётганимни ҳам билмай қоламан. Шундай пайтда мени майда қилиб тукқан энамдан ёмон хафа бўп кетаман. Туғиб нима қилардингиз дейман... ичимда.

— Онадан хафа бўлиш яхши эмас. — Сарвар норози қош чимирган бўлади. — Бу ишда онанинг ҳеч бир айби йўқ. Иккинчидан, бўй-бастга бу ерда қарашаркан, шаҳарда бунинг унча ахамияти йўқ. Мухими, юрак тоза бўлиши керак.

— Тоза-тоза! — Гуччи пакана ошиғич эьтироф этади. — Юрак топ-тоза! Лекин бизди қишлоқ одамларининг юрак билан унча ишлари йўқ. Шунисига куяман мен. Тунов йили майдароқ бир кизга офиз солдим. Нима дебди денг?

— Нима дебди?

— Э, айтгилиги йўқ, ака.

— Айтинг-айтинг.

— Паканага теккинча, итга тегаман дебди.

— Бўшлик қипсиз-да.

— Тегмайман деса, зўрламайсиз-ку.

— Гохида зўрлаш ҳам керак.

— Кейин мени хели-хишти тинч кўяр...

Сарварнинг унга раҳми келади. Яхшилиқ қилиб, бирорта қари кизга уйлантириб қўйсамми дейди. Бироқ бундан ўзига ҳеч бир наф етмаслигини ўйлаб, тезда фикридан қайтади. У нафи йўқ юмушни жинидан ёмон кўради. Гуччи пакана эса хозирча арзон ишчи кучи сифатида керак. Эртага уни хатто эслаб ҳам ўтирмайди. Ваъдалар нима, куруқ сўз, айтилиши билан кетади хавога сингиб. Уни на лутиб бўлади, на бошқа қилиб.

Шунга қарамай, Гуччи пакананинг ўта хокисорлиги га баъзида унинг жуда ҳаваси келади. Кўзига у муаммосиз одам бўлиб кўринади. У чўпчакларга ишонади, барча нарсадан фақат яхшилиқ кидиради. Хатто қўшнисининг сигири туғсаям ўзида йўқ қувонади. Сарварга эса бу хислар ёт. Кўнгли хамиша нимадандир дилгир. Пули кўпнинг ташвиши мўл, дея ўзини овутомққа уринса-да, чин дилдан қувона билмаслигидан гохида хуноб бўлиб кетади. Ўшанда негадир хамиша мардикор йигитни эслайди. Унинг аччиқ гапларидан маъно қидиради. Эсида, курдираётган иморатига ҳамманинг ҳаваси келган, ҳамма мақтаган, фақат угина пинак бузмаган, ўткинчи ҳавас куллари, дея гудранган. Охири у мардикор йигитни ҳайдаб солган. Пулидан сиқиб, жаҳлини чиқармоқчи бўлган. Аммо у газабланмаган, куллардан хафа бўлиш йўқ, дея кетган-борган. Кейин эшитса, у шоир экан. Шеърларидан ўқиб, уста шўрликни кўп хуноб қилар экан.

«Кул» дея, у нимани назарда тутган, бу нарса Сарвар учун хануз қоронғи. Буни, юпуннинг бодилиги, деб ўйлайди.

У Гуччи пакананинг хуррагига қулоқ тутиб, қоронғилик қўйнига тикилиб ётаркан, дилгирлик сабабини дарддан кидиради. Шу дарди туфайли тоғу тошлар орасида сарсон юрганию турки совуқ Шойим йўғонга дуч келганини ўйлади. Бу ёққа келишни маслаҳат берган табиб чолнинг гўрига энди фишт қалай бошлаганида, касали борган сари камроқ безовта қилаётгани ёдига тушиб қолди. Буни қарангки, Ёлдор билан андармон бўлиб, дардиниям эсидан чиқариб юборибди. Наҳотки тузалапти?! Агар ўртада сурув масаласи кўндаланг турмаганида, шу тобда ўзини қанчалик бахтиёр ҳис этарди-я! Минг афсуски, сурувдан айрилиб қолиш эҳтимоли, ундаги бу туйғу юзига соя ташлаб турарди.

У ётган жойида безовта тўлғонди. Йўк, сурувни бермоқ, жон бермоқдан юз қарра ёмон. Қандай бўлмасин Ёлдорни тинчителиши лозим. Акс ҳолда бир умр куйиб ўтади. Мол аччиғи — жон аччиғи деб бекорга айтишмаган.

• • •

Қўшни ҳудуд бўрилари мулкига даҳл қилганидан бери Ёлдор тинчини йўқотганди. Бурун бутун ҳудудини уч-тўрт кунда бир, жуда нари борса, ҳафтада икки бор айланиб чиқадиган жонивор Қоратепадан қайтиши билан шу юмушга уннади.

У ҳудудини айланиб, зарур жойлардаги белгиларни янгилаб чиқаркан, қўшни тўда қайта бош сукмаганини сезди. Аммо бундан унинг кўнгли тинчиб қолмади. Негаки, тўдабоши шунчаки жиғига тегмоқ истаса, бу қилиғини такрор намойиш этарди. Тоғда бу хил ҳодисалар кўп учрайди. Айрим қитмир жониворлар ҳудуд эгасининг кўзига ташланмасдан чегарани бузиб юради. Бироқ кучига ишонган тўда кўпда қитмирликни ўзига эп кўрмайди. Демак, нописанд белги қолдиришга ҳадди сикқан етакчи бўри қандайдир шумликни ўйлаган.

Ёлдор Сўқирқояда узоқ туриб қолди. Теваракдан кўз узмай, димоғига чалинган ҳар бир ҳидни илғашга, ўрганишга тиришди. Ёлғизлиги қор қилгандай, негадир аламли рингшиди. Яқинда ўзига ройиш билдириб, ғалати қийшанглаб кетган Оксийнани қўмсаётганини сезиб, бундан ғоят ажабланди. Чунки бу туйғу унга ёт эди. Илгари ўзга жонзодни ҳеч ўйламаганди.



У рухида қандайдир ўзгариш юз бераётганини хис этиб, дардманд охангда увлаб юборди. Аммо бу йўқлов эмасди. Юраги тубидан ихтиёрсиз ҳолатда юзага калкиётган туйғуларни идрок этмокка ожиз қолган жоннинг фирони эди.

У Оксийнани ўн кунча бурун яна учратганди. Мулкининг шимоли-шарқий қисмидаги Кўксув бўйларини кўздан кечираётиб, яшин урган арча ёнида тўхтаганди. Кўксув жониворларнинг серкатнов жойи бўлиб, ўтган-қайтган ҳайвонлар арча танасида ўз белгиларини қолдириб кетарди. Ёлдор ўз белгисини янгилашдан аввал арча теварагини гир айланиб ҳид олар, яъни нима келиб, нима кетганини обдон ўрганарди. У эндигина шу юмушга уннаганида қўшни ҳудуддаги зирк буталари орасидан қандайдир жониворнинг ўзига тикилиб турганини пайқайди. Шамол тесқари эсиб, ис олмокнинг имкони йўқлигидан унинг гаши келди. Ўша томонга хушёр боқди. Кўзи иллагани Яссибош бўлди.

Танидан дарди ариб, қайта кучга тўлган Яссибошнинг нигоҳи тўла адоват бўлса-да, нимадандир хануз иккиланаётгани шундоққина сезилиб турарди. Чамаси бетлашишга журъати етмаётган эди. Бирок ҳудуд уника, ортиқ сусткашлик ҳамиша ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Худди шуни сезилгандай, у буталар орасидан чиқиб, тошлоқ майдонга келиб чўнқайди. Бу томонга фақат ўлигимнигина босиб ўтасан дегандай, гўдайки туриб олди. Бу билан, яъниким, вазиятни тўғри баҳолай олмаганидан, у жиддий хатога йўл қўйган. Ғанимга элдан бурун рўбарў келганди. Ҳолбуки, Ёлдор томондан ҳозирча ҳеч бир ортиқча хатти-ҳаракат сезилмасди. Лекин вазият шу қадар қалтис эдики, учқундан аланга чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди. Бунинг учун Яссибошнинг биргина таҳдиди, ириллаши кифоя эди. Ўз навбатида, Яссибошни ҳам кўпда айблаб бўлмасди. У ҳудуд талашишлардан шу қадар юрак олдириб қўйгандики, оқибат, қўрққан олдин мушт кўтарар қабилида аввалроқ ўзи майдонга чиқиб қўя қолганди.

Яссибошнинг бахтига Ёлдор уни менсимасди. Вижорли бир қараш билан чекланиб, арча танасида қолдирилган белгиларни «ўқиш»га тутинди.

Айни шу пайтда оқиш харсанг ортидан пайдо бўлган Оксийнага Ёлдорнинг бу сокинлиги жуда ёқиб кетди. У

илгариги жиззаки йирткичга сира ўхшамасди. Улғайиб, янада хайбатли тус олибди. Ҳаракатлари шу қадар ўзига ярашардики, Оксийна бир зум махлиё туриб қолди. Кейин тумшуғи билан Яссибошни турткилаб нари хайдай бошлади. Орада Ёлдорга киши билмас қийшанглаб қараб қўйди.

Оксийнанинг қийшанглашлари Ёлдорнинг назаридан четда қолмади. Бироқ бу нарса арча танасига белги қўйишига халақит бермади. Бундан Оксийна қаттиқ оғринди. Алаmidан улаб юборай деди. Йўлига тихирлик қилиб, майдонни тарк этишга ошиқмаётган Яссибошнинг яғринидан ғарчча тишлаб, уни олдига солиб хайдади. Бутазорга шўнғий-шўнғий бирровгина ортига ўтирилди. Ёлдор унинг кўзларида жамланган араз, нафрат ва меҳрнинг қоришиқ ифодасини кўриб, хайрати баттар ошди.

Агар Маймоқнинг ўкириги халақит бермаганида, Ёлдор англарсиз туйғулар исканжасида қанча турарди, Худо билади. Айикнинг таҳликали бўкириши унинг хаёлини тарикдай сочиб юборди.

У сергак тортди.

Маймоқнинг овози Сўкиркоя ортидаги сойликдан келарди. Ўкиригида ғазабдан кўра кўркув ва ночорлик оҳанги кучлироқ эди.

Ёлдор воқеани тез фаҳмлади ва аста ириллаб қўйди.

Шу кунларда Маймоқнинг аҳволи анча чатоқ эди. Унинг худудига Улкан айик тажовуз қилмоқда эди. Бир ҳафтадирки, улар мушук-сичкон ўйнашарди. Маймоқ заифлиги боис, ғанимига қарши чиқишга журъати етмай, пўписадан нарига ўтмас, ўз навбатида, Қоялитовлар водийсининг хукмдори бўлмиш Улкан айик бу худудни тўла эгаллашга унчалик ошиқмас, гўё Маймоқнинг силласини қуритмоққа аҳд қилгандай, ҳозирча дам-бадам пайдо бўлиш билан чекланмоқда эди.

Ёлдор ҳадик ва қизиқиш билан сойликка энаркан, қизиқ манзаранинг устидан чиқди. Улкан айик муюлишдаги қуюқ бутазорда бамайлихотир қавшаниб юрар, Маймоқ эса анча берида, ҳар лаҳзада қочмоққа шай холда, ўкириб турарди. Афтидан, унинг бўкиришлари Улкан айикка чивин чаққанчалик таъсир этмаётган эди.

Унинг ҳаракати Ёлдорнинг ҳам ғашига тегди. У худди шу сойликда Бўзбўри билан қаттиқ олишганди. Бу

воқеа эсига тушдими ё эгалик хисси устуворлик қилди-ми, ириллаб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Тахдиддан йироқ, шунчаки кизганиш хисси остидаги нидо эди бу. Аммо бу нарса Улкан айиққа галати таъсир қилди. У ханг-манг бўлиб теваракка кўз солди ва кўрдики, аллақандай бир бўри Маймоқнинг ёнини олиб, ириллаб турибди. Бу эса жониворлар ҳаётида камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди. Худуд, одатда, ҳамжинс ҳайвонлар ўртасида талаш бўлади. Бошқа турдаги жониворлар бу можарога аралашмайди.

Агар бу хол Қоялитоғлар водийсида юз берганида, Улкан айиқ ғазабдан қутурган, уларга ташланган, тутса тириклайин еб-ютган бўларди. Аммо у бегона худудда, ёввойи жониворлар ичдан буйсунадиган қонун — ҳақлик ва ноҳақлик туйғуси измида эди. Бир оз иккиланишдан сўнг, ноҳақлигини сезиш туйғуси барибир устунлик қилди. У ўкираётган Маймоғу, ириллаётган Ёлдорга таажжубла бир-бир боқиб, ошиқмай бутазорни тарк эта бошлади. Бундан ботирланган Маймоқ бир неча одим илгарилади. Ундан ортиғига ботинолмади. Ғанимини ўчакиштириб қўйишдан кўрқди.

Ёлдор эса Улкан айиқ кетиши билан тинчланди. Маймоқ томонга қараб қўйишниям лозим топмай, ёнбағирлик бўйлаб йўртиб кетди. Шунингдек, Маймоқ ҳам унга эътибор бериб ўтирмади. Нега деганда, юзага келган бу ҳодиса иттифоқлик белгиси эмасди. Ҳар қайсиси ўзини мулк эгаси сифатида билиб, қўлларидан келганча уни ҳимоя қилишга тиришганди, холос.

Ёлдор Сарвар томонидан қўйилган биринчи қопқонга Ичаксойда рўбарў келди. У хатарнинг мавжудлигини яқинлашмаёк исидан сезганди. Бироқ бу нарса олға юришга монелик қилмади. Қопқон ингичка сўқмоққа ўта нўноқлик билан ўрнатилган экан. Устига озгина хас сочилган нам тупроқ остидан темир, хўрак ва одам иси гупуриб турарди.

У чўнқайган қўйи, хавфли майдончани обдан кўздан кечирди. Ора-орада теваракка назар солишниям унутмади. Кейин ажал билан ўйнашгиси келгандай, қопқон тепасидан сакраб ўтди. Сўнг яна ортга сапчиди. Бу қилиғи ўзига ёққандай, бирпас қотиб турди-да, тўсатдан шартта ортига ўгирилиб, орқа панжалари қопқон устига тош ва тупроқ соча бошлади. Кутгани бўлди. Тупроқ ва

хасларни тўзғитиб, қопқон қисқичлари қарсиллаб ёпилди. Бундан ўзи ҳам чўчиб кетди.

У қопқонга илк бор тутқунликдан халос топган кунлари дуч келганди. Бўриқалла тизмасига туташ водийда тўнғиз боласига кўзи тушганида, ич-ичидан яйраб кетади. Тўнғиз боласи чийиллар, ҳар ён талпинар, лекин ҳеч нари кетолмасди. Бу синоатдан аввалига у ҳайрон бўлади. Сўнг тумшуқ ялаб, олдинга интилади. Аммо чакалакзордан чиқишга улгурмай, қарши томондан келаётган овчига назари тушади. Чакалакзорда қолиб, воқеанинг давомини кузатади.

Афтини малла соқол қоплаган овчи ишни чўзиб ўтирмайди. Тутқундаги жониворни отиб ўлдиради-да, қопқонни қайта ўрнатиб кетади.

Овчи арчалар орасида кўздан ғойиб бўлгач, Ёлдор бекинган жойидан чиқади. Темир ва яна алламбалолар хиди муаллақ туриб қолган жойга аста яқинлашади. У чўнкайиб искаланади, ербағирлаб ётиб искаланади, у ён-бу ён юриб искаланади. Одамзоддан ҳайиқмайдиган жонивор темир исидан чўчийди. Димоғини қитиқлаётган хўракнинг хушбўй хиди ортида қандайдир хатар яширинганини сезади. Нималигини англаёлмай, боши котади.

Агар шу тобда узоқдан эшак минган чол кўринмаганда, Ёлдорнинг қопқонга тушиши аниқ эди. Хўракнинг хушбўй хиди бутун фикр-зикрини ўғирлаб кўйганди. Бахтига чол келиб қолиб, у тагин чакалакзорга биқинишга мажбур бўлди. Чолнинг бўшангина ити хидни сезиб, олдинга ўтади. Искalaniб қопқонга яқинлашади ва тўсатдан вангиллаб юборади. Воқеани фахмлаган чол сўкина-сўкина эшакдан тушади, сўкина-сўкина итни қопқондан бўшатади, сўкина-сўкина уни бир четга улоқтиради, сўнг сўкина-сўкина оқсоқ итини эргаштириб кетади.

Ёлдор ерда занжири чуваланиб ётган қопқонни келиб хидлайди ва тилсиз бу ёвни хотирасига маҳкам михлаб олади. Темир ва хўракнинг омукта хиди — хатар! Кейинчалик жуда усталик билан ўрнатилган қопқонларни ҳам осонгина аниқлайдиган бўлди. Яйдоқ ва овлок жойларда емиш бежиз ётмаслигини ва бу хид ортида албатта бирор хавф яширинганлигини фахмлаб етди. Кўпинча, агар хафсала қилса, тош ва тупроқ сочиб,

қопқонни зарарсизлантириб кетар, баъзан эса уни четлаб ўтарди.

У навбатдаги қопқонга Қоратепа яқинида дуч келди. Бу қопқон Ғуччи пақананинг қутқуси билан кўйилганди.

Ёлдорнинг Қоратепага келишига ҳануз тўла ишонмаган бўлса-да, Сарвар Ғуччининг райини қайтаролмаган, қопқонлардан бирини шу ерга жойлаштирганди. Қолганларини эса ўз билгича, лекин Ёлдор юрадиган сўқмоқларни тусмоллаб қўйиб чиққанди.

Ёлдор бу қопқонга тегмади. Уни четлаб ўтди. Олмазорда шовур сезиб, қабрлар орасидан ўша томонга мўралади. Суюн чол невараси билан олма териб юрган экан.

У Қоратепада кўп ҳаялламай, Ялангтош орқали кунботар томон юрди. Худуднинг шимоли-ғарбий қисмидаги асосий «устун»лардан бири бўлмиш қайрағоч ёнида тўхтади. Унда қолдирилган ҳидларни обдан искаб ўрганди. Қандайдир аҳмоқ буқа дарахт танасига роса ишқаланибди. У бундан кўпда ранжиб турмай, белгисини янгилади-да, нари бориб чўнкайди. Тоғларга боқди. Беридаги чўккиларга ҳам қор тушганини кўрди.

У ҳаводаги қор хиди қаторида, юрагида тагин ўша галати хисни туйди. Ўзига араз, нафрат ва меҳр билан қараб кетган Оксийнани яна кўмсай бошлади. Қизик, илгари бу хил туйғуларни сезмасди. Дастлаб озодликдан бошқасини ўйламасди. Сўнг эркинликдан сармаст юрди. Кейин ҳудуд масаласи билан андармон бўлди. Агар кўшни тўданинг бебошлигини ўйламаса, кунлари бинойидек ўтмоқда эди.

Бироқ кутилмаганда, мана тушунуксиз туйғулар уни кийноққа сола бошлади. Тотли, ўз навбатида, мавҳум бу хисларнинг нелигини англашга қурби етмай, у аста келиб қайрағоч пойига чўзилди. Қўйидаги илонизи сўқмоқдан кетиб бораётган эшакли чолга ҳардамхаёл тикилди. Бу бир пайтлар уни қопқонга тушишидан асраб қолган ўша чол эди.

У эшаклига эргашган бўшанг итга жиддий боқаркан, илк бор юрагида таниш тажовузни ҳис этмади. Авваллари ит зотини кўрса, бутун вужуди интиқом ўтидан ловуллайдиган жониворнинг, бу сафар, бирор туки қилт этмади. У хануз тушунуксиз туйғулар гирдобида эди.

Ёлдор бу ерда узок турмай, Эгрисойни коралаб йўлга тушди. Эгрисойда тўнғизларнинг катта оиласи яшарди. У аллақачон уларни кўз остига олиб қўйганди. Агар ови бароридан келмаса, Қизилкия ёкалаб Дўнғқояга ўтади. Қоя ўнгирларидан бирида ғамламаси бор.

У бир маромда йўртиб бораркан, Учбурундаги ёввойи дўлاناзорда Маймоқни кўрди. У мевасиз бута тагида ниманидир иштаҳа билан чайнади. Ёлдор одатига хос, аста ириллади. Маймоқ эса унга эътибор ҳам бермади.

\* \* \*

Қўйган қопқонларидан бирор наф чиқавермагач, Сарвар чинакамига ташвишга тушиб қолди. Ғуччи пакананинг қаровидан, унинг таъбири билан айтганда, йилтиллаб семира бошлаган қўйлари ортиқ уни қувонтирмай қўйди. Уларга омонат сифатида қарай бошлади. Аслида ҳам шу. Агар Ёлдорни тинчитмаса, бир неча кундан сўнг сурув Шойим йўғоннинг ихтиёрига ўтади. Қани энди, одам ёллаш мумкин бўлса-ю бу бош оғриқдан тезроқ қутула қолса. Аммо шарт бўйича бу мумкин эмас. Шойим йўғон ҳатто қопқонга қарши чиқиб ўтирибди.

— Қопқонга келишмаганмиз, — деди бугун эрталаб. — Фирром ўйинни бас қилинг!

— Қанақасига фирром? — Сарвар йўқ ердаги бу даъводан хайрон бўлди. — Нима қиламан, қандай қўлга тушираман, нима фарқи бор сизга?

— Жудаям фарқи бор-да! — Шойим йўғон унга тешиб юборар даражада ўқрайиб тикилди. — Жондор бўлса-да, у йигитдай бир гап! Биз уни йигит деб биламиз. Йигит билан йигитдай гаплашинг! Ҳали қопқон қўясиз, ҳали анову паканани эргаштириб чиқасиз. Баридан бохабармиз. Фирром ўйинни бас қилинг! Йўғасам ёмон хафалашиб қоламиз.

У дераза ёнида шу гапларни эслаб ўтираркан, тунд осмонга умидвор тикилди. Қани энди, бир энликкина қор ёғиб берса-ю, Ёлдорнинг изига тушиш имконияти тувилса.

Овда из олиб, ўлжани қўлга туширишни у амалдор оғайнисидан ўрганганди. Овга ишқибозликниям шу жўрасидан юқтирган. Қиш-қировли кунларда амалдор

оғайниси ваҳимали хорижий машинасида гуриллаб келарди-да, уни овга олиб кетарди. Сарвар бошда овни шунчаки оворагарчилик деб ўйларди. Аммо нафи кўп тегадиган амалдор оғайнисининг гапини ҳеч икки қилолмасди. Иккинчидан эса, ов баҳонасида яхшигина машинани олиб берилишарди. Амалдор минган машинанинг юкхонасидан жондан бўлак ҳамма нарса топиларди. Бу нознеъматлар дала-даштда, корда, гулхан теварагида негадир бошқача татирди.

Амалдор жўраси, унинг ўйлашича, пишкириб, гулдираб, гумбурлаб яшарди. Бўйи нақ икки метр, кучи гавдасига мос, агар чинакамига истаса, ҳар қандай қўйни бир ўтиришда еб тугатадиган азамат йигит эди. Сиздан ажал ҳам ҳайиқса керак, дерди баъзида Сарвар унинг келбатиغا ҳавасланиб боқиб. Бироқ ажал деганлари кўтосдай бакувват бу йигитдан ҳеч ҳам ҳайиқмас экан, бир ўтиришда сездирмайгина жонини олиб қўйди. Бу холдан ҳамма ҳайрон. Кимдир у деди, кимдир бу, орада девдай бир йигит ўлди-кетди.

Сарварга ундан овчилик мерос бўлиб қолди. У овчиликнинг ўзига хос сир-синаотларини тўла ўзлаштиролмаган эса-да, обдон завқини тотишга улгурганди. Шундан бери у овни қанда қилмайди.

Амалдор оғайниси, бу даштда қимирлаган жон борки, бари бизники, дейишни яхши кўрарди. Улар шаҳарчанинг кунботиш томонидаги уфққа туташ сарҳадсиз чўлни яёв ва машинада қадамба-қадам кезиб чиқишган. Овнинг ҳадисини олган жўраси кордаги изларни беҳато аниқларди. Изга қараб ёввойи жониворнинг қачон ва қай пайтда ўтганлигини адашмай айтарди. Ўлжасининг мазали қисмини даштнинг ўзидаёқ қабоб қилишга тушарди. У гоҳида овчи итларини ишга солса, гоҳида йирик жониворларни машинада қувлаб отарди. Ўлжасининг кетидан тушганда, у бутунлай ўзгарарди, яъни ёввойи бир овозда бўқирар, сўқинар ва бундан гоят хузурланарди. Итларни эса жуда ёқтирарди. Яхшилари эринмай овга ўргатарди. Ёлдор томонидан ўлдириб кетилган Диккиқулоқ унинг энг яхши кўрган итларидан бири эди. Сарвар уни, жўрамдан эсдалик деб, ўзига олганди. Оғайнисининг ўлиmidан сўнг, даштма-дашт изишни бас қилган бўлсада, Қамишқўлга танда қўйганди. Ўрдақ ови билан шуғулланарди. Ҳатто бир марта

чўлок бўрини отган. Аммо Ёлдор деганлари у билган ва тасаввур этган бўриларга ҳеч ўхшамасди. Унинг қилиқларидан ҳайратда эди. Одатда тирик бўрини кўриш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Улар имкони борича кўзга ташланмасликка уринишади. Ёлдорни эса неча бор кишлоқ яқинида, дўнгда, булоқ бўйида ва ҳатто кўраси ёнида учратди. Яроғини қўлига олгунча бўлмай, арвоҳдай кўздан йўқолади. Бироқ узоқлаб ҳам кетмайди. Қоратепеда бўридан ташқари, айиқ изига дуч келганда, ҳанг-манг туриб қолган. Аммо ҳайратини бировга айтолмаган. Негаки, кишлоқ одамлари жуда ғалати, улар ўз хис-туйғуларини ҳеч қачон ошкор этишмайди, нари борса, шунинг нимасига бунча ҳовлиқасан, деган оҳангда, тоғда яшаймиз-да, деб қўя қолишади.

Фақат Ғуччи паканагина уларга ўхшамайди. Ичидаги ташида. Соддалиги боис, кишлоқда унчалик обрўйи йўқ. Бироқ дўстга итдай содиқ.

— Ака, бугун милтиқни менга берсангиз, — деб қолди эрталаб даб-дурустан. — Шойим йўғонга берадиган қўйимиз йўқ! Мен унга қўй тугул, қўйнинг қумоғини ҳам раво кўрмайман!

— Намунча ёмон кўрмасангиз уни.

— Мен уни ёмон кўрмайман, мен... — Ғуччи пакана гапнинг у ёғини айтишга ийманади. Қизариб бош қашлайди-да, сўнг дейди: — Сурув қўлдан кетмасин дейман-да. Ахир сиз акамсиз, қуяди-да одам.

— Ростдан қуясизми?

— Эмасам-чи!

— Милтиқни нега сўраб қолдингиз? Ё Шойим йўғонни...

— Э, йўқ, — дея Ғуччи пакана унинг гапини бўлади. — Ёлдор учраса, отмоқчиман. Менга учраб туради-да у.

— Қўйларга эҳтиёт бўлинг.

— У қўйларга тегмайди деганман-ку.

— Мен уни тушунмайман.

— Уни ҳеч ким тушунмайди.

— Қани энди, бир энликкина қор ёғиб берса...

— Мен ҳам шунга илҳақман.

Сарвар шуларни эслаб, тунд осмонга, ёнбағирликдаги арчазорга дилгир тикилади. Ғўлдираб сўкинади. Нега деганда, у эрталабдан бери гаранг. Ўтириб ўтиролмайди, туриб туролмайди. Яроғини кўтариб чиқишдан



эса бирор маъни йўқ. Тоғда Ёлдорни кидириш, пичан гарамидан игна излашдек бир гап эканига аллақачон акли етган. Шунингчун қорни интиқ кутмоқда эди. Ҳаво эса юракни сиқар даражада тунд, ёғиб ёғмасди, очилиб очилмасди.

У дераза ёнида қанча турди, билмайди. Орада печкага ўтин ташлади. Милтигини қайта тозаллади. Сўнг жойига чўкиб, Ёлдорни қаердан кидиришни ўйлай бошлади. Кейин бирдан кўзларига ишонмай деразага ёпишди. Йўқ, кўзлари алдамаган, ташқарида қор учкунламоқда эди.

У қувончдан бақириб юборди. Худди амалдор оғайнисидек бор овозда ҳайқирди. Кейин қўлларини бўёхшов саланглатганча, ўйинга тушиб кетди.

— Кунинг битди, Ёлдор! Кунгинанг битди!

• • •

Ёлдор туни билан ёғиб чиққан қорни мамнун қаршилади. Қорли ҳаво ичида димланиб ётган ланжликни қувиб, ғайрат қуюнини солгандек, у янада тетикланди. Қор кечиб дайиди. Қор кечгани сари ғайрати жўшаётганини сезди.

Одатдагидек, у қишлоқдан унча узоқлашиб кетмаганди. Сахарга яқин тинган қор устида из қолдириб, қишлоққа энди. Негадир чолнинг кимсасиз кулбасига бош сукқиси келди. Эшиқ ва деразаларни бир-бир искаб чикди. Ошхонага кириб чиқишнинг унутмади. Бўм-бўш кўра ёнида бир зум чўнкайиб турди-да, сўнг қишлоқ итларининг юрагига қутку солиб, яна изига қайтди. Бу сафар итлар уни ортиқ қизиқтирмади. У хануз англарсиз туйғу гирдобида эди.

У булоқ бўйига етганда, ичдан нимадир уни тоғлар томонга чорлаётганини ҳис этди. Нима? Қувончми ё ташвишми? Бу хил ҳисни илгариям икки-уч бор туйган. Худудига бегоналар оралаганини аввалдан сезган ва ҳамиша ҳақ бўлиб чиққан. Аммо бу сафарги ҳислар тўфонлироқ эди. Бугун ҳаётида нимадир содир бўлиши мумкиндек эди.

У Учқизилда шумшайиб турган Маймоққа дуч келди. Қор тоққа эмас, Маймоқнинг ичига ёққанди. Тана-сига ёғ захирасини тўла ғамлашга улгурмаган Маймоқ жуда ғамгин эди. Ҳадемай қиш уйқусига кетиши лозим

бўлган бу жонивор захиранинг камлиги ўзини не куйларга солишини яхши биларди. Одатда, очикқан жонивор муддатдан илгари уйғониб кетади. Уйғонганда, кўкламга ҳали узоқ, тоғ эса қалин қор кўрпаси остида мудраётган бўлади. Оқибат, у егулик тополмай ҳафта-лаб оч юради. Уйқуга тўла қонмагани учун қарахтлик қонига ташна қилиб юборади. Бирор ўнғирда гужанак тушиб олиб, панжаларини сўради. Аммо танасида ортиқча ёғ йўқ, нафси қонмай аламнак ўкиради. Мўриларидан тутун ўрлаб турган қишлоққа умидвор боқади. Қишлоққа энса нимадир топишини ва шунингдек, жонидан айрилиб қолиши мумкинлигиниям билади. Шу боис, қишлоққа энишдан тийилиб, тоғлар оралайди. Кўклам келишини зор-интизор кутади. Нишабликларда майсалар ниш уриши билан унинг қуни туға бошлайди. Бироқ бунгача неча ҳафта-лаб очлик азобини бошидан кечириши керак. Бунақа пайтларда у ҳар қандай ўлаксадан тап тортмайди. Аммо тоғда ўлаксалар ҳамisha ҳам топилавермайди.

Ёлдор муюлишда пайдо бўлганида, у ғоят эзгин ҳолатда мунғайиб ўтирарди. Ахир эзилмай бўладими, қуни кеча кўзларини яшнатиб турган мевалардан асар йўқ, бари қор тагида қолган. Қорни эса эрталабдан таталамоқда. У аламдан Ёлдорга қараб аста ўкиради. Ёлдор эса унинг замзамасига эътибор ҳам бермади. Қор кечиб, қиялик бўйлаб йўлда давом этди.

Ёлдорнинг қадам ранжида қилиши Маймоқ учун фойдадан холи бўлмади. Кимсасиз туюлган тоғда тирик жонни учратиш унинг эсига ҳаракат қилиш лозимлигини туширди. Негаки, тоғ ҳиссиз, тоғ шафқатсиз — агар ҳаракатдан эринсанг, унинг кучоғида яшашинг қийин, тирик қолишинг гумон. Ланжлик ва ҳафсаласизлик ортидан ҳамisha ўлим пойлаб туради.

У қордан эгилган буталарни силкилаб, емиш қидиришга тушди.

Ҳозирча қорин ташвишидан холи бўлган Ёлдор эса қорда из қолдириб, тобора илгариларкан, қияликда бир зум тўхтади. Чўнқайиб теваққил қилди. Сўнги ошқимай яна йўлда давом этди.

Унинг навбатдаги қўним топган манзили Қилсўқмоқдан беридаги Кенг сўқмоқ бўлди. Бу сўқмоқ Довон-ортига олиб борадиган ягона йўлнинг бошланиш қисми

хисобланиб, Қилсўқмоқдан уни арчазор қиялик ажратиб туради. У Кенгсўқмоқ деб номланса-да, аслида сийрак арчали, узун ва энлик сайхонлик эди. Сайхонликнинг бир ёнида нураган қоя, иккинчи ёни эса қияланиб бориб, чоғроқ водийга бориб туташарди. Водийдан нарисиди майда тизмалар бўлиб, гўзал манзара ҳосил қиларди.

Ёлдор қаршисида юз очган бу манзарага — қор кўнган арчаларга, мўъжаз водийга, бир-бирига уланиб кетган тоғ тизмаларига аста боқаркан, юрагини хапқиртирган ҳиснинг боисини англагандай бўлди. Муздек ҳавода қўшни тўданинг ожиз хидини илғади. Илғаши билан яғрин туклари тикрайиб, важоҳатли ириллади. Олдинги панжаларини қорга ботириб, тишларини даҳшатли тарзда шақирлатди. Лекин ўтган галгидек ховликмади. Қайтамга вазиятни янада аниқроқ ўрганишга уринди. Шамол олиб келаётган хидга қараганда, тўда Қилсўқмоқдан нарида ҳаракатланмоқда. Агар улар бу томонни кўзлаган бўлса, фақат мана шу йўналишдангина келиши мумкин. Шу тобда унинг димоғига ўзга бир хид чалинмаганда, Ёлдор ортиқ сабр қилолмас, ўпкасини қўлтиқламаса-да, ҳар ҳолда аллақачон тўда сари юрган бўларди.

У Оксийнанинг заиф, ўта заиф исини бирдан таниди. Тоқатсизланиб, беихтиёр ғингишиб юборди. Бироқ бу хид димоғига қандай чалинган бўлса, шундай тез йўқолди. Бундан унинг юраги алланечук гупуриб кетди. Совуқ ҳавони ютакиб хидлади. Заиф хид яна ўзидан дарак бергач, у Оксийнанинг манзилини аниқлашга ҳаракат қилди. Қаршисидаги тоғ тизмаларига, чоғроқ водийга, арчазорларга илҳақ тикилди. Оксийнани кўришга ошиқаркан, унинг ҳамроҳи Яссибош ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Дарвоқе, ҳавода унинг иси сезилмас, демак, Оксийна бу томонга ёлғиз йўл тортган. Ёлдор урғочи бўрининг сўнгги учрашувдаги араз, нафрат ва меҳрга тўла ғалати қарашини эсларкан, келбатига ярашмаган бир оҳангда ангиллаб юборди. Ички ҳисга буйсуниб, ўша томонга қанот чиқариб учгиси келди. Бироқ бунинг сира иложи йўқлигини тезда англаб, базўр ўзини босди.

У икки ўт ўртасида қолганди. Оксийнага пешвоз юрай деса, бу ёқда ғаним тўда. Ғаним тўдага қарши бора деса, у ёқда Оксийна. Назарида, у бери келишга ботинолмай, арчалар орасида ўзини интиқ кутаётгандек

эди. Охири, ганим тўдага нисбатан нафрати Оксийнага бўлган интилишидан устун чиқди. У шу ерда қолиб, тўдани кутишга аҳд қилди, ҳам Оксийнанинг кўз ўнгида бўлади, ҳам ортиқча ҳаракатлардан қутулади. Салдан сўнг, Оксийнани йўқ-бор нарсалардан қизғана бошлади. Бу энди унинг учун янги ва нотаниш туйғу эди. Нелигини хали тўла идрок этолмаган бўлса-да, азоби қаттиқлигини сизди. Бир жойда тик туролмай, арчани айланди, ҳарсангга бориб суйкалди. Сўнг ербағирлаб ётиб, тумшугини қорга тикди. Қор тагидан бир нима топгандай, дахшатли тарзда ириллади. Ўнг панжаси билан қулонини тимдалади. Кейин ўрнидан сапчиб туриб, сайхонлик бўйлаб қутуриб югургиси келди.

Аммо бунга улгурмади. Қиялик бошида тўсатдан пайдо бўлган Сарвар унинг ички тўлғанишларига ҳалал берди. Овчини кўрган Ёлдор Оксийнани унутди. Қорга узала тушиб ётган ҳолида унга нохуш тикилиб қолди. Негаки, ўзи томон аллақандай тўда эмас, ҳақиқий хавф яқинлашиб келмоқда эди. Ундан фақат қочиб қутулмоқ мумкин. Бироқ у қочмади. Оралик масофа узок, қочишга эса бемалол улгуради.

Ана одам боласи қияликнинг ярмини босиб ўтди. Ҳадемай сайхонликка етади. Ёлдор ноилож кетмоққа тараддулланаркан, овчининг хато йўлдан келаётганини сезиб қолди.

Яроқ тутган одам у қолдирган издан юрмай, йўлни қисқартириш ниятида қиялик билан сайхонлик ўртасидаги дўнгликни кесиб келарди. Дўнглик четида тўпланган қор хамиша кўзни алдайди. Ёввойи жониворлар бу хил хатарни тез англайди. Аммо одам боласи бу хусусиятдан йироқ. Ана у хавфли нишабликка тобора яқинлашмоқда. Қуйида эса водийга туташ қияликнинг тепа қисмида ўрага ўхшаш катта чуқурлик офиз очиб турибди. Тушган жоннинг чиқиши жуда қийин.

Кетмоқ ўйида бўлган Ёлдор қайта жойига чўкиб, овчининг хатти-ҳаракатларини жиддий ва синовчан кузата бошлади. Ва худди у кутган ҳодиса юз берди. Қор кўчиб, одам боласи чинқирганча ўра томон шўнғиб кетди.

Ёлдор ётган жойидан туриб, бахузур чўнкайиб ўтириб олди. «Қопқон», яъни ўрага тушган одам боласига ортиқ қайрилиб ҳам қарамади. Зеро, усиз ҳам ташвиши етиб ортарди...

Сарвар чап оёғи синганини кейин, қор остидан бир амаллаб чиқиб олганидан сўнг сездн. Аъзонинг синиши кизиқ бўларкан, дўмбирадай шишиб, измингга буйсунмай қўяркан.

Бошда, қаттиқ қўрққан эмасми, эс-хушини жамлаши қийин кечди. Кейин ўзига келиб, ўрасимон кенг чуқурликда ётганини англади. Қор зарраларидан оқарган деворлари хийла баланд, арқонсиз чиқишнинг иложи йўқлиги аниқ эди. У ётган жойдан Ёлдор чўнқайиб ўтирган сайхонликнинг бир қисми ва нураган қоя кўзга ташланиб турарди.

Ёлдорга нигоҳи тушиши билан у бирдан милтиғини эслаб қолди. Аммо яроғи ҳеч қаерда кўринмас, чамаси қор тагида қолиб кетганди. У қаддини ростлашга уринди, чап оёғи бунга изн бермай, оғриқдан инграб юборди. Йигит оғриқдан ҳам кўра, аламдан кўпроқ инграмоқда эди. Нега деганда, гаровда ютқизгани энди кундай равшан. Синган оёқ билан бир иш килиб бўлмаганидан сўнг, не ҳасратда йиғнаган қўйларини Шойим йўғонга қўшқўллаб топширишга мажбур-да.

У қорни чангаллаб ингради, сўкиниб ингради, ту-такиб ингради. Бу изтиробли ҳолати кўзи бот Ёлдорга тушмагунча давом этди. Хайбатли тарзда чўнқайиб турган йирткичга ғазабла боқаркан, бирдан жони омонатлигини пайқаб қолди. Сурувни бир зумга унутди. Қишқировли кунларда бўриларга ем бўлган кишилар ҳақидаги хикоялар эсига тушиб, даҳшатдан қалтираб кетди. Бу етмагандек, милтиғини ҳам йўқотиб ўтирибди.

У ёрдам сўраб бақирмоқчи бўлди. Бирок кимсасиз бу тоғу тошларда бақиришдан бирон наф йўқлигини англаб, ўзини тийди. Кетига силжиб, тошдеворга суянаркан, ёнидан пичоғини чиқарди. Негадир, унинг у ёқ-бу ёғига қараб қўйди. Тиғини кўздан кечирди. Ҳарнечук, пичоқ анча далда бўлди. Ёлдорга, қорнингни ёрман сени, дегандай боқди. Ёлдорнинг эса у билан иши йўқ, худди ов олдидан шерикларини кутаётгандек, шимолий-шарқий томонга тикилиб қолган, бир-икки бош бурганини ҳисобга олмаганда, Сарвар тарафга қия ҳам боқмаётганди. Бундан Сарварнинг кўнглига келгани шу бўлди: «Булар мени галалашиб емоқчи!» Шунда ўзи

учун копқонга айланган «ўра» деворлари жуда паст туюлди. Нигохи билан йўқолган яроғини яна кидира бошлади. Бу ишда Ғуччи паканани айбдор деб билди. Йўл олдидан ҳар хил нохуш гаплар қилмаганида, бу фалокат йўқ эди, дея унинг етти пуштини қолдирмай, бир-бир сўкиб чиқди. Илойим, хотинсиз ўтгин, деб ич-ичидан янди.

Сарвар ўлгудек иримчи эди. Овга жўнаркан, ортига қайрилиб қарамас, аёлининг кузатишига эса сира изн бермасди. Аёл кишининг «Вақтлироқ қайтинг», «Шу бутунча бормаи қўя қолинг», «Хавонинг авзойи ёмонку» деганга ўхшаш гаплари овчига фақат омадсизлик келтиради деб ўйларди. Шунинг учун ҳам овга ҳамиша ими-жимиди жўнаб қоларди.

Бугун эса бунинг имконияти бўлмади. Ишчан бир қиёфада овга ҳозирлик қўраркан, қўрада тимирскиланиб юрган Ғуччи пакана кутилмаганда қошида пайдо бўлди.

— Ака, негадир кўнглим нотинч, — деди энгил-бошига илашган хас-хашакларни қоқиб-суқиб. — Сизга ҳамроҳ бўлсамми дейман...

Сарвар ғабдан додлаб юбораёзганди: «Миянги курсин сен эшакни! Бефаросат махлук! Ов олдидан ҳам шундай дейдими киши! Э, нохушланган ўша кўнглинги минг лаънат! Худо фаросат улашаётганда, қайси гўрда лаллайиб юрган эдинг? Башаранги курсин, аҳмоқ! Пакана!»

Аммо тилида бутунлай бошқа сўзларни айтди.

— Сиз ишингизни қилинг, укам, — деди ҳар бир сўзни тишлари орасидан ситиб. — Ишдан қолманг. Ахир қўйларга кимдир қараши керак-ку.

— Ишни кип бўлдим, ака, — деди Ғуччи пакана унинг туси ўзгариб кетганидан ажабланиб. — Бу ҳавода сурувни ташқарига ҳайдамаган маъқул. Емишини бердим, сувини бердим. Қўлим бўш энди.

— Яхшиси, сиз уйда қолинг. — Сарвар уни жеркиб ташлашдан базўр ўзини тийди. — Бирга юрганзимизни кўрса, Шойим йўғонга Худо беради. Ғирромлик қилаяпсанлар деб бошимизни котиради сўнг.

— Укасининг қорнига унинг, гапираверади-да!

— У шунчаки гапириб қўймайди...

— Сиз кетсангиз, уйда ўтиришим қийин бўлади-да, ака. — Ғуччи пакана жаҳлланди. — Тоғ ҳавоси билан ўйнашганларнинг холи не кечганини яхши биламан. Тоғ ёмон, у билан ҳазиллашиб бўлмайди. Ўтган йили иккитасининг жасадини қор тагидан мана шу қўлларим билан ўзим кавлаб олганман. Тарашадай қотиб қолишган экан. Бундай ҳавода баланд-пасти биладиган одам билан юрганингиз маъкул дейман-да.

Сарвар унинг башарасига милтиқ қўндоғи билан туширишдан зўр-базўр тийилса-да, тилини тишламоққа ўзида ортиқ куч топмади. Оғзидан кўпик сачратиб бақиршга тушди:

— Ов олдидан шу гапларни айтишингиз шартмиди! Қанақа одамсиз ўзи, а?! Иримим бор деб, сизга юз марта айтганман-ку ахир! Одам деганам шунчалик пандавоки бўладими. Э-э, одам бўлмай ўлинг!

— Кўнглим нотинчланса не қилай, — Ғуччи пакана ёш боладай қунишиб олди. — Биздан хато ўтган бўлса, кечиринг, ака.

— Э, акаламай кетинг!

— Барибир кўнглим нотинч, ака.

— Яна гапирасиз-а!

— Мана, гапирмадик, — Ғуччи пакана аразлаб қўра томон кетди.

Сарвар елкасини тошдеворга тираб, Ғуччи паканани чангитиб сўқишда давом этаркан, ўз навбатида, уни ўзи билан эргаштириб чиқмаганидан ўкина бошлади. Бу ёнига нима қиларини билмай боши гаранг эди. Ёлдорнинг шундоққина қаршисида, милтиқ ўқи етар-етмас масофада ғўдайиб туриши эса аламини қўзғамокда эди. Қизик, у на қочди, на бекинди. Нега қочмади экан? Илгари шарпасини илғаши билан жуфтагини ростлаб қоларди-ку. Ё ночор ахволдалигини, энди қўлидан бирор иш келмаслигини фаҳмлаб етдимикан? Унда бу бўри эмас, инс-жинсларнинг биродари экан-да. Туришини қара! Бекорга турмаганлиги аниқ, шерикларини кутаяпти у. Аммо осонликча жон берадиган аҳмоқ йўқ! Устимга сакраши билан қорнига пичоқ тикаман! Тиқиб-тиқиб оламан!

Сарвар қўлидаги пичоқни ҳавода сирмаб, йўқ ганимига зарба берган бўлди. Аммо Ёлдорнинг нечун сукутдалигини, шериги қўмагига мухтож жонивор бу тарзда

жим турмай, увлаб овоз бериши лозимлиги хақида ўйлаб ҳам кўрмади. Хақиқий овчи эмаслиги, бу борада ҳам панд бермоқда эди. У жониворлар хақида деярли ҳеч нарса билмасди. Билишгаям уринмасди. Жониворларга ўлжа сифатидагина қарарди. Бу иллатни мархум амалдор жўрасидан юктирганди. Жўраси чатоқ эди, осмондагини отиб, ердагини қоқиб, сувдагини тутиб ейман, дерди, бу ишда менга ҳеч ким монелик қилолмайди, дея чиранарди.

Аммо унинг амали-ю вазоҳатидан зиғирча чўчимай, қаршилиқ қилувчилар ҳамиша топиларди. Шулардан бири қишдаям даштда ўтов тикиб ўтирадиган Бойбўри чол эди. Чўлда уларнинг машинаси кўриниши билан отланиб чиқарди. Йўлларига кўндаланг бўлишга тиришарди.

— Шу одамни ҳеч тушунмайман, — дерди жўраси, тўхта, дея қамчи силкиб келаётган чолни осонгина четлаб ўтаркан. — Даштни топтаб ташладинг, жондор зотининг уруғини қуритдинг дея, тирғалгани тирғалган. Чўл кенг бўлса, қанақасига биз уни топташимиз мумкин, а?

Сарвар теваракка лоқайд боқаркан, ўзлари қолдирган сон-саноксиз машина изларини кўрса-да, ўзини кўрмасликка олади. Оғайнисининг кўнгли учунгина қайсар чолни сўккан бўлади. Сирасини айтганда, чўлда итдай изғиш унга умуман ёқмайди. У пистирмада ётиб, ов қилишни хуш кўради. Аммо бу ҳақда жўрасига чурқ этмайди. Оғайниси эса унинг акси, кенгликда бамисоли бўрондай қутуради. Машина ғилдираклари остида топталган гиёҳларга ичи ачиган одамлар устидан ошқора кулади.

— Бугунги кунинг нақд, эртанги кунинг эса омонат, — дейди ёлғиз қолишгач. — Анови аҳмоқлар эса аллақандай келажакнинг ташвишини қилишади. Эртани ўйланг эмиш, замин топталмасин деб ота-боболаримиз дуч келган ерда эмас, маълум жойда кўпқари чопганмиш. Ғалати-ғалати гапларни топишади-я улар. Қайси гўрлардан кавлаб топишаркан бунақа гапларни, а? Кўйиб берсанг, бутун чўлга хўжайинлик қилишмоқчи бўлишади.

У қанчалик осмондан келмасин, қайсар чолдан хиёл бўлса-да ҳайиқади. Буни билдирмасликка тиришади.



Тиришган сайин ҳадикланиши баттар сезилади. Бундай пайтларда Сарвар уни мақташга тушади.

— Бу даштнинг хўжайини улар эмас, сиз, — дейди гулханга ўтин ташлаб. — Бунинг бари кўролмасликдан.

— Шунинг айтиши.

— Агар сезган бўлсангиз, улардан ер иси келади, сиздан эса ҳаётнинг ҳиди гуркурайди, — Сарвар тилига келган бу ташбеҳдан рухланиб кетади. — Сиздан ҳатто ўлим кўрқади. Бу келбатингиз билан, минг йил десам ёлгон бўлар, икки юз йил яшашингиз аниқ.

— Икки юз йил кўп, зерикиб ўламан, — дейди жўраси тутундан ачишган кўзларини ишқалаб, мақтовдан мамнун бўлганини яширмаган ҳолда. — Зерикмаслигим учун қариганимдаям овни қанда қилмаслигим керак. Бизга юз йилиям етиб ортади.

Сарвар унинг келбатига ҳавасланиб боқади. Икки юз йил бўлмаса-да, юз эллик йил яшаши аниқ бунинг, деб ўйлайди. Аммо кейинчалик бу башорати нотўғри чиққанида, у довдираб қолди. Инсон ҳаёти киприкдаги кўз ёшидай омонатлигини англаб етгандай бўлди. Ажал деганлари одамзоднинг на келбатидан хайқаркан, на амалидан. Лозим топган куни жонини олиб кўяркан.

Мана энди ажалнинг совуқ панжаси унинг ёқасида. У ё бўриларга ем бўлади, ё совуқдан тарашадай қотади. Дарвоқе, совуқ ҳалитдан ўз заптига олмоқда. Бу ёқда оёғи азоб бермоқда. У бўрини ўйлабди-ю, совуқни ҳаёлига ҳам келтирмабди. Ахир тоғда тунги совуқ бўридан даҳшатлироқ-ку. Оёғи синмаганида бир нави эди, «қопқон»дан чиқишга уриниб кўрарди. Айтганча, Ёлдор бир уни деб шу ўрага тушармикан? У деворларга синчков бокди. Йўқ, тушолмаса керак. Яна ким биледи. Қорни очган йиртқичлар ҳеч балодан тап тортмайди дейишади-ку.

У ўзи сезмаган ҳолда инграб юборди.

Ёлдор унинг овозини эшитгандай, ялт этиб қаради-ю, яна олдинги ҳолатига қайтди. Ниманидир қутаётганлиги бутун вужудидан аниқ сезилиб турарди. Бунинг ўзича англаган Сарвар бот ингради.

Ўлимга юзма-юз келиш нақадар нохушлигини у илк бор ҳис қилмоқда эди. Шу пайтгача даштда қанчадан-қанча жониворларнинг жонига зомин бўлмади. Қувлаб отди, пойлаб отди, суюниб-суюниб, кулиб-кулиб отди.

Овнинг завқини обдон тотди. Токка келиб ҳам тек турмади, касалман деб ўтирмади. Яроқ кўтариб ўрга чиқди, қирга чиқди. Кейин итимнинг хуни дея, Ёлдорнинг кетидан тушди. Сўнг эса, унинг жони эвазига қўлига тегиши мумкин бўлган сурувни дея, тиним нима, билмади. Охири етган манзили шу — ўрасимон кенг чуқурлик уни ўз бағрига олди. Инграшдан бошқасига ярамай ўтирибди.

У яраланган жониворларнинг мунгли нигоҳларига кўп бор дуч келган. Уларнинг жон талвасасида тўлғо-нишларини кўп кузатган. Сўнг ўзича раҳм қилиб, пичоғини ишга солган, гоҳида бир ўк билан тинчитган. Бундай пайтларда жўраси уни мактарди. У эса мактовдан масрур тортарди. Уста овчилардек тевааракка мағрур боқарди. Шунда бутун чўл ёлғиз ўзига дахлдордек туюларди.

— Боласи, лекин семизгина экан, — дерди кейин, бундан зўр кабоб чиқади, деган оҳангда.

— Онасининг қочиб қутулгани чин бўлсин, — дерди жўраси мамнун қаҳ-қаҳ отиб. — Лекин кейинги сафар албатта жонини суғуриб оламиз.

Улар жон олмоққа моҳир, лекин ўша жоннинг азобланишини, уволини ҳис этмоққа ожиз эдилар. Бу тўғридаги гап-сўзлар дўстлар учун чўпчак туюларди. Чўпчагингизни бошқа бировларга бориб айтинг, дейишарди Бойбўри чолга ўхшаганларга. Аммо қайсар чол сира бўш келмасди, шошмай турларинг, уволи тутуди ҳали буларнинг, дерди тутокиб.

Ўртада олов, ҳавода кабоб хиди анқиган, нарида эса вайсақи отлиқ чол. Жўраси кўпда парво қилмасди. Лекин Сарварнинг ичи тор эди. Осмонга кетма-кет ўк узиб, отлиқ чолни ҳайдаб соларди. Сўнг ортидан сўкиб-сўкиб қоларди.

Энди ўйлаб кўрса, Бойбўри чол ҳаққа ўхшайди. Жўраси эрта ўлим тонди. Ўзи эса кимсасиз тоғу тошда ажалга рўпарў келиб ўтирибди. Боқишлари мунгли, кўзлари ёшли... Уйда болалари кутаяпти, хотинининг фикр-хаёли унда. Ҳашаматли иморатнинг чап қаноти ҳали битмаган, кичик ўғли ҳали суннат қилинмаган. Келаси баҳорда тўй қилмоқчи эди. Қўшниси Зиёд калдан ўтказиб зиёфат бермоқчи эди. Нахотки, энди ҳаммаси сабил қолса?! Ҳаётининг интиҳоси бу қадар аянчли —

сўнги кўним топган манзили мана шу ўрасимон чуқурлик бўлса!

У ич-ичидан хуруж қилиб келаётган йиғини босиш учун тишларини маҳкам сиқди. Йиғиси инграшга қоришиб, хунук бир сас касб этди.

• • •

Ёлдорнинг эса у билан мутлақо иши йўқ эди.

«Ўра»даги одам боласи сичқондек безиён, ахволи ўта хароблигини инграшиданок сезганди.

Одатда, зийрак жониворлар сасга қарабоқ, ҳолат ва вазиятни тез илғайдилар. Шунинг учун ҳам овлоқ жойда бўрига рўпарў келган тоғликлар овоз чиқармасликка уринадилар. Нега деганда, бўри зоти овозингданок кимлигинг ва нималарга қодирлигингни тез фахмлайди. Табиийки, бу хусусият Ёлдорга ҳам бегона эмасди. У чуқурликдаги одам боласининг инграшинигина эмас, бир чақирим наридаги арча новдасидан тўкилган қор сасиниям сезиб, билиб турарди.

Ҳозир унинг бутун диққати шимоли-шарқий томондан бостириб келаётган ғаним тўдада эди. Ошиқмайроқ илгарилаётган галанинг жирканч хидини баралла туймоқда эди. Ўз навбатида, қаршисидаги чоғроқ водий тарафдан Оксийнанинг дарагини сезмоқда эди. Ёлдор гоҳ йўқолиб, гоҳ пайдо бўлаётган бу хиддан Оксийнанинг нозини пайқаб турарди. Бироқ у безбетларча босиб келаётган тўда билан ора очди қилмай, Оксийнага пешвоз юролмасди. Бир гап билан айтганда, худуди хавф остида турганда, кўнглига «ёр» сиғармиди.

У юз бериши муқаррар бўлган тўкнашувга жиддий хозирлик кўра бошлади.

Хавф жуда узоқ кутгирмади.

Тоғда аччиқ изғирин кучайган бир паллада сайхонликнинг нариги бошидаги харсанг ортидан беш-олти чоғли бўри, ошиқмай, бирин-кетин чиқиб келди. Тўдани Сариктўш деган арлони бўри бошқарарди. Сариктўш у қадар жуссадор бўлмаса-да, табиатан анча чайир жонивор эди. Тезоб ва бир оз тажанглиги хатти-ҳаракатидан сезилиб турарди.

Унинг кўзи Ёлдорга тушгач, харсангдан беридаги текис майдончага келиб чўнқайди. Шериклари уни тева-раклашди.

Тўда кенгаша бошлади.

Агар галада она бўри Окманглай бўлмаганида, кенгаш узоққа чўзилмасди. Қизикқонлик қилаётган ёш бўриларни Сариктўш эмас, Окманглай босди. Кўп балоларни бошидан кечирган бу кекса йиртқич қаршисида қандай жонивор турганини яхши биларди. У Ёлдорда бир вақтлар бу тоғларда дахшат солиб яшаган Октишнинг тимсолини кўрганди. Аммо буни бошқаларга уқтириш бефойда эди. Бўри зоти ўтмиш билан эмас, бугуни билан яшайди. Кўз олдидаги нарсалар билан ҳисоблашади. Ўтмишда яшаб ўтган аллақандай Октиш билан уларнинг неча пуллик ишлари бор. Ғўддайган манови аҳмоқнинг бошлаб адабини бериш керак-да, йўлларида давом этишлари керак, тамом-вассалом.

Кекса бўри яна бир нарсани ҳис қилганди. Бутун вужудидан куч ёғилиб турган Ёлдор ҳар қандай урғочи бўри орзулайдиган жонивор эди. Ўзидан соғлом зурриёт қолдиришни истаган она бўрилар унга безътибор қараёлмасди. Аслида водий томондан яқинлашаётган Оксийнанинг дарди ҳам шу эди. Яссибош ўққа учиб ўлгандан сўнг, кўнглида аллақачон тугилган майлни амалга ошириш учун Ёлдорни истаб қолганди. Фақат яқин келмокқа юраги чопмай, арчалар орасида сандироклаб, ўзича нозланиб юрарди. У Ёлдор ўзини бирпасда топиб олишини яхши биларди. Ўшанда корга ётиб эркаланмокчи, қочган бўлиб, куйдирмокчи эди. Аммо у кутган дақиқа чўзилгандан чўзилиб, Ёлдор жойидан қўзғолай демас, гўё қоя пойида музлаб қолгандек эди.

Кекса она бўри Окманглай эса Ёлдорга мойиллик истаб эмас, қандайдир ички бир меҳр билан боқаркан, гўзал ва навқирон бу вужудга зиён етказишларини хоҳламади. Шу лахзада мураккаб, сирли, қудратли бир сезги она бўри юрагида тўлқин ура бошлаганди. У Ёлдордаги ўзига хосликни оналик туйғуси билан илгашга улгурганди. Ёлдор каби жониворлар табиатнинг эҳсони ҳисобланади. Бўрилар наслининг давомийлигини таъминлайдиган зурриётлар асосан мана шу хил жониворлардан тарқалади. Акс ҳолда зот майдалашиб, хашакилашиб, бора-бора йўқликка юз тутиши мумкин. Қисқаси, соғлом ва кучли вужуд мудом тебранишда бўлган ҳаётгий мувозанатни бир маромда тутиб туришга хизмат қилади. Табиат эса бу ҳақиқатни илғай билиш

туйғусини деярли барча она бўрилар идроки ва юрагига жойлаган ва бу сезги фавкулудда ҳоллардагина юзага қалқийди. Бироқ арлони бўрилар бу хисдан йироқ, қайтамга улар «зўр»ни тезроқ гумдон этиш пайида бўлишади ёхуд унга бир умр бўйсуниб юришади. Ҳарҳолда арлони бўрилар ўзидан зўрроқларни унчалик ёктиришмайди. Имкон туғилиши билан қарши чиқишга уринишади. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда жанг тақдирини урғочи бўрилар ҳал этади. Ортикча ва заруратсиз зиёну шикастдан тўдани омон сақлашга тиришадилар. Айрим ҳолларда бунинг акси ҳам бўлади. Бу энди она бўрининг кайфияти ва фаросати, шунингдек, тўдада тутган ўрнига боғлиқ.

Кекса бўрининг тўдадаги мавқеи ҳавас қиларли даражада эмасди. Бўзбўри нобуд бўлганидан сўнг парокандалиқ юзага келиб, тўда иккига бўлиниб кетган. Сариктўш шу кичик тўдани зўрға бошқарарди. Ёш бўрилар бўйсунитишни истамагани туфайли ўртада тез-тез низо чиқиб турарди. Сариктўш тезоб ва анчагина фаросатсиз эди. Акс ҳолда бир вақтлар Бўзбўридек кучли бўрини осонгина енган рақибига нисбатан озгина андиша сақлаган, тўкнашмасликнинг чорасини қидирган бўларди. У эса тезроқ Ёлдорни бир ёқлик қилиб, йўлда давом этишни ўйларди. Қолганлариям шу истакда ёнарди. Ёлдорнинг виқорли хезланиб туриши уларнинг ёмон гашига тегмоқда эди. Айниқса, иккита ёш бўрининг тоқат қилишлари жуда қийин кечмоқда эди. Тўдабошини сусткашлиқда айблаб, ириллаб-ириллаб қўйишмоқда эди.

Аслида тўда Ёлдор билан тўкнашгани эмас, узок, жуда узокдаги даштни қоралаб йўлга чиқишганди. Улар бу ҳудуд орқали ўртатокқа етиш ва сўнг Қурағоғ ёкалаб бориб, Бургутқўнмас қояси бикинидаги тор сўкмоқдан Ялангқирга ўтиб, адирлик оралаб даштга тушишни мўлжаллашганди. Дашт бўрилари билан юз бериши мумкин бўлган олишувларни ҳисобга олмаса, у томонларда қўнлари ёмон ўтмайди.

Агар тўданинг изми Оқманглайнинг ихтиёрида бўлганида, Ёлдорнинг авзойини қўрибок, изига қайтган, галани Узундарага бошлаб, Чўнғтоғни қора тортарди. Бу йўналиш узок бўлса-да, хавфсиз эди. Бироқ унингловчи йўқ, ёш бўрилар қонли жанг хуморида ти-

пирчилашарди. Бир хамла билан Ёлдорни махв этиш иштиёқида ёнишарди. Одатда, йўлда учраган ҳар қандай ров мана шу тарзда тез бартараф этилади. Ортиқча пачакилашиб ўтирилмайди. Уларнинг назарида, кенгаш жуда узоқ чўзилгандай эди.

Оқманглай тўдадаги озгина мавқеидан фойдаланиб, сўнги чорани ишга солди. Уларни рақибга қарши яккама-якка жангга чорлади. Сариктўшнинг гарданига суйкалиб, қор тўзғитиб кетма-кет ириллади, яъни, силар қўрқсаларинг ўзим майдонга тушаман, деган бўлди. Турган гап, яккама-якка жанг ҳамиша тўдабошининг зиммасига тушади. Бундан у бўйин товлаёлмайди. Акс ҳолда тўда унга ортиқ бўйсунмай қўяди.

Тўданинг кучига ишониб, ўзича замзама қилаётган Сариктўш қийин аҳволда қолди. Ёлғиз ўзининг рақибга қарши туриши анча мушкулга ўхшайди. Вақт йўқотмай, иссиғида хужумга ўтиши зарур эди. У бошлаб берарди, шериклари эса охирига етказарди. Кўпчилик барибир кўпчилик-да. У бу усулдан ҳамиша усталик билан фойдаланиб келарди. Агар кекса она бўри ишни бузмаганида, бир ҳамладаёқ Ёлдорни йўлдан олиб ташлашган бўларди. Энди қалтис бу вазифа ёлғиз унинг зиммасига тушиб турибди. У бир зум тараддудланиб қолди. Аммо узоқ ҳаяллаб ҳам бўлмасди. У ёш ҳамрохларининг ўтқир ва синовчан нигоҳларини бутун вужудида ҳис этаркан, ноилож жангга ҳозирлик кўра бошлади.

У хўжақўрсинга жағларини кенг очиб эснади. Белини букиб узоқ керишди. Ва сўнг вахшатли ириллаб, аста рақибни сари юра бошлади. Қолган шериклари эранқаран унга эргашдилар.

\* \* \*

Сарварни уйқу элита бошлади. Ёқимли бу мудрок музлаш аломати эканини у яхши биларди. Агар вақтида эс-ҳушини йиғиб олмаса, бу уйқу мангуликка айланиши мумкин. Бунинг учун эса ҳаракат зарур.

У аввал қўлларини қимирлатди. Сўнг танасини. Кесакка айланган чап оёғида кучли оғрик қўзғалиб, у додлаб юборди. Жони азобланса-да, ҳар ҳолда уйқуси ариди. Лекин қачонгача? Пенонасида музлаб ўлиш бор экан, қочиб қаёққа ҳам боради? Бундан кўра анови лаъ-

натига ем бўлгани афзал эмасмиди! Ёлдор эса уни гўё емоқдан ор қилгандай, ҳатто қайрилиб қарай демасди. Худди музлаб қолгандай, қилт этмасди.

Э гўддаймай ўл!

Аслида улар аллақачон бир-бирларига кўникиб бўлишганди. Ёлдор учун у йўқдек, Сарвар ҳам унга ортиқ ғаним кўзи билан қарамай қўйганди. Бошдаги хаёллар уни энди таажжубга солмоқда эди. Шу пайтгача у бўри деганда йиртқич ва тажовузкор махлуқни кўз олдига келтирарди. Унинг ириллаб чуқур атрофини айла нишини ва пайт пойлаб, устига сакрашини кутган эди. Ахир у ўз оёғи билан «қопқон»га тушганди-да. Қопқондаги жониворни инсон бирпасда саранжом қилганидек, у Ёлдордан ҳам шуни кутганди. Ёлдор эса лоақал жойидан жилишни лозим топмади. Ваҳимада қолган Сарвар, шерикларини кутаяпти, деган ўйга борганди. Бирок хануз шерикларидан дарак йўқ, ёлғиз ўзи қўкқайиб турибди.

Нимани кутаяпти ўзи бу?

Бирок бу саволга жавоб топишга унинг ақли ожизлик қиларди.

Сарвар ўзини зўр овчи ҳисобласа-да, бўрилар ҳақида билганлари одамлардан эшитган турли ривоятлару афсоналар эди, холос. Эмишки, бўри оч қолса, ҳатто томни тешармиш, яна эмишки, агар у қасдланса, ўчини олмасдан қўймасмиш. Томни тешган жониворга у ётган чуқурга тушиш нима бўпти. Енгилгина бир сакраса бўлди-да.

Ўзи қасдлангани учунми, Ёлдорни ҳам қасда юрибди деб ўйлаганди. Пичоғини яланғочлаб, турли ҳаракатларни машқ қилгани шундан эди. Қайтамга, ўрта ерда қўлининг музлагани қолди. Охири у пичоғини қорга санчиб, куҳ-куҳлаб, кафтларини иситишга тушди. Орада чуқурнинг нишаброк бўлиб кўринган девори томон силжиб, ундан чиқишни ўйлади. Оқибат, барча уринишлари беҳудалигини, ярадор оёғи билан юқорига тирмашиб бўлмаслигини англаб, судралиб яна жойига қайтди. Ёлдорни кўриб туришни истади. У ғанимининг ҳаракатларидан огоҳ бўлиш учун эмас, ёлғизликдан кўрқди. Ҳарҳолда Ёлдор тирик жон, юрагига далда бериб туради. Акс ҳолда қор босган бу тоғу тошлар ўзини ютиб юборадигандек эди.

У бу тоғлар қаршисида ўзини кум заррасидан ҳам майда ҳис қилмокда эди. Холбуки, бир неча соат бурун бу дунёга сигмайдигандек эди. Орзу ўйлари ҳам бисёр эди. Гаровда ютқазиб қўйиши ўлим билан тенгдек эди. Энди эса бунинг бариси ўз аҳамиятини йўқотган, жонидан ўзгаси кўзига кўринмасди.

Сўнгги онларда уни икки бор уйку элитди. Теварагидан кетмай, аста айланишаётган ажал шарпаси ғоят маккорлик билан ўлим тўрини ташлашга уринаётганини сезиб турарди. Унга ҳар гал чап бериш қийинлигини, агар шу созда миқ этмай ўтираверса, ажал осонгина ўз ниятига етишини яхши биларди. Йигитни, айни дамда у махрум бўлган, ҳаракатгина қутқариб қолиши мумкин эди. Бир сафар чўлда шу йўл билангина омон қолишганини у хануз эслайди.

Ов пайтида машиналари чўл ўртасида бузилиб қолганида, амалдор жўраси кўп ўйлаб турмай, йўл тадориғини кўра бошлаган.

— Машина-чи? — деган у жўрасига эргашини ҳам, эргашмасликни ҳам билмай. — Машина қолаверадими?

— Унга ит ҳам тегмайди, — деган жўраси. — Бу ерларга ҳафта-ўн кундаям биров оёқ босмайди.

— Ҳарҳолда...

— Машина жондан азиз эмас-ку, биродар, — жўраси аччиқ ҳақиқатни айтишга жазм қилди. — Агар бу ерда қолсак, машинадангина эмас, жондан айриламиз. Машинани ёқиб ҳам бу балодан қутулишимиз қийин. Бизни фақат ҳаракат қутқаради. Чўпонлар қўнолғасига етиб олсак марра бизники. Акс ҳолда жонингиздан умид узаверинг!

Улар туфланган тупук ерга тушмай яхлайдиган совуқда йўлга тушишган. Сарвар юра-юра ғалати бир сархушликни ҳис қила бошлаган, уйку тортаётганини сезган. Жўрасининг ҳай-ҳайлашлари ортиқ қулоғига кирмай қўйган. Шунда қутилмаганда қўймичига кучли тепки келиб тушган.

— Агар яна мудрасангиз, қўндоқ билан ураман! — деган жўраси узр сўраш ўрнига дағдаға қилиб. — Ухламанг! Уйку — ўлим! Сабр қилсангиз, ҳадемай чўпонлар қўналғасига етамиз.

Жўраси милтиқ қўндоғи билан урмаган-у, лекин йўл бўйи яна уч бор ўхшатиб тепган. Жаҳлини қўзитиш



учун хунук сўзлар билан сўккан. Хафа бўлишга эса унинг холи етмаган, тепкилар кучсиз, нордон сўзлар таъсирсиз, оппоқ қор босган чўл чексиз туюлган. Кейин эса, оғайнисидан анчагина ўпкаланиб юрган, ўшанда мени ёмон тепгансиз, деб. Жўраси музлаб ўлишнинг сирасрорини яхшилаб тушунтиришга мажбур бўлган. Унинг айтганлари мана энди асқотаяпти. Бироқ ҳаракатсиз одамга бу вақтинчалик чора эканини ҳам фахмлаб турарди. Имкони борича уйку тўрига илинмасликка тиришарди.

Ўшанда оғайнисидан ҳар тепки еганда, у ўксик ўйларга берилган. Нега мен бунга дум бўлиб юрибман ўзи, деб ўйлаган. Амалигаям, ўзигаям тупураман деган. Тупуришга қурби етмаслигини сезгач эса, негадир талаба йигитни эслаган. Унинг аччиқ сўзларида қандайдир ҳақиқат мавжудлигини ҳис қилгандай бўлган. Лекин нелигини англаёлмаган. Англашга эринган. Навбатдаги тепки тушиб қолмаслиги учун йўрғалашга уринган. Кейин гаплашаман сен билан, дея ўзини тинчлантиришга ҳаракат қилган. Ана шунда қарахт шуури қатидан талаба йигитнинг истехзоли чехраси қалкиб чиққан: «Бекорга чиранаяпсиз!» деган. Қутуриб сўкинмокчи бўлганида, у кумга сингандек кўздан йўқолган. Ортидан турткилаб келаётган жўраси эса буни ўзича тушунган.

— Сўкининг, сўкиनावеринг! Фақат ухламанг! — деган. — Онадан сўкинасизми, отадан сўкинасизми, мутлақ хафа бўлиш йўқ. Лекин ухламанг, илтимос!

— Сизни сўқаётганим йўқ. — У ҳушёр тортишга уринади. — Сизни сўкиб ўлибманми! Ахир сиз... Сизни сўкиб бўладими!

— Йўқ, сўкиनावеринг.

Тун пардаси чулғай бошлаган дашт қаъридан яна талаба йигит тиржайиб чиқади: «Айтдим-ку, бекорга чиранманг кўп деб! Сўқолмайсиз! Чунки сиз одамларни табақалаштириб, шунга қараб муомала қиладиган пасткаш бир кимсасиз. Эрта бир кун бу амалдан кетса, ҳол сўрашга ярамайдиган бандасиз! Яна айтайми кимлигингизни?...» Сарвар қўлини тўлғаб, уни ўзидан нари ҳайдамокчи бўлади. Аммо елкасига келиб тушган турткидан мункиб кетади. Қаддини базўр тиклаб, қаршисида тагин

совук даштни кўради. Даштнинг узок бир бурчида липиллаётган чирокка кўзи тушади.

— Энди ўлмаймиз! — дейди ҳикиллаб.

— Ўлишингизга йўл ҳам қўймаймиз-да! — дейди жўраси шодон ва толғин овозда. — Ухласангиз, яна туртаман!

Буни қарангки, совук даштда фашига теккан талаба йигит бу ерда ҳам уни тинчига қўймаётган эди. Истеҳзоли кулимсираганча нукул ухлашга ундарди.

— Ухланг-ухланг! Бахузур ухлайверинг!

Мудрай бошлаган Сарвар тўнғиган лабларини базўр кимирлатади.

— Мумкин эмас, ухласам — ўламан.

— Бу билан дунё ҳеч нарса йўқотмайди, ухлайверинг!

— Биладан, қўйнингда тошинг бор.

— Менда тош нима қилади.

— Унда нега мени ёқтирмайсан?

— Дунёқарашингиз жуда кир-да...

— Лекин мен ҳам сени ёмон кўраман!

— Сиз ўзингиздан бўлак, ҳеч кимни яхши кўрмайсиз.

— Тўғри топдинг лекин.

— Шунинг учун ҳам ухланг деяпманда.

— Тонг отсин, сен билан кейин гаплашаман!

— Сизни тонгингиз отармикан?

— Бунча тилинг захар-а?

— Бўларим шу.

— Таъзирингни бермасимдан, қорангни ўчир!

— Сиз эса, ухланг.

— Э, йўқол!

Сарвар мункиб, уйғониб кетади.

Кўзларини очиб, дўнгда бир гала қорани кўради. Қарасаки, бир тўда бўри. Умри бино бўлиб, бунча бўрини бир ерда йиғин ҳолда учратмаганди. Аммо юрагига кўркув туйғусини ҳис қилмади. Ахир тўнғиб ўлдинг нима-ю буларга ем бўлдинг нима — бари бир гўр эмасми. У нарида ях қотган қорга санчиб қўйилган пичовига кўз қирини ташлаб қўяди. Лекин уни қўлига олишга интилмайди. Бошини деворга суяганча, юқорига лоқайд тикилади.

Бир оздан сўнг дўнгдаги воқеани, яъни Ёлдор фаним тўдага қарши тиш қайраб турганини секин-аста фаҳмлай бошлайди. Ёлдорнинг ҳолати жуда бежо эди. Яғрин тукларини хурпайтирганча, қоя янглиғ қотиб турарди. Фаним томон эса бу «қоя»га урилиб, чилпарчин бўлишдан чўчиётгандек эди.

Охири улардан бирининг сабри тугади шекилли, тўдадан ажралиб чиқди. «Қоя»га бирдан ташланмай, ириллаганча унинг атрофини айлана бошлади. «Қоя» — Ёлдор, бошини бир оз бурганини демаса, қилт этмай тураверди. Чамаси, унинг назари тараддудланаётган бошқа бўриларда эди. Теварагини айланаётган йиртқични унча писанд қилмаётгандек эди. Шунда Ёлдордан сал нарида чўнқайишган бўрилар сафидан яна бири олдинга интилди. Аммо у кутилмаганда иккинчи бир бўри томонидан қайириб ташланди.

Кўз ўнгида юз бераётган бу манзара Сарварга жуда кизиқ туюлди. Хаяжонданми, танига қон югуриб, жиндек исигандек бўлди. Бу орада хануз ириллаб айланаётган йиртқич тўсатдан Ёлдорга ташланиб қолди. Ўртада олатасир олишув бошланди. Итларнинг ўзаро талашганини кўп бор кўрган Сарварнинг Ёлдорга раҳми келди. Негаки, одатда, бегона ит бошқа итлар томонидан жамликда аёвсизларча таланади.

Бироқ у кутган ҳодиса юз бермади. Дўнгда саф тортганча олишувни кузатаётган бўрилардан бирортаси жангга аралашмади.

Сарвар таажжубдан донг қотди ва хаёлига келгани шу бўлди: «Э, тавба! Жондорлар йигитларча уришаркан-ку!» Унинг синчков нигоҳи манглайида қашқаси бор жониворнинг ҳаракатларини назардан қочирмади. Оқманглайли бу йиртқич жангни кузатишдан кўра, кўпроқ сафдаги бошқа бўриларга кўз-қулоқ бўлиб турарди. Ана, у яна бир шеригини ортга ҳайдади.

Бу иккиси эса қорни тўзғитиб, бешафқат олишарди. Фаними зўр, Ёлдор эса ундан-да кучлироқ эканлиги тезда аёнлаша бошлади. Фаним тўсатдан ангиллаб юборди. Ёлдор навбатдаги ҳамлага ҳозирлангунча бўлмай, у думини қисганча қочиб қолди. Шериклари унга эргашди.

Тўда майдонда Ёлдорни ёлғиз қолдириб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Ёлдор дўнгда бир оз чўнкайиб ўтирди. Тумшугини чўзиб хид олди. Қор босган водийга узок тикилиб қолди. Сўнг ошиқмай изига қайта бошлади. «Ўра» ёнидан ўтаётганда, андак тўхтади. Сарварга шунчаки бир кўз ташлаб, яна йўлида давом этди.

Бу вақтга келиб Сарвар бўри зотидан умуман чўчимай кўйганди. Ёлдор ҳақидаги дастлабки ўйлари энди унга жуда кулгили туюлмоқда эди. Аммо унинг кулмоққа чоғи йўқ, бўрилар олишуви пайтида хаяжондан хиёл қизиган вужуди тагин совқота бошлаганди. У Ёлдорнинг ўрнида ити бўлмаганидан ўкинди. Агар Диккиқулоқ тирик юрганида, уни бу ҳолга ташлаб кўймаган, аллақачон кишлоқдан одамларни бошлаб келган бўларди. Диккиқулоқнинг қотили эса унга шунчаки бир қараб ўтди-кетди. Бирок у негадир Ёлдорга нисбатан ғазаб ҳис қилмади.

Юқорида музлаган қорнинг қисирлаши эшитилганда, тагин унинг кўзи илина бошлаганди. Ўлимга чорловчи бу уйқу шу қадар ширин эдики, ортик кўз очишни истамай турганида, Ғуччи пақананинг овози эшитилди.

— Ия, ака, нима ётиш бу?!

Сарвар кўзларини очиб, «ўра» оғзида анграйиб, ҳам қувониб турган Ғуччи пақанани кўрди.

— Изингизни олиб келаяпман, — деди у «ўра»га тушмоқ учун қулай жой қидириб. — Қўнглим сезгани бўпти-да. Ёмон йиқилмадингизми ишқилиб? Ҳозир олдингизга тушаман.

— Тушманг! — Сарвар жонланиб, қўли билан, тўхта, дегандай ишора қилди. — Туша кўрманг! Барибир фойдаси йўқ. Оёқни синдириб олганман. Арқон керак.

Бу гапдан сўнг Ғуччи пақана чуқур оғзида бир зум серрайганча туриб қолди. Негадир у ён-бу ён қаранди. Кейин сўрагани шу бўлди.

— Э, милтиқ қани?

Сарвар шу тобда кўзига ҳар қандай туғишганидан зиёда бўлиб кўринаётган йигитга жилмайиб қараш билан чекланди.

— Тушунарли, — деди Ғуччи пақана ҳеч нарсани тушунмаган бўлса-да. — Ҳозир одам бошлаб келаман. Арқон ҳам олиб келаман. Эмасам, кетдим мен.

У қасир-қусур қор босганча тезда кўздан йўқолди.

Сарвар тошдеворга беҳол суянди. Негадир йиғлагиси келди. Қувончданми ё ғамданми, ҳар ҳолда ич-ичидан нимадир тўлқин уриб келмоқда эди.

У жилмайган кўйи йиғлай бошлади.

\* \* \*

У Ғуччи пакана бутун қишлоқни бошлаб келади деб сира ўйламаганди. Қишлоқда эркак борки, деярли бари келганди.

Эпчил йигитлар арқонга осилиб, осилмай чуқурга туша бошладилар. Турган гап, Ғуччи пакана ҳаммадан кўра кўпроқ жон куйдирарди. Бақириб-чақириб йўл-йўриқ кўрсатишга тиришарди.

— Шунча одамни овора қилишингиз шартмиди? — Сарвар хижолат тортганини яширолмади. — Кишини уятга кўйдингизда.

— Э, нимаси уят бунинг! — Ғуччи пакана ўқтам овозда шанғиллади. — Одам одамга шундай пайтда қайишмаса, қай пайтда қайишади. Мен бировга юр демасим, овоза қилдим. Аммо лекин Ботир ака билан Султон акага юринг деганим рост. Бошқаларнинг ўзлари келишди. Элчилик-да, элчилик! Элдан айланай! И-и, оврияптими?

— Йигитлар, эҳтиёт бўлинглар! Зоқир, сен пастдан тут! Жуда имилладингда, Абдурайим! Ҳа, шундай. Баракалла! Арқонни қориндан эмас, қўлтиқ тагидан сол, шунда тортиб олиш осонроқ бўлади.

У Шойим йўғонга «ўра» оғзида рўпарў бўлди. Шойим йўғоннинг кўзларидан тўнглик ариган, бошқалар каби ҳамдардлик билан боқиб турарди. Йигитлар кўкрагини сириб турган арқонни еча бошлаганида, у Шойим йўғонга юзланди. Ҳеч бир ички изтиробсиз деди:

— Ака, сиз ютдингиз.

Аммо Шойим йўғон у кутганчалик қувонмади, ирғишламади. Қарашлари бир оз тўндлашди-ю, лекин ҳеч қандай ўзгариш юз бермади. Оғзидан оппоқ ховур чиқариб, муштумига йўталди. Кейин бирдан эсига тушгандай, ошиғич бир ҳаракатла устидан қалин пўстинини

ечди-да, совукдан калтирай бошлаган Сарварнинг елка-сига ташлади.

— Бир нима дегандай бўлдингизми? — деди сўнг хардамхаёл охангда.

— Гаров...

— Эздан чиқаринг!

— Ахир...

— Кўп майда гап бўманг!

— Лабз...

— Сурув меникими?

— Сизники.

— Унда мен уни омон қолган жонингизга сийлов қилдим. Каттазанглик қилмаганингизда шу балолар йўқ эди. Бундан сўгин давлатингиз билан мақтанманг! Агар жуда ошиб-тошиб кетган бўлсангиз, ярмини, ана, паканага беринг. Қуймайсиз. Жонингизни омон сақлаб қолган шу-да.

Одамлар орасидан Ғуччи пакананинг норози овози эшитилади.

— Ака, менинг отим бор!

— Узр, Ғуччи ака, — Шойим йўғон кулади. — Тил қурғур бесуяклик қипти. Минг бор узр.

— Сизга одамни калака қилиш бўлса... — Ғуччи пакана тўнғиллай-тўнғиллай унинг узрини қабул қилади. — Бундан сўнг эшитмай, қаттиқ хафа бўламан.

Қор устига ёзилган чакмонга авайлаб ётқизилган Сарварнинг кўзи наридаги нураган қояга тушаркан, унинг пойида содир бўлган бугунги воқеани эслади. Назарида, Ёлдор уни бошқа бўрилардан химоя қилгандек туюлди. Ёлдор қувиб солмаганида, улар мени тирик қўймасди, деган хаёлга борди. Бу ўй илгарироқ миясига келмаганидан ўкинди.

— Ака! — деди Шойим йўғонни ёнига имларкан, овози товланиб. — Шу... Ёлдорга тегмасак! Оддий жондор десам, зўр йигит экан у! Қўйинг, ўз майлида юраверсин!

— Бизам шу ўйдамыз, — деди Шойим йўғон ниманидир англагандай. — Майли, ўз эркида юраверсин.

Ўша куни оқшом Фуччи пакана янги гап топиб келди.

Бу пайтда Сарвар иссиқ хонада, печкада гуриллаб ёнаётган ўтга хаёлчан термулганча, одамларнинг ғамхўрлигидан эркаланиб ётарди. Тахтакачланган оёғи қўшни кампир қўйиб берган курси устида, қандайдир гиёх қўшиб дамланган чойдан майда хўплаб, ғарқ терга тушганча, том маънода, эркаланиб ётарди.

— Ёлдор ўзига шерик топиб олибди, — деди Фуччи пакана эшиқдан кира-кира. — Иккиси Зарангбетда қувлашиб юрибди. Менимча, топгани қанжиқ, ўзини тутиши бошқачарок...

— Яқинда сизам қувлашиб қоласиз, Фуччивой, — деди бунга жавобан Сарвар акаларга хос салмоқли оҳангда. — Етар шунча вақт эркин юрганингиз.

— Нима деганингиз бу, ака?

— Сизни уйлантирамиз деганимиз бу.

— Э, одамни уялтирманг кўп!

Қўшни кампир лаганда овқат кўтариб кирганида, улар шовқинлашганча, режа тузишар, уларнинг кайфиятидан андоза олгандек, печкадаги ўт шўхчан чирсиллар, ташқарида эса тунги бўрон қўзғалганди.

У худди оч бўридай ув тортарди.

# Ҳикоялар



## ЕТИМ ҚОЛГАН ГУЛЛАР

Қайноқ гармсел ҳар қутурганда, шаҳарча куюк тўзон ичида қолади.

У бийдек даштнинг қоқ киндигида бўй ростлаган бу шаҳарчани ер юзидан супуриб ташламоққа аҳд қилгандек, тўлғониб, юлқиниб, куюн уюриб эсади. Сўнг шиддати андак сусайгандек бўлади-да, тағин янғидан куч олиб, кўп каватли қизғиш виштин уйлар-у, кўкка найзадек санчилган қувуридан куну тун кўкиш-қорамтир тунун аримайдиган корхонанинг катта-кичик, баланд-паст биноларини қайноқ нафаси билан ялаб, шаҳар кўчалари бўйлаб оч бўридай изғиркан, ўткинчиларнинг юзи-кўзига қум сочгани етмагандек, қандайдир мўъжиза билан омон қолган йўл бўйидаги яккам-дуккам дарахтларга ёпирилади, улар вужудидаги охириги намликни сўриб олиш пайида қуйиб-пишади.

Гармсел азалдан яшил рангни ёмон кўради.

Дашт сап-сарик.

Шаҳарча ҳам шу тусда.

Дарахтлар эса яшил доғдек жуда хунук кўринади кўзига.

Яшил рангга эса, синглиси — сарин ел ўч. У кўкламда уйғониб, саратонгача даштда жавлон ураркан, борликқа баҳор нафасини уфуради. Бу пайтда қайноқ гармсел қирнинг гадоё топмас бирор ўнгирида биқиниб ётади. Ҳаво қизиб, сарин ел олисдаги тоғлар бағридаги арчазорга чекиниш билан гармселга жон қиради. Тушов узган айғирдек ирғишлайди. Майсаларни қуришиб, чечакларни қақшатиб, шундай қутурадики, унинг ўтли нафасидан яшил борлик сарғиш тус олади. Кўча бўйларидаги ариқчалар қуриб, ўт-ўланлар хас-хашакка айланади. Қисқаси, акаси — куз шамоли кўзгалгунга қадар,



у даштда танхо ҳукмрон — яшил тусда неки бор, бари-ни қуритиб, мавх этмокка уринади.

Ҳар йили шу ҳол, шу аҳвол.

Бирок бу сафар шундай бир синоат юз бердики, тонгданок ер-кўкка оташ пуркаб келаётган гармсел ҳайратдан бир лаҳза донг қотди. Қайноқ нафаси ичига уриб, бир қалқиб тушди. Сўнг кўзларига ишонмай, ай-ланиб-ўргилиб боқди.

Йўк, кўзлари алдамаган.

Шаҳарчага кираверишдаги тўрт қаватли бинонинг чап қанотида, оппоқ ҳарир парда тутилган энг қуйи де-раза тагидаги кафтдек ерда бир неча тўп атиргул чаман-дай очилиб турарди.

Қип-қизил!

Шаҳарчага хос бўлмаган ҳол эди бу.

Сарин елнинг эркаси бўлмиш бу гуллар, ўзларига не бало кўз тикиб, турганидан мутлақо беҳабар, тонг нурла-рини хушнид қаршиламокда эди. Гармсел уларнинг бу навозишидан қаҳ-қаҳ уриб кулди. Қайноқ нафас уфу-риб кулди. Оқибат, кечга томон атиргул япроқлари шалвираб тушди.

У тантана қилди.

Аммо эртаси гулларни тийрак ҳолда кўриб, тааж-жубдан гармселнинг эси оғиб қолаёзди. Бу жумбоқнинг тагига етмок ниятида, чир айланаркан, тунда ва тонгда гуллар суфорилоганини пайқади. Билдики, атиргуллар даштдаги ҳимоясиз чечак эмас, меҳрибони бор улар-нинг.

Қайноқ гармсел шундагина илк бор киши хонасига мўраламок истагини туйди. Оппоқ тўшакда пиш-пиш ухлаётган қизчаси тепасида хаёлчан ўтирган хушрўй жувонга кўзи тушди. Негадир ғамгин эди у. Шаҳарчага бегона, гармсел илгари уни ҳеч учратмаган. Ётлиги — шаҳарча аҳлига хос лоқайдлик йўк эди чехрасида. Ту-риш-турмушидан нафосатга мойиллиги сезилиб турарди. Ҳаётга ташна, ўз навбатида, ғоят маъюс эди.

У гоҳ жувонга, гоҳ сув тўла стаканга солиб қўйил-ган бир дона атиргулга, гоҳ ҳарир парданинг бежирим бурмаларига, гоҳ тўшакда беғам, бетанвиш ухлаётган қизалоқнинг лўппи юзларига ўшшайиб тикиларкан, бир-дан ғазабла ичкарига интилди. Аммо унинг бу ҳаракати дераза ойналарига беҳуда бош уриш билан чекланди.

Кейин беихтиёр жувоннинг хаёлига эргашди. Шу пайтгача ўзини энг тезкор деб биларди. Ахир дашт бағри-ни қовжиратиб, қир тўшини қақшатиб, шаҳарчани тўзонга буркаш унинг учун бир лаҳзалик иш эди-да. Буни қарангки, жувоннинг хаёли ундан учқур чиқиб қолди.

У қизчаси бошида қолган жувоннинг хаёлига эргашиб, унга зўр-базўр етишиб елди. Хаёл уни кўм-кўк водий бағридаги ям-яшил қишлоққа бошлаб келди. Бирок бу ерда унинг шашти пасайди. Негаки, бу ўлка катта синглиси — майин шабада тасарруфида эди. Синглиси бўлиқ бошоқлар бошини сийпаб, кўм-кўк дарахтлар япроғини ўйнаб, бу томонга йўл йўқлигини назокат ила англади.

Кўз ўнгида ястанган ям-яшил манзарадан торикқан гармсел синглисидан жувоннинг кимлигини сўради. Деразаси тагига гул экиб, ёмон ғашига тегаётганидан нолиди.

Майин шабада дарахт япроқларини эркалаб, ариқ бўйидаги майсалар бошини силаб, маъюстоб бир ҳолатда қишлоқ ховлиларидан бирига имо қилди.

Гармселнинг оловкор кўзлари ўткир эди. У ховлида ивирсиб юрган қандайдир бир йигитни кўрди. Унинг дидсиз ва ҳиссизлигини бир қарашдаёқ илғади. Аммо бундан бирор ёмон маъно топмади. Ахир ўз худудидаги шаҳарчада бу хил кимсалар қанча. Шу боис, синглисининг маъюс тортишидан ўзгача кулди. Фаҳмлагани шу бўлдики, жувон ўз хонадонига сифмай, қишлоғидан бош олиб кетган. Унга қолса, жувон дунёнинг нариги чеккасига улоғиб кетмайдими. Неча пуллик иши бор бу билан унинг. Ёқмаётгани, дераза тагидаги атиргулларга нисбатан бўлакча меҳри эди.

Ўша атиргулларни қовжиратмаса, кўнгли сира жойига тушмаслигини бот сезган гармсел, синглисига хайрмаъзурни насиё этиб, шиддатла изига қайтди. Қир бегидан ялаб, яйдоқ даштдан супуриб олган тўзонни шаҳарча устига сочарқан, дераза тагидаги гулларга шу қадар ғазаб билан ташландики, унинг бу бемисл қаҳридан дала чечаклари зумда қовжираб тушган бўларди. Атиргуллар эса пинак бузмади. Бунга сари, гармселнинг жувонга нисбатан адовати орта борди. Негаки, жувоннинг қарови бўлмаганида, атиргул деганлари бир кундан ор-

тиғига бардош беролмасди-да. Бундан ҳам ёмони, жазирама иссиқ туфайли ланжлик балосига йўликқан шаҳарча аҳли жувондан ибрат олгудек бўлса, шаҳарча гулга тўлиб, бу ҳудуд ўз-ўзидан синглиси майин шабада тасарруфига ўтиб кетиши мумкин.

Бунга эса чидаши қийин.

Гармсел ҳадик оғушида шаҳарчани бир айланиб чиқди. Йўқ, хавотирли ҳеч нарса илғамади. Деразаларини қалин пардалар билан тўсиб олган шаҳар аҳли ўша-ўша ланж ва мудроқ ҳолатда эди.

Хатто итлар кимир этмас, қушлар қанот қоқай демасди.

Бутун борлик жазирама иссиқ измида, ёлғиз атиргулларгина оловдай яшнаб турарди.

Кейинги тонгда даштдан қувват олиб, шаҳарчага ошиқаркан, одатдагидек, кўчаларда изғиб, бинолар сиртини ялаб-юлқади. Узун қувурдан бурксиётган тутунни тўзонга кориштирди. Чанга беланган кўримсиз дарахтлар юрагига ваҳима солиб ўтди. Қаровсиз болалар майдончасида қуюн кўтариб, бамисоли илондай эшилиб, тўлғаниб, беармон ўйнади.

Ва сўнг бирдан яна атиргулларни эслаб қолди.

Улар томон ошиқди.

Бинони ёнлаб ўтаётганида, тўртинчи кават деразаларининг биридан ўғринча улоқтирилган чикиндилар гармселнинг қанотига илашди. Гармсел бир юлқиниб, уларни чор-тарафга сочиб юборди. Қоғоз парчалари, пиёз қобиклари ҳавода ўйнаб, гўшт ва балиқдан бўшаган консерва бангалари ерда думалаб кетди.

Бу хил чикинди итқитишлар гармселга таниш ҳолат бўлгани сабабли, у бундан ажабланиб турмади. Аммо атиргул пуштасига тўкиб кетилган ахлат уюмига таасуфла тикилиб турган жувонга кўзи тушгач, юз берган бу воқеадан ўзида йўқ қувониб кетди. Файрати жўш уриб, гулларга ёпишганди, чикинди уюмидан бадбўй хид таралди. Жувон оғзи-бурнини тўсганича ортга чекинди. Сўнг уйдан челақ ва супурги олиб чиқиб, чикиндиларни супуриб-сидираркан, орада қаддини тиклаб, зич ёпиқ деразаларга бир-бир кўз ташлаб чиқди.

Жувон, буни биров атай тўққан, деган гумонга борганди. Гармсел унинг бу ўйдан кулди. Биладики, жувонга бировнинг қасди йўқ. Шунчаки эринчоқ қўшнила-

ридан бири наридаги тўқиндихонага боришга эриниб, челагини гуллар тагига ағдариб кета қолган.

Пана-да, биров кўрмайди.

Ўша кундан эътиборан, у деярли ҳар тонг жувонни атиргуллар ёнида ғамнок ҳолда учратадиган бўлди. Ва қарамасданоқ англардики, яна кимдир гул пуштасига чиқинди тўла челагини ағдариб кетган. Атиргулларни қовжиратиб, суюкли туси, сарғиш ранг қатига сингдиролмаслигига аллақачон фаҳми етган гармселга бу жуда қўл келди. Эндиликда у аламини жувоннинг изтиробга тўла нигоҳини томоша қилиш эвазига босадиган бўлди.

Жувоннинг аламнак кўзлари эса ҳар сафар қатор деразалар бўйлаб беҳуда кезинарди. Ўнлаб хонадонлардан иборат бу уйдан айбдорни топмоқ маҳол эди. Охири у ҳайбатидан от ҳурқадиган қўшниларидадан бирига дил ёрмоққа мажбур бўлди.

Ҳозиргина муюлишдаги пастқамгина емакхонадан еб-ичиб чиққан кимса жуда бепарво эди. У тишини кавлай-кавлай, бир гулларга, бир жувонга тикиларкан, на гулнинг бўйини сизди, на жувоннинг дардини илғади. Қайноқ ҳавода нафас олмақнинг ўзи душвор бўлиб турганида, қулоғига гап кирармиди. Кимса ҳиссиз нигоҳини қайта гулларга тикаркан, қисталиб турган эмасми, туйган бирдан-бир истаги шу бўлди: «Енгиллашиб олмаққа зап пана жой экан-да лекин...» Сўнг тушга яқин зиёфатга айтилганини, унғача бир зумгина мизғиб олиши лозимлигини ўйлади. Унинг бу қадар боқибегамлиги гармсел томонидан қайноқ «ўпич» ила тақдирланди. Бундан бетоқатланган кимса ўзини салқин йўлакка урди.

Гармсел эса тинмай кутуришда давом этарди. Шаҳарчани тўзонга бурқаб, беармон чарх урарди. Борлиқ ёлғиз унинг измида эди.

Фақат атиргулларгина...

У навбатдаги тонгларнинг бирида шаҳарча чеккасида қизчасини етаклаган жувонга дуч келди. Ажабланиб, шаҳарчани бир қур айланаркан, атиргуллар нолаасидан, жувон шаҳарчани бутунлай тарк этаётганини пайқади. Бу хил нолааларни сезмоққа инсон боласи ожиз. Гармсел эса ҳар балони англарди. Жазирама иссиқдан инграшаётган дарахтлар оҳини, қақраган ариқлар зорини, яшил

майсалар фарёдини, қисқаси, ҳамма нарсани англарди, фаҳмларди.

У тантанавор қаҳ-қаҳ урганча дастлаб жувонга ёпишди. Этагидан торткилаб, юзи-кўзига қум сочиб, обдон аламини олди. Сўнг эгасиз қолган атиргуллар томон елди. Гулларни торткилаб, тагидаги чиқиндиларни чор-тарафга сочқилаб ўйнамокни бошлади.

Шу пайт эшикда ахлат тўла челақ кўтарган бир йигитча пайдо бўлди. У эринчоқ ҳаракатла эшикдан берида тўхтаркан, челагини ерга қўйиб, сигарет тутатди. Сўнг кенг майдонда бир-бирларини қувлашиб ўйнаётган майда куюнларга, тўкиндихона теварагида ўралашаётган итларга, тошйўлакни деярли тўсиб қўйган пачоқ машинага бирин-сирин боқаркан, кир оламга қўниккан лоқайд нигоҳи гармсел исканжасида тўлғанаётган атиргулларни четлаб ўтмади. Шу орада бир зумга узилган кўзлари қайта гулларга қадаларкан, бу сафар хийла узоқроқ тикилиб қолди. Четдан қараганда, у гулларга маҳлиёдек эди. Аслида эса, у гулларни эмас, пуштасига тўкиб кетилган чиқиндиларни кўриб турарди.

У наридаги тўкиндихонага ўшшайибгина қараб қўйди-да, сўнг челагини кўтарганча, гуллар томон зипиллади.

Қайноқ гармсел эса хануз тинмай қаҳ-қаҳ урар, у хар қаҳ-қаҳ урганча, кўкдан тўзон ёрилиб, ердан чанг кўтариларди...

## **КЕКСА ТУТ**

Тепки зарбидан кекса тут дарахти қаттиқ сесканди. Бу хил зарбларга қўниккан бўлса-да, бунисига чидаши хийла оғир кечди. Кекса танаси ич-ичидан зириллаб кетди. Шунга қарамай, сир бермасликка тиришди. Ички ингрофини еллар торткилаб ўйнаётган япроқлари шовури остига қўмиб, қаддини ғоз тутишга уринди.

Уни Ашур узуннинг тўнғич ўғли тепган эди. Йигит укаларини бошлаб томорқа адоғидаги даладан қайтаркан, тутқич бермаган рақиблари Ёвқошнинг аламини кекса тутдан олган, яъни ховурини босганди. Ҳамиша шу — қўшнилари ёқалашади-ю, балога тут қолади.

Жанжал якунида мағлуб ҳам, голиб ҳам уни тепкилаб ўтади.

Шу боис, у навбатдаги кутилаётган зарбалар дахшати-дан япрокларигача қалтирамоққа тушганди. Аммо кутилган зарба бўлмади. Акаси изидан келаётган қошлари туташ, коратур йиғитча тутга етиб-етмай, ортига ўгирилди. Қонга тўлган кўзларини аланг-жаланг қилиб, оқшом пардасига чулғанаётган даладан отасини қидирди.

Ота-Ашур узун томорқа адоғидаги дўнгда хануз ўзига келолмай, харсиллаб ўтирарди. Қизик устида югуришга югуриб қўйиб, энди нафасини ростлаёлмай ҳалак эди.

У ўғлининг қараб туришидан уялди. Қўлидаги суйилга таяниб, ўрнидан кўзгалди. Ўзини тетик кўрсатишга тиришиб, даладан Ёвқошни қидирган киши бўлди. Билади, даланинг қайси бир бурчида бикиниб ўтирган ракиби ҳали-бери қорасини кўрсатмайди. Бу томон тўла-тўкис ҳовуридан тушмагунча бекинган жойидан чиқмайди. Хар сафар шу ахвол — Ёвқош осонгина кочиб кутилаверади, Ашур узуннинг алами ичида қолаверади. Қани энди, мана шу суйил билан бошига бошлаб бир туширса, тагига босиб, обдон пиймаласа. Бир пайтлар олдинга солиб қувлардинг, энди холинг қалай, дея юзи-кўзига аямай мушт туширса! Бироқ Ёвқош деганлари кийикдан чаккон, ҳеч тутқич бермайди. Уни ҳатто ўғиллари қувиб етолмайди. Ё кўрққан одам эпчил келармикан? Бир вақтлар ўзи ҳам Ёвқошга тутқич бермасди. Ўғиллари гўдак эди, у кўшнисининг олдига тушиб кочиб юрарди. Энди эса...

Ёвқошдан қочиб юрган даврларини эслаб, Ашур узуннинг қазаби баттар қайнайди. Қўлидаги силлиқ суйилни маҳкам чангаллаб, яна бир сидра далани кўздан кечиради. Даштда жон асари сезилмагач, аста йўлга тушади. Катта ўғли ҳовлига етган, иккинчиси тут тагида сўппайиб, хануз кутиб турар, ундан кейингиси, қоқилиб тушган шекилли, анча берида оқсоқланиб борарди.

Ашур узун ўғлининг оқсоқланишига аҳамият бермади. Унинг диққатини энг кейинда пилдираб бораётган кенжа ўғли тортганди. Кенжаси яқинда еттига тўлган бўлиб, бугунгидек қув-қувга биринчи бор аралашуви эди. Ашур узун ўғлини мамнун қузатаркан, хунук ишшайди: «Хе, отасининг ули, бўш кемайсан!»

Отанинг дўнган эна бошлаганини кўрган иккинчи ўғил йўлида давом этаркан, тут ёнидан ўтаётганида, худди жин теккандек, бирдан дарахтга ташланиб қолди. Кафтнинг қирраси билан унинг ғадир-будир танасига бир неча бор зарба берди. Тутни Ёвқошнинг ўрнида киёс этиб, ўзича хуморини босган бўлди.

Кекса тут бу гал зарбдан эмас, йигитчанинг юрагидаги тўла ададсиз кек ва адоватдан қалтираб кетди. Тавба, одам боласи бу қадар ғазабу нафратни қандай қилиб кўнглига сиғдира оларкан? Юраги тарс ёрилиб кетмаганини бунинг!

Йигитча тутдан узоқлашаркан, сўқмоқда ётган муштдай кесакни ҳам тинч кўймади. Куч билан уни кўшни томорқа томонга тешиб юборди. Навбатдаги тепкисидан эса сўқмоқ бўйидаги гулхайри қок белидан чирт узилиб тушди. Йигитча бу ишидан жуда мамнун бўлди. Тепмоққа нарса қидириб, теваракка аланглади. Кўзи шудгордан наридаги бедапояда қантариғли турган Ёвқошнинг эшагига тушиб, бир хаёли уни азобламоқ истади. Бироқ шудгор кечиб юришдан эринди.

Аслида бугунги жанжал мана шу шудгор туфайли келиб чиққанди. Ёвқош буғдойдан бўшаган ерини хайдатаркан, ёввойи ўт илдизларини териб, сўқмоқ ёқасига уйганди. Икки томорқа ўртасидан ўтган сўқмоқ умумий хисобланса-да, бу нарса Ашур узуннинг нафсониятига тегади: «Ол! — дейди эски адовати кўнглида гимирлаб. — Йўқот бунни еримдан!» Табиий, Ёвқош ҳам бўш келмайди: «Қачондан бери сўқмоқ сенинг еринг бўп қолди?!» Иккиси ҳам эшакдан баттар қайсар эмасми, одатдагидек, муросадан кўра, тешишмоқни маъқул кўрадилар. Аммо Ашур узун кўпчилик, Ёвқош ичида ўғил туғиб бермаган хотинини лаънатлаб, тагин қочмоққа тушганди...

Кекса тутнинг ҳадиги энди оқсоқланиб келаётган йигитчага қаратилганди. Бир оздан сўнг унинг ўзи билан ўзи оворалигини сезгач, хиёл енгил тортди. Холбуки жангариликда бу йигитча акаларидан сира қолишмасди. Уларга таассуб қилиб, тутга кўп азоб берарди. Бу хил юмушдан энг кейинда пилдираб келаётган кенжа ўғилгина мустасно эди. У тутга осилиб ўйнамоқни хуш кўрарди. Азалдан болаларни яхши кўрадиган тутга унинг танасига тирмашишлари жуда ёкарди.

Хозир ҳам у шунӣ жуда истамоқда эди. Негаки, акаларининг кек ва адоватидан қарахтланган вужудига боланинг эрқаланишлари бамисоли малҳамдек татирдида. Аммо бола ҳали олисда, то у етиб келгунга қадар кекса тут йигитчалар томонидан қолдирилган адоватли хислардан япроқларигача титраб турмоққа маҳкум эди.

Кекса тут барча дарахтлар каби ўзга туйғуларга жуда сезгир эди. Танасига теккан бармоқларданоқ қўл эгасининг кайфиятини дархол уқиб оларди. У меҳрдан яйрарди, қаҳрдан қалтирарди. Бироқ энг ёмони шунда эдики, унинг бу ҳолатини одам боласи пайқамасди. Кишилар учун у шунчаки бир тут эди. Пилла қурти учун йилда бир новдаларини чала-чулпа кесиб олишларини демаса, қолган пайт у билан бировнинг иши йўқ эди. Дарвоқе, тут ўз меваси билан болаларни сийламоқни ёқтирарди. Кесилмай қолган новдаларида ёқутдай товланувчи меваларига болаларнинг оғзи текканда, у ғалати бир туйғудан сармаст бўларди. Нечун қуёш остида яшайпти, заминдан нечун қувват олаяпти, бу вақтда тирликлик қарзини узаётгандек хис қиларди ўзини.

Кекса тут илдиз отган бу замин қадимда яйдоқ даштнинг бир қисми эди. Даштнинг бу бўлагига Восиқ полвон эғалик қилганида, кишлоқ ҳозиргидан юз барабар кичик, ер дегани бисёр эди. Восиқ полвон ўзини қора тортиб келган жонажон дўсти Бакир полвонга ерининг ярмини ҳадя этаркан, тут икки ер ўртасида белги бўлиб қолади.

У пайтда дўстлар эндигина уйланишган, ягона ширин орзулари бир этак полвон ўғил кўриш эди. Бироқ бандасининг истаги эмас, худонинг буюргани бўлади дегандек, тўнғичларида полвонлик сиёғи сезилмайди. Буни пайқаган Восиқ полвоннинг қовоғи осилади. Бакир полвон уни, ундан ҳам кўра ўзини юпатмоқ ўйида дейди: «Суягини қотириб, қора меҳнатга солсак одам бўлишар, жўра». Восиқ полвон кенг кўксини сийпалаб, чуқур хўрсинади: «Бўлар бола бошидан деганлар, дўстим. Булардан полвон чикмайди». Шунга қарамай, уларнинг умидлари катта эди, беллари тўла бола, ҳали қанча ўғил кўришади. Бироқ яна ўғил кўриш дўстларга насиб этмади. Айни кишда Бакир полвоннинг ота юрти, тоғ кишлоқларидан бирига тўйга отланишиб, йўлда қор кўчкиси остида қоладилар...



Шундай қилиб, дўстлар сўнгги нафасларигача ахил колдилар. Турган гап, улар болаларининг ҳам шундай бўлишларини исташарди. Бироқ куз окшомларидан бирида Восиқ полвондан жиддий бир хато ўтганди. Одатдагидек, тўрда хирмондай бўлиб ёнбошлаб ётаркан, оғзидан шу гап чиқиб кетади: «Бакир полвоннинг ери асли бизники, ошначилигим ҳурмати ҳады этганман мен унга...» Восиқ полвон бу гапни не мақсадда айтди, буниси қоронғи-ю, ҳар ҳолда овозида зигирча ғайирлик йўқ эди. Аммо бу гапни пойгакроқда, кигиз устида ўйнаб ўтирган тор манглайли бола — Ашур узун кулоғига қуйиб олганди. Орадан сал ўтиб, тенқури Ёвқошга писанда қилади: «Биласанми, силарни ерларинг асли бизники...» Ёвқош тушмагур дадилгина бола эмасми, бош бармоғини бошқа бармоқлари орасига жойлаб, унинг бурнига тақайди: «Шу гапингга мановуни ебсан!»

Тут икки ўртада дўстлик рамзи сифатида қад ростлаб турарди. Жазирама кунлари полвон жўраларнинг тушги чойхўрлиги унинг кўланкаси остида кечарди. Бироқ ўфиллари бу удумни давом эттирмадилар. «Ер» дея ёвлашдилар. Аслида Ашур узунга ернинг ҳеч кераги йўқ эди. Табиатан майда ва худбинлиги боис, қачонлардир отасига тегишли бўлган ерга ўзгаларнинг эгалик қилишларини ҳеч ҳазм қилолмасди. Бу борада Восиқ полвон адашмаганди. Полвонлик сиёғи йўқ бу йигитлар майдалиқдан ташқари, жуда жоҳил эдилар. Ашур узун кенг бағирли бўлолмаганидек, Ёвқош ҳам ориятни ошна тутмади, яъни, шу ерга сен тўй, дея бошқа ерда томир отмади. Холбуки, у пайтларда ер қаҳат эмасди. «Ерни сенга берганимдан кўра ўлганим яхши», дея тирашишда давом этди.

Уларнинг илк тўқнашувлари Ашур узун ўғил кўрган йили юз беради: «Бола-чақамга ер керак, бўшат томорқамни», дейди у. Ёвқош одатдагидек мазахлаб, қоғоз кўрсат, дейди. Ашур узун бу сафар ўзини тутолмай қолади ва унинг юзига тарсаки туширади. Шундан сўнг Ёвқошга худо беради... Унга бас келмоқнинг эвини тополмаган Ашур узун шармандаларча қочмоққа тушади. Ёвқош қувлайди. У қочади. Бу воқеа келинчакларнинг кўз ўнгида содир бўлади. Бошда улар роса ох-воҳ кўтаришади. Кейин эса бинойидек кўникиб кетишади.

Нега деганда, эрлари хафтада бир қувлашмаса, еганлари ичига тушмайдиган даражага етадилар-да.

Одатда гиди-бидини Ашур узун бошлайди. Қўшни-сининг меҳнати эвазига гуллаб-яшнаб турган ерга қарагани сайин ичидан алами тошиб келаверади: «Отамнинг ери бу!..» Бу ёғи эса жуда тез. Жанжал ҳамиша Ашур узуннинг шаталоқ отиб қочиши-ю Ёвқошнинг қувлаши билан якунланади. Энг қизиғи, бу масалани қонун йўли билан ҳал этмоқни бирортасиям ўйламасди. Бироқ ўртадаги адоват шу қадар кучли эдики, бир-бирларига кўзлари тушишлари ҳамон қўллари беихтиёр қичишиб кетаверарди.

Ховлида жанжал қўпиши билан кекса тут қиш чилласида кунботишдан эсадиган аччиқ изғиринни ҳис қилгандай бўлади. Фақат бу изғирин кунботишдан эмас, ховлидан, янада аниқроғи, икки қўшнининг вужудидан уфуради. Қиш изғиринига тоқат қилмоқ мумкин, аммо уларнинг вужудларидан уфурган кек ва адоватга бардош бермоқ душвор эди. Кекса тутнинг назарида, катталар адоват учунгина яшаётгандек туюларди. Ва шунинг учун ҳам у болаларни ёқтирарди. Катталардан эса кўрқарди. Новдаларини кесишганда чидарди-да, бироқ юраги ғазабга тўла кимсанинг қафти танасига тегса, даҳшатдан қалтирарди. Бу етмагандек, қўшнилар қувлашгандаям, қайтишгандаям унинг тагидан ўтишарди. Қайтишаётиб, албатта, уни тешиб ўтишади, тутқич бермаган ғанимининг аламини ундан олишади. Шўрлик тут бу «тепки»лардан ўзига келиб улгурмай, томорқа адоғида мағлуб томон пайдо бўлади-да, аста келиб, унга суянади. Кекса тут ундаги чексиз аламини ҳис этиб, бечорага ичи ачиб кетади.

Бошда Ашур узун унинг раҳмини келтирарди. У Ёвқошдан бир амаллаб қочиб қутуларкан, қайтишда тутнинг ёнида тўхтарди. Тутга елка тираб, қўшнисининг уйига қаҳр ва алам билан тикиларди. Ундан қандай қилиб ўч олишни ўйларди. Шунда отаси Восиқ полвоннинг кучи ўзида йўқлигидан ўқинарди. Мўъжиза юз бериб, отасидек кучли бўлса, у давраларга тушиблар ўтирмасди. Қишлоғи ори учун ўзга юрт полвонлари билан бел тутишиб ҳам юрмасди. Қиладиган бирдан-бир иши, Ёвқошни ерга босиб, кучукваччадай мижиқлаш эди. У Ёвқошни шу даражада ёмон кўрардики, наздида,

ундан бошлаб ўч олиш учунгина бу ёруғ оламда яшаёт-  
гандек эди: «Ярамасни тагимга босиб, бир аламимдан  
чикмасам, армонда кетаман!» деб ўйларди.

Кекса тут унинг кўнглидагини ҳис этиб тураркан,  
яшил япроқларини силкиб, қуёш нурининг нечоғли ча-  
роғонлиги-ю, она заминнинг қанчалик илиқлиги ҳақида  
шивирлаб, шунинг ўзи улкан бахт эканлигини уқтириш-  
га беҳуда уринарди. Ва ҳар сафар дилидагини банда-  
ларга англаторлаганидан ичидан дарз кетиб борарди.

Бу орада Ашурнинг ўғиллари улғайиб, вазият тубдан  
ўзгарди. Энди мағлуб сифатида Ашурнинг ўрнини  
Ёвқош эгаллади. Ёвқош ота-болаларнинг олдига тушиб  
қочаркан, қайтишда худди Ашур узундек тутга суянади.  
Тер босган манглайини унинг ғадир-будир танасига ти-  
раб, кўзларини намлайди, ўзига ўғил бермаган худодан  
нолийди. Кекса тут тагин борлиқнинг улуғворлиги-ю,  
ҳавонинг мусаффолиги хусусида пичирлаб, гўзалликни  
уқтириш ила унинг кўнглига меҳр ийдирмоқчи бўлади.  
Бироқ Ёвқошнинг тошқотган кўнгли меҳрни илғамайди.  
Адоватга тўла юраги бу хил нарсаларни чучмал ҳис  
этиб туфлаб ташлаверади.

Бунақа пайтда, гоҳо кекса тутнинг томирига муз  
югургандек бўлади. Шу созда қуриб қўя қолгиси кела-  
ди. Бироқ борлиқ унинг ўлмоғига қўймайди. Аламзада  
кўланка ёнидан узоқлашиши билан шохига қушлар ке-  
либ қўнади. Майин ел япроқларини торткилаб ўйнайди.  
Шунда у офтоб нурларининг оромбахшлигини-ю, замин  
бағрининг илиқлигини қайта сезади. Енгил керишиб, те-  
варакка масъуд назар солади. Узоқдаги тутларга ел  
орқали салом йўллашни унутмаган ҳолда арғимчоқ уча-  
диган кизларни илҳақ кутади. Қизлар арғимчоқ учган-  
да, у жуда-жуда яйрайди. Арғимчоқ ташланган йўғон  
шохини мастона чайқаб, кизларга қўшилиб яйрайди,  
кийқиради, яъники, япроқларини шўхчан силкилайди.

Қизларнинг арғимчоқ учишлари ҳовлида Ашур узун-  
нинг қораси пайдо бўлгунга қадар давом этади. Қизлар  
Ёвқошники, Ашур узунни пайкаши билан улар тутни  
ошиғиб тарк этишади. Гоҳида арғимчоқни унутиб қолди-  
ришади. Унутилган арқон Ашур узун томонидан пи-  
чоқда бўлакланиб, қўшни ерга улоқтирилади.

Кекса тутни Ашур узуннинг арқонни бурдалаш пай-  
тидаги важоҳати дахшатга солади. Бу кезде Ашур узун-

нинг вужудидан шундай бир ёвуз қувват тараладики, тут бу қувват таъсиринигина эмас, рангиниям илғайди. Қорамтир тусдаги бу кўланка хунук тебраниб, тевааракка ёйилганда, куёш тафти сўниқ, замин бағри ҳароратсиз туюлиб, у карахт ҳолатга киради. Янада аниқроғи, худди биров чопмоқ ниятида болта кўтариб келгандай, кўркувдан ўзини йўкотади.

Бугун Ашур узун сўқмоқдаги ёввойи илдизларни кўшни томорқага улоқтирмоққа тушганда, кекса тут кушлар чуғуридан маст эди. Кечки ётоққа ҳозирлик кўраётган хуркак чумчуқлар галасини кифтида эркалаб, уларнинг шовуридан ҳузур қилаётганди. Ашур узуннинг харакатидан чумчуқлар хуркиб қочгач, ёлғиз қолган тут воқеанинг давомини кузатмоққа тушади. Ашур узун ёввойи илдизларни улоқтириш билан чекланиб қолмай, ховлисида кетмондаста йўниб ўтирган Ёвқошнинг тепасига бостириб боради. Қискагина олишувда кўшнисининг кўли баланд келиб, Ашур узун ерга чўзиларкан, бўғизланган букадай бўкириб, ўғилларини кўмакка чақиради. Ўғиллари уйдан милтиқнинг ўқидай отилиб чиқишади. Ёвқош ер ҳидлаб ётган Ашур узуннинг кети-га бир тепиб, оёғини кўлига олади...

Кўрқиб кетган кекса тут Ашур узуннинг тўнғич ўғли тепкисидан ўзига келганида, қув-қув аллақачон ниҳоясига етган, Ёвқошни қувлаб етолмаган «кўшин» пароканда бир аҳволда изига қайтмоқда эди. У танасига қотиниб ўтаётган йигитлардан таралаётган қора қувват — ададсиз кек, чексиз адоватдан жонсаракланиб, тевааракка аланглаганида, куёш аллақачон пинакка кетган, уни тарк этган кушлар чуғури узокдаги дарахтлар томонидан келар, шунингдек, қақилдоқ қизлардан ҳам умид йўқ. Унинг бирдан-бир умиди Ашур узуннинг кенжа ўғлидан эди. Катталарнинг жанжали туфайли юзага келган танидаги оғрикка, одатдагидек, боланинг маъсумлиги малҳам бўлиши мумкин эди.

Кекса тут оқсоқланаётган акаси изидан пилдираб келаётган болага илҳақ боқаркан, куни кеча уни шоҳлари орасига олиб эркалаганини эслади. Ёвқошнинг қизлари бир шоҳида арғимчоқ учиб, иккинчисида болакай ўйнаганди. Тут кеча жуда бахтиёр эди. У бу хил шўхчан дамларда катталарнинг жохиллигини ортиқ ўйламай кўяди. Ёшлар билан андармон бўлади. Ёнида уларнинг

узокрок қолишини истаиди. Бироқ ховлида катталар пайдо бўлиши билан улар тумтаракай бўлиб кетадилар. Кекса тут бўш кучоғини керганича қолаверади. Фақат болагина катталарнинг измига кўпда бўйсунавермайди. Тут шохлари орасига жойлашиб ўтириб оларкан, уни гоҳ от, гоҳ машина, гоҳ эса тайёрага киёс этиб, берилиб ўйнашда давом этади.

Бу орада бола ариқчадан чаққон сакраб, оқсоқ акасини қувиб ўтди. Бу ёғи кўп қолмади, яна бир неча сониядан сўнг у тутнинг бағрига сингади. Кекса тут ҳадемай юз берадиган таниш бу лаззатдан хузурланиб, сархуш тортаркан, қутилмаганда каттиқ сесканди. Бола худди акаларидек тутни тепганди. Кекса тут тепкидан эмас, тепкини юзага келтирган сабаб-адоватдан сесканди. Тавба, қачон улгура қолди экан? Ахир бир соатгина бурун унда беғуборликдан ўзга туйғу йўқ эди-ку. Наҳотки, катталар оғриган бу иллат шу қадар юқумли бўлса?

Кекса тут бу саволларга жавоб тополмай анг-танг тураркан, боланинг иккинчи тепкисини кўтармоққа бардош етмади ва нолакор фирчиллаганча гурсиллаб ағдарилиб тушди...

## **ТУНГИ МЕҲМОН**

У қишлоқнинг чеккасидаги қулбада жияни билан туради. Ота-онаси ўтган йили олдинма-кейин қазо қилишган. Ёлғиз қолиб, кенг ва катта ховли ютадигандек туюлавергач, қўшни қишлоқда турувчи синглисининг қизини сўраб олганди.

Ҳар ҳолда кўнгилга таянч-да!

Синглиси соғинган кезлари қизини олиб кетади. Уч-тўрт кун бағрида сақлаб, ўзи айтмишли, обдон дийдорига тўйгач, ноилож яна қўйиб кетади. Келганида бир гапни таъкидлашни ҳеч қанда қилмайди: «Тезроқ эрга тексангиз яхши бўлармиди, опа!» Қизик, ота-онаси тириклигида, у бу ҳақда сира оғиз очмасди. Яхшиям сиз борсиз, эмасам, қарияларнинг аҳволи не кечарди, дерди нукул уни алқаб. Энди эса... У гоҳида синглисининг афтига синчков тикилади, наҳотки, бахтимни ўйлаётган бўлса?! Йўқ, унинг бахти билан синглисининг мутлақо

иши йўқ. Ҳамма гап қизи важидан. Шунда унинг зардаси қайнайди: «Олиб кетавер қизингни! Ёлғизликдан ўлиб қолмасман!» Синглиси дарров хушёр тортади. Вой, нега унақа дейсиз, бахтингизни ўйлайманда, опажон, бахтингизни, дея бир дунё чучмал гапларни қалаштириб ташлайди. У бундан баттар гижиниб, беихтиёр бурчакдаги кўзгуга кўз ташлайди. Кўзгудан ўзига аламнок боқиб турган аёлнинг бўлиқ ва кўркем қоматини илғамайди, ҳали оқ оралашга улгурмаган куюк, тим қора, узун сочларининг гўзаллигини пайқамайди, юзидаги хунук чечак изларинигина кўради, холос. Бу рухсори билан ўзини ҳеч ким хотинликка олмаслигини ичидан қайта ҳис этади. Синглиси эса буни била туриб ярасига туз сепгани сепган. Қизини опасиникига ташлаб кетишга кўзи киймаганидан уни бирор чўлоқками, кўргами тегишига жуда-жуда рози. Бироқ қани ўша чўлоқ ёки кўр?! Худо деб, ўша банданинг ёқасини оқартириб, ўчоғини ёқиб ўтирмасмиди.

Кўнглидан, ини ота, сингил эса она бўлолмас эканда, деган аламли ўй ўтаркан, кўзгуни уриб синдиргиси келади. Базўр ўзини босади. Бу қўтир дунёда кимга нимани исботламоқчи ўзи? Кучи кўзгу юзига рўмол ташлаб қўйишга етади. Бироқ жияни дарров сидириб ташлайди. Муштдек боши билан кўзгу олдида бунча ўралашмаса бу тирмизак!

Бугун иккинчи кундирки у ёлғиз.

Одатдагидек, уйқуси келмай, анчагина тўлғаниб ётди.

Кўзи эндиgina илинган экан, бирдан ҳовлида нимадир дупурлаб қолди. Чамаси, кимдир девор ошиб тушгандай бўлди. Ҳақиқатдан ҳам салдан сўнг дахлиз эшиги тирмаланиб, аста ғийқиллаб очилди.

У хаёл билан бўлиб, эшикни тамбалашни унутганини эслади. Кейинги вақтда анча ҳардамхаёл тортиб қолганидан ич-ичидан гижинди. Меровсирамай ўл, дея ўзини янишга ҳам улгурди. Сўнгра ҳамиша тунлари ёнида олиб ётадиган кўшоғиз милтиғини кўлига олиб, сакраб ўрнидан турди. Отасидан қолган бу яроғни ҳудуд нозирга бериб юбормаганидан илк бор чинакамига суюнди.

Кутилмаган «мехмон» милтиққа рўпару келишини қутмаган шекилли, қоронғидан кўркев тўла шикаста овоз эшитилди.

— Отма... отма, Чаманой! Илойим, болагинангни кўтарай, отмагин!

Тунги чирок нуридан хира ёритилган хона ўртасида милтиқ ўқталиб турган аёл очиқ эшикдан қоронғи дахлизга беҳуда тикиларкан, овоз эгасини дабдурустан танимади.

— Кимсиз?! — деди милтиқ милини ўша томонга тўғрилаб.

— Бу мен... Қиличбекман!

— Қиличбек?! — Аёл ҳар қанча ажабланса-да, холатини ўзгартирмади. — Ярим тунда нима қилиб юрибсиз бу ерда?!

— Қочдим, Чаманой, қочдим! Жохил ва нодонлар тўдаси мени дўппосламоқчи эди, жонимни олиб қочдим! Уйингга... бекингани кирдим.

— Бекингани менинг уйимдан бўлак жой қуриб қолганмиди?

— Ёзда уйинг ортидаги тўқайзорда жон сақлардим. — Кимса чуқур хўрсинди. — Ҳозир ҳаво салқин... Тўғриси, бу гал негадир шошиб қолдим. Ана, ортимдан қувлаб келишаяпти.

Узоқдан эшитилаётган қадам товушлари, дупурлаб, тобора яқинлашмоқда эди. Ҳозир улар уйга бостириб киришадигандек, аёлнинг юраги орқасига тортиб кетди. Тунда ёлғиз эркак билан кўришса, нима деб ўйлашади? Эртан кишлоқда қандай бош кўтариб юради? Бу кунидан ўлгани дуруст эмасми кейин!

Ҳайтовур таъқибчилар дарвоза ёнида тўхташмади, дупурлашганча тўқайзор томонга ўтиб кетишди.

Бутун диққат-эътибори ташқарида бўлган аёл хануз кўриниш беришни истамаётган дахлиздаги кимсани бир зумга унутди. Қишлоқ адоғи катта йўлгача қалин тўқайзор. Тунда тўқайзордан бировни қидириб топиш пичан гарамидан игна излашдек бир гап. Таъқибчилар ҳақиқатдан ғирт нодонга ўхшайди.

Дахлиздаги кимса шивирлаб ўзидан дарак берди.

— Ана, қайтиб кетишаяпти.

— Унда сиз ҳам секин чиқиб кета қолинг!

— Шу салқинда қаёққа бораман?

— Қаёққа боришингизни мен қайдан билай! — Аёлнинг жахли кўзиди. — Нима, мени гапга қолдириб ўлдирмоқчимисиз! Қани, жўнанг!

— Шу кеча дахлизингда тунаб қолай, Чаманой.  
— Тушингизни сувга айтинг! — Аёл овозини хиёл баландлатди. — Отаман лекин!

— Отма, Чаманой!

Орага бир сония жимлик чўкди.

Бир пайт «мехмон» сўраб қолди.

— Милтигинг ўзи... ўқланганими, Чаманой?

Аёл жавоб қайтармоқни лозим топмади. Қўлидаги яроқни жонлироқ тутиш билан чекланди. Қани энди, Қиличбек деганлари тезроқ қорасини ўчирса-ю, иссиқ ўрнига шўнғий қолса. Оқшом печка ёқилганига қарамай, хона анча совуқ эди. У ўрта эшикни куриб бераман деб, хануз сўзининг устидан чиқмаётган қўшни эркакни ичида янаркан, алининг ўчини валидан олгандай, тахдидли оҳангда деди:

— Агар чиқиб кетмасангиз, ҳозир нақ манглайингиздан отаман!

— Биламан.

— Қаердан биласиз?

— Қўлингга яроқ тутибсанми, демак, отасан-да.

— Ҳозир ҳазилнинг ўрни эмас, ака!

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ, — деди кимса ёруғга чиқишни хаёлига ҳам келтирмай. — Улардан калтак егандан кўра, сенинг қўлингга ўлганим яхшироқда.

— Хушомадга бало борми!

— Отанг қадрдоним, энанг меҳрибоним эди, — қоронғидаги кимсанинг овози тўлқинланиб, ниманидир эслагандай бир муддат жим қолди-да, сўнг маҳзун оҳангда яна гапда давом этди: — Қўлингдан неча марталаб чой ичганман, ота-онанг тириклигида. Кимлигингни яхши биламан, Чаманой! Бугун нимагадир оёғим шу томонга тортди. Негалигини ўзим ҳам билмайман. Тўқайзордан кўра, инсон меҳрини истадим шекилли. Сенга нисбатан хаёлимда ёмон ўй йўқ. Тузингни тотганман ахир, Чаманой! Ёмон хаёлга бориб ўлибманми! Сен баҳузур ухлайвер, мен... бирпасдан сўнг чиқиб кетаман. Қаттол душмандай менга бундай тикилма, Чаманой! Кўзинг тешиб юборай деяпти!

Ота-онаси эслатилган Чаманойнинг кўзларида ёш айлана бошлади. Қўлидаги яроғини беихтиёр пастга тушираркан, қутилмаганда ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Жоним отам, жоним энам, нечун мени эрта ташлаб кет-



динглар! Сизлар тирик бўлганда, буйтиб милтик кучиб ётармидим! Мусичадек шу безиён одамдан хуркиб ўтирармидим! Уни дахлизда тутмай, олдига бир пиёла иссиққина чой қўймасмидим! Бу не кўргуликки одам бола-сига яроқ ўқталаяпман!

— Йиғлама, Чаманой! — деди хануз кўриниш беришга ботинолмаётган «меҳмон» йиғламсираган овозда. — Ҳозир чиқиб кетаман. Совукда қотиб ёки анову жоҳилларнинг калтагидан ўлсам ҳам майли! Фақат сен йиғлама! Йиғласанг, кетишим қийин бўлади.

Аммо аёлнинг қулоғига гап кирмасди. Ота-онасини қўмсаб йиғида давом этди. Йиғлай-йиғлай ухлаб қолди.

У тонгда хуррак овозидан уйғониб кетди. Бошда хайрон бўлди, сўнг кўрқди. Қоронғи шифтга, тонг ёғдусидан ёришган деразага аланг-жаланг боқиш баробарида ёнидаги милтиққа қўл чўзди. Бармоқлари муздек совук яроққа теккачгина, тундаги воқеа эсига тушди. Кўнгли андак хотиржам тортиб, кўрпа остидан сирғалиб чиқди. Бўйинини чўзиб, дахлизга мўралади. Яланг шолча устида совукдан ғужанак бўлиб ётган кимсани кўрди. Аввалига қаҳри кўзиди, сўнг раҳми келди. Кишилар турмасдан, тезроқ жўнай қолинг дея, турткилаб уйғотмоқчи бўлган жойида, негадир фикридан қайтди. Уйғотишга кўзи қиймади. Тахмондан кўрпа олиб, авайлаб устига ёпти. Кейин кундалик юмушига унади.

Ховлида иш дегани сероб эди. Қўрадаги молларга қараш, соғиш, тагини тозалаш каби майда-чуйда ишларнинг ўзиям унинг кўп вақтини оларди. Ота-онасининг ўлимидан сўнг иш аёлнинг ягона халоскори бўлиб қолганди. Қўли юмушда кезлари жудоликниям, ёлғизликниям унутади. Тунлари ҳам тек ўтирмасди. Жун титиб, ип йигиради. Кўрпа ва кўрпача қавийди. Оппоқ сочиқлар четига эрмакка қашталар чатийди. Синглиси эса хайрон, ёлғиз бошингизга шунча давлат не чикора, дейди. Унинг очкўз нигоҳи аёлнинг ғашини келтиради: «Эримни бой қилмоқчиман», дейди. Синглиси унинг молу давлатини йўқ эрдан кизғанади. Илондай тўлғониб алланималар дейди. Мерос талашиб жанжал кўтаргиси келади-ю, лекин опасидан ҳайиқади. Кучи ичдан номаълум поччасини қарғашга етади, холос.

Аёл иш билан бўлиб, тундаги воқеани ҳам, дахлизда уйқуни ураётган кимсани ҳам унутган экан, ўчоққа ўтин

калаётганда бирдан эсига тушиб колди. Шошиб уй томон юрди. Бирок дахлизда ҳеч ким йўқ, қалин кўрпа бир четга чиройли қилиб тахлаб қўйилганди.

Аёлнинг кўнглида хижолатга ўхшаш нимадир уйғонди. Юрагинг ёрилмай, одамга ўхшаб кутиб олсанг ўлармидинг! Акадай бир одам эди-ку у сенга! Яқинда томингни ёпиб берган... Эсида, ўшанда Қиличбек деганлари харчанд зўрласа-да, пулга унамаган, лекин бурчакдаги каттакон кўғирчоқни сўраб олганди. Аёл хайрон бўлган. Биладики, Қиличбекнинг қизи йўқ, бақироқ, жанжалкаш хотини Тўлғанойдан иккита ўғли бор. Унинг ажабланганини сезган эркак кунботишдаги шаҳар томонга ишора қилиб деган: «У ёқда менинг кизларим кўп. Буни олиб борсам, уларнинг кўзлари бахтдан қанчалик чакнаганини бир кўрсанг эди! Мен бахтдан чакнаган кўзлар шайдосиман, Чаманой!..» Аёл бир пастбаланд иморатлари кўзга ташланиб турган шаҳарга, бир ёш боладай кўғирчоқ қучган эркакка боқаркан, ўзича ниманидир тушунгандай бўлган.

Қиличбек ғирт етим. Шаҳардаги болалар уйида вояга етган. Йигит ёшига етгач, марҳум Асқат темирчига шогирд тушиб, фалакнинг гардиши билан унинг қизи Тўлғанойга уйланган. Темирчининг қизи битта, аммо ўғиллари кўп эди. Бари бир-биридан баттар жохил ва нодон. Жанжални пулга сотиб олишади. Бирига тексанг, хаммаси ёпирилиб келади. На уятни билишади, на андишани. Бу борада Тўлғаной оға-иниларидан сира қолишмайди. Эрига зугум қилишни яхши кўради. Етимлигини рўқач қилиб, ҳаромидан олиб ҳаромига солади. Бу камдек, салга додлаб, ака-укаларини бошига йиғади. Бу уруғнинг қўли жуда югурдак, оқибат, Қиличбекнинг қочишдан бўлак иложи қолмайди.

Чаманой оғзидан сақич тушмайдиган йўғон бу аёлни жинидан ёмон кўради. Унинг ёш боладай жонсарак эрига раҳми келади. Қани энди, қўлидан келса-ю, ундан яхшилигини аямаса. Аммо яхшилик қилиш у ўйлаганчалик осон иш эмас экан. Кеча тунда уйига қочиб кирганида, дардига малҳам бўлиш ўрнига милтиқ ўқталиб ўтирибди. Энди билса, эркакдан эмас, гап-сўздан кўрккан экан.

Бугун тунда у негадир эркакни кўмсади. Кечагидай айвонда тунашини истади. Тонгда туйган хиддан нафас

олиш учун дахлизга чиқди. Бироқ тонгда хонани тўлдирган эркак хидидан дарак йўқ, ачиган хамир иси анкирди, холос.

Аёл маҳзун ҳолатда хонага қайтиб кираркан, ихтиёридан ташқари бир ишга қўл урди. Дахлизга қалин қилиб жой солди. Янги кўрпа, янги болиш қўйди. Эшикни тамбалашни эса гўё унутган киши бўлди. Лекин милтиғини биқинидан жилдирмади. Ахир милтиқни ундан олиб қўймоқчи бўлган худуд нозирига уни «эрим, тунги посбоним», деган-да. Демак, эр дегани хотин кишининг қаватида, биқингинасида ётиши керак. Худуд нозирини яхши йигит эди, уни тушунган: «Лекин қонунни бузаяпман-да, опажон», деган. Аёл уни эркалаб елкасига қоқаркан: «Опанг учун қонунни бузсанг бузибсанда, укажон, — дея аламнақ жилмайган. — Тунда мендай ёлғиз бир аёлга эрдай гапда бу! Ёмон ниятда остонамни хатлаган одамни нима билан чўчитаман? Шуни ўқталиб кўрқитаман-да!»

Аёл тунда зийрак ётди, алланимани кутгандай, илҳақ ётди. Қани эди, хокисор нигоҳли эркак, яна бир тунгина дахлизда тунаса, яланг шолча устида эмас, қалин тўшакда ухласа, уйини эркак хидига тўлдирса! У шуни истади. Бундан ортиғини хаёлига келтирмади.

Тонгда эса боши ғовлаб, карахт уйғонди. Дахлиздаги тўшакни бўш кўриб, хўрлиги келди. Кўзига ёш айланди ва бу ҳолатидан ўзи ҳам ажабланди. Тентак бўлаяпман шекилли, деган ўйга борди. Лекин негадир тентак бўлгиси келди. Бироқ қўрадаги улкан тарғил сигири бунга изн бермади. Мўраб овоз берди. Унга бошқа жониворлар жўр бўлди.

У қўра томон ошиқди. Яхшиям иш бор-юмуш бор дея суюнди. Шунинг билан эркакниям, ўй ва истакларниям унутди. Одатдагидек, ишга шўнғиди.

Бу кеча эса ўзини ёмон қарғади. Кеча тундаги хоҳиш ва хаёллари бугун жуда эриш туюлиб, ўзига-ўзи тухмат қилди: «Эрсирамай, ўл, мегажин!» Бунга қаноат этмай, оппоқ, бўлиқ сонларини аямай чимчилаб-чимчилаб олди. Оғриқдан жони роҳат топди. Шу йўсинда истагига чек қўйган бўлди. Бу тун дахлизга жой солмади. Эшикни очик қолдирмади. Бироқ яроғини ёнига қўйиб, тўшакка чўзилган ерида яна бирдан ўрнидан сакраб туриб кетди. Ички бир тўлқинга бўйсуниб, тахмон ёнига

борди. Кўрпа қаватига кўлини тикканча узоқ туриб қолди. Сўнг шалвираб изига қайтаркан, ерда ётган милтиққа қокилиб, бармоғини қайириб олди. Оғриқ миясига тешиб, оҳ тортиб юборди. Бармоғини тутиб тўшак устида тўлғонаркан, истамаса-да, негадир тагин эркакни ўйлади: «У шўрлик яна қуввинга учраса, бу совук тунда қайси тешикка бошини уради?!» Аёл оғриқниям унутиб, шу ўй заптида эшикка югурди. Аввал у илгакни туширди, сўнгра тамба-тутқич орасига қистирилган йўғон ўқловни суғуриб олди. Кейин эса фикридан қайтиб қолишдан кўрққандай, энтикканча ўзини кўрпа тагига урди.

Ўраниб-чирманиб, бамисли гувалага айланди.

Аслида у айниб қолишидан эмас, истагидан уялганди.

Тонг саҳарга яқин таниш хуррак овозидан уйғониб кетди. Қулоқларига ишонмади. Сўнг қалби адоқсиз қувончга тўлиб, дахлизга деярли чошиб чиқди. Титроқ бармоқлари билан деворни пайпаслаб, чирокни ёқди. Кўзи қоқ шолча устида ёш боладай гужанак бўлиб ётган Қиличбекка тушди. Аёлга у эркак киши эмас, ташландик, химоясиз бир гўдак бўлиб туюлди. Меҳри жўшиб, ичи туздай ачишиб, ичкаридан кўрпа ва тўшамча кўтариб чиқди. Тўшамчани бир четга улоқтириб, йигитнинг устига кўрпа ташлаб қўя қолди.

Қиличбек кўрпа тагидан бошини чиқара-чиқара, уйкусираб гудранди.

— Улар мени яна уришди, Чаманой!

Аёл индамади. Худди онадек, унинг бошида чўнқаяркан, илк бор эркакнинг юзига синчков разм солди. Ўнг яноғи ва иягида калтак изларини кўриб, юраги эзилди. Кўнгли бузулиб, сассиз йиғларкан, унинг манглайига қўл юборганини сезмай қолди.

Силаб туриб йиғлади, йиғлаб туриб силади.

Йигитнинг аллақачон уйғонгани-ю, ёш боладай хузур қилиб ётганини кейин, қачонки, эркак унинг кафтини тутиб, бармоқларини учидан ўпгандан сўнггина пайқади. Қошида химоясиз собий эмас, ростмана эркак киши чўзилиб ётганини гўё шундан кейингина англагандай бўлди. Эркакнинг бу ўпичида меҳрталаб инсоннинг миннатдорчилиги-ю тушунуксиз яна алланималар қоришиқ эди. Аввалига аёл бундан қаттиқ уялди, сўнг ран-

жиди. Кўлини илкис тортиб оларкан, ширин ниманидир йўқотгандай, унга ёмон қаради. Ўз навбатида, Қиличбек ҳам шуни сездики, хиёлгина ошиқча ҳаракати ёқимли тушдек лаззатли онни пароканда қилиши мумкин. У кўлини ошиғич кўрпа остига яшириб, аёлга мўлтираб боқди. Узр сўрагандай ғўлдиради.

— Яна нима гап? — деди аёл, ҳаддан ошманг, деган оҳангда.

— Ҳеч гап. — Эркак қулт ютуниб, кўрпани иягига тортди. Кейин бу ётиши ўзига эриш туюлиб, ўрнидан турмоққа чоғланди-ю, устига аза-база кўрпа ташлаган аёл бу ишидан хафа бўладигандек туюлиб, фикридан қайтди. Айвонда ўчиб қолган кезлари ўз аёли бу хил меҳрибонликни хаёлига келтирмаслигини эслаб, ичдан ўксинди: — Ҳеч гап, Чаманой!

— Ҳеч гапга ўхшамаяпти-ку? — Аёлнинг овози мулойимлашди.

Эркак аёлнинг боши узра шифтдаги номаълум нуқтага хаёлчан термуларкан, дардчил, ғоят дардчил оҳангда деди:

— Сен ўз отанга... ҳеч адоватла боққанмисан, Чаманой?

— Нималар деяпсиз?! — Аёлнинг ранг-қути учди. — Ҳатто кўзига тик қарамаганман!

— Менга эса худди захарли илондай боқишади! — Эркак нигоҳини бошқа нуқтага олди. — Эрта-индин нодон тоғаларига қўшилиб, менга қўл кўтаришдан ҳам тойишмайди. Ўзимча тарбиялашга кўп уриниб кўрдим. Аммо ота деган жонивор ҳар икки гапнинг бирида лойга корилиб турганидан кейин, таъсир ва тарбиянг кумга сепилган сувдай бир гап экан. Раҳматли қайнотам, сен бизга тўғри келмайсан деганда, мен ахлоқ хафа бўлган эканман, етимлигимни назарда тутаяпти деб. Энди билсам, мен нодонни аяган экан. Муҳаббатдан кўзим кўр бўлиб, жоҳил тўдага интилган эканман. Мана энди, яхшининг ёмон, ёмоннинг яхши бўлмоғига гумонланган ҳолда ўзим пиширган захарли ошни айланиб, ўргилиб ичиб келяпман.

Аёл унинг «дийдиё»сини ёқтирмай бошини бурди. Ўзининг бу алфозда ўтириши-ю, эркакнинг бемалол чўзилиб ётиши энди таъсир қилгандай, айбни унинг ўзидан қидиришга тиришди.

— Ҳадеб етим болаларга нарса ташийверсангиз, албатта, хотинингизга ёкмайсиз-да, — деди.

— Қанақа нарса?! — Эркакнинг нигоҳи тўсатдан оловланиб, устидан кўрпани иткитиб ташлади. — Болаларга олиб борадиганим топганимнинг бир урвоғи, бир зарраси, холос. Гап нарсада эмас, нарса нима... У ердаги болалар мени қанчалик интиқ кутишини биласанми ўзи? Агар билганингда, бунақа гапирмасдинг. Мен Жахон гуппидай қўш-қўш иморат солмайман, Олим чинокдай, топганимни ўмганимга тортмайман, қайниларимдай ҳаётга басир қўнғил билан қарамайман! Кучим етганча бахти ярим норасидаларнинг қўнғилини овлайман! Чунки етимлик нималигини яхши биламан. Эсимда, дарвозадан кирган нотаниш аёлни онам, эркакни эса отам бўлса керак деб, олдиларига югуриб борардим. Кўзим кўчада бўларди. Бирор кимса бошимни силаган куни мендан бахтлироқ одам йўқ эди. Шуларни биласанми ўзи?

— Йўқ, билмайман, — Аёл билмаслигидан хижолат тортади.

— Қаердан ҳам билардинг. — Эркак ўтирган жойида оғир сўлиш олади. — Отанг қошингда, онанг доим биқинингда бўлган. Мен эса на отамни биламан, на онамни! Худди осмондан тушгандайман.

— Энди улар йўқ... — Аёлнинг кўзларида ёш халқаланди.

Улар бошларини эгганча жим туриб қолишди.

Аёл энди ўрнидан кўзгалмоқчи эди, эркак хижолатомуз оҳангда деб колди:

— Чаманой, агар қаттиқ гапириб юборган бўлсам, кечиргин. Шу... сенга кичкина бир илтимосим бор эди. Бугун менга озгина қарз бериб турсанг. Кеча тундаги жанжал пайтида анову ёсумон чўнтагимда борини қоқиб олди. Сўрамасдим-а, лекин шу... ҳафта бурун болалар уйига бир қизалоқ келтирилган. Кўзлари охуникидай катта-катта, ширингина қизалоқ. Шўрлик уззукун дарвозадан кўз узмай ўтиради. Бугун вақтим бор, ўша қизчага бирор нима обормоқчи эдим. Агар имконим бўлганида, уни ўзимга қиз қилиб олардим-у, афсуски, шу кунларда ўзим уйимга сиғмай турибман. Фақат «йўқ» дема. Қўлимга пул тушиши билан қарзингни қайтараман.

Аёл энди ўзига ёш боладай жавдираб қараб турган эркакни яхши кўриб қолганини дафъатан хис этаркан, бирдан юраги гупуриб, нафас олиши қийинлашди. Уни силаб-сийпалагиси, ҳеч бўлмаса, кўйлагини ювиб бергиси келди. Бу телбанамо истак шу қадар кучли эдики, Қиличбекнинг, лавлагидай қизариб, «йўқ-йўқ» дейишига қарамай, эгнидаги кўйлагини сидириб олди. Яғир пахталигига ўраниб, ўзига ҳанг-манг тикилиб қолган йигитга бир қараб кўйиб, ташқарига интиларкан, ошхонага етиб-етмай, кўлидаги кўйлакни димоғига олиб борди. Тўйиб-тўйиб хидлади, эркак ҳидидан боши айланиб, тандир четига беҳол суяниб қолди...

Тўлғаной бақирганича дарвозани тепиб кириб келганида, кун аллақачон пешиндан оған, аёл ҳовлида кундалик юмуш билан банд эди.

— Эримни йўлдан ураяпсанми, манжалақи!

Аёл негадир ундан ҳайиқмади. Шунингдек, қўниқўшиллар олдида шарманда бўлишидан ҳам чўчимди. Бир тундаёқ энг азиз одамига айланиб улгурган инсонга беҳад азоблар бериб келаётган бу жувонга шу қадар ўтли нафрат хис қилдики, унинг башарасига эркакчасига мушт туширганини сезмай қолди.

Тўлғанойнинг тили, аёлнинг мушти зўр эди. Шаллақилиги билан кишлокқа донг чиқарган жувон Чаманойнинг зарбаларига бардош беролмай, охири ўзини кўчага урди. Кўп ўтмай оға-иниларини бошлаб келди. Уларнинг важоҳатига қараганда, Чаманойнинг тирик қолиши гумондек эди. Аммо аёл зигирча довдирамади. Пўписага узилган биринчи ўқ дарвозанинг юқори тахтасини учуриб юборди. Иккинчи ўқни узишга ҳожат қолмади. Тўда қандай келган бўлса, шундайлигича қорасини ўчирди.

Ўша кеч улар бор аламини Қиличбекдан олишди.

Аёлдан қарзга олган пулга қўғирчоқ ва бир талай ширинликлар харид қилиб, оҳу кўзли қизалокнинг кўнглини чоғлаб қайтган Қиличбек бу сафар тезда қочишнинг эвини қилолмади. Ака-укалар уни думалатиб уришди. Шунга қарамай, у барибир бир амаллаб қочишга улгурди. Бу галги ҳужум Чаманой туфайли бўлгани боис, униқига кирмай, тўқайзорга бекинди. Ака-укалар обдан хумордан чиққан эмасми, уни ортик таъқиб қилиб ўтирмадилар.

Коронги тунда Қиличбекнинг аёлдан ўзга қидирувчи бўлмади. Чаманой уни ховлиси адоғидаги қалин буталар орасидан топди. Шу ердалигингизни кўнглим сезувди дея, ғамга чўмиб ўтирган йигитнинг бошини бағрига тортди.

Шу созда сўзсиз ва сассиз узоқ туриб қолишди.

— Сизга азоб берганларнинг барини отаман! — деди ниҳоят аёл тилга кириб. — Битта қўймай қираман!

— Умрингни хазон қилишга арзимаёди улар, Чаманой! — деди эркак унинг қайноқ бағрида мумдек эриб. — Баъзан мениям шайтон қитиклаб қолади. Доим бир илож қилиб ўзимни босаман. Мухими, мен сени топдим, Чаманой! Бу азоблар бўлмаганида, сенга етмоқ қайда эди! Сени ўйласам, азобниям, оғриқларниям унутаман!

Чаманой кафтлари орасидаги бошни бағрига маҳкам босиб, уни ортиқ сўзламоғига қўймади.

Эртаси кизи оғриб қолганини баҳона қилгани кирган сингил уйдан Чаманойни тополмади. У гўё қўшникига бирровга чиққандек, эшик ва дарвоза қия очиқ эди. Бироқ бу хонадонда нимадир рўй берганини жувоннинг кўнгли дарров сезди. Эшик-тешикка бош суқиб, кийим жавоннинг бўшлигини кўрди. Лекин қолган ҳамма нарса жой-жойида эди. У ховликиб кўрага ўтди. Моллар тугал, негадир бўш қўйилган бузоқлар оналарини эмаверганиданми, қорнилари дўмбирадек шишиб кетганди.

Кўрадан лолу ҳайрон чиққан жувон ҳовлида бақироқ Тўлғаной билан ҳудуд нозирига дуч келди. Бетиним қарғанаётган Тўлғанойнинг гап-сўзларидан шуни англадики, тунда опаси унинг эри билан қочибми, бош олибми кетибди. Бироқ бу хабардан жувон унчалик қайғурмади. У эгасиз қолган ховли-жой ва мол-ҳолнинг ташвишига тушган, бу ҳақда тезроқ эрига хабар етказишни ўйларди.

Ҳудуд нозир аёлларнинг гап-сўзларига эътибор бермай, хоналарни бирма-бир синчков кўздан кечираркан, норози оҳангда тўнғиллади.

— Опам тушмагур «эри»ниям ўзи билан олиб кетибди-да.

— Қанақа эр?! — Тўлғаной баланд овозда бобиллаб берди. — Нега энди у шум етим унга эр бўларкан! Ҳали



у хотинбоз кўлимга тушсин, суякларини битталаб синдираман!

Худуд нозири пешонасини тириштириб, ўзича минғирлаб кўйди.

— Илойим, ҳеч қачон кўлингга тушмасин!

Чамаси, Тўлганой кўшни кампир етказган хабарни хали-хануз тўла идрок этмаганди. Яроғли аёлдан чўчиб, худуд нозирини эргаштириб келаркан, эрини Чаманойнинг кўйнидан ёки уйининг бирор бир бурчагидан топишига имони комил эди. Ва қачонки кўзи бўш жавонга тушгачгина, не воқеа юз берганини англади. Аламидан бақириб йиғлаб юборди. Қолган иккиси эса унинг дардига бутунлай бефарқ — худуд нозири Қиличбекнинг бу балодан қутулганидан, сингил эса шунча молу давлат ёлғиз ўзига қолаётганидан мамнун эди.

Тўлганой эса «қочок»ларнинг гўрига гишт қалаб, тобора қишлоқни бошига кўтарарди.

## ҚУЁШ ТУТИЛГАН КУН

Қишлоқда хунук гап тарқалди.

Эмишки, яккабулоқлик Боборайим гов ҳамқишлоқлари бўлмиш Собир полвоннинг қонини ичмоқ қасдида юрганмиш. У мени тупроққа қориб кетди, энди мен уни қизил қонига белейман, пичоғим қайроқ устида, ўчим тўш остида, деганмиш.

Собир полвон бу гапларни кенг ховли ўртасидаги супада ёнбошлаган кўйи, қонталаш ўнг манглайини силаб-силаб, хаёлчан бир тарзда тингладики, авзойидан не воқеа юз берганини хализамон ошиқмай тўкиб соладигандек эди. Бошда, яъни жўралари ховлига гуруллаб кириб келишганида, шу истаги йўқ эмасди. Сўнг бирдан айниди. Оғзига тикила-тикила, бирин-сирин супага жойлашаётган йигитларнинг нигоҳларида ҳамдардлигу хавотирдан кўра қизиқиш аломатлари кучлироқ эканлигини сезгач, воқеага сабаб бўлмиш кўшни қизнинг «чайнаш»ларидан хадикланди. Боз устига, қиз фаним оиладан. Бир кўрпада тепкилашиб улғайишган тоғаси Баҳромнинг қотили Ваҳобга жондек сингил... Ходисани эшитгач йигитларнинг хар бало деб вайсашлари турган гап.

Шу тобда Собир полвоннинг ортиқча гап-сўзларга тоби йўқ. Кўнглида кечаётган фаройиб бир туйғудан таажжубда эди. Буни карангки, кечагача мавжудлигини билишним, сезишним истамаган қиз хаёлидан кетмай қолганди. Дастлаб Боборайим говнинг тунги тажовузидан чўчиб, буни шунчаки хавотирга йўйганди. Тунда ҳар эхтимолга қарши уч бор қизнинг ховлиси атрофини айланиб келиши шундан эди. Аммо тонгда дарвозаси олдини супуриб юрган қизни кўргач, ич-ичидан нимадир гупураётганини аниқ ҳис этди. Нечун у кўзига бу қадар иссиқ кўриняпти? Демак, кўнглида хавотирдан бўлак яна нимадир уйғонибди-да. Ахир ўртада ҳеч бир куч йиқа олмайдиган адоват девори савлат тўкиб турардику. Нахотки, у тонгда қизнинг биргина кулиб қарашиданок емирилиб тушган бўлса?!

Супани тўлдириб ўтирган йигитлар эса унинг холижонига қўймай, тинмай саволга тутишади:

- Айт, нима бўлди ўзи?
- Нега у қутуриб юрибди?
- Нима, оғзингга талқон солганмисан?

Собир полвон эса чуқур хўрсиниб, сўзламокка унчалик ошиқмайди.

Кеча қиз тутзордан ўқдек отилиб чиққанида, ўртадаги адоватни ўйламаганини аниқ эслайди. Боз устига, вазият ортиқча ўйга изн бермаган. Қиз, оғажон, қутқаринг, дея аввал қичқирдим, ё кейинми, ҳарҳолда жон ҳолатда қучовига отилган ожизанинг ҳаракатидан лолу хайрон бўлиб турганида, кутилмаганда тутзордан Боборайим гов югуриб чиқади. Оёғида рангги уникқан кирза этик, ёқаси йиртилган, хунук башараси тимталанган. Бамисоли қутурган итдай, даҳшатли важоҳатда бостириб келади. Собир полвон бағрига суқилган қизни ўзидан четлатиб, беихтиёр Боборайим говга бет бўлади. Қиз эса чинқирганча унинг ортига бекинади. Боборайим гов ёмон сўкинади. Йигитнинг елкаси оша қўл чўзиб, қизни тутмоққа интилади. Ундан тер, вино, тамаки ва яна алламбалоларни иси анқирди. У лақабига яраша хўкиздай кучли эди. Собир полвон миқтироқ бўлса-да, ундан бақувват, ҳам ёш эди. Биринчи ҳамладаёқ Боборайимни кўтариб ерга уради.

Қоқ туш.

Ёзнинг жазирама офтобидан дашт ёнай дейди. Тева-

ракда кимирлаган бирор зог йўқ. Тизза бўйи тупроқ йўлда бир-бирига тирмашган икки гавда-ю, ёлғиз бир гувоҳ...

— Эшитдингларми, эрта-индин куёш тутиларкан.

Собир полвондан тузукроқ жавоб олишолмаган йигитлар аллақачон ўзаро гапга тушиб кетишганди.

— Шиша топиб, қорайтириб қўйиш керак экан.

— Қора кўзойнак ҳам бўлаверади.

— Салимнинг дўконида унақасидан қомабди, барини опқўйишибди.

— Охир замон бўлади-ёв деб, чоллар қўрқиб юрганмиш.

— Тоза қизик бўлса керак ўзиям, а? Бор куёш бир зумда йўқолиб қолса.

— Йўқолмайди, юзи тўсилиб, кун жуда хира тортади.

Айни шу ҳолатни Собир полвон кеча бошидан кечирганди. Кўкка ўрлаган чангдан бир одим нарини кўрмоқнинг иложи йўқ. Йиқилса-да, ўларман хўқиздай қайта ва қайта ташланаётган Боборайим говнинг кўланкасини тўзон орасидан базўр илғар, наздида, шу созда минг йиллардан бери муштлашаётгандек эди. Тириклик маъносини йўқотган, яшашдан ягона мақсади сарғиш, калин туман орасида ҳаракатланаётган қора кўланкани мавҳ этишдан иборатдек туюларди. «Кўланка»нинг бу даражада қайсарлигидан тобора хайрати ошиб борарди. Аллақандай бир бало эди у. Чурқ этмай ёпишаркан, ўлдираман, дея ора-сира гулдираб қўярди. Табиий, йигит буни сезмас, сезадиган ахволда эмасди. «Кўланка»ни тезроқ бартараф этмоқдан ўзгасини ўйламасди.

Қутилмаганда «кўланка» бирдан ғойиб бўлиб қолади. Йигит ёруғлик истаб, теваракка, сўнг кўкка тикилади. Куёшнинг юзи кир, куюк чанг булути орасидан йилтиллаб аранг кўзга чалинади. Олам шу ҳол-шу созда қоладигандек, йигитнинг юраги увишади. Кейин шуури секин-аста тиниклашиб, не воқеа содир бўлганини англай бошлайди.

Бу орада тўзон босилиб, Собир полвон хануз четда дахшатдан қотиб турган қизни кўради. Тупроқ орасида ўликдай чўзилиб ётган Боборайим говни кейин илғайди. Ўлиб-негиб қолмадимикан, деган ўйга боради. Йўқ, рақибни бирдан жонланади. Инқиллаб қаддини

тиклайди. Энгил-бошидан шовуллаб тупроқ тўкилади. Негадир ўрнидан қўзғалишга ошиқмайди. Ялпайиб ўтирган ерида гоҳ қизга, гоҳ йигитга қахрли тикиларкан, совуқ ва ўта қўрқинчли оҳангда дейди: «Бу тун икковингниям бўғизлайман! Аввал сени, қанжиқ! Кейин сени!»

Собир полвон не балога йўлиққанини энди сезгандай, оғир сўлиш олади. Тутзор ёқалаб кета бошлайди. Бироқ рақибининг хирқи овози тинч кетишга қўймайди, ортидан қувиб етади: «Қанжигингни тутзорга опкириб, искаб кет! Бу ёни жуда оз қолди, улгуролмайсан кейин! Ўзиям зўр нарса-да, маза қиласан лекин!»

У ортига кескин ўгириларкан, изидан келаётган қизга тўқнашиб кетади. Қиз қалқиб, йигит унинг биллагидан базўр тутиб қолади. Қиз кафтлари йигитнинг кўксига, ёлворувчан гарзда дейди: «Қўйинг, тенг бўлманг шу билан!» Йигит беихтиёр қизга тикилади. Йирик-йирик кўзларида чексиз миннатдорчилик белгиси қалқиб турган қизнинг рухсори ғоят гўзал эди. Собир полвон ундан кўз узолмай тураркан, негадир яноғига тушган бир тутам сочини аста тўғрилаб қўйгиси келади. Бироқ қиз ундан аввалроқ ҳаракатланади, кафтидаги дуррасини йигитнинг қонталаш манглайига босади. Бундан бир зумга сархушланган йигит майин дуррача чеккаси ва яноқлари бўйлаб сийпаланаётганини сезади. Афтининг беҳад кирлигини ўйлайди.

— Боя... — дейди ёқимли бир ҳисдан боши айлашиб, — кун тутилдимикан деб ўйлабман!.. Кейин бундай қарасам, чанг-тўзон... Кулга агнаган тайхардай, тоза юмалашибмиз-да ўзиям...

— Акаси тоғасини пичоклаган, — наридан Боборайим говнинг хирқи кулгуси эшитилади. — Синглиси эса... жиянини кучоклаган! Зап зўр ишлар бўлаяптими, а? Буйтиб турмай, тутзорга обкир! Вақт борида тўйиб-тўйиб искалашиб олинглар!..

Собир полвон бирдан ҳушёр тортиб, қиздан четланади. Боборайим говнинг мазаҳли кулгуси остида йўлда давом этади. Изидан келаётган қизнинг шикаста овози қулоғини сийпаб ўтади: «Тутзорда қўйларга печак юлиб юриб эдим. Бирдан кеп, ташланиб қолди». Йигит, чаток бўпти, деган маънода «Ҳим-м» деб қўяди. Қизнинг овози бу гал сал узокроқдан эшитилади: «Бетини тимталаб

кочганим... яхшиям сиз кеп колдингиз...» Йигит ўзини эшитмаганга олади.

Улар қишлоқ биқинидаги айри тол ёнида жимгина хайрлашадилар.

Қиз бошини эгганча кетди. Йигит толга суянганча қолди. Ораларида нимадир пайдо бўлди, нимадир йўқолди. Юзага келган нарсанинг нелиги мавҳумдек, йўқолгани ҳам ноаниқ эди. Собир полвоннинг юракдан туйгани, қизнинг буткул ҳимоясизлигини туйқусдан англаш бўлди.

Қизнинг акаси камокда, янгаси болаларини олиб кетиб қолган, кенг ҳовлида ёлғиз онаси билан туради. Тарафини оладиган яқин хеши йўқ. Дарвоқе, олди-орти тўла оға-иниси бўлган тақдирдаям, Боборайим говнинг кутилмаган тажовузидан омон қолмоғи қийин. Худо урган бу банда на уятни билади, на андишани. Одамлар у билан олишавериб чарчаган, охир-оқибат, тегмасликни маъкул топганлар. Тегсанг — ё жонингга тирғалади, ё молингта. Ит бас келсин унга!

Эшиқдан Раҳим пакана пилдираб кириб келганида, Собир полвон хануз паришон ўтирарди. Йигитлар эса, одатдагидек, ош қилмоқ тараддудида эдилар. Не баҳонада тўпланишмасин, уларнинг бу хил йиғинлари ошсиз яқунланмасди. Бу одатни қишин-ёзин бўйнидан бўйинбоғ тушмайдиган Шоди пўрим русум қилганди. Ҳозир ҳам ҳаммани ишга солиб қўйиб, ўзи валақлаб гап сотиб ўтирарди.

Раҳим пакана даврага бир қур назар соларкан, кўзи Собир полвонга тушгач, сирли кулимсиради. Сўнг «сўнгги ахборотни эшитинглар», дея супа лабига чўкди. Аммо ичи тошганиданми, яна ўрнидан туриб кетди.

— Бу ёққа келаётиб, — деди ҳамманинг дикқати ўзига қаратилганини сезгач. — Дўкон ёнида Бобур сариқни кўрдим. Фирт пиён. Бу қишлоқ менга харом, кетаман бошимни олиб, дейди. Нимаякан десам, суйган кизини Боборайим гов бузиб қўйибди, бу ишга жўрамиз Собир полвон шерик чикиб, гов билан тоза ёқалашибди. Хуллас, киз ўртада қўзичок, булар эса бўри бўпти. Тагин билмадим, хархолда гов шундай деб юрганмиш.

— Э, хали гап бу ёқда экан-да, — деди Шоди пўрим шум табассумини яширолмай. — Айтдим, нега бу сўлжайиб ўтирибди деб.

Даврада кулги кўтарилди.

Собир полвоннинг ошиғич ва ғазабли эътирози умумий ғала-ғовур орасида кўмилиб кетди. Кейинги уринишлари ҳам бесамар кетгач, кучи етгани дастурхондаги пахта гулли пиёла бўлди. Бирок ўтирганлар на унинг вазоҳатиға, на бақувват панжалари орасида бурдаланган пиёлага эътибор бердилар. Бобур сарикнинг устидан кулиб, кизнинг ғийбатини қилишаркан, Собир полвонни ҳам гапга қистириб ўтишарди. Бунга сари у қутурмоқ истар, қутурган кўйи кизнинг бокиралигини ва унга ҳеч ким даҳл қилмаганини исботлагиси келарди. Аммо тезда бу ҳаракати бекорлигини, йигитлар ишонгандек бўлишса-да, барибир ўз фикрларида қолаверишини англаб етди. Азалдан шу — ғийбату гумон бўй чўзган ерда ҳақиқат топталади.

Йигитнинг титроқ лабларидан учган аламли сўзларни қайноқ ҳаво ютиб юборди.

— Ҳа, силар ул эмас, тўлсилар!

У полвон сифатида давра юзини кўра бошлаганидан бери эркак зотини икки тоифаға ажратадиган бўлган. Дердики, йигит бор — ул, йигит бор — тўл. Унингча «тўл» деганлари шунчаки зуррият, «ул», яъни «ўғил» эса эл гами ва орида юрадиган мард йигит экан. Бу ақидани қаердан кавлаб топгани номаълум, аммо ўзи бунга юракдан содиқ эди.

Ҳозир ҳам кизнинг кейинги тақдирини ўйлаб эзилиб ўтираркан, шу пайтгача англаб етмаган бир ҳақиқатни идрок этгандай бўлди: «Тоғамнинг қотили Ваҳоб эмас, одамлар...» У тоғаси билан боғлиқ воқеани кўз олдиға келтиришға уринаркан, тишлари орасидан аламли ингради: «Яна ўша тутзор...»

Тоға билан жувон тутзордан бошлашиб чиқаркан, не фалокат бўлди-ю, бефаросат аёл этагини тўғрилайди, эғни — бошини қоқиб-суқади. Буни тасодифан кўриб қолган қишлоқ кампирларидан бири тишсиз оғзини қийшайтириб қуйидаги гапни тарқатади: «Фалончилар оқшом тутзорда ўйнашиб ётган экан. Ўз кўзим билан кўрдим. Одамларда на шарм қопти, на ҳаё...» Шубҳа-гумон исқанжасида қолган эр — Ваҳоб кўп қийналади, кўп азоб тортади. Аёлини калтаклаб, тоғанинг ёқасиға ёпишади. Бунга сари қишлоқда ғийбат кўпчигандан кўпчийди. Ва Шовруқ посоннинг тўйида айтилган бир

оғиз гап барига якун ясайди: «Ана, хотинингни ўйнаши келаяпти». Хамма қатори еб-ичиб ўтирган Ваҳоб бошини кўтариб, тўйхонага кириб келаятган тоғани кўради. Сўнг ён-верига аланглаб, гап эгасини қидиради. Лаблар чапиллаб, бармоқлар ёққа ботган, гўё ҳеч қанақа гап айтилмагандай эди. У ночор бош эгаркан, товоқ ёнида хозиргина ўзи эт бурдалаган узун пичоққа кўзи тушади. Негадир унга тикилиб қолади. Шунда кимдир «пиқ» этиб кулади. Энди у тигга айрича назар билан қарайди. Қийналган жонига фақат шугина оро кирадигандек туюлади. Биргина ҳаракат билан барча изтиробларига чек қўймоқни истади. Пичоқни енги ичига яшириб, хиёл гандираклаганча ўрнидан қўзғалади. Тўй эгаси билан чакчақлашиб турган тоға томон юради. Хамма ўзи билан ўзи овора. У тоғанинг кўксига зарб билан тиг санчгандан сўнгина нима иш қилиб қўйганини англайди. Тўй эгасининг кўлида жон бераётган тоғанинг кўзларида шу маънони ўқийди: «Нечун? Нима айбим учун?!» Унинг бирдан-бир айби тутзорда барг юлаётган аёлнинг қопини кўтаришга кўмаклашгани эди, холос...

— Лекин сен маладессан!

Собир полвон яғринига беҳос тушган шапатидан чўчиб кетади. Ёнига ўгирилиб, супа лабида тиззалаб турган Раҳим паканани кўради. Кўлида ароқ тўла пиёла, афти бўғриққан.

— Синглисини бузиб, тоғанинг ўчини олдингми, демак, сен ҳақиқий эркаксан! — деди у яна. — Шунинг учун мановуни ичиб юбор.

Собир полвон бу нималар деб алжираяпти, деган ўйда даврадагиларга хайрон боқаркан, бошқаларнинг ҳам кўзларида шу маънони ўқигач, кўнгли шу даражада вайрон бўлдики, назарида, қуёш нурсизланиб, олам зимистон тортгандек туюлади. Аммо бу нарса қўйидаги гапни дангал, ўз навбатида, хотиржам оҳангда таъкидламоғига монелик қилолмади.

— Тоғамни Ваҳоб эмас, силар, силарга ўхшаганлар ўлдирган!

Бу гапдан йигитлар, ҳатто дарахтдаги қушлар-у ҳовли юзидаги товукларгача донг қотиб, бир-бир эсаётган кучсиз эпкин бир зумга тингандай бўлди.

— Энди эса шўрлик бир қизнинг бошини емоқчимисанлар?! — деди ғазаби тошгандан тошиб. — Йўқ, уни

силарга едириб кўймайман! Энди эса жўна баринг!  
Йўқолларинг-е!

Йигитлар норози кўзғалишаркан, кимдир барибир тилини тиёлмади.

— Раҳмат, қандайдир бир қанжиқни биздан устун кўйганинг учун катта раҳмат!

Собир полвон запт ила улоқтирган пиёла гап эгасининг қаншарини сийпаб ўтди.

• • •

— Анову ерда эркаклар муштлашаяпти!

Даштдан тезак териб қайтаётган бола етказган бу хабар гузардагиларни оёқлатмай кўймади. Кимдир ташвишда, кимдир кизиқишда, кимдир эса шунчаки томоша илинжида даштга ошиқди. Улар орасида кеча Собир полвон томонидан ховлидан ҳайдаб чиқарилган йигитлар ҳам бор эди.

Аслида Собир полвоннинг қишлоқ яқинида жанжал кўзғаш нияти йўқ эди. Боборайим билан Яккабулоқнинг ўзида гаплашмоқчи эди. Жонини гаровга кўйиб бўлса-да, унинг, қизга тухмат қилувдим, деган икрорини олмоқчи эди. Наздида, шу биргина гап қишлоқда тобора урчиётган турли хил миш-мишларга барҳам берадигандек эди. Бу ўй илгарироқ миясига келмаганидан ҳатто хайратда эди. Боборайим говнинг кутилмаганда хужум қилиб қолишидан хавотирланишга хавотирланибди-ю, бу иш ўзга бир йўсида амалга оширилганлигини хаёлига келтирмабди.

Кеча окшомдаёқ қиз не балога гирифтор бўлганини тўла англаб улгурганди. Қизнинг кўчасида бемақсад тентираётгандек эса-да, аслида уни истаб чиққанди. Ички бир туйғу ақл-идрокдан устиворлик қилмоқда эди. Ҳаётида илк бор қизнинг кўкиш дарвозаси кўзига сирли ва иссиқ кўринди. Аммо дарвоза олдида узок ҳаяллаб бўлмасди. У олға жилди ва салдан сўнг муюлишдан сув тўла челагини кўтариб чиққан қизга рўпару келади. Қизнинг кўриниши шу қадар эзгин эдики, челақ эмас, бир олам ғам кўтариб келаётгандек эди. Қиз сўлгин нигоҳини ердан узаркан, йигитга кўзи тушиб, юзига қизиллик югуради. Қувончга ўхшаш нимадир порлаган кўзлари қаъридан шу маъно акс этади: «Не кунларга қолдим, оғажон?!» Йигит оғир сўлиш олади. Қиз эса



нигоҳи ила сўзлашда давом этади: «Бундан кўра ўлганим яхшироқ эди. Хатто ўз туккан энам ҳам менга гумонсираб қараяпти!»

Йигит гуноҳкорона ерга тикиларкан, кўзларини олиб кочмоқдан наф йўқлигини англаб, тагин бошини кўтаради. Қизнинг қайғуга тўла нигоҳи юрагини ўртаб юборади. Беихтиёр уни бағрига тортиб, овутгиси келади. Бироқ бунинг асло иложи йўқ эди.

Нигоҳлараро бу сўзлашув лаҳзанинг ўндан бири улушида бўлиб ўтган эса-да, йигитнинг назарида, йилга чўзилгандай туюлади. Аламини ердаги тошдан олади. Зарб билан тепилган тош кўча четидаги лойхандаққа бориб тушгач, у ердан афтини соқол босган, ирkit бир кимса бош кўтарди. «Бошни тешай дедингиз-ку, полвон», дея хандақ четиға суянаркан, воқеани ўзича тусмоллаб, хунук илжайди. Сўнг танглайини маънодор тақиллатиб, қайта лойхандаққа шўнғиди.

Собир полвон бугун тонгда Яккабулоқни қора тортиб, отда йўлга тушаркан, қизнинг ҳовлисига илҳақ назар ташлаб ўтди. Ҳовли ўлик чиққан уйдаи сукунатда эди.

У қишлоқ четидаги кулбаға етгачкина, қизни бир зумға унутди. Отдан тушмай, бир ёнга топ ташлаган эшикни тақиллатди. Девор оша ичкарига мўралаб, ҳовлининг рафторидан кўнгли айниди. Қаровсиз ҳовли юрагидаги гашликни баттар оширди. У ҳовли юзини қоплаган ўт-ўланларға, синган кўзларига қоғоз ёпиштирилган деразаға, отнинг калласидек қулф осилган эшикка, айвон устунидаги михға илиғлик хуржунға бир-бир разм соларкан, бу гўшада одам боласининг туришиға ишонгиси келмади.

Йигитнинг қишлоқ оралаб сўраб-суриштиришлари ҳам натижа бермагач, изига қайтди ва Боборайим говға ҳеч кутилмаган ерда, — қишлоқ яқинидаги подаётқда дуч келди.

Боборайим гов, қўлтиғида чоғроқ тарвуз, чамаси, адирдаги палакдан қайтаётган экан, Собир полвонни кўриб кўзлари ёвузона чақнаб кетди. Тарвузни четға иткитиб, этиги қўнжидан пичоғини чикарди.

— Уйингға ўтмоққа эринибгина турувдим, — деди ҳамлага шайланиб. — Зап учрадинг-да! Қани, отдан туш!

Собир полвон қамчи билан даштга ишора қилди.

— Балки... сал нарига ўтармиз?

— Йўқ, шу ерда... конингни ичаман! — Боборайим гов хирқираб кулди. — Агар чўчиётган бўлсанг, этигим учидан битта ўп, гуноҳингдан кечаман қўяман.

Собир полвон отдан сакраб тушди. Юган тасмасини эгар қошига илиб, отни қишлоқ сари ҳайдади. Сўнг бамайлихотир ҳаракатла ваҳшиёна илжайиб турган рақибига рўпару бўлди.

— Агар қизга тухмат қилганингизга иқрор бўлсангиз ва буни эл олди-да айтсангиз, этигингизни эмас, кетингизни ўпаман!

— Зўрсан-у, лекин кетимни булғаш ниятим йўқ, — Боборайим гов хунук иршайди. Сўнг кулгиси зумда ўчиб, афти ўта қахрли тус олди: — Билсанг, Ваҳобда менинг қасдим бор. Қамокдан чиқишимда қаттиқ ранжитган мени, шериклари билан... Ё энангни, ё синглингни булғайман деб, қасам ичиб қўйганман. Тунов кунни ниятим ушалай деганда, халақит бердинг. Менга қўл кўтариб, ўз бошингга ўзинг бало орттирдинг!

— Майли, бир бошга бир ўлим, деганлар! — Собир полвон оғир бўлишга тиришди. — Аммо аканинг ўчини сингилдан олмоқ учун бошга рўмол ёпинмоқ керак! Эркаксиз, бориб ўзи билан ора очди қилсангиз бўлмайди-ми? Ахир сизга ҳар икки томон ҳам бир-ку.

— Ўзим ҳам шуни ўйлаб турибман, — Боборайим гов совуқ илжайди. — Зўр-да у ёқ. Нонинг тайин, жойинг тайин. Қишлоқда нима бор. Мана, битта хом тарвузни деб ким қаерларга бориб келаяпман. Лекин қизни...

— Лекин бу қишлоқнинг ўз эгалари бор! — Собир полвон унинг гапини чўрт кесди. — Ўлмаган улар! Қизни сенга хафа қилдириб қўймаймиз!

— «Сен»лаб қолдингми?

— «Сиз»лашга арзимаёсан!

— Ахир унинг акаси тоғангни...

— Ул йигитга бу баҳонамас...

— «Ул-ул»лаб ўларкансан-да, бу дунёда ул қоптими.

— Бор экан-ки, қошингда турибман!

— Сал ҳақдингдан ошмаяпсанми?

— Борим шу!

— Қизни деб хатто кетимни ўпмоқчимисан?

— Агар икрорингни айтсанг!  
— Айтмасам-чи?  
— Тилингни кесаман!  
— Тилимни кесадиган одамнинг боши иккита бўлиши керак! Сенда эса битта! Уям бўлса омонат.

— Демак, олишамиз?!

— Эмасам-чи!

— Унда пичокни ташла!

Боборайим гов кулди.

— Агар ўзингни ул билсанг, эр билсанг, ташла пичокни! — Собир полвон жаҳл билан ер тепинди.

— О-о, жон ердан тутаркансан лекин, — Боборайим гов шундай дея қўлидаги пичокни четроққа итқитаркан, негадир тиф бориб тушган ерга зимдан қараб қўйди. Сўнгра йигитнинг қўлидаги қамчига имо қилди: — Қамчи...

Собир полвон қўлидаги қамчини зарда билан улоқтираркан, дарғазаб охангда сўради:

— Сўнгни марта сўраяпман, икрорингни одамларга айтасанми-йўқми?!

Боборайим гов иркиллаб кулди.

— Айтмас экансан, дунё тугагунча олишаман сен билан!

— Дунём тугади деявер...

Боборайим гов гапини тугатолмади. Лунжига тушган кучли зарбдан чайқалиб кетди. Қорнига тушган иккинчи зарбдан эса тиззалаб қолди.

— Уҳ-х, мазза! — деди у оғир-оғир нафас оларкан, қаншари остидан йигитга ўқрайиб. — Яхши қўраман калтакни. Қанча кўп калтак есам, одам боласини еб-ютмоққа шунчалик иштаҳам очилади! Мана энди, сени ейман!

Улар муштлашишда давом этаркан, ўтган галги олишувдан тузуккина сабоқ чиқарган Собир полвон рақибини ўзига яқинлаштирмасликка уринар, бутун қахру ғазабини муштумларига жамлаб, унинг дуч келган ерига гурсиллатиб туширар ва шунингдек, ўзи ҳам бенасиб қолмаётганди. Боборайим говнинг мушти оғир, гоҳида у зўр-базўр оёқда туриб қоларди.

Бора-бора Собир полвон қандайдир ёввойи бир махлуқ билан олишаётгандек сеза бошлади ўзини. Негаки, бу даражада аёвсиз муштлашишга бандасининг бардош

бермоғи кийин эди. Кўзи рақибининг ваҳшийлашган афтидан ўзгасини кўрмаётган эса-да, кишлоқдан югургилаб чиқишаётган кимсаларни илғамай колмади. Шунинг баробарида, офтобнинг хира тортаётганини ҳам пайкади. Бироқ бу оёқ остидан кўтарилаётган тўзон эмасди. Негаки, улар олишаётган майдон ажириқзор бўлиб, кўхна ариқ ўзанидан бошланган майсазор хув наридаги подаётюк этагида тугарди. У ушоқ моллар томонидан мунтазам чимдиб турилса-да, то кеч кузгача ўз тусини йўқотмасди.

Собир полвон эс-хушидан Мосуво бир ҳолатда муштлашаркан, ажратмоққа уринганларга бегона овозда ўкирди.

— Аралашманглар! Аралашманглар деяпман!

Боборайим гов эса ундан баттар бўкирди.

Орага суқилганлар уларнинг таҳдидидан эмас, адашиб тушган муштдан четга қочдилар.

Собир полвон шошиларди. Кишиларни аралашувидан чўчиб, ошиқарди. Хайвоний қувватга эга бўлган Боборайим говнинг тантана қилишидан, тухмату бўхтонларини бафуржа туфлашига имкон туғилишидан кўркмоқда эди. Қандай бўлмасин, унинг икрорини олишни ўйларди. Бу эса оғир, жуда оғир кечмоқда эди.

У рақибининг навбатдаги қарши зарбасига бир амаллаб чап бераркан, кўзи тўсатдан одамлар орасида рангукути ўчиб турган қизга тушиб колди. Айни шу нарса жангнинг тақдирини ҳал этди қўйди. Собир полвон бор кучини ўнг муштига жамлаб, чунонам урдик, Боборайим гов коптоқдай юмалаб, мук тушганча чўзилиб колди.

Йигит гандираклаганча, унинг тепасига борди.

— Икрорингни айт! — деди хиркираган овозда. — Икрорингни айт деяпман! Баландроқ айт, ҳамма эшитсин! У, кўзи ажриқ кучиб ётган рақибда бўлса-да, куннинг тобора ғуборлашаётганини сизди. Фолиблик нашидасини сураётган юраги нохуш ниманидир ҳис этди. Офтобга нима бўлаяпти, деган ўйда бир зумга чалғиди. Кейин, икроримни айтаман, дея ғудранаётган Боборайим говнинг овозида истехзо, истехзодан ҳам кўра тантанага ўхшаш нимадир борлигини пайқаб, у томон хайрон бокди. Рақиб, ўнг қўли корнида, гўё беҳад бир оғриқдан азоб тортаяпти-ю, аммо шунга қарамай, ўрни-

дан кўзғалмоққа ўзини мажбурлаётгандек ҳаракатланаркан, тагин деди:

— Ҳозир айтаман иқроримни!

Собир полвон ичдан қувонди. Қизни ёнига чақирмоққа оғиз жуфтлади. Бироқ улгуролмади. Танига санчилган тигдан оҳ тортиб юборди. Боборайим говнинг тиртиқлар билан «безалган», терга ботган афтини жуда яқиндан кўрди. У нафратомуз илжайганча, нималардир деркан, йигитнинг қулоғига чалингани шу бўлди.

— Мабода ўлмай қолсанг, бундан кейин рақибингни «ухлатмай» туриб, чалғий кўрма!..

Кутилмаганда юз берган бу ҳодисадан дахшатга тушганлар бошда қотиб қолишди. Кейин кимлардир изига қарамай қочди, кимлардир йигит сари интилди...

«Оғажон!» деган чинкирик қулокни қоматга келтирганда, Собир полвон саросимада гувранишаётган одамлар орасида, ерда чўзилиб ётарди. У овоз келган томонга бошини буришга интилди. Бироқ ёнидагилар қизни ундан тўсиб қўйганди. Шунда унинг кўзи қонгалаш қуёшга тушди.

— Кун тутулибди, — деди алахсираган оҳангда. — Кун тутулса, юрагим сиқилади, ёмон сиқилади...

Қиз яна чинқирди ва одамларни туртиб-суртиб, йигитнинг тепасига келди, чўккалаб, унинг бошини тиззасига олди. Кўзларидан дув-дув тўкилаётган ёш йигитнинг яноқларини юва бошлади.

Собир полвон қизга кулимсираб тикилди. Қалтираётган ўнг панжасини чўзиб, қизнинг пешанасига тушган бир тутам сочини тўғрилаб қўймоққа уринаркан, нимадир деди. Бироқ унинг овозини Боборайим говнинг бўғиқ бўкириклари босиб кетди, янчиб кетди.

— Яқинлашманглар! Қўлингни торт! Қонун бор! Мен фақат қонунга бўйсинаман! Яқинлаша кўрманглар! Тиламан! Тилиб ташлайман! Ух-х, бошди единг-ку, энағар!..

Дупур-дупур — кимдир қочди, кимдир қувди.

Қизга тикилиб ётган йигит унинг кўзларида шу маънони уқиди: «Сизни яхши кўраман! Жонимдан ортиқ! Фақат... фақат ташлаб кетманг мени!» Йигит, мен ўлмайман, деган маънода оҳиста киприк қокди. Қиз унинг бошини бағрига тортди.

Собир полвон димоғида қизнинг нафис, бокира хидини туяркан, тилида куйидаги жумла айланди: «Мен ҳам сени яхши кўраман!» Унинг эътирофини ҳеч ким эшитмади. Қиз буни бағрида, бутун вужудида ҳис қилди.

Айни шу лаҳзада кўкдаги қуёш юзи тўла тўсилиб, олам янада хира тортган. Бу хиралик даштнинг аллақайси бурчида хануз йигитларга тутқич бермасликка уринаётган Боборайим говнинг ёввойи йиртқичларга монанд ғазабкор бўкиришларидан махзунлик, алланечук ваҳима касб этганди.

## ҚАБРТОШ

Тоғдаги оғайнилариникида ҳафта тўйлаб қайтган Эрали энаси мозорига қабртош қўйилганини эшитиб, фиғони кўкка ўрлади. Ака турганда сингилнинг қабртош ўрнатиши нимаси?! На бир оғиз сўраш бор, на олдидан ўтиш. Энди одамлар нима дейди? Ўғил бўлмаётган ўл-а, синглингча бўлолмабсанда демайдимиз. Бу шумликнинг бошида синглиси эмас, қуёви турганини улар қаердан ҳам билсин. Душман кулиб, дўст ачинадиган иш бўпти-да. Эрта-индин деб юрмай, вақтлик ҳаракатини қилганида, шу ғалвалар йўқ эди. Ана энди... Бир хаёли, бориб қуёви билан ёқалашмоқни, тириклигида қадрига етмай-етмай, ўлганида буйтиб иззат қилишинг нимаси, дея синглисини обдон тузламоқчи бўлди. Бирок хирсдай қуёви-ю буй чўзиб қолган жиянларига кучи етмаслигини ва синглисига гап топиб беролмаслигини ўйлаб, фикридан қайтди. Манглай қашлаб бошқа чора кидиришга тушди.

Ва топди ҳам.

Эртаси эрталаб туман марказидаги сангтарошнинг устахонасига уриб борди. Қабртош буюртирди. Сангтарош қуюқ қошлари остидан сурату қовоздаги ёзувга қараб ажабланди.

— Яқиндагина ясаб бергандим-ку бу кишиникини, оқ мрамардан.

— Унис... синиб қолди, — Эрали елкаси тиришиб, ёлғонлади. — Кейин... унис менга ёкмади. Бунисини қора мрамардан ясаб берасиз. Сербезак, сурати тагида тўрт қаторгина шеърим бўлсин.

— Пулига чидайсизми? — Сингтарош узун бурнини кашлаб, унга синовчан тикилди.

— Пулидан ғам еманг!

У сингтарошнинг устахонасини тарк этаркан, енгил тин олди. Ўзини ғоят ақлли ҳис қилди. Бекорга уришиб-талашиб юрмай, энаси мозорига ўзи ясаттирган кабртошни ўрнатиб қўя қолади, тамом-вассалом.

Бир ичлари куйсин!

Ўғил жонивор ўлмаганини, энасиниң куни куёви ва синглисига қолмаганини одамлар бир кўриб кўйсин.

У куёви билан уришли эди.

Каттазанг куёвини азалдан унчалик хушламасди. Ўзини қишлоқ бойларидан бири санаб, унча-бунча одамни оёқ учида кўрсатадиган нодон куёви бир куни ғалати бир гап айтиб қолди. Эмишки, бу ҳудуд бир пайтлар қайсидир бобосининг мулки бўлган экан, у ёғи хув кўлгача, бу ёғи қиргача... Кўкламнинг илиқ ва тароватли кунларидан бири эди. Улар дўнгда давра қуриб, ебичиб ўтиришарди. Лаган тўла эт, ёнда бир талай шиша, кайфлари жуда чоғ эди. Бошқалар-ку аҳмоқ куёвнинг ғудранишига кўпда аҳамият беришмади-ю, лекин бу гап Эралига ёмон тегиб кетди.

— Унда биз сиғинди эканмизда, — деди оғриниб.

— Шунга ўхшайди, — куёви иршайиб, хунук кекирди. — Лекин бу факт, барингни тирикчилигинг бобонинг ерида ўтаяпти.

Эрали лаганга узалган қўлини тортиб оларкан, ёнбошлаб ётган ерида атрофга аламнак боқади. Ёнбағирликка сочилган қишлоққа, кенг даштга, олисдаги қирга, теварагини қамиш қоплаган хув наридаги кўлга бир-бир разм соларкан, хотирасини кавлаштириб, аждодлари тарихини титкилай бошлайди. Бохабарлиги бобосидан нарига ўтмаслигини англаб эса жиндек афсусланади. Сўнг узук-юлук эшитган ва билганлари асосида ўтмишни ўзича тасаввур этиб, ширин бир эртақ тўқийди. Тўқиган эртагига кўра, бу замин, ҳатто кўлдан наридаги уфққа туташ бийдек дашт ҳам катта бобосига тегишли экан. Куёвининг манқа бобоси эса унинг қўлида оддий бир чўпон экан. Бобосининг чорваси даштга сиғмайдиган даражада кўп экан. Эрта кўклам кунларидан бирида бобосининг кўнгли нимадандир ийиб кетибди-ю, чўпону чўлиқларини ёнига чорлаб, ҳар бирига ўнтадан қўй

хадя этибди. Куёвининг пачоқ бобоси ана ўшанда кўйли бўлиб қолган экан. Агар суриштириб келса, куёвининг кўлидаги чорва ўша ўнта кўйнинг зуррияти бўлиб чиқишим мумкин экан...

Тўкиган эртаги жуда марокли эди. Бироқ эртақ куёвига ёқмади. Андишани бир четга йиғиштириб кўйиб, уни, яъни ўзи каби юз кўйли бир одамни «иштонсиз» деб сўқди. Оқибат, чойи яримлаган чойнак куёвнинг елкасини сийпаб ўтди. У томондан эса ароқ юқи пиёла «қанот қоқди». Кейин лагану тақсимчаларга навбат етди. Бирининг манглайи ёрилиб, иккинчисининг қовоғи кўкарди. Устихонлари аллақачон тупроққа қоришиб кетган бобокалонлари рухи оёқ ости қилинди. Аждодинг нима-ю, ўзинг гўр бўлармидинг, деган гаплар бот ва бот такрорланди.

Сўнг у, дастурхон куёвники эди, даврадан турткилаб хайдалди.

Эрали пастга эна-эна, дўнг белида бир зумга тўхтади. Кенгликка алам билан тикилди. Тўкиган эртагига ўзиям чиппа-чин ишониб, шундай дея хитоб қилди:

— Бово-я, бовожон-а! Ерингиз сиғиндиларга тўлди! Сиғиндилар оёғи остида эзилди, топталди, ситилди, адо бўлди!

Бу хил эртақ тўкишга унда асос йўқ эмасди. Қай бир замонлар отаси шунга ўхшаш гаплар қилгандай бўлувди. Отаси раҳматлиям ўтмишни аниқ эмас, тусмол биларди. Бироқ яқин ўтмишни яхши эсларди. Негадир, узоқ йиллар улугъ шаҳардаги мадрасалардан бирининг тупроғини ялаб, қишлоғига мулла мақомида қайтган амакиси ҳақида кўп гапирарди. Ҳатто ўз падарини ҳам бу қадар хотирламасди. Дердики, амаким бечора одамларни саводли қилай деб кўп куйинарди, элди олди ҳисобланмиш Туроббойу Эсонбой, Гелдибойу Ирисбойлар эса гап-гаштақдан бўшамасди, эл-улуснинг холи нима кечаяпти, ишлари бўлмасди, хотин устига хотин олиб, маст туядай бўкириб юрардилар. Амаким бўлса элнинг корига ярай деб, Каттагевада мактаб очди, бир уй, бир айвонли. Элда обрўйи ошиб, дўст қатори, душманлар ҳам ортгирди. Ур-сур замонларда бир тунда кўлига кишай урилиб, сибир қилинди. Қайтмади у ёқдан — на ўлигини биламиз, на тиригини...



Эралини эса амаки бобосининг иктисодий мавқеи кўпроқ кизиқтирарди. Ва бир куни дўмпайган тандирдай бўлиб, ўрнигина қолган мактабни назарда тутиб, истеҳзоли оҳангда сўради:

— Амакингиздан яна бирор нарса қолганми ўзи?

— Қолган. — Ота маҳзун хаёлга чўмади. — Кўп нарса қолганди. Барини обориб Кўшжарга кўмиб келганмиз. Замон чаток эди-да.

— Кейин кавлаб олдиларингизми ишқилиб? — Эрали сергак тортади.

— Йўқ.

— Эя! — Эрали ҳовлиқиб, ўрнидан туриб кетай дейди. — Ҳали кавлаб олмадингизларми?!

— Фойдаси йўқ чиқар...

— Нега? — Эрали ҳаяжондан қалтираб кетади.

— Тупроққа қоришиб... — Ота унга ажабланиб боқади. — Сенга нима бўлди, улим? Жойингда ўтиролмайд қолдинг.

— Нима эди ўзи, дурмиди ё олтинмиди? — Эрали отасининг саволини жавобсиз қолдириб, баттар типирчилайди. — Айтинг, нима эди? Тилломиди, ё... Эскиларда тилло кўп бўлган дейишади. Қанча эди?

— Қанақа тилло? — Ота унинг аҳволидан кулади. — Китоб эди. Беш қопдан зиёд арабча имлодаги китоблар эди. Барининг хузурини ер кўрди. Чириб, тупроққа қоришиб кетган чиқар деб кейин кавлаб кўрмадик.

Бу гапдан сўнг Эрали ўтирган жойига шилқ этиб тушди. Кўрпача устида тўнкарилиб ётган пиёла тиззасига ботиб, жони ёмон оғриди. У гудраниб сўкинди. Амаки бобоси Тўрабой-ю Ирисбойларга ўхшаш бойлардан бири бўлиб чиқмаганидан ўкинди. Сўнг юрарди-да оғзи катта айрим жўралари каби давраларда мактаниб. Мактаб очган аллақандай амаки бобосининг нимаси билан фахрланиш мумкин? Отаси гўё унинг хаёлидан ўтганини сезгандай, эна томонидан бўлмиш бадавлат боболаридан бири ҳақида сўзлай бошлайди. Бойлиги учун эмас, амакисининг тақдирига алоқадорлиги боис, тилга олади. Иккисининг бир кунда сибир қилингани тўғрисида эзмаланиб гурунғ беради. Сўнг андак хасратла кўшиб кўяди: «Амакимдан сўгин бизнинг авлодда илмга кизиқувчи бўлмади. Менинг умрим чорванинг кетидан ўтди. Сен ҳам шунга рўжу қўйдинг. Амаким бечора айт-

гандай, бу дунёдан кўр ҳолимизча ўтиб кетаяпмиз». Ота сўзланаркан, олис мозийга тусмоллаб боқади. Хира, жуда хира қиёфаларни гавдалақтиради. Эрали эса ўша хира қиёфаларнинг биридан юқоридаги тотли эртакни тўкиди. Уни зартўнли, улугвор сиймоли, басавлат киши сифатида тасаввур этиб, аввал ботинан, сўнг зохиран унга ёзгиради:

— Бово-я! Бовожон-а! Не кунларга қолдик, а!

Агар шу пайт пастдан аёлининг чийилдоқ овози эшитилмаганда унинг «бой бобоси» билан хаёлий бу суҳбатни ҳаливери тинмасди. У хушёр тортиб, қуйидаги ховлиси томон малолланиб боқади.

Аёли, бошидаги рўмоли қийшайиб қолган, жағи-жағига тегмай, ховли юзида ивирсиб юрар, энаси супада урчуқ йигирганча, унинг оғзидан чиққанини чиққандай ёқасига ёпиштириш билан банд эди. Кампири тушмагур аллақачон саксонни қоралаб қолган бўлса-да, хануз балонинг ўқидай. Ишниям дўндиради, гапниям. Келинига ёқмагани, унинг доимо кизига илиниб туриши эди. Кампирнинг бу қилиғи Эралигаям ёқмайди. Аммо ботиниб бир сўз айтолмайди. Ийманади. Айтишдан наф йўқ, энаси ўзига етгунча қайсар. Эрали бошда аёллар орасига тушиб, хотинини дўпнослаб ҳам кўрди. Бироқ букрини гўр тузатар дегандай, сўнг барига қўл силтади. Кейин, кейин уйда жанжал қўзғалиши билан даштга чиқиб кетишни одат қилди.

Ана шундай кунлардан бирида у ғалати бир ҳолатни кашф этди. Уйда юрагини фикимлайдиган дилгирлик даштга чиқиши билан ортиқ уни безовта қилмай кўярди. Кенгликда у ўзини бир зарра ҳис этар, ташвишлари бачкана, тўқиган эртаклари кулгили туюларди. Изига қайтиши билан, қишлоққа юз одимча қолганда, таниш дилгирлик қайта бош кўтарар, тўқиган эртаклари чин, ташвишлари салмоқли аҳамият касб этарди.

У бу ҳолатни қайта ва қайта туйғач, охири икки уй наридаги кўшниси Тожи шоирга тиш ёрди. Тиш ёришдан аввал дўкондан бир шиша ароқ олди. Гап бор деб, уни четга имлади. Кўним топган жойлари оқшом чоллар чиқиб ўтирадиган Яғиртепа бўлди.

Тожи шоир деганлари умрида бир сатр шеър ёзган банда эмас. Шоқир узуннинг тўйида ғазал устига ғазал ўқиб, келин-куёвни кутлагани боис шу лақабни олган.

Лекин қўлидан китоб ва газета тушмайди. Кўп ўқигани учунми, гап-сўзлариям бошқачарок, устига-устак, тилиям заҳаргина, бетинг-кўзинг деб ўтирмайди. Аммо калласини бир оз киздирмагунингча бирор саволга жўяли жавоб олишинг қийин, силар барибир менинг гапимни тушунмайсизлар, дея тўрсайиб тураверади. Биринчи пиёладан сўнг ҳам унинг рангги очилмагач, Эрали иккинчи пиёлани тўлатиброқ қуяди. Газак, дея чўнтагидан кирланган курт олиб узатади. Шоир куртга ирганиб қарайди, олмайди. Кўзларини кенгликка тикиб, негадир оғир хўрсинади.

— Сиздаги бу ҳолатни фан аллақачон аниқлаган, — дейди, шуниям билмайсанми, деган иддаоли йўсинда. — Барча тирик мавжудот, шунингдек, одам боласиям био манбаи, гавжум масканлар, яъни шаҳар ва қишлоқлар био майдони ҳисобланади...

Унинг бу ғалати гап-сўзларидан Эралининг тушунгани шу бўлдики, ҳар бир одамда, жумладан ўзида ҳам «био» деган ток бор экан. Бу ток одамзотнинг феъли-атворига қараб «ижобий» ва «салбий» деган қувватларга бўлинаркан. Юрагининг сиқилиши ўша салбий қувватдан эмиш. Негаки, жоҳил ва нодон ҳамқишлоқларининг тор дунё қарашлари-ю, кундалик ғиди-бидисидан қишлоқ ёмон қувватга тўлиб тошган эмиш...

Аммо бундан Эрали донг қотмади. Истеҳзоли нимтабассум ила шоирни ичида «ахмок» деб сўқди. Пул куйдириб ароқ олганига ачинди. Ахир одамда қанақасига ток бўлиши мумкин, ток дегани ана симёғочлардаги симларда. Уям бир кун келса, икки кун келмайди. Агар вужудида ток бўлганида, биринчи галда бошлаб куёвини қалтиратмасмиди. Япроқдек титратиб ўчини олмасмиди.

У ўзини токли одам ҳолида тасаввур этиб, энди куёвиге азоб бераётганида, учинчи пиёлани бўшатишга улгурган шоир уни туртиб қолди.

— Анову гўрсўхта куёвингизнинг кетишларига бир қаранг.

Эрали қишлоқ томон аланглаб, ёнбағирликдан тўриқ отда пастга энаётган куёвини кўрди. У бошидаги ихчам суртелпагини қошигача бостириб, эгарда хаддан ташқари кеккайиб ўтирарди.

— Бу нодон дала-даштда ўлақолса бу тарзда кеккай-майди, — деди шоир аччик кулимсираб. — Чунки даштда янтоқ ва юлғундан бўлак унга эътибор берувчи йўқда. Бунинг бор амали киши кўзи учун. Яхшиларнинг энсасини қотириб, ёмонларнинг ҳасадини келтириши учун. Уларнинг бу қилиғидан қишлоқ салбий қувватга тўлади. Биз эса осойишталикни даштдан қидиришга мажбур бўламиз.

— Бунинг турган-битгани шу, — деди Эрали нима деярини билмай.

— Уни ёмон кўрганингиз учун сиздан ҳам ёмон қувват таралаяпти, — деди шоир унга кўз қирида боқиб. — Тиришиб ўтиришингиз юрагимни ғашлаяпти. Кўп тиришманг, улар ахамият беришга арзимамайди. Борлиқни кўз билан қамраб, юракни кенг қилинг...

Эрали шоирнинг гапларидан зерикди. Теваракни лоқайд кузата бошлади.

Ана энаси узун энги учига нимадир тугганча ёлғизоёқ сўқмоқ бўйлаб сингисининг уйи томон кетмоқда. Ортидан аёли ақиллаб қолгани аниқ. Четдаги кулба эшиги олдида икки овсин шанғиллаб айтишмоқда. Уларнинг кунора жанжали қўшнилариинг жонига теккан шекилли, томоша қилувчи йўқ. Ховуз бўйидаги сайхонликда икки йигитча жўжажўрозлардай чўқишмоқда. Учинчи бири уларни ажратолмай ҳалак. Ўнг ёқдан бирининг акаси, сўл ёқдан эса бирининг тоғаси сайхонлик томон ошиғиб келмоқда. Уларга эрмакталаб болалар эргашган, Аслида бориб чакқан ҳам ўшалар. Агар катталардан кимдир тезроқ ўртага тушмаса, азалий душман бу икки оила вакиллариинг уруши ёмон тус олиши мумкин.

Бу орада шоир бекорга чакак ураётганини бирдан пайқаб қолди. Бунгача у тўртинчи пиёлани бўшатиб, боя қўлига олишнияма истамаган қуртни пок-покиза тушириб бўлганди. Ароқ таъсириданми, ё азбаройи жаҳли чиққаниданми, Эралини «сен»лаб янишга тушди. Этак қоқиб ўрнидан турди. Пастга эна-эна, мушт ўкталиб тагин ўдағайлади.

— Қўйдан фарқинг йўқ, сен аҳмоқни! Тинглашни билмас экансан, нима қилардинг мени овора қилиб! Э, дардинггаям, ўзинггаям сени!..

Эрали қабртош буюриб қайтган куниям Яғиртепада

тўхтади. Негадир кўнгли шоирнинг гурунгини кўмсади. Режаси ҳақида ким биландир жуда ўртоқлашгиси келмокда эди. Бу борада шоирдан сози йўқ. Касофатнинг тили аччиқ бўлса-да, дардингни тинглай билади. Лекин маслаҳат бермайди. Шуни хоҳлабсанми, қилавер, нима қиласан элга овоза қилиб, дейди. Айни шу гап хозир Эралига жуда-жуда керак эди. Энг муҳими, у бировга гуллаб қўймайди. Кейин ўйлаб-ўйлаб буни шоирдан ҳам сир тутишга қарор қилди. То қабртош тайёр бўлмагунча бу ҳақда бировга, хатто аёлигаям чурқ этмади. Ўша кунни сабрсиз кутди. Ҳар окшом дўннга чиққанида, кунботишдаги қабристонга термулиб, маҳзун-маҳзун ҳаёлларга толди. Энасининг азасида яқинларининг нечоғли турланганликларини ўйлади.

Синглисини энасига нисбатан оқибатли деб бўлмасди. Акс ҳолда энасининг ўлим тўшагида ётганини била туриб, эри билан оромгоҳга кетмасди. Келин деганнинг тили узун бўлишига йўл қўймасди. Аза кунни дарвозадан додлаб кирганида, Эрали номига овоз чиқариб турарди. Синглисини ёқа йиртиб йиғлашини кўргандан сўнгина кимни йўқотганини гўё туйқусдан англаб етгандай бўлди. Энди энасининг супада урчук йигириб ўтиришларини, аёли билан ади-бади айтишларини, олиб келган нарсасидан синглисига илиниб туришларини, кеч қолганда дарвоза олдида кутиб олишларини ҳеч қачон кўрмаслигини ўйлаб юраги увишиб кетди. Бўғзига йиғи тикилди. Йиғисини ичига ютишга тиришиб, теваракка кўз кирини ташларкан, ажиб бир манзарани кўрди. Ҳар гапида қайнонасига ўлим тилайдиган аёли жин теккандай чинқириб йиғларди, қайғудан ўзини йўқотган синглисининг юзига қўшни жувонлар сув сепарди. Ҳамма йиғлаб, ҳамма бўзларди. Ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган бир кампирга уларнинг бу қадар куйинишларига унинг ишонгиси келмади. Ва тезда кенжа ўғли ва қизидан бўлак ҳаммаси йўлига кўзёши қилаётганини фаҳмлади. Бундан хўрлиги келди, эндиликда фирт етим бўлиб қолгани таъсир этиб, ўғли билан басма-бас йиғлашга тушди. Шунчаки йиғламади: «Тириклигингда қадрингга етмадим, энажон» дея сўзлар тизимини териб-териб, айтиб-айтиб йиғлади. Ўлишингни билганимда, елкагинамда кўтариб юрмасидим, дея армон билан бўзлади. Ўша кунни куёви қаватида бўкириб турган

бўлса-да, барибир уларнинг ораси илимади. Қайтамга, синглисининг, энамни янгам ўлдирди, томоғига қармай, очдан ўлдирди, деган гапидан сўнг баттар совуди. Маслаҳатсиз қабртош қўйишлари эса дард устига чипқон бўлди. Шунинг учун ҳам ўзи буюртирган қабртошни тезроқ битишини илҳақ кутарди.

У бу ҳақда ҳеч кимга айтмаган эса-да, шоир ниманидир сезган шекилли, бир куни йўлда тўхтатди. Худди шеър ўқиётгандек, доно-доно қилиб деди:

— Биз бандалар шу қадар нодонмизки, қилган ишларимиз нуқул хатолардан иборат! Биз хатоларга кўмилиб-кўмилиб яшаймиз! Бу хатолар шунчалик тотлики, азобини асал янглиғ қабул айлаб, тамшаниб-тамшаниб яшаймиз! Лаб-лунжингизни артиб олинг, «асал юқи» қолибди...

У шоирни маст гумон қилди. Йўқ, шоир маст эмасди. Нимадандир изтиробда эди. Одатдагидек, нимаданлигини айтмади, ҳайф сенларга, дегандай қўл силтаб кетди борди.

Эртаси, яъни қабртош ими-жимиди олиб келинган куни куёш Эралининг қўнглидек чароғон эди. У қўзи эмас, қўй сўйдирди. Қишлоқ кексаларига одам юбориб, ўзи ўғиллари билан мазорга жўнади.

Ўғиллари куёв бошлиқ жиянлари томонидан ўрнатилган қабртошни олиб ташламоққа чоғланишганди, у донишмандона бир қиёфада бош чайқади.

— Тегманглар! Ўзлари қўйдими, ўзлари олишсин. Буни қаватига ўрнатинглар.

Қора мрамор оқ мрамордан кўра бежирим ва анча баланд эди. Четлари хошияли, ўртасига тўрт эмас, олти катор шеър битилган. Энасининг сиймоси каттароқ қилиб туширилганди.

Қабртошлар ўртасидаги бу тафовутдан Эрали кўп суюнди. Ўғилларидан андиша қилиб турмай, шодон гудранди.

— Мана, энажон! Керак бўлса, бундан каттароқ тошлар қўйишга қурбимиз етади!

Ёнма-ён қўйилган тошларга муҳрланган бир хил сиймо-онаси бўлаётган бу ишлардан ажаблангандай, маъносиз жилмайиб турарди.

Эрали мазордан масрур қайтаркан, қўйган тошини олиб ташласин, дея ўғилларидан бирини куёвиникига

жўнатди. У томондан эса, бекорларнинг бештасини айтибди, деган нордон жавоб келди. Бу шунчаки айтилган гап эмас, балки эрта-индин кўпиши аниқ бўлган улкан жанжалнинг совуқ нафаси, даракчиси эди...

## СУТ СОТУВЧИ БОЛА

Болакай тонг-азонда сут тўла бидонларини кўтариб, маҳалла адоғидаги кўп қаватли уйлар томон юраркан, одатдагидек, муаллимасининг ғазабнок афтини кўз олдига келтириб, қадамини тезлатишга уринди. Ўзига қолса-ку, югургилаб кетарди-ю, бироқ кўлларидаги оғир юк бунга монелик қиларди. Боз устига, минг ошиққани билан бидонлардаги сут ҳамиша ҳам тезда сотила қолавермайди. Мижозларнинг талаб ва эҳтиёжига боғлиқ иш бу. У овозига зўр бериб, эшикма-эшик юраркан, зинадан зинага кўтарилаверишдан ҳориган кезлари, тўғри келган зиналардан бирига чўкиб, бир зумга, атиги бир зумга тин олгиси келади. Аммо муаллиманинг ғазабкор қиёфаси бунга изн бермайди: «Тагин кечикдингми? Қачонгача давом этади бу, а?!» Қачонгача давом этишини эса болакайнинг ўзи ҳам билмайди. Ҳовлисида икки сигаги бор экан, бу юмуши ҳеч қачон тугамаслигини хис қилади, холос.

Зинадан зинага кўтарилавериш жонига теккан кезлари, айниқса, муаллиманинг ўткир нигоҳларига чидамоққа бардоши етмай қолган пайтларида, болакай тинимсиз кавш қайтарувчи бу жониворларни жуда ёмон кўриб кетади. Нега деганда, унинг юмуши тонгда сут сотиш билангина чекланмайди. Дарсдан сўнг аравачасини судраб, бозорга чопиши, ўзи каби болалар билан таллашиб-тортишиб, озиқабоп чиқинди қолдиқларини йиғиши, ариқ бўйларидан ўт-ўланлар юлиб қайтиши лозим. Юхо сигирлари эса тўйдим демайди, тинмай ямлашгани-ямлашган. Болакайнинг эса бошқа тенгқурлари қатори ўйнагиси, дарахтларга осилгиси, кўкка тикилиб, хаёл сургиси, расм чизиб, шўхлик қилгиси келади. Аммо мудом емак талаб қиладиган жониворлар унинг бу кўнгил хоҳишларига эрк бермайди. Негаки, очофат бу жониворлар онасининг ардоғида, отасининг эътиборида, болакай ботиниб бир сўз деёлмайди. Ичдан ёмон кўради

уларни. Нар и борса, муштчалари билан, киши кўрмас, дўнпослайди. Бироқ унинг зарбалари сигирларга чивин чаққанчалик таъсир этмайди.

Болакайнинг бу аҳволи билан муаллиманинг зигирча иши йўқ. Доска ёнига турғизиб қўйиб, синфдошлари кўз ўнгида тергагани тергаган. Болакай, боши ҳам, кўз остидан уни бошдан-оёқ кузатади. Эгнидаги бежирим либосига, оёғидаги ингичка пошналар туфлисига негадир алохида эътибор беради. Кўхлик, лекин совуққина бу жувонни сингисини кўлидан қўймай ўйнайдиган кўғирчоққа ўхшатади. Шунда бирдан ўзини ҳам кўғирчоқ бўлгисини келиб кетади. Маза-да, ҳеч ким тергамайди, тонг азонлаб кишилар эшигида сарғаймайди, бозорда болалар билан ёқалашиб юрмайди, сутчи хотинлардан, айниқса, Ойша қорадан худа-беҳуда туртки емайди.

Ойша қорани эсласа, у ғазабдан титраб кетади. Нега деганда, у болакайнинг ҳудудига безбетларча бостириб кирган-да. Илгари у нариги маҳаллада сут сотарди. Яқиндан бери бу томонларга ҳам суқиладиган бўлган. Қандай бўлмасин, даҳадан болакайнинг изини қуритсам дейди. Бироқ болакай ҳам анойилардан эмас, имкони етгунча унга қаршилиқ қилади. Оқибат, улар ўртасида тез-тез жанжал чиқиб туради.

Болакай меҳрибон амакини ўшандай жанжаллардан бирида учратди. Жилмайганда кўзлари қисилиб, икки чеккасидаги майда ажинлари қуёш нуридек ҳар ён тараладиган амакини эсласа, кўнгли алланечук орайиш топиб, ич-ичидан яйраб кетади. Муаллимасини тергаса ёхуд онасини шанғиллаб, отасини койиса, болакай нуқул амакини ўйлайди. Эртан борсам, ҳаммасини айтиб бераман дейди. Аммо учрашган кезлари барини паққос унутади. Негаки, амакининг хонадонини ҳар қандай дилгирликдан холи, ичкарида қандайдир илиқ нур сузиб юргандек туюлади. Ёмонини, амаки уни ҳеч вақт узоқ тутиб турмайди. Идиш тубидаги қолган-қутган сутни елим товоққа ағдараркан, энди югур, дарсинга кечикма, дейди. Нечундир амаки уни дарсга кечикишини сира истамайди. Болакай эса унинг хонадонини ҳамини хайрон тарк этади: «Шунча сутни нима қиларкин у?» Онасини бу ҳақдаги ҳикоясига эътиборсиз, отасини эса, у боғдан келса, тоғдан келади. Ўқиб, нима, шаҳар олиб берарми-



динг, дейдими-ей. Кейин мамнунлик билан кўшиб кўяди: «Мана мен, шофёр бўп, кам бўлмадим. Пул топишнинг йўлини билсанг, ҳеч қачон кам бўлмайсан. Сал бўй чўзгин, яна бир сигир обераман».

Отаси бу гапларни тўрдаги телевизорга тикилган кўйи айтади. Беғам, беташвиш, лоқайд бир тарзда сўзлайди. Она эса жуда эпчил, ота гапини тугатар-тугатмас, бирпасда фойда-зиёни хомчўт килиб ташлайди. Фойда-зиён ҳақидаги гаплардан болакай зерикади. Оғилхонада яна бир томдек сигирнинг пайдо бўлишини ўйлаб, юраги орқасига тортиб кетади. Негаки, сут, сутга кўшилиб адоқсиз ташвишлари ҳам ортади-да. Шунда у онасини Ойша қорадек орик бўлмаганидан ўкинади. Онаси орик ва чакқон бўлганида, балки сутни ўзи сотармиди. Кейин у каттакон қорнини бир ён осилтириб, ёнбошлаб ётган отасига умидвор тикилади. Йўқ, отаси озадиган эмас, озмайдими, демак, бидон кўтариб сут сотишга ҳам чиқмайди.

Сўнг унинг кўзлари хона бўйлаб сарсон кезинади. Уйдаги буюмларнинг жойланиши ёқмай, юраги сиқилади. Жавон тўла чинни идишлар, устида қандайдир кутилар. Деворни бўйлаган гилам тепасида ота-онасининг ёшликда ёнма-ён тушган суратлари. Суратда улар ҳозиргидек бакалоқ эмас, кўзлари ҳам бошқача боқади. Энди улар ўзга бир одамларга алмаштириб кўйилгандек. Уйдаги буюмлардек жуда зерикарли.

Амакининг уйи эса бу хил буюмлардан холи, қандайдир тароватли. Бурчақдаги ихчам жавон китобларга лиқ тўла. Жавонга тақаброқ кўйилган чоғроқ диван сунчиғида доимо орасига кўзойнак қистирилган қандайдир китоб ётган бўлади. Амаки уни ҳозиргина кўлидан кўйганлигини болакай ичдан ҳис қилади. Эшиқдан чиқиши билан тагин кўлига олишиниям билади. Деворга эса ўзини эмас, қандайдир ўқувчи болаларнинг сон-саноксиз суратлари тартиб билан осилган. Бундан унинг ўқитувчи бўлганлиги аёнлашади.

Болакай ҳар гал амакининг ортидан тўғридаги ошхонага ўтаркан, чап ёндаги айни шу хонага хавасланиб боқади. Диванга чўкиб, бир зум нафас ростлагиси, девордаги суратларни мароқ билан томоша қилгиси, кейин чиройли терилган китобларни титкилаб, расмларини томоша қилгиси келади. Азалдан у китоб саҳифаларига

чизилган суратларни томоша қилишни ёқтиради. Назарида, бу суратлар уни бошқа бир оламга чорлаётгандек туюлаверади.

Зиммасига сут сотишдек зерикарли вазифа юклатилмасдан бурун дарсликлардаги расмларга ўхшатма чизишни яхши кўрарди. Ўхшатолса, ўзида йўқ суюнарди. Ўхшатолмаса, сира бўш келмас, ўхшатмагунча тинчимасди. Бора-бора унинг ўз қуёши, оппоқ парку булутлари, суюкли қахрамони — оғзини катта очиб кулиб турадиган бола, серўрқач тоғлари юзага келган ва уларни қайта-қайта чизишдан болакай ҳеч эринмасди. Аммо оппоқ сут ташвиши бу ширин эрмакка чек қўйди. Отасининг ғоят салмоқлаб айтишига кўра, эс-хушли болага бу хил ишлар ярашмасмиш.

Уйларида сумкасидаги дарсликлардан ўзга китоб йўқ. Оқшомлари уйдагиларнинг тикилгани бурчакдаги телевизор. Алламаҳалда мудроқ отага бирдан «жон» киради: «Жойимни собер, ёмон чарчабман бугун». Она оғир гавдасини базўр кўтариб, ўрнидан қўзғаларкан, болакайни эслаб қолади: «Ёт, эртан саҳар туришинг керак!» Шу билан кун адоғига етади.

Эртаси кун худди шу зайлда давом этади.

Ана шундай кунлардан бирида болакай меҳр ва қаҳрга тўла овозни эшитади.

— Болани койиманг!

Ойша қоранинг қарғишларига кўмилиб, йўлак четидида «без» бўлиб турган бола, ёнига ўгирилиб, ғоят ораста кийинган амакини кўради.

— Қап-катта хотин, уялмайсизми болани қарғагани! — деди у аёлга жиддий тикилиб, сўнг билагидаги соатига бирров кўз ташлаб, юмшоқ охангда сўради: — Дарсга кечикмадингми, болам?

Болакай оёқлари остидаги бидонларга ишора қиладди.

— Сотишга улгурмадим хали.

— Қанча қолди?

— Анча бор.

Амаки бир муддат ўйланиб тураркан, сўнг қатъий деди:

— Қани, мен билан юр-чи!

Болакай Ойша қоранинг юрагини куйдириб, унга эргашади.

Амаки бидонлардаги қолган сутларни каттакон идишга ағдараркан, чўнтагидан пул чиқараётиб тайинлайди:

— Бундан сўнг сутинг қолса, тўғри ўзимга олиб келавер.

Эринган ёхуд тонгги салқин ҳаводан жунжиккан кезлари, болакай сут бидонларини кўтариб, тўғри унинг уйига бормоқ истайди. Аммо ичдан ҳамиша нимадир тўсқинлик қилади. Нимагалигини билолмаса-да, ҳарҳолда, бу иши яхши эмаслигини англайди. Шунингчун аввалига бошқаларнинг эшигини қоқади. Кўпинча бидонлари тез бўшаб, амакиникига ўтишга ҳожат қолмайди.

Шу кейинги тўрт кун ичида бу ҳол кетма-кет такрорланиб, у амакининг уйига ўтолмади. Бугун ҳам эшикмаэшик юриб, сут сотаркан, негадир амакини тез-тез эслаётганидан ажабланди. Кеча ва ўтган куни ҳам шундай бўлганди. Бу сафар эса чидаёлмади. Идиши бўшашини кутиб турмай, амакиникига йўл олди. Муаллиманинг зардали қиёфаси энди уни ортиқ ташвишлантормас, билладики, амаки узоқ тутиб турмай, идишлардаги сутни охиригача қуйиб олади. Баҳонада амакини кўргани қолади.

У четдаги тўрт қаватли фиштин бинога етди. Йўлақардан қирига кириб, иккинчи қаватга кўтарилди. Тапиш эшик ёнида тўхтаб, бир зумга нафас ростлади. Сўнг қўнғироқ тугмасини босди. Бирок ҳамиша тез очиладиган эшик ортидан бу гал ҳеч бир садо эшитилмади. Болакай қўнғироқ тугмасини қайта ва қайта босди. Кейин муштлари билан эшикни гурсиллатиб урмоққа тушди.

Қўшни эшик қия очилиб, сочлари тўзғиган аёлнинг тўнг башараси кўринди.

— Амак йўқ, ўлган у, — деди у эшикни каттароқ очиб, ҳалати ёқасини тўғриларкан. — Сутинг бўлса, бир банка қуйиб кет! Эя, мунча анграясан?! Нима бало, овсармисан?

Тахтадай қотиб қолган болакай аёлнинг жаврашларини эшитмади. Аёл вайсай-вайсай бидондан ўзи сут қуйиб олди. Қўлига пул тутқазиб, эшикни қарсиллатиб ёпгадан сўнгина болакай ўзига келди. Қарахт бир ҳолатда зиналарни бир-бир босиб пастга туша бошлади.

У ташқарида Ойша қорага рўпара бўлди.

— Мехрибонинг йўқ энди, — деди Ойша қора истеҳзоли хиринглаб. — Сендан олган сутини кўшниларга бепул таркатарди. Йўқ энди у. Эшикма-эшик чорининг-ни судраб юравер энди!

Болакайнинг мадори йўлак четидаги ўриндикқача базўр етди. Қалтироқ бармоқлари билан шудринг қўнган тахталарни пайпаслаб, аста чўқаркан, елкалари титраб йиғлаб юборди.

Нарида эса сут тўла бидонларини кўтарганча Ойша қора кетиб борарди.

— Молоко! Свежий молоко!

Болакай эса ниманидир англаб, ниманидир англамай, йиғида давом этаркан, ҳеч қаёққа ошиқмас, негадир ошиқишни сира-сира истамасди...

## ДАШТДА

Эна ер муштлаб қарғанади.

— Бундан кўра ўша даштда жондор еб кетса бўлмасмиди сени! Ерди камгинаси тортибгина кетса бўлмасмиди! Не деган гап бу, ҳалитдан хотин кишининг этагига тирмашиб. Кимга тортдинг ўзи сен! Не деган одам бўлдик?! Не деб қишлоқда бош кўтариб юрамиз энди? Ҳали отанг келса, нима дейди? Ўлдирибгина кўяди-ку сени...

Гирди тошдан кўтарилган пастак супа лабида чимирилиб ўтирган Бердимурод, қаншари остидан энасига хўмрайиб боқади. Ич-ичидан хайқирмоқ истайди: «Етар энди!» Бироқ нимадир халақит беради. Хайқиришдан кўра, ичдан эзилмоқни маъкул топгандай, чурқ этмайди. Бунга сари, энанинг фигони кўкка ўрлайди. Яккаш санайди. Ётиғи билан сўраб-суриштиришни хаёлига келтирмайди. Суруштирган тақдирдаям, қайсар ўғлидан тайинли бир жавоб олиш қийинлигини яхши билади. Кеча оқшом даштдан юз-кўзини кўкартириб қайтганда ҳам бир сўз демаган, йигитчиликда, дея қўя қолган. Не гаплиги эса тонгда аён бўлди: кеча ўғли даштда нотаниш бир келинчакка ёпишган экан, хешлари келиб, ўласи қилиб уриб кетишибди.

Бердимурод жиғибийрон бўлаётган энасидан кўз узиб, молларини подага қўшиш баҳонасида майдон че-

тига ййгилаётган эркаклару, кўча юзидаги аёлларга боқаркан, ховлиси тевараги девор билан ўралмаганидан ўкинади. Девор яхши-да, бегона кўздан асрайди. Ундай деса, бу кишлокда деворли ховлининг ўзи йўқ. Дўнг бетига бетартиб тушган кишлок хонадонларида не сир, не синоат бари хамманинг кўз ўнгида. Яширмоқнинг ҳеч иложи йўқ.

Ййгитнинг аламнак нигоҳи эркаклар орасида кўхна, нимдошгина тўнига ўраниб, бамисоли мусичадай беозоргина кунисиб турган Сувонкулга тушгачгина не гаплигини англагандай бўлди. Демак, кишлокда миш-миш таркатган шу. Ана энди, холинг қалай, дегандай кулиб турибди. Хархолда Бердимуродга шундай туюлди.

Сувонкул ҳозирда кўзига жирканч кўрингандай, ёзғираётган энасининг назарида ўзи ҳам ундан кам эмаслигини фавқулодда ички бир туйғу билан ҳис этаркан, ўрнидан ирғиб турганини сезмай қолди.

— Бари ёлғон! — дея хайқириб юборди.

Чўчиб тушган энанинг кўзларида умид учқунланди.

— Сен бола, мени адо қиласан, — деди ҳикиллаб.

— Сизни адо қиладиган ҳеч бир иш қилганим йўқ! — дея чўрт кесди Бердимурод. — Кўп жаврамай, хуржунни ҳозирланг! Кетдим мен подага.

— Чой...

— Раҳмат, тоза чой ичгандай қилдингиз!

— Ахир мен... — Эна узун енги билан кўзёшларини суртди. — Ичим куйиб кетяпти-да, болам. Кимга ишонай?

— Ана, уларга ишонинг! — Ййгит зарда ила одамлар томонга ишора қиларкан, деди: — Инсон боласига қайишганим шу бўлсин! Менга деса... ўлиб кетмайдимиз бари!

Бердимурод кейинги гапини қасам йўсинида қатъий таъкидларкан, юрагида улкан бир ўпирилиш юзага келганини сизди. Тугун тортган панжалари бўшашиб, қомаги алланечук шалвираб тушди. Оёқларини судраб босиб, айвон томон юрди. У ердан сиртига қалин наमत сирилган кўзачани олиб, челақдан унга сув қуя бошлади.

У қаддини ростлаганда, қир бошидан куёш мўралай бошлаганди. Аламнак эса-да, бу манзарага бефарқ қараёлмади, махлиё бўлгандек бир зум туриб қолди.

Тонг нурларини у азалдан яхши кўради. Айниқса, ўрқачли қир чўққилари алвон рангга кирганида, ҳаяжондақ қалтираб кетади. Бундай кезларда жисми тушунуксиз ажиб бир ғайратга тўлиб, бутун оламни қучгиси, қутилмаган бир ишлар қилиб, ич-ичидан тошиб келаётган ўша ғайрат ҳиссини қондирмоқ истарди. Отаси — Собир полвон айтмишли, бу эрлик, аниқроғи, корлик туйғуси бўлиб, кейинги пайтларда у тез-тез ўша ҳис етовига тушиб қолмоқда эди. Бироқ, қишлоқда хотинларнинг онда-сондаги жанжалини демаса, фавқулудда ходисалар сира юз бермасди. Тўйлардаги курашда эса, ҳозирча ўзини итнинг орқа оёғи деб биларди. Негаки, тўйларда тенгқурлари билангина курашар, корлик, яъники ўзга ерлик катта полвонларни йиқитиб, қишлоғи обрўйини сақлаб қолишдек ички бир хоҳиши чўнг полвонларнинг оёқлари остида топталиб, у орзу этагидан тутганча қолаверарди.

Бироқ яқинда корликнинг ғаройиб лаззатини тотмоққа ниҳоят эришди. Эсласа, хануз хузур қилади. Ўшанда баданидаги оғриқлар ўта ёқимли туюлиб, ўзини етмиш еттинчи осмонда ҳис қилганди. Ёқмагани, оппоқ юзли қизнинг меҳрибончилиги бўлган. Қизнинг «укажон»лашидан роса энсаси қотган. Қиздан у миннатдорчилик истамаганди. Қиз эса, «укажон»лаши етмагандек, юмшоқ бармоқлари билан шишган, қизарган ёноқларини силаб-сийпаган. Шунда у ўзини бола сезган. Билаклари ингичка, бўйи пастак туюлган. Ҳолбуки, у бўйчан, пишиқ ва бақувватгина йигит эди. Ўн саккиздан эндигина хатлаган бўлса-да, унда йигирма ёшли йигитнинг туси ва келбати бор эди. Чапдастлиги туфайли қизга тирғалган Бозорорти маҳалласининг безориси саналмиш Адҳам дарроздек давангир йигитни чекинишга мажбур этганди...

У сув тўла кўзачани супа лабидаги хуржун ёнига кўяркан, қашқани эгарлашни унутганини эслади. Отни эгарлаш ҳамиша унинг анчагина вақтини олади. Бу юмушни бошқаларга ўхшаб ўлда-жўлда қилмасди, алоҳида иштиёқ билан адо этарди.

У шу юмушни бажариш ниятида от томон юраркан, кечаги воқеа эсига тушиб, уни бу қадар эъзозга арзимайди деган ўйга борди. Қашқадан ёмон кўнгли қолганди. Жонивор доимо нозик пайтда панд бериб кўярди.

Сирасини айтганда, Қашқа у орзулаган от эмасди. Худди кечагидай, оппоқ юзли киз воқеасида ҳам уни ғоят хижолатга солганди. Адҳам даррозни қочириб, бозор четидаги саройдан Қашқани етаклаб чиқаркан, томошага йиғилганлар кўз ўнгида отда керилиб кетмоқни ўйлаганди. Буни қарангки, одамлар ҳам худди шуни ишташган экан, дастлабки лаҳзадаёқ бунинг акс-садосини илғади.

— Ўзи зўр йигит экан-ку, шу минган оти бўлмабди.  
— Вой, кишлоқи-ей, Адҳам даррозга бас келди-я!  
— Ҳозир оти мункийди. Ана, айтмадим-ми...  
— Эшакдан хароб экан, бахридан кечсаям бўларкан.  
— Ха, ўзи зўр экан-у, лекин...  
— Даланинг боласида, меҳнатда пишган, чайир. Ано-ву дарроз уч кўрга чидаёлмай, дарров тили осилиб қолди.

— Оти ўзига ярашмабди лекин.

Ўшанда Қашқа туфайли, у бозор майдонини боши эгик ҳолда тарк этганди. Аммо ғолиб эмасми, ўзича кейин қирчангини кечирганди. Унинг беўхшов қилиқлари хақида ортиқ ўйламай қўйганди.

Буни қарангки, кеча у тагин панд берди.

Даштда нотаниш келинчакни кузатиб бораркан, оқшом бу иши учун унинг хешларидан бошлаб калтак ейишини хаёлига ҳам келтирмаган ҳолда, алплардек эгарда мағрур ўтирарди. Ёмон тили туфайли эридан на-сибасини олиб, қишлоғига аразлаб кетаётган келинчакнинг хадикли қарашларини сезмас, қилаётган бу ишидан масрур ҳолда борарди. Ахир йигирма одимча олдинда пилдираб кетаётган ожизага паноҳ эди-да, у бор экан, бийдек бу даштда ҳеч кимса унга даҳл қилолмайди.

Бердимурод кўзларини узоқ-узоқларга қадаб, отда гердайиб бораркан, қутилмаганда ярамас қирчанги мункиб кетса бўладими. Йигитнинг хаёли бошдан учиб, кўм-қўқ майсалар устига гурсиллаб тушди. Келинчакнинг олдида ўзини шармисор хис этди. Аламидан йиғлаш даражасига етди. Бир ўйи, уялганидан изига қайтмоқчи ҳам бўлди. Бироқ келинчакни ёлғиз ташлаб кетишга кўзи қиймади. Шунга қарамай, нохуш бу ҳодиса кўнглидаги парвозга тўсиқ бўлолмади. Отига қайта ўтириб, келинчакнинг ортидан йўлга тушаркан, салдан сўнг хижолати хиёл аригандай бўлди. Назарида, ҳозирги

иши ортикча майда-чуйдаларга ўрин бермасди. Боз устига, табиат худди унинг кўнглидан андоза олгандек, роят фусункор эди. Артилган шишадек тип-тиник осмонда охиста сузиб юрган бир парча оппоқ булутни демаса, теваарак, кўйингки, бутун борлиқ ям-яшил тусда эди. Бу яшиллик кунчикишдаги қир бетига сочилган подани ўз бағрига сингдириб, хализамон ютиб юборадигандек эди. Ўз навбатида, қаровсиз қолаётган айни шу пода йигитнинг кўнглига андак хавотир солиб турарди. Унинг йўл-йўлакай пода томонга бот-бот қараб кўйиши шундан эди.

Йигит учун пода бамисоли бир кишан эди. Бу кишандан қутилмоқнинг эса ҳозирча ҳеч бир иложи йўқ. Ёз бошигача бир амаллаб чидаши, сўнг ҳозир хуржуни тубида олиб юрган дарсликларини чамадонга жойлаб, шаҳарга, ўқишга жўнамоғи лозим эди. Хаёлида олдинда уни улуғ ишлар кутар, бу улуғ ишларга эса фақат дарсликлар орқалигина етмоғи мумкин эди. Аммо дарсликлар шу қадар бадига ургандики, зада кўнгли қутилмаган ходисаларни қўмсарди. Қани энди, лоақал подага бўри ораласа-ю, у жонига теккан китобларни бир четга улоқтириб, йиртқишларга қарши ҳужумга ўтса, ёки... бу ёғи энди фақат хаёл. Чексиз-чегарасиз ширин хаёллар...

Кеча бийдек даштда ёлғиз ўзи кетаётган келинчакка кўзи тушганида ҳам худди шу каби тотли хаёллар оғушида қир бетига ёнбошлаб ётарди. Эғнидаги қирмизи либоси қуёш нурида ял-ял товланиб, жадал одимлаётган келинчакка аввалига лоқайд тикилди. Кейин у кўзлаган манзилни тусмоллагач, хушёр тортди. Жувон кора тортган кишлоқ узокда, оралиқда эса хавфли жарлик кўндаланг ётарди. Бундан ҳам ёмони, даштда кўзи қонга тўлган чўпон-чўликларнинг учраши эди. Ўтган ойда даштда шунга ўхшаш воқеа содир бўлиб, сурони ханузгача тинмаган.

Йигит келинчакни мавҳум тажбвуздан қизғанади. Ўрнидан сакраб туриб, оти томон юганини билмай қолади. Бироқ илтифотини қай тарзда ифода этишни билмай, бир зум тараддудланади. Биладики, дашт аёлларининг аксарияти хуркак келади, ҳаракатини ҳар хил англаши мумкин. Шунда унинг эсига болалигида кечган бир воқеа лоп этиб тушади. Туманли ҳавода энаси икки-



си эшакда кўшни кишлокдан қайтишаётганида, дала-нинг ўртасида қаршиларидан чақмоқ телпагини қошига-ча бостирган, тўнг қиёфали бир отлиқ чиқади. Отлиқ улар ёнидан индамай ўтаркан, бир оздан сўнг ортига қайтади. Оралиқда ўн беш-йигирма одимча масофа сақлаб, уларни кишлокқача кузатиб келади. Энаси алқашга улгурмай, отини шартга изига буради-да, туман орасида кўздан ғойиб бўлади.

Бердимурод келинчакнинг ортидан тушаркан, худди ўша суворидек иш тутди. Сўз котгудек бўлса, ҳаракати-нинг фарахбахш сир-синоати йўқоладигандек туюлади. Ахир туманда учраган отлиқ сукути боис, унинг хотира-сида ҳозиргача яшаб келади. Фақат келинчакнинг жон-саракланишигина бу хузурбахш лахзага соя ташлаб ту-рарди. Эсида, бошда энаси ҳам нотаниш суворийдан жуда кўрққан, сўнг мақсадини англагач, хотиржам тор-ган. Келинчак эса сира тинчланай демасди, аланг-жа-ланг қарагани қараган эди. Ундаги безовталиқни пайқаган йигит, хавотирланманг, сизга ҳеч ёмонлигим йўқ, жардан ўтказиб қўяману, изимга қайтаман, дегиси келди-ю, демади. Нечундир дегиси келмади. Сўнг кечга яқин уч отлиқ бостириб келиб, ола-тасир уриб кетиш-ганда ҳам ўзини оқлаб ўтирмади. Очиғи, отлиқлар оғиз очиргани қўйишмади, хали сенми, синглимизни кўрқитадиган, дея бошлаб савалаб кетишди...

Бердимурод Қашқани эгарларқан, майдонга йиғил-ган халойиқ ўзини зимдан кузатаётганини фаҳмлади. Афти калтакдан бежалган йигитни кимдир эрмак, ким-дир ачиниш билан томоша қиларди. Негаки бу каби ходисалар кишлокда фавқулудда воқеа саналиб, «кахра-мон» анчагина кишиларнинг диққат марказида бўлади. Чуваладиган гапларни-ку қўяверасиз...

У кишиларнинг тикилишидан ғижиниб, юзини от-нинг панасига олди. Кейин саркашлиги кўзиб, қаддини ростлади ва кўзи қўй-эчкиларини олдига солиб келаёт-ган бўйчангина қизга тушгач, сергак тортди. У қизга бе-эътибор эмасди. Қиз ҳам бунини сезарди шекилли, боқиш-лари бошқачароқ эди. Аммо ҳозир у жуда тажанг қиё-фада эди. Молини подага кўшаркан, қўлидаги чивикни улар ортидан улоқтириб, изига қайрила-қайрила йигит томонга шундай бир қараш қилдики, Бердимурод туйқусдан тарсаки егандай бир калқиб тушди.

Сигирини ҳайдаб келган ёшгина жувоннинг қилин-иям униқидан кам бўлмади. Кўпчилик, асосан аёлларнинг нафрати ошқора юзига тепчиб турарди. Энасининг бекорга куонмаганини теран идрок этаркан, салдан сўнг эркаклар тўдасида ҳам шу ҳолни сездди. Даврага кейин келиб қўшилган эчкисоқол амаки қўлларини пахса қилганича, ёшлар бузулиб кетди, дея ваъзхонлик қиларди. Бу гапни бошқалар, жумладан, Сувонқул ҳам бош ирғаб тасдиқларди. Бунга сари эчкисоқол баттар авж қиларди: «Бу ҳалиям кам, ўлдириш керак эди буни! Менинг болам бўлганидами, нима қилишни ўзим билардим! Ҳа-да, ўша келинчакнинг ўрнига энасини қўйиб кўрсин, опаси ёки сингисини қўйиб кўрсин... Қалай?! Ҳалиям бўлса аяшибди. Эртан улар томонга тўйга боришимиз бор, азасига қатнашимиз бор. Айтишмайди-ми, ўл-а, баринг деб...»

Эчкисоқол отаси билан урушли, пайтдан фойдаланиб, бор захрини тўкиб-сочарди.

Бердимурод уларга қарамасликка тиришиб, подани даштга қўзгаркан, Сувонқулга бирров кўз ташлашдан ўзини тиёлмади. У кеча жарда учратган одамга сира ўхшамас, мўмин ва беозор эди.

— Сен бола, мени зўр маишатдан бебахра қолдирдинг-да лекин!

Келинчакни жардан ўтказиб, ортига қайтган Бердимурод беҳос эшитилган бу садодан чўчиб кетади. От тизгинини торта-торта, тевааракка аланглайди. Бирор қора илғамагач, қулоғимга чалинди шекилли, деган ўйга боради. Юрагига хавотир иниб, отини қичамоқчи бўлади. Аммо шу пайт жар тубидаги буталардан бири силкиниб, кулги овози эшитилади. От ҳурқади. Йигит қамчи дастасини маҳкам сиқиб, ўша томонга тикилади ва бута новдалари орасидан мўралаб турган малла башарани кўради.

— Кимсиз?

Бута новдалари қаттиқ чайқалиб, салдан сўнг унинг қаршисида Сувонқул пайдо бўлади. Елкасида милтик, белидаги эски патронташга тулки териси осилган.

У беўхшов тиржаяркан, томоғини ғалати тикиллатади.

— Ёмо-он халақит бердингда...

Бердимурод ҳеч нарса англамай, унга бошдан-оёқ

разм солади. Афтини кўнғир соқол босган бу одам ов баҳонасида доим дала-даштда санқиб юрар, гохида тўрт-беш ойлаб йўқолиб қолар, сўнг тўсатдан яна пайдо бўларди. Уйдаги тўртта боланинг ташвиши ёлғиз хотинининг гарданида, бу эр бўлмиш қаерга йўқолади, не ишлар билан банд, буниси ёлғиз Худога аён эди.

— Аммо лекин иккимизга ҳам етарди, — деди Сувонкул юзидаги ифодани ўзгартирмай. — Жарда қимирлайсанми десам... Ё дўнгда ишингни битирдингми? Эпладингми ишқилиб? Ўзиям лекин зўр нарса экан! Илқиллаган қуйруққа ўхшайди! Кўкбулоқлик аёллар азалдан хушрўй бўлишади. Ўтган йили кузакда биттасини Оксойда қўлга туширганман. Тезак териб юрган экан. Эримга айтаман, акамга айтаман дея Худонинг зорини қилди. Қайдам, қараб турадиган аҳмоқ борми. Айтсанг, уруфингни қуритаман, дея ишини тиндирганман. Айтмади. Қанақа қилиб айтади. Айтса, эрсиз қолади, ўзи шарманда бўлади-да. Агар халакит бермаганинда, бунисиниям боқлардим.

Қишлоқда мулойимгина бўлиб юрадиган бу бандани энди кўраётгандек; Бердимурод анқайиб қолади. Сувонкул хунук илжайиб, енгил йўталади-да, буталар ортидаги дўнгда ишора қилади.

— Анову дўнгда боврида тулки пойлаб ёғувдим. Қарасам, тепадан бир нарса тушиб келаяпти, ранг-кути ўчган. Изидан сен. Қаерда ишини тиндира қолдинг, а? Жаргача сабринг чидамабди-да. Бало экансан лекин! Ишқилиб, сасингни чиқарма, деб тайинладингми? Қандай қилиб эпладинг? Ичимни қиздирмай, гапир тезроқ. Эшитиб ҳам маза қилаверамиз биз!

Бердимуроднинг беихтиёр сермаган қамчиси унинг ўнг ёноғини ялаб ўтди. Сувонкул ортига чакқон тисарилиб, яроғини қўлига олди. Йигит ўзига ўқталган милтиқдан эмас, Сувонкулнинг вазоҳатидан кўркиб кетди. Қаршисида ўзи билган мўмин одам эмас, ҳеч балодан тап тортмайдиган ёвуз бир кимса еб қўйгудек ўқрайиб турарди.

— Нима қилиқ бу?! — Сувонкул ёмон сўқинди. — Ё қизғанияпсанми? Агар қизғанаётган бўлсанг, аҳмоқ экансан!

— Мараз! — Бердимурод шундан бўлак гап айтолмади.

Сувонкул бошини бир ён кийшайтириб, унинг афтига синчков тикилди. Сўнг кулимсиради.

— Демак, эплаёлмабсан...

— Сиз...

— Мен... — Сувонкул совуқ ишшайди. — Сувонкул аканг силар ўйлаган одам эмас! Асло ўйнаша кўрма мен билан! Энди эса қорангни ўчир!

Йигит унинг эрмакловчи хириглаши остида жарни тарк этаркан, бу учрашувдан қалби ларзага келди. Кечгача шунинг таъсирида юрди. Келинчакни хаёлан унинг чангалида тасаввур этиб, кузатиб қўйганидан минг бор мамнун бўлди.

Бу кечаги, яъни келинчакнинг хешлари билан юз берган тўқнашувгача бўлган ҳол эди.

Энди...

У подани кир бетига ёйиб, майсалар устига хомуш ёнбошларкан, на қўлига китоб олди, на ширин хаёлларга толди. Назарида, қуёш хароратсиз, тириклик саробдек эди. Қишлоққа қайтмай, номаълум томонларга бош олиб кетмоқни истарди. Лекин қаёққа? У шу ўйда узокдаги тоғларга боқди, тубсиз осмонга тикилди. Теварагида чуғурлашаётган тўрғайларнинг ҳаракатидан маъни топмай, карашлари лоқайдлаша бошлади. Даштнинг қирга туташ қисмидаги экинзорга тушган эчкиларни тиркиратганча, узокдан туриб ўдағайлаган қоровулнинг бақириш-чақиришларига ҳам эътибор бермади. Пинакка кетсаму, қайтиб уйғонмасам, деб ўйлади.

Йигит бийдек даштга маъюс тикилиб, ёнбошлаб ётаркан, кўзига қандайдир қора чалингандай бўлди. Сўнг бу қора эшак минган аёлга айланди. У жарлик томон кетиб борарди.

Бердимурод чуқур хўрсиниб, нигоҳини пастга олди. Ўт-ўланлар орасида гимираётган қурт-кумурскалар ҳаракатини кузатган бўлди. Сўнг беихтиёр яна аёл томонга қаради. Орада жар тарафга кўз ташлаб олди. Хаёлидан Сувонкулнинг истеҳзоли башараси лип этиб ўтаркан, бу сафар аёлга ташвишли боқди.

Аёл эса бамайлихотир кетиб борарди.

Бирор йигирма дақиқалардан сўнг жарга етади. Тавба, уйда тинчгина ўтирмай, нечук даштда тентиб юрибди бу?! Даштда пишириб қўйибдими?

Бу ўйлар йигитнинг бўшаган вужудига қайта қувват

багишлагандай бўлди. Ўрнидан сакраб турганини ҳам сезмай қолди. Юрагида ўша таниш корлик ҳисси тагин жунбушга келиб, оти томон илдам юрди.

Отини қичаб, бирпасда аёлга етиб олди.

Аёл сўзамолгина экан, гапга тутинди.

— Ҳе, йўл бўлсин, улжоним?

— Сизни жардан ўтказиб қўяй, хола... холажон.

— И-и, мени бўри ермиди, болажоним. Ҳай, майли, қайтамга суйлашибгина кетамиз.

Бердимурод сўзлашмоқни истамади. Аёлдан пича ортда қолиб, уни қоралаб бораверди. Шунда у қуёш тафтини, борликнинг ғоят фусункорлигини қайта ҳис эта бошлади. Тагидаги оти эса, одатдагидан кўра тузук-роқ йўрғалаётгандек эди.

## АЛП ОНАДАН

Нормат полвон тоғаси Олим бригадни уриб, конига бўяб ташлаганмиш. Ҳозир у уйида жонталашиб ётганмиш.

Қишлоқда кўпқон бу миш-мишдан одамлар кўпда таажжубланишмади. Ака-ука ёқа бўғишиб турган бу замонда тоға-жияннинг уриши нима бўпти. Бугун ёқалашган бўлса, эртан ярашишади. Хешлар орасида ора-сира юз бериб турадиган тентакликда бу бир. Аммо кейинги гап барчани бирдек хайратга солди. Нима эмишки, тоға-жиян қиз талашиб тебалашганмиш. Нормат полвонни ку тушунса бўлар, ёш-ҳали уйланмаган. Бироқ Олим бригадни нима жин урди. Ота соқоли иягига битиб, кизини узатай, ўғлини уйлантирай деб турган одам нечун ўз жигари билан қиз талашиб юрибди? Нима бўлгандаям, Нормат полвон кўп ёмон иш қилибди. Ахир ҳеч замондаям тоғага қўл кўтарадими киши. Ҳайф сенга полвон деган ном. Қилғиликни қилиб, энди қайси гўрдадир улоғиб юрганмиш, қишлоққа келолмай. Кимдир уни шаҳар автобусига чиқиб кетаётганини кўрганмиш, бошқа биров чўлга бош олиб кетган дейди. Ҳарҳолда бу машмашадан сўнг қишлоқда бош кўтариб юрмоқ кийин-да, кетгандир кўзи илғаган томонга.

Бироқ Нормат полвон, одамлар ўйлаганчалик, уят ва номусдан бирор ёққа бош олиб кетмаган, ғўзалари энди-

гина ниш ура бошлаган пахта пайкалининг четида, Дўнгарик ёқасида хаёлга чўмиб ўтирарди. Одатда, тонг манзарасини яхши кўрадиган йигит, бу сафар теваракка бутунлай бефарқ — на чўққиси қирмизи ранг тонг шафафига бўялган қир фусункорлиги, на дала таровати кизиқтирарди уни. Сиртдан сокин ва хотиржам кўринса-да, ичида қуюн қутурарди. Азонлаб даштга келиши аслида шундан. Боз устига, энасининг таънаомуз қарашлари-ю, отасининг таассуфла боқишларига чидамоғи кийин кечди. Оқибат, қочиб келган ери шу дала бўлди. Бармоқлари орасига тушиб қолган кесакларни асабий эзгилаб, яккаш гудранарди: «Бунга энди ортиқ чидаб бўлмайди! Аёллар-ку, майли, лекин бўй етган қизларни захдам, оғир юмушлардан асрамоқ керак! Эмасам, полвон зоти қурийди бу қишлоқдан!»

Кеча тоға-жиян ўртасида гап кочиши шундан. Турли катта-кичик лавозимларда ишлаб, охири тўхтаган жойи бригадирлик бўлган тоға каттазангликка кўниккан эмасми, изтироб оғушида қоврулаётган жиянига баланддан қаради. Балчиққа ботиб, ариқ тозалаётган қизларни хайдаб юборганини эшитиб эса, қаҳри қўзиди. Қаҳрини босолмай, виқорли бир ҳаракатла қўл сирмаб юборганини сезмай қолди. Қўли мўлжалга етиб-етмай, тоға ўзини ерда чалқанча тушиб ётган холда кўрди. Ёмони, бу ҳодиса шийпонда валақлашиб ўтирган тўрт-беш киши кўз ўнгида юз берди.

Бор гап шу.

Табийй, тоғага қўл кўтармоқ бориб турган шармандалик. Бироқ ҳозир Нормат полвонни бу шармандаликдан кўра, кечаги мағлубият кўпроқ азобга солмоқда эди. Курашларни кўп кўрган, аммо бу қадар уятли курашни ҳеч қачон кўрмаганди. Полвонман дея ўмганини кўтарган қизилсувлик борки, бари учтолликлардан йиқилиб ўтирса-я. Азбаройи чидаёлмаганидан оқсоқланиб ўзи ўртага чиққанди, баковул қўймади. Акс холда масхараомуз ишшайиб давра айланаётган учтоллик Қосим кални тиккалай ерди, ютарди. Ишонгани Ҳайбат полвоннинг оёғи осмондан келиб тушгач эса, аламдан қафтларини юзига босмоқдан бўлак чора топмади.

Бетига гортилган бармоқлари орасидан ерда чўзилиб ётган Ҳайбат полвонни, сўнг мисоли денгиздан гувиллаётган давра аҳлини кузатаркан, улар орасида аёллар

кўплигидан ажабланди. Аввал эътибор бермаган экан, қизилсувлик аёллар кураш майдонига яқин йўлашмайди. Буларда эса ҳасса таянган кампирларгача келишган. Унинг таъбири билан айтганда, кўкси қўштарвуздек бўртган, томдек-томдек қиз-жувонлар курашни мароқ билан томоша қилишарди.

У манглайини аламли тирнаб, негадир уларни ўз қишлоғи аёллари билан солиштирарди. Назарида, улар ўз қишлоғи аёлларидан дуркунроқ туюлди. Нотаниш бу қиз-жувонларни бирма-бир кўздан кечираркан, беихтиёр хаёлида суюқлиси Хилолахон жонланди. Суюқлиси, кўлида кетмон, дала ўртасида жилмайиб турарди. У қизни шундан бўлак ҳолатда тасаввур этолмасди. Ҳарбий хизматдан сўнг, тоғасининг қистови билан далага чиқаркан, қизни илк бор мана шу кўйда, яъни дала ўртасида жилмайиб турган ҳолда учратганди. Қизнинг кўзлари сал нарида гап талашаётган дугоналарида, беозор кулимсираб турарди. Аини шу жилмайиши йигитнинг кўксига ўт ёққанди. Ҳали улар бирон марта холи учрашмаган бўлса-да, бир-бирларига бефарқ эмаслигини иккиси ҳам сезарди. Беш кун бурун Сариктепадаги бир тўйдан оёғини қайириб қайтганда, қиз хокисор бир ҳаракатла бошидаги дуррасини ечиб берганди. Ўзига қолса, табиий меҳрибонлиги туфайли, йигитнинг оёғини ўраб-чирмаб қўйиши ҳам мумкин эди-ю, киши кўзидан йймаганди. Аммо Нормат полвонга дуррани ҳадя этилиши етарли бўлган. У бир неча кун хаяжонланиб юрди.

Аммо бу сафар хаёлида жонланган қизнинг жон олувчи табассуми негадир синиқ туюлди. Даврадаги бегона қишлоқ аёлларига ғайир кўзи билан боқди: «Бизнинг аёлларни дала еб қўйган. Буларда эса дала юмуши йўқ, чорванинг орқасидан бари байталдай семириб, йилтиллаб юрибди-да!» Шундан сўнг унинг аламли нигоҳи аёллардан эркакларга кўчади. Ё дариғ, сезмаганини қаранг, уларнинг эркаклари ҳам ҳамқишлоқларига нисбатан ййрик ва кўркам экан. Ҳайбат полвон деганлари Қосим калнинг елкасидан келиб турарди. Ўртадаги баковул эса нақ девнинг ўзи, ғоят бамайлихотирлик билан даврани бошқармоқда эди.

Кўз ўнгида юз очган бу ҳолат хотираси қатига сингиб, ўтмишга айланган бир воқеани юзага қалқитиб,

куйидаги хитобни кулоқлари остида сас беришига сабаб бўлди.

Алп онадан!

Ўшандаям ва сўнг ҳам Нормат полвон бу гапга кўшилмаганди: «Бекор гап, алп отадан! Полвон полвондан бунёд бўлади. Бунга онанинг ҳеч даҳли йўқ». Шунга қарамай, бу фикрдан анчагина дили ғашланиб юрган ва кейинчалик унутиб юборганди.

Мана энди, шу гап ростдай туюлмоқда эди.

У бошини илкис чайқаб, миясини аёвсиз пармалаётган бу хотирадан халос топмоқни минг истамасин, елкасига тароқи хуржун ташлаган жиккак, бақироқ чолнинг карнай сасидай ўткир овозини нақ шуурида туйди.

— Сарвар! Сарвар полвон сенмисан!

Намхуш куз кунларидан бири эди. Майдон тўла одам. Нариди темир йўл вагонлари. Кимдир ўғлини, кимдир хешини ҳарбий хизматга кузатгани чиққан. Жиккак чол талпиниб бораётган томонда эса бошида кўкиш барра телпак, эғнида ранги уникқан алача тўн, алп қоматли бир эркак ҳаммадан яққол ажралиб турарди. Ачом-ачомдан сўнг шу нарса маълум бўлдики, Сарвар полвон деганлари маллатоб ўғилларидан бирини ҳарбийга кузатгани чиққан экан.

Шанғи чолнинг бу галги хитоби аввалгисидан баттар бўлди.

— Шу машак ҳали сенинг улингми?!

Ҳақиқатда ота-бола бир-бирига сира ўхшамас, сал нарида яна бир талайи кимтинибгина турарди. Чолнинг эндиги ҳайқирини алам ва ҳайратга қоришиқ ҳолда жанглади.

— Худо урибди-ку, агар шу машаклар сенинг улинг бўлса!

Сарвар полвон хотиржам эди. Жавобиям шунга монанд бўлди.

— Алп онадан деганлар, эшонбово, — деди манглайини сийпалаб. — Биласиз, келинингиз ушоқ. Хушруйлигига учиб уйланавериbmиз... Булар тоға жамоасига тортганда. Умидимиз энди неваралардан, бирортаси ўхшаб қолар бизгаям. Одамларни қаратиб, буйтиблар бақираверманг-да, сизам энди!

— Рўзгор катта деб келин бечорани тиндирмаган чиқарсан сен, — дея шанғиллашда давом этди чол. — Ўзинг



тўй-тўйлаб, мол-холларга қарашам келинга қолганда, а? Мехнат ёмон — девди чивинга айлантириб юбориши мумкин.

— Ха энди... тинмас аёлнинг кўзилариям майда бўлади-да...

Агар шу воқеа хотирасида жонланмаганида, Нормат полвон тоғасига тирғалмаслигиям мумкин эди. Яна ким билади. Ҳарҳолда кураш майдонидан тўғри далага қайтаркан, бригада қизларини балчикда кўрди. Қизлар ялангоёқ, тўпигигача лой кечиб, ариқ тозалашаётган экан. Улар орасида Ҳилолахон ҳам бор эди. Қизнинг лойга беланган оппоқ болдирларига кўзи тушаркан, йигитнинг юраги бу сафар хапқирикмади. Миясидан ўтгани шу ўй бўлди: «Буйтиблар лой кечаверса, эртан менга полвон ўғил туғиб бера олармикан бу?!» Кўклам хавоси алдамчи — илиқ, аммо ер хали зах эди.

У қаҳрланиб қизларни даладан ҳайдаб солди.

Ўшанда Сарвар полвоннинг фикрига қўшилмаган эса-да, овозидаги ички бир надомат эсида қолганди. Алп онадан, дея алоҳида бир алам билан таъкидлаганди. У пайтлар ҳаётнинг ўзига хос ғаройиб бу фалсафаси билан Нормат полвоннинг мутлақо иши йўқ, жўртоқи бир полвон сифатида курашларда қўлга киритган катта-кичик зафарларидан ўзида йўқ масрур юрарди. Негаки, унинг юки хали енгил, катта полвонлар зиммасидаги маъсулиятдан, яъни юрт шаъни, деган тушунчадан ҳоли эди. Аммо орадан бир неча йил ўтиб-ўтмай, бу залворли юк елкасига ортмоқланганини сезмай ҳам қолди. Кунлардан бирида бундай теварагига разм солсаки, кишлоқ аҳли ишонган, аниқроғи, кўзига суртган полвонларидан бири ўзи бўлиб қолибди. Шунда билдики, катта полвонликнинг обрўйи зўр, залвори эса беҳад оғир экан. Курашда қолиб сифатида товоқ олиш бошқа-ю, юрт полвонларининг мағлубиятидан азият чекиш бўлак экан. Курашнинг йўриғи шу — енгасан, енгиласан дея ўзини овутмоқ истаса-да, ичдан нечундир қоникмаслик ҳиссини туя бошлаганди. Назарида, аксарият ҳамқишлоқ полвонларнинг илиғи пуч, курашда узоққа боролмаслигини фахмлаб етгандек эди. Ва шу воқеа кутилмаганда рўй берди. Учтолликлар уларни тутдай тўкиб ташлашди. Орқаш полвон учун бундан ортик фожианинг ўзи йўқ. Нормат полвоннинг наздида

Қизилқишлоқ ўлди, номи ўчди унинг. Одатда бу нарса сўзда ифода этилмайди, қарашларда, нигоҳларда акс этади. Мағлуб қолиб, ҳатто ғолиб томонларнинг ичи ачий бошлайди. Ана, яғриндор бир момо, оналик ҳисси қўзғалди шекилли, чидаёлмай, ҳамқишлоқларига бақириб берди.

— Ҳечқурса, биттагинанг йиқилиб бер энди!

Бу хитобни ҳеч ким англамади. Аммо Нормат полвон аниқ эшитди. Шунда билдики, ахвол жуда чатоқ, тутдай тўкилаётган қизилсувликларга ҳатто рақиб томоннинг раҳми келмоқда. Бу орада сўнгги талабгор Хайбат полвоннинг оёғи осмондан келиб тушди. Яғриндор момо бошқалардек қувониш ўрнига «ух»лаб юборди. Қизилқишлоқлик полвонлар учун улкан фожиа рўй берди. Бироқ тоға билан юзма-юз келганида, бу нарса барчага бирдек фожиа туюлмаслигини фаҳмлади. Йигламоқдан бери ҳолда ички изтиробларини баён этаркан, тоғанинг лоақал бир туки қилт этмаганини сизди.

— Нимаякан дебман мен, — деди ғоят лоқайд оҳангда. Сўнг нимадир дейиш учунгина кўшиб кўйди: — Биздан чин полвонлар чиқмаган ва чиқмайдиам.

Нормат полвон тутаб турган эмасми, портлади.

— Аёлларни буйтиб захга солаверсангиз, албатта, биздан полвон чиқмайди-да!

— Сенда ор бўлса, менда план бор, режа бор, — деди тоға узоқ-узоқларга бепарво тикилиб. — Нечун энди хотинларнинг оғири сенга тушиб қолди, а? Зах кечмай, муз кечмайдами менга деса! Ишласа пулини олади-да...

Агар олисда қишлоқ томон қаторлашиб кетиб бораётган қиз-жувонларга кўзи тушиб қолмаганида, тоға ҳаливери гапдан тўхтамасди. Кучи ичига сиғмаётган аҳмоқ жиянига пича «маъруза» ўқимоқчи эди. Аммо... Аввалига ҳайратланди. Сўнг ҳайрати ғазабга айланди. Нормат полвоннинг, барини ҳайдадим, ҳайдаб солдим, деган гапидан кейин, қўл сирмаб юборганини билмай қолди.

Тоға кўкка тикилиб ётаркан, танасида қўзғалган оғриқдан ҳам кўра; кутилмаганда юз берган бу ҳолдан инграб юборди. Сўнг, кет, деди, ҳозирроқ қишлоқдан қорангни ўчир, кетмасанг, қаматаман, деди. Назарида, жияни жавобгарликдан орқа-олдига қарамай қочиши керак эди. Қочиб юриш жонига тегиб, охири итдай ялиниб келиши лозим эди. Бу тоғанинг синалган усули эди.

Тиз чўкиб ялиниш ҳар қандай жазодан оғир татишлигини у яхши биларди.

Нормат полвон эса, кўз ўнгида кечаги кураш манзараси, кишлоқдан кетишни хаёлига ҳам келтирмас, кўтарилаётган қуёшга бефарқ тикилиб ўтирарди. Узокдан қизлар кўринмаганда, ҳали-бери ўрнидан кўзгаладиган эмасди. Қизларга кўзи тушгач, хушёр тортди. Улар узун-қисқа бўлиб, Толариқ томон бурилгач эса, гудраниб сўкинганча, оёққа қалқиди. Пайкал ёқалаб ўша томон юрди.

Шийпон ёнидан ўтаётганда, қора, юм-юмалоқ бир хотинга рўбарў бўлди.

— Менга қара! — деди аёл шанғиллаб. — Олим бригадни жияниман деб кўнглингга келганини қилаверасанми, а?! Нега кеча қизимни даштдан хайдаб юбординг, а?

— Зах кечмасин дедим.

— Зах кечадими-кечмайдими, сенга нима, — аёл қўлларини тўлгаб, далани бошига кўтара бошлади. — Ё ўтказиб қўйган жойинг борми! Мен сенга гапиряпман, нимага индамайсан?

Нормат полвон хира пашшани хайдагандек, қўл силкиб, йўлида давом этди. Кутганидек, қизларни яна балчиқ ичида кўрди. Улар орасида гуноҳқорона жавдираб турган Хилолахонни қидириб топаркан, ажиб бир шахт билан у томон юрди. Оғриқли оёғини ҳам унутиб, қизнинг каватига сакраб тушди. Қўлидан кетмонни олди.

— Билсанг, менга илиги пуч уллар эмас, полвон болалар керак! — деди қизга қарамасликка тиришиб. — Буйтиб зах кечаверсанг, полвон туғолмайсан ҳеч!

У енгил пишқириб, балчиққа кетмонни қиялатиб солди. Теваракдагилардан кимдир ҳайратланди, кимдир пиқирлаб кулди. Йигит эса алахсимади. Қизга айтган гапларидан хижолат чеккандай, бош кўтармай, кетмон чопишда давом этаркан, шунда қулоғига майин бир сас чалингандай бўлди.

— Оёғингиз... Оёғингиз лат еган, гадак оладими деб кўрқаман!

— Этиқдаман, — деди йигит кетмонга илашган балчиқдан кўз узмай. — Гап шу, токи тирик эканман, сира зах кечирмайман сени!

Бу воқеа устига келган тоға, қовоқ очмай, бир муддат туриб қолди. Бемақсад иягини қашлади. Қамчи тутган муштимиға йўталди. Сўнг қизларга ўшқирди.

— Чиқ баринг! Бу тентак билганини қилсин!

Кимдир хаяжон тўла титроқ овозда эътироз билдирди.

— Бу киши... тентак эмас!

Нормат полвон гап эгасининг меҳрли қарашларини бутун вужуди билан теран ҳис этаркан, қўлидаги кетмоннинг енгил ва ихчамлигидан завқи келгандай, янада ғайрат билан ишга уннади.

Кўклам ҳавоси йигитнинг кўнглидан улгу олгандек, илиқ ва тароватли эди.

## **БЎРОН ҚЎПГАН КУН**

Келинининг аломат феъли бор — ҳуши тоблаган кунлари, ҳе йўқ-бе йўқ, бирдан тушлик кўтариб келиб қолади. Сўнг эса, шу гапни иддао йўсинда такрор этади: «Иккитагина сомсага қорнингиз тўяди. Шу иссиқда овора бўлишим шартмиди». Қайнонаси Эшқулнинг сомсасидан емаслигини яхши билади. Билгани боис, бу гапни таъкидлашни ҳуш қўради.

Санам хола эса келинининг ғамхўрлигидан қувонмагандек, гапидан ҳам ранжимайди. Бу вақтда унинг кўзи наридаги дўконларда, аниқроғи, эркакларда бўлади.

У дўконда, қатор осилган гўшт нимталари ортида гумбаздай бўлиб ўтирган Баҳром қассобга, манглайи тиршиб тандир қовлаётган Эшқул сомсапазга, кир-чир столни тевараклаб қарта ўйнаётган бошқаларга бир-бир боқаркан, сўнгра аста дейди:

— Хаммани кўзини ўйнатиб, келишинг шартмиди.

Кутубхона пешайвонига қўйилган узун ёғоч ўриндикқа омонатгина чўккан келини иссиқдан нолиркан, бепарво оҳангда тўнғиллайди.

— Қарамай, кўзлари тешилсин! Нима, уларни деб энди кўчадаям юролмайманми.

Келинининг бу гапидан оғирсиниб, унга бошдан-оёқ кўз ташлайди. Жувоннинг бўлиқ қомати ғашини келтираётганини ҳис этиб, тагин эркакларга юзланади. Яна ўша хол — у қараши билан Баҳром қассоб кўзларини

олиб қочади, Эшқул сомсапаз, қўлида узун темир касов, қирларни томоша қилаётган бўлади. Негадир улар бу хокисоргина аёлдан ийманишади. Бироқ бу ийманиш замирида масхаромуз нимадир ётганини аёл яхши англайди. Ўтибор бермайди. Яккаш келини кўтариб келган тугунни ичкарига олиб кирмоқни ўйлайди.

Кутубхона ичи пешайвондан кўра салқинроқ, қайноқ гармсел эпкинидан холи. У, одатда, китоблар терилган жавонлар орасига бир амаллаб жойлаштирилган столда тушлик қилади. Шунингдек, йилнинг совуқ фаслларини ҳам шу хонада ўтказади. Кунлар сал илиши билан эса пешайвонга кўчиб чиқади. Узун ўриндикнинг бир чеккасига тўшамча ташлаб, кунини эскиган китобларни елимаш-у мутоала билан ўтказади.

Ажиб феъли — ишга вақтида келиб, вақтида кетади.

Ўриндикни эса тушдагина бир зумга тарк этади. Бироқ келини тушлик кўтариб келган кунлари бу юмуш унга ўлимдан қийин туюлади. Қани энди, кулоқлари том битса-ю, ташқи шовурни эшитмаса. Аммо, аксига олгандек, қайноқ эпкин қанотига илашган ўша хунукдан-хунук ишорали сас, у остона ҳатламаёқ изидан қувиб етади. Кулоғига тирмашиб, миясига ўқдек қадалади. Шунда аёлнинг шуури кўзга айланиб, ташқаридаги ҳолатни аниқ кўра бошлайди: ана келини йўғон қўймичини лорсиллатиб, аста кетиб бормоқда. Баҳром қассобнинг бўғзидан кўчган хунук ишорали сасдан, яъни маънодор томоқ қиришидан сергак тортган бошқа эркаклар жувонга еб қўйгудек тикилишган. Ҳар бири хаёлан уни ечинтириб, оппоқ баданини сийпалашган...

Сирасини айтганда, келинигина эмас, ўтган-қайтган барча кизу жувонлар кунда шу хил «кўрик»дан ўтмоққа мажбур. Боз устига, нарида бекат. Ўткинчиларнинг кети узилмайди.

Аслида эса, ҳаммаси мана шу бекатдан бошланган. Қир оралаб келиб, қишлоқ ёқалаб ўтадиган катта йўл бўйида бекат қурилди-ю, илгари бу сайхонликда ёлғиз бўлган кутубхона қаторига Баҳром қассобнинг дўкони тушди. Бир эмас, иккита. Бирида ўзи, иккинчисида укаси Абрай қилтириқ ўтиради. Акасининг ғирт акси бўлган бу бандани аёллар билан сира иши йўқ. Кунда шунда улфатлар узатган бир пиёла, ярим пиёла ичимликни ликқа ютади-да, манглайи терлаб, мудраб ўтира-

веради. Сўнг эса Эшқул сомсапаз келди. Тўрт-беш ходадан емакхона куриб, тандир ўрнатди. Бекатга ҳар автобус келиб тўхтаганда, кичкириб қўяди: «Қайноғидан бор, кеп қолинг!» Баъзан эса сомсадан бўшаган тоғорасини чилдирма қилиб, чийилдоқ овозда мақтаниб қўяди: «Қасбимдан ўргилай, бизди нарса кўчадаям пул бўлаверади».

У бу гапни айтаркан, ҳар сафар Санам хола томонга кўз ташлаб қўйишни канда қилмайди. Нега деганда, аллақандай китобхонларни пойлаб кунини кеч қиладиган аёлни ҳеч тушунолмайди. Ўзича унга ачинган бўлади. Баҳром қассоб эса, аёл қолиб, китобхонларга ачинади. Қорин тўйғизмайдиган бу зормандага намунча ўч бўлишмаса булар. Эшқул сомсапаздан фарқли ўларок, у кутубхонани дўконга айлантиришни ўйлайди. Пешайвонли каттагина бино... Шу баҳонада аёлнинг қарашларидан ҳам қутулишган бўларди. У борида жувонларга тикилиш қийин. Тумшайиб, гапга тегади. Шу боис, Баҳром қассобнинг томоқ киришлари вазиятга қараб турланиб туради. Санам хола пешайвондалигида унинг томоқ кириши қўйидаги маънони англатади: «Кўзларингга кўп эрк беравермаларинг, анову ит чайнагур қора кузғундай кўнкайиб ўтирибди». Кейин қўшиб қўяди: «Жонга тегди лекйн...» Аёл йўқлигида эса унинг бу хил ишоралари бутунлай ўзгача тус олади: «Мановуни қаранглар! Мўрчамиён, бодомқовок... ўлдиради бу!» Ёки: «Буниси қайси палакнинг меваси бўлдиякан?! Шу бир кечалик ишвасига дўконимни тикиб юборардим».

Азбаройи маҳлиё бўлганидан, гоҳида Баҳром қассоб ёмон қовун тушириб қўяди, яъни ичкаридан қайтиб чиққан Санам холани сезмай қолади. Аёл зина босиб пастга тушади. Одатдаги оғрикни сезмайди. Бир ой муқаддам уни ит талаган бўлиб, зинадан тушиб-чиқишда, ўнг тиззасидаги жароҳат изи симиллаб азоб берарди. Бу гал буни сезмайди. Ошиқмай бориб, қассобга тикланади. Баҳром қассоб гўё уни энди кўраётгандек, беўхшов илжаяди: «Этдан тортайми, хола?» Санам хола индамайди. Индамагани сайин Баҳром қассоб баттар тараддулланади. Аёл унинг жундор кўксига, йўғон билакларига, гўштдор афтига бир-бир разм соларкан, кўзларида маъно йўқлигидан ажабланади. Буни яхши билсада, негадир ҳар гал таажжубланади.

У қассобни нигоҳи билан «нимта»лаб, нари ўтади. Емакхонага етиб-етмай тўхтайтиди. Кўзлари Эшкул сомсапазни гангитиб, стол теварагида ўтирганларда қўним топади. Нечундир фақат тук босган энсалару яғир ёқаларнигина кўради. Ўтирганлар қиёфасини илғамайди, тўғрироғи, илғаёлмайди. Шунда олам кир, тириклик чиркин туюлади. Нажот истаб, уфққа кўз ташлайди. Уфқ тупроқ рангида, осмон ҳам шу тусда. Қайноқ гармсел борлиқни тўзонга буркамоқчидек, ўқтин-ўқтин қутуради. Оқибат, кишилиқ қиёфаси чангга беланган-у, улардан мана шу тук босган энсалару яғир ёқаларгина қолгандек гўё. Бундан унинг юраги баттар сиқилади ва беихтиёр тилига шу гаплар кўчади: «Худойими-ий, буларни яратиб нима қилардинг, а?!» Дардли бу сасни ҳамма, ҳатто наридаги Эшкул сомсапаз ҳам эшитади. Бунга жавобан кимдир бармоғи учи билан чеккасини кашлайди, китоб ўқийвериб, мияси суйилиб битган буни. Бошқалар буни зимдан тасдиқлайди. Тўғри-да, феъли ҳеч аёлникига ўхшамайди, на қарғанади, на уришади. Аёл дегани ичидагини тўқа қолсаякан, нимадир деб жавоб айтсанг. Бу эса сумрайиб жонингни олади.

Санам хола таассуфли қиёфада пешайвонга қайтади. Қаншарига кўзойнагини қўндириб, қўлига саҳифалари орасига сўлиган райхон навдаси солинган китобни олади. Райхонни қулоғига қистириб, тагин мутоалага тутинади. Бироқ ҳарфлар чалкашиб, мияси ҳеч нарса укмайди. Ўзининг китобга термулиб ўтириши теварақдагиларнинг истехзоли илжайишларига сабаб бўлаётганини ич-ичдан ҳис этиб, узокдаги мазортепага маънос термулиб қолади. Қулоқлари остидан энасининг хазин овози сирғалиб ўтганини сезгандай бўлади: «Отанг ўр эди, қизим...» Санам хола эса отасини эслаёлмайди. Сарғайиб кетган кичкина суратини кўрган, холос. Суратдаги одам қайсарга ўхшамас, қарашлари қатъиятли, зиёлинома киши. Энасининг овози қулоқларини сийпалашда давом этади: «Отанг ўлганда уч ойлик чақалоқ эдинг. Отангни уйинг қуйғир Берди упир уриб-уриб ўлдирган. Мозорга икки қоп китоб яширгани учун қамаб олиб уришган. Топиб берасан китобларни дейишган. Отанг ўр эди, қонига белашса-да, чурқ этмаган. Хўш, нима бўлди. Бекитган китобларининг хузурини ер кўрди...» Шу орада овозлар алмашилиб, шуурида қуйидаги

сўзлар жарангги сас беради: «...китоблар чикди, чириб кетган хийли китоблар чикди. Арабча имлода экан... Қўлга олгилиги йўқ... Бармоқ тегиши билан титилиб, тўкилиб кетади денг. Қўрқдим мен. Қулқоранинг гўри-ни бошқа ердан қазидим. Китобларни шундайгина жойига кўмиб қўя қолдим...»

Жамол гўрков бу гапни узоқ вақт гапириб юрди. Аммо бу китобларни ким кўмгану ва қанақа китоблиги билан ҳеч ким қизиқмади. Негаки, хотиралар ниҳоятда эскиган, китоблар қатори ўтмиш қаърига аллақачон кўмиб юборилган. У фақат кампирнинг юрагида яшаб келарди. Кейин уни қизи Санамга мерос қолдирди. Санам хола ҳар гал мазорга термуларкан, ўзи умрида кўрмаган Берди упирнинг гўрига гишт қаламоқ истайди. Бироқ бу борада ҳам у бошқа хотинларга ўхшаёлмайди. Андиша қилади, ўлиб кетган одамнинг нимасини янасан. Энасининг овозида бу сафар мамнунлик сезилади: «Упирман деб тоза қутуриб кетганди. Одил ҳукумат отиб юборди уни. Сен унда уч яшар эдинг. Қизамиқдан ана кетди-мана кетди бўлиб ётардинг. Берди упир отилибди деган куни шу йиғлабман-шу йиғлабман, ҳеч айтгилиги йўқ».

Санам хола отасини ўлдирган кимсанинг келбатини тасаввурида тиклашга уринади. Авваллари тасаввури қатидан шопмўйлов, қоратўри кимса қалқиб чиқарди. Сўнг унинг ўрнини Баҳром қассобга ўхшаш киёфа эгаллади. Қассоб Берди упирга неварга. Аёл бу авлодга нисбатан адоват сезмайди. Баҳром қассобнинг аёлларга беҳаёлларча тикилишинигина ёмон кўради. Баъзан ўтмишда яшаб ўтган аёллар каби ёвқур, шаддот эмаслигидан ўкинади. У мунисликнинг акси бўлмиш шаддотликни жинидан ёмон кўради. Аёлга мунислик, эркакка орият ярашади, деб ўйлайди-ю, аммо гоҳо ўзининг хокисорлигидан жуда гаши келади. Хаёлидаги ёвқур аёллардан бирига ўхшамоқ истайди ва беихтиёр ўзини бийдек даштда, от устида тасаввур этади. Қаватида ким денг, ўзи китобларда кўп ўқиган Тўмарисга ўхшаш бир киёфани кўради. Чақноқ кўзлари узоқларга тикилган, коп-қора кокиллари шамоқ ўйнайди... Аёл унга томон талпинади. Аммо чақноқ кўз жувоннинг оти қуюндек учқур, уни ёлғиз қолдириб, бийдек чўл четига хошия тортган кирмизи ранг уфққа сингиб кетади. Аёл аламда



қолаверади. Баъзида эса уфққа сингган қора бир оздан сўнг анча бурун ўлиб кетган Ўғилой момо сиймосида қайта намоён бўлади. Момо викорли одимлар билан тикка босиб келаркан, унга норозиланиб боқади: «Аёлсан, эркакларни сал тийиб қўйсанг бўлмайдами, лаллаймай ўлгир!» Аёл унинг қаршисида ўзини гуноҳкор сезади: «Қандай қилиб, моможон?» Бироқ саволи жавобсиз қолиб, хотиралар гирдоби яна уни ўз домига тортади ва натижада, Ўғилой момонинг айрим қилиқларини энди тушуниб етаётганини аңглайди.

Момо дарвозаси олдига ўриндиқ қўйиб, ўтган-қайтганларни кузатиб ўтирадиган айрим эркакларни аяб ўтирмасди: «Нимаси бу, — дерди, — аёлларнинг этагини, қизларнинг тўпигини томоша қилиб, ё уйингдан илон чикқанми?!» Кўчада тўдалашиб, соатлаб валақлашиб ўтирадиган аёлларни ҳам назаридан қочирмасди. Ҳамма ундан ҳайиқарди. Нимасидан ҳайиқарди? Сири нимада эди унинг? Жиддий бош қотирилса, ўша сирнинг тагига етиши мумкиндек эди. Бироқ қассобнинг маънодор томоқ қиришлари ҳамиша хаёлини бўлади.

Баҳром қассобнинг томоқ қиришидан, бекатга келиб тўхтаган автобусдан ким ва қанақа аёл тушганини қарамасданок илғаш мумкин...

Ҳар куни шу ҳол, шу авҳол...

Бугун ҳам у ёнида елпиниб ўтирган келинига безовта тикиларкан, қўлидаги тугунини ичкарига олиб кирмоқдан юраги безиллаб турарди.

— Ичкарига юр, салқингина, — деди ўзи кутаётган нохуш дақиқани имкони борича ортга чўзиш умидида.

Келини, йўқ, деган маънода бош чайқаркан, кетмоқ учун ўрнидан кўзгалди. Санам хола, кутиб тур, тугунни қўйиб чиқай, деёлмади. Шунингдек, келинини кузатиб қолишнияма ўйламади. Шунчалик соддами у? Сиртдан қараганда шундай. Аслида эса, у тугун баҳонасида қочарди. Биладики, пешайвондан туриб қанчалик қорувуллиқ қилмасин, келинини эркакларнинг ерости қарашларидан асраёлмайди. Эркакларнинг қилиғидан номус қилиб, қочарди. Эшикка етмай, Баҳром қассобнинг бўғзидан кўчган хунук сас ортидан қувиб етади.

У тугунни стол устига қўяркан, бу сафар ичкарида кўп ўралашмади. Ошиғич изига қайтаркан, тагин ўша таниш ҳолатни кўрди. Майдонда неки эркак зоти бўлса,

барининг кўзи келинига кадалганди. Қир бағрини ялаб эсаётган қайноқ гармсел худди ўчакишгандай, жувоннинг этақларини тортқилаб, унинг бутун жисми-жаҳонини кўз-кўз қилмоқда эди. Стол теварагида ўтирганлардан кимдир беихтиёр «ох» тортиб юборди. Унга бошқаси кўшилди. Бу энди янгилик эди. Илгари улар фақат кўз билан чекланишарди. Энди нигоҳ билан «пайпаслашиш»га қаноат қилолмайдиган бўлиб қолишибди.

Санам холанинг бағрига ўт туташгандек бўлди. Аввалига зина босиб, пастига тушмоқ истади. Сўнгги зинада фикридан қайтиб, нажот кидиргандек, ичкарига юрди. Тиззасини стол қиррасига уриб олди. Оғриқ сезмади. Кўзларини аланг-жалаңг қилиб, нимадир кидирди. Жавон тўла китоблар, девордаги адибу шоирларнинг суратларидан силжиб ўтган нигоҳи бурчакдаги печкада, аниқроғи, унинг ёнидаги чоғроқ болтада тўхталди. Нима учун? Ахир хаёлида болта йўқ эди-ку. Нечун уни қўлга олмоқни истаяпти? У кўзларини тезгина болтадан олиб кочди: Шунда оқиш девор тархида Ўғилой момонинг сиймосини кўргандай бўлди. Момонинг маҳкам қимтилган лаблари қуйидаги сўзларнинг сирғалиб чиқишига монелик қилолмади: «Кўз зинокор...» Дарвоқе, момага куч берган сир шу эмасмикан? У умр бўйи шу ақидага амал қилиб, суллоҳ эркакларни кўча юзидан қувиб келмадимикан? Уни ёмон кўришарди, ғийбатини қилишарди. Аммо у сира чекинмасди. Чекинмас одамдан эса, турган гап, ҳамма ҳайиқади.

Санам хола кўзларини бир зумга юмди. Қулоқларини кўзлари каби юммоқнинг имкони йўқлигидан ўқинди. Қайтамга бутун вужуди қулоққа айланган, ташқаридан келаётган овозлар унинг ич-этини кемирмоқда эди. Ана энсасини тук босган йигитлардан бирининг, «бир кечагина...» деган гапини аниқ эшитди. Бунга жавобан Эшқул сомсапаз хиринглади, Баҳром қассоб салобатли томоқ қирди: «Ҳадларингдан ошманглар-ов!»

Аёл шиддатла ташқарига интиларкан, остонадан ҳатлаётиб, қўлида болтани кўрди. Қачон олишга улгурди, бунга ўйлаб турмади. У яккаш бир нарсани, бу ҳол ортиқ давом этиши мумкин эмаслигини ўйларди. Анчадан бери ичида димланиб ётган алам сиртига тепкан, майдонни эркаклардан тозалаш қасдида ёнарди. Биринчи

бўлиб столдагиларни кувади, кейин Бахром қассоб билан гаплашиб қўяди. Эшқул сомсапаз ана энди ундан кўрадиганини кўради.

Ичкаридан болта кўтариб чиққан аёлни дастлаб ҳеч ким пайқамеди. Ўртага эндигина қўйилган шиша болта зарбидан чил-парчин бўлгачкина, улфатлар у томон ўгирилиши ва нақ тепаларида дахшатли киёфада турган аёлни кўрдилар. Кимдир жонҳолатда болтага қўл чўзди. Улгуролмади. Болтанинг тўмтоқ учи тук босган энсани қиялаб ўтиб, бу сафар стол четига қарсиллаб урилди.

— Э, бу қутурибди-ку!

Бу хитоб ўтирганларга болта зарбидан кўра, кучлироқ таъсир қилди. Улфатлар бир зумда тумтарақай бўлишди.

— Қоч, тишласа ўласан!

Аёлнинг назарида, бу ғалаба эди. Аммо бундан заррача қувонмади. У аламу нафратдан оташ бўлиб ёнарди. Ҳаялламай қассобхона томонга юрди.

Бахром қассоб сочлари тўзғиган, кўзлари бежо чакнаган кўйи ўзи тарафга бостириб келаётган аёлни одам боласига ўхшатолмади. Алвасти ҳам эмас, номсиз бир бало эди у. Довдираб қолган қассоб қочмоқ лозимлигини англади. Оғир гавдасини илкис кўтариб, ортадаги эшикка интилди. Эшиқдан нарисини қиялик эди. У останада қоқилиб, пастга думалаб кетди.

Санам хола буни кўрмади. Кўрадиган ахволда эмасди. У қассобни жойидан тополмагач, шуурсиз бир ҳолатда сомсахона сари интилди. Эшқул сомсапазни қидирди. Бироқ у, балодан йироқ, дея аллақачон жуфтакни ростлаганди.

Аёл болтани қия тутганча, тандирга бориб туртилди. Аланга таптини ҳис этаркан, Эшқул сомсапазни йўқотмоқ учун аввало тандирни бузмоқ керак, деб ўйлади. Бу ўй миясида чарх ураркан, тандирни йиқитмоқ билан ўз мақсадига эришадигандек эди. Аммо тандир мустаҳкам, унда ўт гуриллаб ёнарди. У болтани ташлаб, тандир оғзидан чиқиб турган шох-шаббаларга ёпишди. Уларни тутамлаб дуч келган томонга итқита бошлади. Итқитган ўтнинг бир қисми емакхонага бориб тушганини сезмади. Олов тили аввалига эпкин қаерлардандир суриб келган қороз парчаларига ёпишди. Боз устига, ўт бор жойда шамолнинг жини қутуради дегандек, даштни қуритиб-

қақшатиб эсаётган қайноқ гармсел бағридан юлкиниб чиққан чоғроқ куюн ёнаётган қоғоз парчалари-ю, сочилган чўғларни оғушига тортиб, майдонда бир муддат чарх урдида, емакхона ортида кўздан ғойиб бўлди. Ундан дўкон билан емакхона оралиғида тахланган шохшаббаларда оловли из қолди.

Аёл эса буларни сезмас, гурсиллатиб тандирни чопмоқ билан банд эди. Эшкул сомсапаз тандир гирдини пишиқ гиштдан кўтарган экан, болта дами гиштга урилиб қайтарди. Охири у толиқди. Асаби баттар қайнаб, бошини кўтарди ва емакхона билан дўконга ўт тушганини кўрди. Беихтиёр қичқириб юборди:

— Вой, ёнапти!

Ўзига келган аёл жонҳолатда олға интилди. Тезда энди кеч эканлигини англаб, қилмишидан кўрқиб кетди. Кўркуви ҳайрат билан алмашинди. Дастлаб кўзларига ишонмади. Йўқ, ёнаётган дўкон ичида ҳақиқатдан кимнингдир боши ликиллаб турарди.

— Чик-ий, касофат!

Абрай қилтириқ гандирақлаб ташқарига чиқаркан, оғзидан вино хидини буркситиб деди:

— Уйғонсам, ҳаммаёқ ёнапти. Ўзи нима бўлди, а, хола?

Қишлоқ аҳли ва қочганлар эс-ҳушини йиғиб, майдонга ошиққанларида, дўконлар тамомила ўт ичида қолган, болта тутган аёл, қаватида Абрай қилтириқ, гўё сеҳрлангандай алангага термулиб турарди.

## ҚУДУҚ

Абду чакқон топиб келган гапдан қишлоқ аҳли бир қалқиб тушди. Нима эмишки, қишлоқлари тагидан улкан ерости дарёси шовуллаб оқармишу, йигирма-ўттиз газ қавланса, бас, сув дегани ўз-ўзидан шарқираб чиқаверармиш.

У бу хабарни келтирганда, куёш уфққа ёнбошлаган, қишлоқ чеккасидаги сайхонликка йиғилишган чоллар ярмисигача ерга ботган кўхна машина рамасини эгаллашган, ёшроқлар эса шундоққина яланг ерга чордона қуришганди. Пода йиғиладиган наридаги майдонда ёш-яланглар тўп суришар, қайноқ дашт ели оёқлари ости-

дан кўтарилган тўзонни ўтирганлар оша тўғри қишлоқ томон хайдарди. Кундузги жазирама офтобдан тўйиниб, эндиликда бамисоли қизиган тандирдек, ўзидан ховур таратаётган томлар, тупроқ кўчалар бу тўзонни ўзига сингдираверганиданми, жамики нарса тупроқ тусига кирган, симлари салқиган қатор симёғочлар бу файзсизликни янада бўрттириб, киши дилида нохуш кайфият уйғотарди. Аммо теварак-атроф қанчалик бефайзлик касб этса, инсон туйғуси шу қадар ўтмаслашади деганларидай, давра аҳли бошларига ёғилаётган чангга бепарводек, теваракка ҳам шу хил муносабатда эди. Уларнинг назарида, олам шу созда яратилгану, шу йўсинда қолмоғи лозим эди. Бир пайтлар қишлоқнинг қорига яраб, эндиликда чолларнинг жўнгина ўриндиғига айланган юк машинаси ҳам шу кайфиятнинг қурбони эди. «Полуторка» деб номланмиш бу машина бундан кўп йиллар муқаддам, серёмғир кунлардан бирида йўлнинг қоқ ўртасида сўнги «нафас»ини олганча қолиб кетганди. Қишлоқ аҳли уни йўлдан четга суриб қўйиш ўрнига, даштда ер қаҳат эмас-да, айланиб ўтмоқни маъқул кўрган. Вақтлар ўтиши билан машина шип-шийдам қилиниб, эндиликда ундан фақат «устихон» қолган. Оқшомлари чоллар мавқеига қараб рамага жойлашишди. Ўриндиқ ўрни қишлоқ кайвониси Бегим оксоқолиники. Рул ўқига ўнг елкасини тираб, мисоли шоҳлардек керилиб ўтириб олади-да, даврадаги бир чақага қиммат гурунглари бошқаради.

Бу хил гурунгларга тасодифан келиб қўшилган кимса умумий вала-ғовурда дастлаб ҳеч нарсани англаёлмай, бир оз гангиса-да, кейин шуури тиниклашиб, кўз ўнгида қандайдир бир тўйнинг шовқинли манзараси намён бўлади: гуррос-гуррос мехмонлар, қатор-қатор қозонлар, яшиқ-яшиқ ичимликлар, номи дoston хонанданинг хонишлари-ю, улоқдаги чавандозларнинг хайкириғи, отларнинг дупури — ҳаммаси қоришиб, ранггаранг тусда жилва касб эта бошлайди. Ҳаёт дегани мана шу суронли манзарадан иборатдек, у тўзонли қайноқ хавониям, файзсиз чўлниям, чангга ботган қишлоқниям унутади. У ушбу шуқуҳли манзарадан завқланмоқ ис-тайди-ю, бироқ даврадаги кимсанинг эскиган, кирланган энгил-боши, хафтадирки, устара юзини кўрмаган қорайган афти бунга изн бермайди. Шунда у беихтиёр ачин-

моққа тушади: «Тўй қиламан деб бечоранинг ийғи чиқиб кетибди-ку». Аммо буни қарангки, тириклик деганда, бировдан ортда қолмасликни тушунадиган ва буни ҳаётнинг асосий мезони деб биладиган қуёшда куйган бу мамнун қиёфа у шўрликнинг узоқроқ ачинишига ям йўл қўймайди. Ачиниш таассуф билан алмашилиб, дилда ғашлик уйғотади.

Даврага келиб қўшилган Абду чакқон айни пайтда шу кайфиятда эди. Бунгача у миниб кетган мотоциклини бир четга суяб қўйиб, уст-бошини қоқиб-суқиб, ўзини тузатган ва майдонда чангитиб тўп сураётган йигитчалар томонга бир-икки норози боқишга ям улгурганди. Энди у ҳафта бурун дабдабали тўй берган Маъруф чавандозга чимирилиб қараркан, унинг бахтиёр ишшайишидан эмас, нодонлик ўнгиган турқидан фикрини моқда эди. Ҳамиша нималарнидир бошлаб юрадиган бу тиниб-тинчимас йигит — Абду чакқоннинг ҳаётга нисбатан муносабати ҳамқишлоқлариникидан кескин фарқланар, бошқаларнинг назарида, шаҳар кўрган олифта эди у. Ҳозир ҳам ҳамма қатори ерга гуппа чўкмай, чоллар қаватига жойлашаркан, қизиган темир юзини киши билмас сийпалаб қўйди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан ички бир дид балқиб турар, киртишланган ияги, эгнидаги даштга мос қўйлаги-ю, уринган жинси шимидан бу хил турмуш тарзига зўрға кўникаётгани очик англашилди. Аслида бундай йигитлар ҳар бир қишлоқда учрайди. Аввалига улар ўзларича нималаргадир уринган-туртинган бўлишади-ю, сўнг бошқалар қатори тирикчилик тўзонига қоришиб кетади. Кейинчалик ҳамқишлоқлари унинг одатдан ташқари кўринган феъл-атвори устидан анча вақтгача кулиб юришади.

Абду чакқоннинг томдан тараша тушган қабилда айтган хабаридан даврага сукунат чўкди. Фақат мақтовларга кўмилиб ўтирган Маъруф чавандозгина унга ўқрайиб қараб қўйди. Бироқ йигит ҳаяжонда эди, унинг норози боқишига парво қилмади. У давра яқинига думалаб келган тўпни майдон сари йўлларкан, қайта жойига чўкиб, ўтирганларга бир-бир қараб чиқди.

Машина рамасидан сўппайиб чиқиб турган рул ўкига елка тираб, савлат тўкиб ўтирган Бегим оқсоқол томоқ қира-қира, истехзоли илжайди.

— Нима бало, ёнғоқ-понғоқнинг тагидан туриб кела-

япсанми дейман, — деди сўнг нописанд оҳангда. — Ер тагида дайра нима қилади. Дайра деганлари ер юзалаб окмайдами, а?

Абду чаққон чолнинг каттазанглигини ёқтирмай, боши билан қишлоқ томонга ишора қилди.

— Қишлоғингизда лоақал тиккайган бута йўғу, сиз ёнғокни гапирасиз-а.

Давра аҳли беихтиёр қишлоқ сари юзланишди. Ҳақиқатда, қишлоқ шип-шийдам, кечки дайди елдан кенг кўчанинг тупроғи тўзғиб ётарди. Магазин эшиги ёнида Саттор дўкончи хавасга ўтказган ёлғиз толгина тебраниб, мужрайиб турарди. Тол деярли қуриган бўлиб, омон қолган юқори навдасидагина беш-олти япроқ кўзга чалинади. Энг қизиги, толга кўзлари тушиши билан ўтирганларнинг томоқлари бирдан қақраб, шу атрофда ўралашиб юрган болалардан бирини сувга югуртирдилар. Кейин, сув келгунга қадар ва сўнг қўлтиллашиб, галма-гал сув ичиш давомида, ерости дарёси борми-йўкми, дея қизғин баҳсшлашиб олишди. Баҳсга Эшна муаллим яқун ясади. Унинг фикрича, ер остида нафақат дарёлар, балки бутун-бутун кўллар мавжуд эмиш. Аммо унинг гапига кимдир ишонди, кимдир эса йўқ. Алами ичида қолган Маъруф чавандоз пайтдан фойдаланиб, йигитни чақиб олишга уринди.

— Шунини деб гурунгни белига тепиб ўтирибсанми ҳали! — деди ўдагайлаб. — Ўша даряндан нима фойда бизга, а?

— Айни шу масалада гаплашгани келдим-да, — деди Абду чаққон унинг замзамасига эътибор бермай. — Тагимизда дарё. Хўш, ўша сувдан қай йўсинда фойдаланамиз, а?

Даврага яна жимлик чўкди. Чоллар, сиз нима дейсиз, деган маънода Бегим оқсоқолга ўгирилишди. Бегим оқсоқол узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаб, бу хил ташаббускорларнинг ховлиқишларини кўп кўрган эмасми, биргина нордон гап билан йигитнинг унини ўчирмоқчи бўлди-ю, охирги дақиқада эндиликда эл қатори оддий одамлиги эсига тушиб, аччиқ лукмадан ўзини тийди, ер остидаги нарсани юзага чиқариш осон эканда сенга, дея тўнғиллаш билан чекланди.

— Нимаси қийин? — деди Абду чаққон кўзлари чақнаб. — Қудуқ қаздирамиз.

— Ким казиб беради?

Абду чакқон кенг даштга зимдан кўз ташлаб, сирли кулимсиради.

— Агар ҳақини келишсак, казиб берадиганлар бор.

Бегим оксоқол унинг кулимсирашидан ҳадикланиб, даштга назар солди. Кўзи узоқдан чанг кўтариб қайтаётган подадан ўзгасини илғамагач, тўрсиллаб деди:

— Бу гапингни бориб Холиқ раисга айт.

— Бе, — деди чоллардан бири ингичка овозда, — кўчага тош тўктиришга ярамаган раис, сенга кудук қаздириб берармиди. Нурали мешни ули дейдилар уни, ваъда беришдан бошқасини билмайди у.

Бу гапдан сўнг давра жонланиб, раиснинг ғийбати бошланди. Бу ҳол бирор беш дақиқа давом этиб, гап Рўзикул бодининг ўқишга киролмай, катта пулнинг бошига етиб қайтган ўғли томон бурилганда, Абду чакқон чидаб туролмади.

— Менга қаранг, — деди Бегим оксоқолга юзланиб. — Ҳадеб «раис-раис» деявермай, ўзимиз сал жон койитайлик бундай. Шахсан раисга кудукнинг ҳеч кераги йўқ. Қишлоғи қўшсувдан сув ичади. Демак, ўз кумачимизга ўзимиз кўр тортишимиз керак.

Ўтирганлар чувиллаб кетишди.

— Э, раҳбар бўғач қибирсинда.

— Талабингни унга айт.

— Бизга кудукнинг ҳеч кераги йўқ, худога шукр, ҳаммамизда ховуз бор.

— Қаздирган билан сув чиқадими-йўқми хали.

— Шунини айт.

Абду чакқон ғала-ғовур тинишини чидам билан кутаркан, Мамадали шофёр ҳаммадан кўра кўпроқ шовкин кўтараётганини пайқади. Аввалига ажабсинди, сўнг бирдан масаланинг тагига етиб, жини қуришди. Негаки, агар кудук қазилса, Мамадали шофёр ҳафталик тушумдан маҳрум бўлар, ҳеч ким унга ховузимни тўлдириб бер деб келмасди-да.

Аслини олганда, ховуз ҳам Абду чакқоннинг ҳаракати туфайли юзага келганди. Шаҳардан қайтиб, биринчи қилган иши ховли бурчагидан ховуз қаздириш бўлди. Ховуз деворларини бетонлаб, устини қопқоклаб укаларини эшакда сув ташишдек азобдан халос этганидан сўнг, бошқалар ҳам ховлисига ховуз қаздиришни удум



қилишди. Оқибатда, бу иши учун у «Абду чакқон» деган лақаб орттирди.

— Мамадали ака, — деди у ич-ичидан хуруж қилаётган қазабини базўр жиловлаб, — бу таклифимнинг сизга ёқмаслиги аниқ. Чунки сиз кундалик тушимдан ажраласиз. Бироқ шахсий манфаатни умумникидан устун қўйиш яхши эмас. Бу қадар худбин бўлманг, ака.

— Қачон мен шахсий манфаатимни устун қўйибман, а?

Сахро офтобининг куйдирувчан ҳарорати остида ўсиб-улғайган бандасининг хулқи бирдан юзага тепчиб, Мамадали шофёр тўсатдан йигитга ташланиб қолди. Орага тушганлар уни бир амаллаб тинчитишгач, чоллар бошларини сараклата-сараклата, севимли мавзулари — насихат ўқимокқа киришдилар. Насихатнинг бир учи кизиқ устида тоғасини пичоқлаб қўйган Башир бангига бориб тақалгач, Абду чакқон тагин портлади. Аввалига у худди ўчакишгандай аллақадан пайдо бўлиб, даврани чир айланаётган кичкина қуюннинг тинишини кутиб турди-да, сўнг бор овозда бақириб берди.

— Хўш, қудуқ қаздирамизми-йўқми?!

Даврага яна жимлик чўкиб, ўтирганлар юзларини чангдан паналай-паналай, бармоқлари орасидан йигитга тикилишди.

— Қачонгача қуюнга ем бўламиз, а?!

Абду чакқон шу гапни айта-айта, ирғиб ўрнидан турди-да, кизишиб гапира кетди. У сўзларкан, ўтирганларнинг кўз ўнгида қуйидаги манзара жонлана бошлади: бошда ер тубидан қайнаб чиққан бир тегирмон сувдан ариқлар тўлиб-тошди, кейин сувсизликдан янтоқ босиб ётган томорқаларда ишқомлар қад ростлади, полиз экинлари учун чиройли-чиройли жўяклар тортилди. Томорқалар тўридан мевали дарахтлар ўрин олди. Уларнинг бир қисми кўча ёқаларига ҳам чиқиб кетди. Натижада, яшил тусга кирган кишлоқдан гармсел чўчийдиган, бетизгин қуюнлар ариқ бўйларида қўкка бўй чўзган тераклар сафидан нарига ўтолмай, чўл бағрига жуфтак ростлайдиган бўлди. Бунга қарангки, орадан ўн йиллар ўтиб, ўша тераклар кишилар корига яраб қолди. Иморат солмоқчимисан, марҳамат, бир бошдан кесиб томга босавер.

Тераклар борасидаги гап давра ахлига жуда ёқиб тушди. Лоқайд нигоҳлар жонланиб, чанг босган идрокларда нимадир вимирлаб қолди. Кучаниб, тиришиб эътироз билдирмоққа тушган Мамадали шофёр ошкора турткиланиб, йигитнинг кейинги гапи қизгин қаршиланди-ю, эндиги мавзу ёғоч қахатлиги туфайли иморат солмоқ ишлари йилдан-йилга оғирлашиб бораётгани хусусида борди. Кимдир, акасида калтак еган боладай манқаланиб, етти дона ёғочни отасининг баҳосида харид қилганидан шикоятланди-ю, гап дегани айни қиём пайтида қутурадиган қуюндай гупуриб кетди. Агар Абду чакқон бетоқат ер тепинмаганида, қудуқ масаласи бутунлай унутилиб, бу мавзу то пода келгунга қадар чайналиши мумкин эди. Аммо йигит тагин халақит берди.

— Ўртага ташлаймизми? — деди у чўлнинг узоқ ичкарисига жонсарақ боқаркан, бармоқларини бир-бирига ишқалаб. — Бориб қудуқчилар билан гаплашаверайми?

Бегим оқсоқол қаватидаги чолнинг ҳассасини қўлига олиб, ҳардамхаёл ер чукиларкан, сўради.

— Хай, қаердан қаздирмоқчисан?

— Буни сизлар ҳал қиласизлар.

Бегим оқсоқол ердан кўз узиб, йигитга сергак боқди. Абду чакқон инъом этадиган нарсани бошқа биров илиб кетадигандек, андак ҳовлиқиш билан деди:

— Қишлоқнинг қоқ ўртаси... ҳовлим ёнидан қаздирамиз.

Бу гап кўнгиллар тубида мудраб ётган худбинлик туйғусини уйғотиб юборди. Даврада ғала-ғовур кўпти. Ҳатто шилпиқ кўзларини сузиб гап-сўзларга қотинмай, уйқусираб ўтирган Холдор чолга ҳам жон кирди. Қуртдек бошини бежо чайқаб, ажиб бир тарзда биғилламоққа тушдики, бу хил оҳангни инсон боласидан чиқишига кишининг ишонгиси келмасди. Бироқ уни тинглайдиган қулоқнинг ўзи йўқ эди. Қудуқ ўрнини талашувчилар шу қадар жазавага тушиб тортишишардики, ким гапираяпти-ю, ким тинглаяпти — ажрим этмок душвор эди. Тўп кетидан югуриб келган болақай бу талотўпдан эси чиқиб, коптогини қўлтиқлаганча ура қочиб қолди.

Гурунг бошидан бери Бегим оқсоқолга лутф қилиб ўтирган Нортोजи чол унинг қўлидан ҳассасини юлқиб олди-да, бўғиқ овозда ўдағайлаб қолди.

— Раислигингизда ҳамма нарсанинг сархилини еб, ширин томоқликка ўрганиб қолгансизда, а?! Энди кудукқа ҳам эга чикмоқчимисиз? Инсоф борми сизда ўзи? Гап шу, агар кудук сизда қазиладиган бўлса, ўша кудукқа ўт қўйиб юборганим бўлсин!

— Кудук ёнмайди, гаранг! — Бегим оқсоқол унинг нодонлигидан ранжиб, кудукнинг ёнмаслигини жонжаҳди билан исбот этмоққа тиришади. — Чўпмидики, ёнса у. Ер-сувнинг ёнганини ҳеч кўрганмисан? Э, соқолинг серкилламай, ўл!

Кечки ҳароратдан ҳансираётган замин ўз бағрида яширинган обихаёт илинжида, кишилардан кўмак истаб, уларнинг ғазабдан бўғриккан юзларини майин шабадаси ила сийпаламоққа тушди. Бироқ давра аҳли хануз бир қарорга келолмай, шу қадар қутуриб бақиришмоқда эди-ки, шабада тугул, ҳурлиқонинг жон ато этувчи илик кафтиниям сезмайдиган даражада эдилар. Охир-оқибат, бу ҳил жазавадан бирор натижа чиқишига кўзи етмади шекилли, замин туйқусдан қаҳрланиб, сахро кўксини жизғанақ қилиб юрган қайноқ гармселини қишлоқ томон йўллади. Қайноқ ел болалар копток тепаётган майдонда қуюн ҳосил қилиб, ўтирганлар устига шиддатла ташланди-да, уларни бошдан-оёқ чангга белаб ташлади. Бироқ давра аҳли бунга парвоям қилишмади. Бегим оқсоқол оғзига тўлган тупроқни туфлай-туфлай, тагин баҳсда давом этди. Маъруф чавандоз эса ўнг каватида ўтирган улфатини бўралатиб сўкарди. Хидир чол ортик даражада овозига зўр берганиданми, ё бўғзига чанг тикилдими, кўкарганча қув-қув йўталар, ориқ, чангак бармоқлари Эшна муаллимнинг енгида қотиб қолганди. Эшна муаллим бўлса, унинг боши узра кимгадир ўшқираркан, ора-сира енгини тортиб-тортиб қўяр, аммо чол панжасини бўшатса, жони чиқиб кетадигандек, қўйворишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Бандаларга чоғи етмаган қуюн аламидан ёлғиз толга ташланди. Уни силқиб, майиштириб, сўнгги япроқларини юлқиб олди. Кейин Тўра полвоннинг девори ёқалаб бориб, болалар копток сураётган майдонни кесиб ўтди-да, чўл қўйнига сингиб кетди.

Абду чакқон қуюн изидан қараб қоларкан, кўзи даштнинг узоқ буржида тиккайган кудук қазувчиларнинг «вишка»сига тушиб, тажангланиб қичқирди.

— Бориб нима дей? — деди ўша томонга ишора қилиб. — Бугун улар ишини битириб, эртан кетишади. Кейин туя сўйиб чақирсангизда келишмайди.

— Хонадон бошига қанчадан тушаркан? — деди охири кимдир ҳушёр тортиб.

Абду чаққон тўловни айтганди, давра бирдан тинчланди. Ҳазабдан буришган-тиришган чехралар асил ҳолига қайтиб, бир-бирларига жонсарақ боқишаркан, чоллар, сиз нима дейсиз, дея тағин Бегим оқсоқолга юзланишди. Бироқ Абду чаққон уни гапиртиргани қўймади.

— Кудукни мана шу ердан қаздирамиз, — деди ер тепиниб. — Бу ердан тўрт томонга сув бир текис оқади. Агар бир тўхтама келмасангизлар, қудуксиз қоласизлар.

— Яқинда тўйдан чиққан одаммиз, кўп эмасмикан? — деди Маъруф чавандоз нимдош қўйлаги ичига кўл суқиб, кўкрагини қирт-қирт каширкан.

— Тўйга этаклаб тўккандан кўра, бу ишга бир чимдим сарфласангиз нима бўпти.

— Тўй энди... обрўй-да.

— Бу эса, ҳаёт! — Абду чаққоннинг газаби қайнаб кетди. — Қачонгача сувга ташна яшаймиз?! Ахир умр бўйи чангга қоришиб яшаймиз деб қасам ичмаганмиз-ку.

— Майли, сен айтганча бўлақолсин. — Бегим оқсоқол илгариги обрўйини тиклаш умидида ён босишга мажбур бўлди. — Бориб, қишлоқ аҳли рози деявер. Айтган пулингни эртан эрталаб йиғиб берамиз.

Бу орада пода қишлоққа яқинлашиб, ўтирганлар бирин-бирин оёққа қалқидилар. Сўнгра пода кетидан уй-уйларига тарқалдилар. Ерости дарёси ҳақидаги хабар хонадонларга улар билан кириб борди...

Бу вақтда Абду чаққон қудукчилар даврасида, ер қаъридан пишқириб чиқаётган сув бўйида, тўкин дастурхон атрофида ўтирарди. Қўшни хўжалик раҳбари қудук шарофатига йигитларга қуюқ зиёфат бермоқда эди.

Эртаси эрталаб Абду чаққон сайхонликка мотоциклени елдириб келганида, одамлар деярли йиғилган. Бегим оқсоқол одатдаги жойида негадир хомуштоб ўтирарди.

Абду чакқон унинг авзойига эътибор бермай, белидаги кизғиш чорсини ерга ёзаркан, чўнтагидан бир даста пул чиқарди-да, уни чорси устига намоёйишкорона ташлади. Сўнг ўзи сал ортга чекиниб турди.

Маъруф чавандознинг ўнг қўли чўнтагига ёпишиб қолгандай, нимагадир чиқиши жуда қийин бўлди. Охири бир ён қийшайиб, аста олға босди-да, ички бир зўриқиш билан кафтидаги пулни чорси устига итқитди. Кейин шалвираган қоматини тиклаб, теваракка маърур боқди. Шу боқишда кетига тисарилиб, Абду чакқонга бақамти келиб турди. Мақтов кутиб, йигитга бир-икки қараб қўйди. Ундан олқиш эшитмагач, секин тўнғиллади: «Ун-пун олай деб танани сотувдим-а...»

Даврадан учинчи одам — Эшна муаллим имиллаб чиққанида, Бегим оқсоқол бирдан тилга кирди.

— Кеча уллар билан маслаҳатлашдим... — деди димоғли оҳангда. — Гап шу, қудуқ эшигим ёнидан қазилмас экан, бир тийин бериш йўқ. Ховлим дўнгсалда, бу ердан бир чаксаям сув ичолмайман.

— Қудуқнинг менгаям кераги йўқ, — дея уни қувватлади Жалил бакироқ, дўппайган чўнтагини кафти билан паналаб. — Сен айтган ўша боғ-роғсиз ҳам кунимиз бинойидек ўтаяпти. Ана, бозор тўла мева, егим келса пулимга сотиб оламан.

Уларнинг тайсаллаши пул чиқаришга қийналаётганларга зўр баҳона бўлди. Сизларга керак эмас экан, бизга не даркор, дея тўрт-беш киши шу заҳотиёқ изига бурилиб кетди. Қолганлар эса, нима, сизнинг шохингиз борми, дея Бегим оқсоқолга тирғалишди. Бу энди кечаги самарасиз баҳснинг давоми эди.

Мамадали шофёр эса, одамларнинг айнишидан ўзида йўқ қувониб, югургилаб дўкондан икки шиша ароқ кўтариб чиқди. Шишани кўрган уч-тўрт улфат қудуқни ҳам, баҳсни ҳам унутиб, девор соясига бориб ўтиришди. Нортожи чол Бегим оқсоқолнинг қайсарлигидан ўпқаланиб, ҳассасини дўқиллатганча қишлоқ сари йўналди. Унга қолганлар «дум» бўлди.

Абду чакқон, бир оёғи машина рамаси устида, ёлғиз ва маъюс туриб қолди. Аллақаердан пайдо бўлган енгил қуюн унинг атрофини чир айланиб, чорсида қолган пулни чор-тарафга учуриб, юзига тупроқ сочиб ўтди. Эрта-лабдан заптига ола бошлаган хавонинг қайноқ харорати-

ни у ўз вужудида хис этаркан, бўм-бўш кўчаларга, чангга беланган кулбаларга, дўкон эшиги ёнидаги қурий бошлаган толга, Мамадали шофёрнинг қувончига шерик бўлаётган улфатларнинг бўғриққан афтларига, пода йиғиладиган майдонга бир-бир назар соларкан, кўзи узокда ортидан қуюқ чанг кўтариб бораётган машиналар карвонига тушди. Олдинда «вишка»ли машина чайқалиб борар, изидан қолганлари эргашганди. Қудуқчилар йиғитни субутсизга чиқариб, ўзга манзилга йўл тортгандилар.

Йиғит машиналар карвонига ҳасрат билан боқаркан, чанг-тўзонлар салтанатида минг йиллардан бери яшаб келаётгандек ва ҳадемай жисми ўша тўзонга қоришиб, кўзга чалинмас зарралардан бирига айланиб кетадигандек хис этди ўзини.

Эрталабки сукунатни эса улфатларнинг шовқинигина бузар, уларнинг бу қадар қувонишининг боиси шунда эдики, Мамадали шофёр ҳар бирининг ҳовузига текинга сув қўйиб беришга ваъда берганди.

## ҚИЗЧА

Ёмғир шивалаб турган куз оқшомларидан бирида бир энлик қалин тахтадан пишиқ-пухта қурилган итнинг мўъжазгина иңи қизалоққа жуда файзли кўриниб кетди. Ҳовлида муздек ёмғир остида дийдираганча, ичкаридан эшитилаётган шовқин-суронга қўрқув ила кулоқ тутаркан, ички бир шуур етовида инга яқинлашганини билмай қолди. Ит емак умидида индан бошини чиқарди. Тумшук ялаб, фингшинди. Қизчанинг қўли бўшлигини пайқагач, ин оғзидаги халқобни ҳидлаб, бот фингшиди.

Шу пайт эшик шарақлаб очилди-да, ичкаридан улоқтирилган пиёла ҳовли юзига тушиб, чил-чил бўлди. Жонивор қўрқиб, бошини ичкарига олди. Қизалоқ беихтиёр инга талпинди. Илондай биланглаб, итнинг қаватига кирди. Қутилмаган бу ташрифдан ит аввалига ҳайрон бўлди. Сўнг бир ён четланди. Кейин «мехмон» кутишга одатланмагани боис, ташқарига интилди. Халқобни кечиб, нарига ўтди-да, изиги қайрилди. Бошини бир ён қийшайтириб, ичкарига ажабсиниб назар солди. Қизалоқни яхши кўрса-да, тўсатдан инига эга

чикиб колишидан хайратда эди. Хайратини рингшиш орқали ифода этаркан, негадир яна халқобни искаб кўйди. Сўнг бўйнидаги занжир етар масофага бориб чўнқайди. Бўғатларга, қоронғи тунд осмонга, ёруғ тушиб турган деразаларга бир-бир назар соларкан, ёмғирга тоқат қилолмай, тагин изига қайтди. Олдинги бир оёғи халқоб четида, иккинчиси эса сал кўтарилган бўйича ичкарига мўралади. Ингирашнома овоз чиқарди. Қиздан жавоб бўлмагач, эгаси хайдаган итдай, халқобдан нарида мўнғайганча туриб қолди.

Кизалоқ бурчакка сурилиб, намиққан наमत устида гужанак бўлиб ўтираркан, бутун фикри-зикри ичкарида эди. Овозларнинг паст-баландлигига қараб, уйдаги жарённи хис этиб турарди. Агар овоз шу тарзда сокинлашаверса, ҳадемай жанжал ниҳоясига етади. Отаси катта уйдаги каравотга ўзини гуппа ташлаб, уйни қалдиратганча хуррак отмоққа тушади. Катта уй совук, унда ўт ёқилмайди. Отасининг устига кўрпа ташлаш онасининг хаёлига келмайди. Бу юмушни қизча адо этади. Эрталаб ота уйғонаркан, буни онасининг иши деб ўйлайди. Ғамхўрлигидан меҳри ийиб, шипинқм афтига хижолат инади. Оёқларини полга осилтирганча, бир нуктага тикилиб, хийла вақт хаёлга ботиб ўтиради. Бу пайтда кизалоқ ё дераза тагида, ё бурчакдаги жавон ёнида турган бўлади.

Ниҳоят, отаси уни пайқайди. Хира кўзлари йилтиллаб, хирқироқ овозда сўрайди: «Устимни ким ёпди?» Қизча ёлғонлайди: «Онам». Илгарилари мактов эшитиш умидида, мен, дерди. Отаси унга миннатдор қараб кўйса-да, қовоғи осилиб кетарди. Айвонга чиқа-чиқа, кизингча бўмабсан-да, дерди. Агар онаси терс гапирса, тамом — уйда жанжал қайта кўпарди. Аммо, онам, деса, отасининг кўзлари бошқача ёнади. Кўрпани охиста бир четга суриб, кизчага кўпда эътибор бермай, ташқарига йўналади. Остонада гуноҳқорона йўталади. Айвонда укасини овқатлантираётган онасининг қовоғи осилади. Қизча эса онасининг жилмайишини, жилмай-маса-да, шунга ўхшаш бирор ҳаракат қилишини жуда-жуда истайди. Агар шундай қилса, отаси укасининг иягини қитиқлаган бўлиб, онасининг елкасига кўл юборади. Уйда тинчлик қайта қарор топади. Афсус, онаси кўп ҳолларда бундай қилмайди. Қовоқ осиб, қош чимиради.

Қошиқ тутган қўли зардали ҳаракатланади. Сулҳ истаб турган ота ғижиниб нари кетади.

Ота ташқаридан қайтиб кирганида, қизалоқ энди ошхонада каттакон чинни чойнакка ғамгин термилиб турган бўлади. Чойнакни кўтаришга чоғи келмаслигидан ўкинади. Негаки, кейинги воқеалар мана шу чойнакка боғлиқ. Онаси чойнакка чой дамлаб, отасининг олдига дўк этиб қўяди. Бу нарса отасига ёқмай, секинроқ, дейди. Онасининг тўнғиллаши униқидан-да зардалироқ бўлади. Оқибатда... Қизалоқнинг юраги сиқилиб, ҳовлига тушади. Октябрда чирқиллашиб юрган чумчуқларга қўшилиб, узоқ-узоқларга учиб кетгиси келади. Узоқ-узоқларга деганда, қизалоқ ҳовли адоғидаги дарахзор ортини тушунади. Негаки, чумчуқлар доим ўша томонга парвоз қилиб, қўм-қўк осмон қўйнига сингиб кетади-да. Қизик, у томонда нималар бор экан? Қизнинг тасавурида жонланиши лозим бўлган афсонавий манзара ниҳоясига етмай, жанжал тугайди, у яна ва яна чалғийди. Энди унинг тезроқ улғайгиси, отасига чойни ўзи дамлаб бергиси ва шунинг баробарида холасининг бошлаб адабини бериб қўйгиси келади.

Холаси тутаётган ўтни пуфлаб ёндиришга жуда уста хотин. Келасолиб гапни шикоятдан бошлайди. Кеча тунда қаери оғригани-ю, қандай дорилар ичганини гапира туриб, бирдан ғийбатга тушиб кетади. Холасининг гапларини тингларкан, қизчанинг назарида ҳовлисидан ташқарида ёмон олам, ёмон одамларгина мавжуддек туюлади. Кичкина юракчаси сирқираб, дунё қўзига қоронғи тортади. Кўрпача устида ўзича қийқириб ётган укасига номаълум кучлар тажовуз қилиб қоладигандек, у томон силжийди. Аста устига эгилиб, уни бағрига тортмоққа уринади. Укаси қикирлаб, унинг сочларига ёпишади. Қизча укаси билан андармон бўлиб, ғуссаниям, ўша номаълум хавфниям унутади. Олам қўзига чароғон тортиб, холасининг гаплари кўнглида ортиқ қўрқинч туғдирмай қўяди. Қалин лаблардан тинимсиз сачраётган тупук зарраларини кўради-ю, гапларни эшитмайди.

— Тек ўтир! Хий-й, отанга ўхшамай ўл!

У бу гапдан чўчиб тушади. Ўгирилиб қарайди. Опасингилларнинг овози бир-бирига ўхшашлигидан, уларнинг қай бири ўшқирганини билолмай, гоҳ унисига, гоҳ



бунисига жавдираркан, одобли қиз бўлишга тиришади. Этагини тўғрилаб, қўлларини ўнг тиззаси устига қўйиб ўтиради. Бу хилда ўтириш қизча учун жони азоб. Унга қолса, укасини қитиқлаб ўйнаса, кўрпача устида ўмба-лоқ ошса. Аммо холанинг ташрифи туфайли юзага келган уйдаги асабий ҳолат бунга изн бермайди. Қизча ноилож девордаги буюмларга алахсийди. Бирор муддатдан сўнг, у тикилган буюм қатидан отасининг иштонсиз ҳолати қалқиб чиқади-да, қизча ҳайратланиб аёлларга қарайди.

— Сенга уйлангунча кийишга тузукроқ иштониям йўқ бир гадойвачча эди-да у, — дея ўша-ўша шанғи овозда гапда давом этарди хола. — Энди баданига жир битиб, одамни писанд қилмай қўйди. Таги паст-да. Таги паст бўлмаса, яхшиликларимни унутармиди. Ҳали шошмай турсин, захарли зулуклигимни кўрсатиб қўяман мен унга! Таги паст иштонсиз! Тунов куни почангга, худойимнинг ёруғ кунига шуқр қилмайдиган ношуқр бандасилар, деганмиш. Ана, поччанг гуриллатиб иморат устига иморат соляпти. У киши теша тутиб нима каромат кўрсатаяпти? Тагин уста эмиш. Қаттиқроқ тургин у ярамасга. Жиловини бўш қўйсанг, нималарни истамайди у кишим... Иштонсиз!

Қизалоқ отасининг иштонсиз ҳолатини тўла тасаввур этишга улгурмай, холаси унинг шаънига шундай бир сифатларни қалаштириб ташлайдики, оқибатда, қизчанинг мурғак тасаввур дунёси зиркираб, кўз ўнгида отаси маймундан хунук, илондай захарли бир қиёфа касб этади. У секин ҳовлига қочиб чиқади. Ини ёнида сокин мудраб ётган итга ҳаваси келиб қарайди. Унга айтиб, холасини тишлатмоқ истайди. Ит унинг аврашларига гўё қулоқ тутгандай бўлади-ю, аммо тугун тутган хола эшиқдан чиқиши билан инига уриб кетади. Қизчанинг алами келиб, унинг тумшугига тепади: «Э, ўл, қўрқоқ!»

Холаси тезда кета қолмайди. Ичкарида тугамаган гурунг итнинг ини ёнида давом этади. Бу ҳол дарвоза олдида тагин такрорланади.

Шундай пайтлар қизча ит бўлиб туғилмаганидан ўқиниб кетади. Агар эврилишга чоғи келганидами, холасининг тирсиллаган семиз қуймичидан тишлаб-тортқилаб, уни ҳовлига қайта доритмай қўярди. У ити ёнида қолиб, дарвоза олдида ҳануз лаби-лабига тегмай

бидирлаётган холасига адоватла боқаркан, негадир кўзи унинг семиз куймичинигина кўради. Нафсиламрини айтганда, ундан тепарокқа бўйи ҳам етмасди.

Ин деворига орқасини тираб, намиққан наमतда жунжикиб ўтирган қизалоқ ичкаридаги овознинг кучайишидан жанжал ҳали-бери тугамаслигини фаҳмлади. Қоронғида ёлғиз ўтиргиси келмай итни ёнига чақирди. Аммо шусиз ҳам тор уйчасини баттар танг қилган «мехмон»нинг қутилмаган таширифидан хануз ажабланиб турган жонивор хушсизгина гингшиб кўя қолди. Кейин халқобдан нарида ноилож чўнқайди.

Аслида ит ҳам қизалоқ каби безовта эди. Ёруғ деразалар ортидан келаётган шовқин яхшиликдан дарак бермаслигини сезиб, жанжал кучайганда, кулоқ чимириб, чўзиқ ва дардчил оҳангда гингшир, овоз пасайиши билан эса тинчланиб, деразаларга умидвор тикилар, емак илинжида тумшугини ялаб-юлқарди. Унинг бу ҳолати шовқиннинг янги тўлқинигача давом этар ва орада уйчаси томон қараб-қараб кўйишни ҳам унутмасди.

Қизча узашиб, итнинг занжиридан тутди. Аммо хирсдай жонивор қилт этмади. Қизалоқ ўзича ўпқаланиб, занжирни итқитди-да, кафтларини ёнига суртди. Сўнг жойига сурилиб, тиззаларини қучиб ўтираркан, тагин жанжалга жонсарак кулоқ тутди. Жанжалнинг боришига қараб, ичкаридаги манзарани тасаввур этди. Чамаси, отаси катта хона эшигига етолмай, ўртада гўддайиб туриб қолган. Кетишига онасининг тинимсиз жавраши монелик қилмоқда. Онаси атиги бир зумга чакагини ўчирса бўлди, отаси катта хонага киришга улгуради. Шу билан жанжал ҳам якун топиб, онаси қолган аламини қозон-товоғидан олади.

Афсус, онаси тинчишни хаёлига ҳам келтирмасди. Дам-бадам, нега ичасиз, деб чинқиради-да, аммо сўровига жавоб ҳам қутмай жаврашда давом этарди. Аслини олганда, жанжалга отасининг ичиши сабаб эмас, одатдагидек, шунчаки бир баҳона у. Бу галги машмашага онасининг «туғилган кун»и туртки бўлганди. Ўша кунни эр аёлига дурустроқ совға қилиш у ёқда турсин, туғилган кунни буткул унутиб, уйга ярим тунда қайтади. Бу хил тадбирга айрича эътибор берадиган она ўзини жуда хўрланган ҳис этади. Хола эса бунга таҳқир тусини беради: «Нима бало, ердан чиққанмисан, тузукроқ совға-

гаям арзитабди сени». Ота учун «туғилган кун»лар аҳамиятсиз нарса эди. Бироқ бу хил йиғинларни кутиб яшайдиган, тирикликнинг мазмунини мана шу каби маросимлардагина кўрадиган опа-сингилнинг кўнглида иззатталаблик жўш уриб, учкун алангага айланади. Ана шундан буён отанинг жойи яна бўлак. Аммо она бунга-ям чидамайди: «Афтини кўрсам, елкам тиришади. Эр нималигиниям эсимдан чиқариб қўйдим...» Шусиз ҳам куёвини жинидан ёмон кўрадиган опанинг афти бужмаяди: «Уф-ф, қипик хиди анқиб турган шу сассиқ таканинг нимасини кўмсайсан? Қўявер, бир тавбасига таянсин. Фуддайишни ким қўйибди унга. Агар отам ёнига кирмаганда, юрарди чолдеворида. Асли булар уруғи билан паст, яхшиликни билмайди».

Ушбу гаплар орасидан биргина иборани илғаб қолган қизалоқ отасидан хафа бўлиб кетади. Назарида, отаси онасини биргина кучиши билан кундалик жанжал туғайдигандек туюлади. Отасининг тиззаларига суйкалиб, онамни кучокланг, дегиси келади. Лекин ийманади. Тунлари отаси ўрнига ўзи онасини кучмоққа интилади. Бундай вақтда онаси уни ё кучоғига тортади, ё тинч ёт, деб жеркиб беради.

Қизалоқ ичкаридаги жанжалнинг тинчишини беҳуда кутаркан, қовоқлари оғирлашиб, бошини деворга суяди. Киприклари чаплашишга улгурмай, бирдан ёмғир кучайиб, у чўчиб тушди. Уйча томини беаёв савалаётган ёмғир овозига бирпас қулоқ тутиб, ташқарига кўз солди. Дераза ёруғи тушиб турган халқоб юзи қайнар, ит эса занжирини судраб, шингиллаганча нари-бери бориб келарди. Охири бўлмади шекилли, жонивор инга бош сукди. Унинг қайноқ нафасини нақ юзида ҳис қилган қизалоқ итнинг бўйинбоғидан тутиб, ичкарига тортди. Шусиз ҳам бошқа иложи қолмаган жонивор унинг каватига суқилди. Хўрак истаб, қизчанинг қўлларини ялади. Сўнг силкиниб, уни бошдан-оёқ шалоббо қилди.

Ит каватига киргач, анчагина хотиржамланган қизалоқ жанжал овозига ортик эътибор бермай қўйди. Энди у итнинг пинжига кириб, исинмоқни ўйларди. Аммо унинг мақсадини тушунмаган ва умрида бу хил юмушни адо этмаган жониворнинг жойланиши кийин бўлди. Гимирлайвериб, қизчанинг жонига тегиб кетди. Охири, бир амаллаб чўзилгач, қизчанинг эркига қўйиб берди.

Ит улкан эди, қизалоқ унинг пинжига бемалол жойлашди. Бошда одам боласининг бу қилиғи итга эриш туюлиб, бу нимаси, дегандек инграшиб вингшиди. Сўнг бандасининг ўзидан паноҳ исташи ёқиб тушди шекилли, шингиллашни бас қилди, ҳатто қизчанинг муздек ёноқларини бир-икки ялаб ҳам кўйди. Худди қизча билан умр бўйи бир катакда яшаб келаётгандек, тезда унга кўникиб ҳам қолди. Ташқарида эса тинимсиз ёмғир қуярди.

Уйдаги жанжал анча кеч тугади. Бу пайтда ёмғир тиниб, ҳовли саҳнида пайдо бўлган катта халқоб юзида сўнгги томчилар доирачалар ясар, нам хавода тутун иси анқирди. Қизча эса жанжал босилганидан беҳабар, итнинг пинжида ширин тушлар кўриб ётарди. Жонивор бўлса, қимирлашдан ҳайқиб, қизалоқнинг юзидан кўз узмаган кўйи, дам-бадам унинг юзи ва қўлини астагина ялаб-ялаб кўярди.

Уйдагилар қизчанинг йўқлигини хийла кеч пайқашди. Жанжал бошланиши билан секин жилиб қолишидан боҳабар она аввал уни хоналардан қидирди. Сўнг ҳовлига ошиқди. Қизча ҳеч қаерда йўқ эди. У ҳовлиқиб эрининг бошига борди. Энди кўзи илинай деб турган эр унинг хабаридан учиб турди. Ёв қувгандай хоналарга бир-бир бош суқиб чикди. Кейин ҳовлига тушди-да, шалп-шулп халқоб кечиб, омборхона томонга чопди. Қайтаётиб, итнинг ини ёнида каловланиб турган аёлига дуч келди. Энди у ўн дақиқа бурунги жиззаки ва урушқоқ аёлга сира ўхшамас, тўсатдан бошига тушган бу фалокатдан фақат эри фориг эта оладигандек, умид кўзи билан жавдирарди. Аслида, кимнинг қанақалиги бахтсизликнинг алдамчи шабадасиданок аён бўлади деганларидек, аёл бутунлай саросимада қолган, тўқлик ва нодонликнинг нуқси урмиш кўзларидаги кибр-хаво ўрнини бандасининг ожизона талвасаси эгаллаган, нафаси бўғзига тикилиб, нуқул икки гапни такрорларди.

— Энди нима қилдик, а? Қаерда бўлиши мумкин, а?

Эр довдираб кўчага югурди. Ҳадемай тун сукунати-ни дарвозаларга урилаётган мушт зарбининг тарақ-туриқи тилкалай бошлади.

Қизча ҳеч қаерда йўқ эди. Ҳовли қўни-қўшнига тўлди. Кимдир халқобда ялангоёқ килтиллаб турган

онанинг кавушини олиб келиб берди. Бошқа биров отанинг елкасига тўнини ташлади.

Бу вақтда тоғ инда ўзи истаган осойишталикни топган қизалоқ тўполондан беҳабар тинчгина ухлаб ётарди. Фақат итгина безовта эди. Қизалоқни бағридан тортиб олишларини пайқаб, нотинчланса-да, лекин уни кўзгаб юборишдан чўчиб, кимирламасликка уринарди. У гужанак бўлиб ётган қизалоқнинг муздек ёноғини иссиқ тили билан охиста яларкан, инга қизиқсиниб мўралаган кимсанинг шарпасини сезиб, ғазабкор ириллади. Бироқ кимса қизчани илғашга улгурганди.

— Эя, мана бу ерда экан!

Турганлар ин томонга ёпирилишди. Ит тагин ириллади. Кимдир унинг занжиридан тортди. Жонивор ноилож ташқарига сирғалиб чиқаркан, ғазаби тошиб, одамларга ташланди. Аммо эгасининг тепкисига бардош беролмай, рингшиганча ин ёнбошига чекинди. Шовкиндан уйғониб кетган қизалоқ индан ўрмалаб чиқди-да, шуурсиз бир ҳолатда бориб, итнинг бўйнидан қучишга уринди.

Қизчани итдан ажратиб, уйга олиб киришди. Тўнғиб қолган оёқ-қўлларини ишқалай бошлашди. Қизалоқ гоҳ тепасидаги одамларга, гоҳ баланд шифтга жавдираб боқаркан, беихтиёр хархаша қилмоққа тушди.

— Итимга кетаман! Итимга...

Куракдек қафтлари билан қизалоқнинг оёғини уқалаётган ота бу гапдан бир қалқиб тушди. Уйдагиларнинг узлуксиз гашаваси туфайли кераксиз бир буюмдек назардан четда қолган қизалоқнинг тирик вужудлигини, дилгирликдан ўзи каби беҳад азоб тортишини, ўзи ҳавас ва иштиёқ билан барпо этган кўркам уйдан кўра итнинг торгина инини маъқул кўриши бориб турган фожиа эканини фавқулодда англаб етаркан, беихтиёр сал наридаги хотинига кўз қирини ташлади. Аёли тамомила асил ҳолига қайтишга улгурган, бояғи гашвиш туфайли аллақерга изсиз йўқолган кибр-ҳаво, тажанглик кўзларига қайта иниб, «юрагим чиқиб кетди-я, юрагим», дея қўшни хотинга гап маъқуллаш билан овора эди.

Ота кўзларини қизчага тикаркан, унинг бу дилгир шароитда яшашга маҳкумлигидан ичи ачишиб кетди. Бу муҳитни тузатмоққа ўзини ожиз сезаркан, гоҳи пайтлари қипиқ ва тахта бўлакларига тўла ишхонаси кўзига

файзли кўришиб, уйга қайтмоқни мутлако истамай қолган вақтлари кўп бўлишлигини эслаб, бошини гуноҳкорона эгди.

Ташқарида эса, ит занжирини нари-бери судраб, аламли фингширкан, салдан сўнг унинг шингиллаши қиска-қиска ақиллашга айланганди. Ота ўйлагандек, у очликдан эмас, бутунлай ўзга бир туйғудан безовта эди.

## ЭНАТЕПА

Узоқдан тепалик кўринганда, Шодикул ҳаяжондан қалтираб кетди. Йўл халтасини ерга ташлаб, ўнг кафти манглайда, тепалик томон тикилиб қолди. Хаттоки тепаликка ўрлаган таниш ва кадрдон сўқмоқниям кўргандай бўлди. Бу тасавурида эди. Йигит турган ердан тепаликнинг тарҳигина кўзга ташланар, у олисдаги сиёхранг уфқнинг гардишига сингиб, сўник бир манзара касб этгандики, бунда юракнинг энтикишига сабаб бўлмиш ҳеч нарса йўқ эди. Аммо бу манзара Шодикулга ўзга бир йўсинда таъсир этиб, бамисоли зимистон тунда ёлқинланган шуъладек уни ўзига чорламоқда эди.

Йигит шу кетишда аввало тепалик пойида ястанган қишлоққа кириб бормоғи, неча йилдирки кўрмаган хешлари билан дийдорлашмоғи лозим эди. Бироқ у сира ошиқай демас, ошиққанда, катта йўл қолиб, буғдойноя оралаб юрмаган, қишлоққа оқшомлатиб кириб бормоқни ўйламаган бўларди.

Шодикул табиатан хийла одамови, боз устига, ҳарбий хизматдан эмас, қамоқдан қайтмоқда. Шу боис, ҳамқишлоқларига дабдурустдан рўбарў бўлмоққа унча хоҳиши йўқ эди.

У уфққа оққан қуёш нуридан зарғалдоқ тусга кирган буғдойноя оралаб бораркан, ҳар гал тепаликка кўзи тушганида, ички бир ҳаяжондан энтикиб-энтикиб кўяр, ўтган саодатли кунларининг тимсоли бўлмиш тепаликка етиш онларини атай чўзарди. Унинг бу ҳаракати бўйнига тавқилаънат сифатида осилган бир неча йиллик муддатни кун санаб ўтказган одамниқига сира ўхшамасди. Ахир озодликка чиққан куниёқ ёлғизоёқ сўқмоқдан тепаликка қўтарилмоқни ва ерни қучмоқни орзу қилмаганмиди? Бу истак ғалатиноқ туюлса-да, унда юрт

соғинчи, сирли ўтмиш ёди мужассам эди. Кўнгилли ва кўнгилсиз хотиралар илдизи тепаликка шу қадар чирмашиб кетгандики, ҳар гал тепаликни эслаганида, қалбида англрсиз бир тугён жўш урар ва ўша тугён гирдобидан ҳокисоргина бир йигитнинг сиймоси аста қалқиб чиқарди. Бу йигит ҳашоратларнинг чир-чирига тўла оидин тунларни тепаликда ўтказмоқни хуш кўрарди.

Тўлин ой нуридан сирли ва фусункор тус оладиган борлиқ ҳаминша йигитни шу қадар ҳаяжонга солардики, гоҳида телбаларча ҳайқиргиси, ҳайқирганда ҳам даладаштни тўлдирад даражада бақиргиси келарди. Кумушранг ой нури унга галати таъсир этиб, ичида димланиб ётган туйғуларини жунбишга келтирар ва оқибатда, ҳар сафар юраги қатида ёввойи бир жазавани хис этарди. Бироқ жазава қанчалик бетизгин бўлмасин, барибир у ҳайқирмасди. Сеҳрли бу сукунатни эрта оқшомданок уй-уйларига тикилиб оладиган ҳамқишлоқларидан қизганарди. Уларнинг ғимирлаб қолишидан ҳадикланарди. Оидин тунлари ёнида ўзга бир кимсанинг бўлишини истамасди.

Аммо бир кеч у бу таомилни бузди. Тепаликка ёлғиз кўтарилмади. Кутилмаганда сўқмоқ бошида қизнинг жоҳил акасига дуч келди. Ака ўларча бадфеъл эди. Қизни бир ён улоқтириб, қутурган буқадай йигитга ташланди. Йигит ўзида зиғирча гуноҳ хис эмас, бирдан-бир айби — ўзини қутқуга солғувчи сирли манзарани суйганига кўрсатмоқчи эди, холос. Бироқ буни шу тобда нодон акага англадиб бўлармиди. Йигит унинг қўлидаги совуқ йилтиллаган тиғни жуда кеч пайқади. Пайқаши биробар жонҳолатда унинг яроғ тугтан қўлига ёпишди. Қисқагина талатўпнинг натижаси ўлароқ ака ўз яроғидан ўзи яраланди. Шодиёр эса озодликдан мосуво бўлди.

Худди шу кундан эътиборан унинг орзулари ҳам банди қилинган, руҳи эса кишанланганди. Ой нурига йўғрилган сўқмоқнинг нариги бошини у келажакнинг сирли туманлари оғушида кўрарди. Туман қаърига сингани сайин, у ўз бағрини оча боргандек, келажак йигит учун сир-синаотга тўладек эди. Аммо ҳеч кутилмаганда у «орзу сўқмоғи»дан юлқуб олиниб, тиканли симлар ортига, руҳсиз олам гирдобига улоқтирилди. Бу ерда орзу ўта жўндек, меҳрнинг кўзи қаттиқ, жаҳолатнинг қўли узун эди. Бунда дил эркалатилмас, сирли тасаввурлар

бўлса жуда кулгили туюларди. Ўшанда Шодиёр тепаликка боғлиқ ўтган кунлари нақадар осудалигини, тепалик одамзодга хос турли қусурлару гумроҳликдан холи масканлигини илк бора чуқур ҳис этганди. Тепалиқдан бошланиши лозим бўлган «келажакнинг сирли сўқмоғи» руҳсиз дунёнинг метин деворига бориб урилгач эса, унинг орзулари жўнгина мақсадга эврилди: «Қутулиб чиқсам, — дея ният қилди у, — тепа боврига бир иморат соламанда, қолган умримни ўша ерда тинчгина ўтказаман...»

Эрксизлик унинг қалбида дала-даштга нисбатан қаттиқ меҳр уйғотгандек, тепаликни муқаддас бир гўшага айлантирди. Ойдин тунларни у тушларида кўриб чиқадиган бўлди. Озодликка етишиш учун гоҳо хўрликларга чидаш берди. Мана энди юраги хаприкқанча тепалик томон бормоқда.

Шодикул азбаройи ҳаяжонланганидан беихтиёр қадамини тезлатганини анча кеч пайқади. Бу кетишда куёш ботмай қишлоққа етиши тайин эди. Аввал тепалиқда бўлиб, кейин одамлар кўзига кўринмоқчи эди.

У оёғи остидаги каттакон кесакка чўкиб, сигарет тутатди. Тутун пуфлаб тепалик томонга соғинч билан тикилди. Тикилди-ю, бирдан «Э!» деб юборди. Кейин сакраб ўрнидан турди. Кўзларига ишонмади: «Бўлиши мумкин эмас!» Кўлига халтасини ола солиб, жадал йўлга тушди. Қишлоққа яқинлашган сари тепаликнинг кемтик қисми тобора яққолроқ намоён бўла борди. Ҳақиқатда, тепаликнинг кунботиш томони гўё ўпирилиб тушгандай йўқ эди.

Қишлоққа етгач, тепаликнинг ўша қисмида чанг бурқсиётганини пайқади. Тепалик томон чўзилган тупроқ йўл қишлоқ ёқалаб ўтарди. У девор бошларидан мўра-лаб турган хотин-халажларни ҳайрон қолдириб, оёғини кўлига олди. Унинг бу ҳолати ота ёки онасининг азасига кечиккан бандасиникига жуда ўхшаб кетарди.

Шодикул қишлоқдан узилиб, очиқ майдонга чиқаркан, даҳшатли манзара қошида тахтадай қотиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, чангга ботган чоғроққина бир экскаватор тепалик бағрини ўпириб, кавушидаги сарғиштоб тупроқни қатор турган ағдарма машиналарга юқларди. Бериқроқда бир тўп хамқишлоқлари томошабин бўлиб туришарди. Пода қайтгунча эрмак-да.



Экскаватор тепаликнигина эмас, тепаликка кўшиб унинг соғинчи-ю орзусини, осуда кўнлари-ю ойдin тунлар хотирасини ҳам ўпирмоқда, янчмоқда эди.

У жонхололда беихтиёр бўкириб юборди.

— Тўхта-а!

Кейин қўлидаги халтасини бир четга улоқтириб, олға югурди. Томошаталаб ҳамқишлоқлари даврасини ёриб ўтиб, экскаватор хартуми тагида пайдо бўлди.

— Тўхта, ярамас!

Хайкириги мотор шовқини остига кўмилиб кетган бўлса-да, важохатидан машина эгаси не гаплигини тушунди ва ошиғич ишни тўхтатди. Кабинадан бошини чиқарди.

— Нима дейсан?

Бунга жавобан Шодикул кабина зинасига сакраб чикди-да, унинг ёкасидан тутди. Пастга торткилади. Иккиси юмшоқ тупроқ устига думалаб тушишди.

Нима кип қўйдинг, зангар! — Шодикул гуваладек мушти билан унинг тўзон ўтирган баркашдек афтига бошлаб туширди. — Тевани обсан-ку лаънати!

Одамлар орага тушганча экскаваторчи — қўшни қишлоқлик Барот семиз қаторасига бир неча мушт еб олди. Мўмингина бу одамнинг ўзини химоя қила билмаслигим, ерда аянчли ҳолатда типирчилаб ётишим Шодикулни тўхтатолмади. Кишилар аралашмаганида, алам ва жаҳл устида бечорани бир ёқлик қилиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмасди.

— Қўйворинглар! — дея хануз жазавага тушиб кичкирарди у. — Қўлини синдираман мен уни! Тевани тагига бостираман! Ўлдираман!

Барот семиз базўр ўрнидан кўзгаларкан, лунжини сурган кафтида қонни кўриб, хўрлиги келди. Йиғлаб юборди.

— Менда нима айб? — деди сўнг ўзини ёлғиз, яккаланган ҳис этиб. — Простой бир рабочий бўсам, ким нима буюрса шуни қиламанда.

— Ким буюрди? — Шодикул олдинга юлқинди. — Қайси ярамас буюрди сенга?

— Раис.

Шодикул раиснинг етти пуштини қолдирмай чанги-тиб сўқаркан, тепаликнинг ўпирилган қисмига ҳар гал кўзи тушганида, томоғига нимадир келиб тақалар ва охир-оқибат, бу нарса йиғи бўлиб ташқарига отилди.

Икки бирдай кап-катта эркак, бири муқаддас нарсасидан айрилганидан, бири эса хўрланганидан йиғларди. Одамлар лол, нима деб юпатишни ҳеч ким билмасди.

— Ахир буни мен неча йиллаб соғиндим! — деди Шодикул ёноқларини юваётган қув ёшлардан заррача хижолат тортмай. — Ебсан-ку тевани! Бўғизлабсан-ку! Нега керак бўлиб қолди бу силарга, а?

Барот семиз эса ўз дардида ўртанарди.

— Яккаладинг-га, — дерди шўлқиллаб. — Яккалаб урдинг-га мени. Энди бу бет билан қайтиб уйга бораман, бола-чақанинг кўзига қандай кўринаман.

— Бу кунни неча йил илҳақ кутдим-а! — Шодикул тепаликка термулиб, кўксини тирнарди. — Келасолиб тевани тавоб қилмоқчи эдим. Сен эса ебсан буни! Тупроғини қайтиб жойига тўк! Йўкса, ўлигинг чиқади бу ердан!

— Тупроғини энди Каттаўрдан топасан. — Барот семиз кафтига юққан конни тиззасига сурта-сурта ҳануз ҳиққилларди. — Раис кесин айтаман. Яккалади дейман, урди дейман.

— Уришам гапми, ўлдираман мен сени!

— Кучинг кўп экан, ана, раисни ур. Нега мени урасан?

Охири бу дийдиё Бозор оқсоқолнинг жонига тегди. Бас, дея овозини баландлатди.

Шодикул хушёр тортди. Хатти-ҳаракатларининг ниҳоятда аҳмоқоналигини фаҳмлади. Алининг ўчини Валидан олаётганини англаб, оқсоқолга юзланиб деди:

— Тевани нима қип қўйдингиз, амаки?

— Аввал кўришмайсанми, нодон, — Бозор оқсоқол кўлини чўзди.

Шодикул унинг узатилган кўлини олмади. Саволига жавоб кутиб, чакчайиб тураверди.

— Колхузди катталари шуни истабди, биз нияям дердик, — деди Бозор оқсоқол оғриниб. — Айтишга айтдик, лекин гапимизга кўнишмади-да.

— Тевани йўқотиш нимага керак бўп қолди?

— Ерга қўшишармиш.

— Ерга? — Шодикул кенг даштга хайрат ила нигоҳ ташлади. — Шунча ер каммиди, тевага кўз тикишмаса.

— Бу гапингни бориб раисга айт, — деди даврандан кимдир тўнғиллаб.

— Нима, сизлар ўғайми? — Шодикул одамларга тўла юзланди. — Ахир бу тева энамиздек эди-ку. Баримиз шунинг устида ўйнаб-ўсганмиз... Энани бурдалатиб қараб ўтиравердиларингми?

Қарашлар лоқайд, турганларни тепанинг тақдирдан кўра, йигитнинг афт-ангори кўпроқ қизиқтирарди. Бечора қаримсиқ тортиб қолибди, у ёқда роса таъзирини еганга ўхшайди, деган ўй деярли барининг бошида ўйнади. Буни сезган Шодикулнинг энсаси қотиб, тагин Барот семиз томонга ўтирилди.

— Сен қотил! — деди бармоғини бигиз қилиб. — Тева... Энатеванинг қотили сен!

Барот семиз бу гапдан довдираб қолди. Ранги қув оқариб, чанг қўнган киприклари пириллаб, нимадир деб эътироз билдирди. Шодикул эса чир айланиб, яна одамларга бетланди.

— Сизлар ҳам қотил!

— Худоба шукур, сенга ўхшаб ҳали ҳеч кимни чавақлаганимизча йўқ, — деди кимдир бу гапни офир олиб.

— У ёқни шўрвасини тотиганман деб, кўпам тилингда эрк бераверма, — дея уни қувватлади яна бирови.

— Теваям эна бўларканми, — деди унинг яккаланаётганидан ботирланган Барот семиз истехзоли оҳангда. — Қачондан бери энанг бўп-қолди бу?

— Оёқлаганимдан бери! — Шодикул қичкириб юборди. — Сен семиз буни қаердан ҳам тушунардинг! Яхшиси, йўқол кўзимдан! Йўқса, нақ каллангни узиб ташлайман!

Барот семиз ортига тисарилаётиб, кети билан ерга ўтириб қолди. Шодикул қазаб тўла нигоҳини ундан узиб, тагин турганларга юзланди.

— Бошқа ерларда тулкининг уясини бузиш учун ҳам халқнинг фикри сўралади, — деди қачонлардир ўқиган бир мақола эсига тушиб. — Сизлар эса бутун бошли бир тевани бўғизлатиб ўтирибсизлар!

— Қишлоқ кенгаяпти, Шодикулвой, — деди Бозор оқсоқол офир бўлишга тиришиб. — Ҳаммага жой керак. Бундай пайтда тева-пева деб ўтирадимми. Масалан, менга теванинг ҳеч кераги йўқ. Текис ерда зўрға юраман, тевага чиқиш йўл бўлсин менга.

— Тева дегунча уйингга бор, — деди Бердикул деганлари оғзидаги носини туфлаб. — Энанг йўлингга кўз тикиб ўтирибди.

Даврада гудранишга ўхшаш кулги кўтарилди.

— Бунга эна эмас, тева керак.

— Тевани энам деяпти-ку...

Бесамар бу мунозара Барот семиз кетмагунча давом этди. У экскаватор моторини ўчириб, ағдарма машиналардан бирига тирмашаркан, дағдаға қилди:

— Раис кеп, ўчимни обермагунча қадамимни босмайман бу ерга! Шошма, урганинг учун жавоб берасан ҳали!

Барот семиз жўнагач, бошқалар ҳам секин-аста тарқалиб, тепалик ёнида Шодикулдан бўлак ҳеч ким қолмади. У аламини кимдан олишини билмай, тепаликка ўтирилди. Бемор она бошида қайғуга ботган ўғилдек тепаликка ҳасратла тикилди. Сўнг қуйи қисми ўпирилган сўқмоқдан юкорига кўтарилди. Тиззаларини кучиб ўтираркан, беихтиёр кўзларидан ёш қуйилиб кела бошлади: «Одамларга нима бўлган ўзи, а?»

У тепаликда ғам чекиб ўтираркан, кўзи тўсатдан сал наридаги замбарак уясига тушди. Бу хил уя ва окоп излари. даштда сероб эди. Яхши эслайди, болалигида даштни ҳарбийлар босди. Узун хартумли тўпларини у ёқдан-бу ёққа судраб, роса машқ қилишган. Шу машқдан тепалик ҳам четда қолмаганди. У пайтда қишлоқ кичкина эди. Кичкина қишлоқнинг катта оқсоқоллари малла сочли, тўла юзли командирдан илтимос қилишиб, тепаликда уялаган замбаракни олдириб ташлашганди. Эндигилар эса...

Шодикул аста бошини кўтариб, қишлоқ томонга боқаркан, тупроқ йўлдан пилдираб келаётган энасини кўрди. Шўрлик қоқилиб-соқилганча, гоҳ суюниб, гоҳ койиниб келарди.

— Уйингдан илон чиққанми, болам! Тевада бойўғлидай бўлиб ўтиришинг нимаси? Сен болага ҳеч эс кирмади-кирмади-да. Кўрган кўз нима дейди. Тор қорнига сикқан, кенг уйига сизмабди-да дейишмайдимми. Вой, боласи тушмагур-а. Вой, эси йўғ-а.

Онасининг жиккаккина гавдасига кўзи тушиши билан Шодикулнинг юрагини соғинч ҳисси қамради. Паст-

га учгудек бир важохатда ирғиб ўрнидан тураркан, тағин кўзи тепаликнинг кемтик қисмига тушиб, инграб юборди

У энасини жуда соғинганди, тепаликни эса ундан-да кўпроқ соғинганди. Икки соғинч бир бутунликни ташкил этиб, қалбини нурлантириб турганди. Энди ушбу яхлитликка путур етган, у бир қаноти уриб синдирилган қушдай маҳзун бўлиб қолганди.

У маъюс бир қиёфада тепаликдан настга эна бошлади.

Эртаси тонгда Сафар милисанинг дарвоза қоқиб келишидан Шодикул заррача ажабланмади. Шунингдек ҳайикмади ҳам. У аллақачон унча-бунча нарсадан чўчи-майдиган бўлиб қолганди. Шу боис, бутун хатти-харака-тидан дағдаға ёғилиб турган дароз худуд нозирини пинак бузмай қаршилади.

— Сен бола, нега одамлар орасига қутку солиб юрибсан? — дея дарҳол ўдағайлашга тушди Сафар милиса. — Нима, тепа энангни маҳрига тушганми? Ё отангдан қолган мулкми? Гап шу, бу сафар кечираман, бола. Агар яна ринг дейдиган бўлсанг, чикқан жойингга тикиб юбораман!

Шодикул унинг пўписасига аҳамият бермай, гўштдор афтига синчков кўз ташларкан, Сафар милисанинг тепаликка ачинмаслигига ишонгиси келмади. Шу ўй унда умидга ўхшаш ниманидир тугдирди. Тепаликни хиёл таъриф этиб, бакиргунча тевани қутқаришга кўмак беринг, деди.

Бошда Сафар милиса уни фавқулодда бир диққат билан тинглади. Орада анчадан буён бўёқ юзини кўрмаган дарвозага бир сира кўз югуртириб чикди. Сўнг тошдек ҳиссиз юзида ёқимсиз кулги пайдо бўлди.

— Нима бало, у ёқда уриб каллангни пўла кип қўйишганми дейман, — деди сарғиштоб кўзларини тиккондек қадаб. — Тева қанақасига бизга эна бўларкан? Энатева эмиш. Сен бола ақлдан озибсан. Тунов қуни биттаси шунга ўхшаш гап қилувди, обориб тикдим. Яхшиси, бунақа аҳмоқона гапларингни йиғиштир. Акс ҳолда сениям оборишимга тўғри келади. Дарвоқе, кечаги қилмишингни ўзи қия бўлиб кетишингга етиб ортади. Бугун Баротдан кечирим сўра. Кечирмаганига қўйма.

— Сўрамайман.  
— Нега?  
— Чунки у қотил! Сиз ҳам, қолганлар ҳам, умуман ҳаммангиз қотил!

— Жонсиз нарсага даҳл қилган одамга нисбатан бу сифат ишлатилмайди, ўқимаган.

— Ахир сиз ҳам шу тевада ўйнаб-ўсгансиз, наҳотки ичингиз ачимайди?

— Йўқ, ичим ачимайди, — Сафар милиса совуқ кулди. — Лекин сенга ачинапман. Бир оғиз ортиқча гап қилсанг; обориб тикаман, бола!

— Оборишингиздан кўркмайман, ака, — Шодикул чирсиллади. — Аммо тевани бузишларига йўл қўймайман.

— Фалвага бошингни тикма, бола.

— Тева учун шу бир бош садақа, ака!

— Қани, машинага чиқ! — Сафар милиса унинг билгидан тортқилади. — Иззатингни билмадинг, чиқ энди машинага!

— Фақат кўлга эрк берманг, ака!

Сафар мелисанинг қазаби кўзиб, уни машина томон сургай бошлади. Шодикул унга куч бермади. Бу қадар қаршилиқни кутмаган нозирнинг баттар жони чикди.

— Чиқ деяпман!

— Тевадан экскаваторни йўқотинг, истаган жойингизга бораман.

— Тевани йўқотаман, сени эса камерага тикаман!

— Мен билан ёқалашгунча, обрўйингиз бор, катталар билан гаплашинг, тевани сақланг, ака.

— Аввал сен билан гаплашай!

— Ака, мен аламзадаман, — Шодикул ўзини босишга тиришди. — Юрагим куючиб оғрияпти. Тинчгина кета қолинг.

— Ўрлик қилма, бола! — Сафар милиса тирғалиб туриб олди. — Бутун бўлинмани бошлаб келиб бўлсада, изингни қуритаман бу ердан.

Шодикул уни осонгина итариб ташларкан, бирдан хушёр тортди.

— Ана, экскаватор тариллади, тевани бузишяпти, ака, — деди.

— Ҳали сен менга қўл кўтарадиган бўлдингми! —  
Сафар милиса унга қайта ёпишди. — Давлат одамига-я!

— Экскаватор тариллаяпти деяпман!

— Қани, юр!

— Тевани бузишяпти, ака!

Кун куёшли эди. Октоб нури дарахт япроқларида ўйнар, ариқда жилдираб оқаётган сувда аксланар, кишилар юзида жилваланар, хуллас, бутун борлиқ майин нурга йўғрилганди. Томдаги бароқ мушук, буғот четидаги қалдирғоч, кўча юзидаги ит, жамики жонлиқ нурга чўмилганди. Шодикул кучли зарбадан ариқ ичига юмалаб тушган Сафар милисага боқаркан, куёшли далани ортиқ кўролмаслигини англади. Тепаликда кечадиган ойдин тунлардан мосуво бўлганини фахмлади...

Энди у камера туйнугидан тушган бир парча нурга тамгин термулиб ўтираркан, бурчакдаги кўланка ўзи томон кўзгалганини сезиб, гаши келди. Юзини терс ўгириб олди. Шу тобда одам боласини кўришга тоқати йўқ эди.

— Омонмисиз, ака, — кўланка унинг ёнига келди. — Танимадингизми, мен Ўроқ чавандознинг ўғли Сардор бўламан. Мен ҳам сизни зўрға танидим.

— И, катта йигит бўп қопсан-ку. — Шодикул нимадир дейиш лозим бўлгани учунгина гудранди. — Нима бу ўтириш?

— Шундай... — Сардор кинояомуз кулимсиради. — Нодонлар билан олишаман деб, тушиб ўтирибмиз.

— Нима гап? — Шодикул йўлига сўради.

— Тунов кун иъзги таътилга қайтсам, қишлоқ бикинидаги тепаликни бузишаётган экан. Бундай қарасам, қадимий ёдгорлик. Кўхна сопол буюмларнинг синиқлари, кўрғон деворлари кўриниб турибди. Бузманглар, дея ялинаман, қани тинглашса. Раисдан тортиб туман катталаригача чиқдим. Айни дала ишлари қизиган пайтда қанақа тепаликни гапиряпсан, дея хайдаб солишди.

Кеча Шодикул сопол бўлақларини кўргандай бўлувди. Анчагина эди улар. Ҳозир шунга кўз олдига келтириб, таажжубланиб сўради:

— Кўрғон дейсанми?

— Ҳа, кўрғон. Чамаси учинчи асрларга тегишли.

— Бунга сен қаердан биласан?

— Шунинг ўқишига ўқияпман-да. — Сардор ух тортди. — Минг йиллик қўрғон. Нодир қадимий топилма.

— Бўлса бордир, — Шодикул ўз дардида ўртанишга тушди. — Менам тева важидан бу ерга кеп ўтирибман. Кеча қамоқдан чиқиб, бугун мана... Пешона шўр бўлса, қийин экан-да, иним.

— Тепани қутқариш керак, ака.

— Қандай қилиб? — Шодикул теваракка кўз солиб, ночор елка қисди.

— Нима, сиз ҳам муштлашдингизми?

— Ҳа, аввал Барот семиз, сўнг Сафар милиса билан.

— Мен эса раис билан ёқалашдим. — Сардор маъюс тортди. — Ўзимни ҳеч туголмадим. Сизга айтсам, одам эмас у. Аҳмоқона иззат-нафсини деб, ҳақиқий топилмани хонавайрон қилмоқда. Нодон одамнинг иззакашлиги жуда қиммат тураркан, ака.

Шодикул унга савол аломати билан тикилди. Сардор тўлиб турган экан, ҳар икки гапнинг бирида сўкиниб, гапда давом этди.

— Ўша ярамас бундан икки йил муқаддам, унда у агроном эди, тепанинг устида қишлоқ йигитларидан ро-са калтак еган. Аввалига бирга-бирга ичишиб, кейин муштлашган. Ўшанда, тепа-пепанг билан барингни қуритмасам, энам хотиним бўлсин, деб қасам ичиб қўйган экан. Йигитларни-ку ҳеч нарса қилолмаса-да, лекин тепани боқлаяпти. Янги ер очиш баҳонасида, тупроғини Каттаўрга тўкдириб, тепаликни қуритаяпти. Лекин ҳалиям кеч эмас, тепани қутқариш керак, ака.

— Одамларни... худо уриб қўйибди-ку... — Шодикул тиши оғригандай афтини буриштирди.

— Раис уларнинг қўпчилигига томорқа ваъда берган.

— Ё дариғ! — Шодикул инграб юборди. — Энадек азиз тевани бир парча ерга алмаштирдими улар! Энамиз-ку у! Баримизни елкасида катта қилган-ку у! Тевасиз эндиги болалар нима қилишади? Боврини шамолга тутмаган, теваси бўлмаган қишлоқнинг нимаси қишлоқ...

Ундаги жазава Сардорга ҳам кўчди.

— Нодирлигини айтмайсизми, нодирлигини, — дерди у титраб-қақшаб. — Тепанинг остида минг йиллик тарих яширин. Тарихни яксон қилишяпти, тарихни...



— Агар тева бўлмаганда, мен камокда сиқилишдан ўлиб кетардим. — Шодикул ўрнидан ирғиб туриб тор хонада нари-бери юра бошлади. — Ёмон рухга асир бўлиб, одамлик қиёфасини йўқотардим. Тева кўнглимни ёритиб, умид тугдирган. Энамдек азиз у менга!

— Қадимий ашёларни кўз ўнгимда яксон қилишди, — дея чинқирарди Сардор. — Қўрғон деворидан чиққан гиштларни Бозор оқсоқол янги участкаси учун ташиб кетди. Катта бир хумни Салим кайфи уйига олиб кетди. Унда вино эзармиш. Бошқалар, тилла-пилла чиқиб қолса-я, деган умидда юришибди. Тепанинг ўзи ҳар қандай хазинадан қимматлиги билан эса ҳеч кимнинг иши йўқ...

— Боболаримизнинг қадами теккан ер у, — дерди Шодикул унинг гапларини деярли тингламай. — Кўз очиб кўрганимиз шу тева бўлган. Оёғимиз чиқиб-чиқмай, тевага тирмашганмиз. Усиз қандай яшаймиз энди, а?

— Турк ҳоқонлиги даврига оид қимматли тепа шундоқкина кўз ўнгимизда тупроққа қорилмоқда, — аламидан Сардорнинг ранги гезариб, лаблари кўпикланиб кетганди. — Тепалик жуда катта қўрғон, балки хон саройидир. Шакли ва жойлашиши шунга яқин. Нималарни бағрига яширмаган у. Раис билан фидинглашиб юрмай, тўғри институтга чопсам бўларкан...

— Камокда ётганимда, — Шодикул бошини тинмай сараклатарди, — қолган умримни тевада ўтказишга аҳд қилувдим. Энатевадан ҳеч қаёққа кетмайман девдим...

Улар бир-бирларини тинглашмаётганини тўсатдан пайқаб қолишди. Ўртага оғир сукунат чўкди.

— Ака, тепани қутқариш керак, — деди бир оздан сўнг Сардор ердан бошини кўтармай.

Оёқлари учига тикилиб қолган Шодикул уни қувватлади:

— Ҳа, уни қутқариш керак.

Улар бош кўтариб, камера деворларига, калин темир эшикка, бир тутам нур тушиб турган панжарали тўйнуққа иложсиз боқишди. Сардорнинг боши яна эгилиб тушди.

— Мен бу ерда, у ёқда эса тепа вайрон бўлаяпти, —

деди сўнг йиғламсираган овозда. — Қандай бўлмасин уни қутқариш керак, ака.

Шодикул темир эшикка газабкор тикилди. Назарида, озодликка бир одиму унга мана шу тўрт энлик темир монелик қилаётгандек, тура солиб эшикка ёпишди. Уни бор кучи билан тепа бошлади.

— Тепани қутқариш керак, оч!

Сардор шундай дея, унинг қаватига кирди. Энди икковлашиб эшикни тепа бошладилар. Туйнук рахига кўнмоқ истаган беозоргина бир мусича бу тарақтуруқдан чўчиб, патиллаганча қайта осмонга кўтарилди.

## ҚАРИНДОШЛАР

Тупроқ йўлни чангитиб келаётган автобус муюлишда тўхтаб, ундан қирқ беш ёшлар чамасидаги оқ-сарикдан келган жиккаккина жувон тушди. Аёл ерга оёқ қўйиши билан, ранги униккан ковуши тупроққа ботди. Тупроқ илиққина, майин тегди оёғига. Кўтарилган чанг секин тарқалди. У йўл бўйида ўзига қизиқсиниб тикилиб турган қизчанинг саломига алик олиб, каллакланган тутзор оралаб, кишлоқ томон юрди. Енгил шабада димоғига янги ёпилган нон ҳидини урди.

Пастак уйлар қаторидаги янги оқланган уйга етганда аёлнинг юраги алланечук хаприкди. Ховлига соғинчли назар ташлади. Четдаги сомонхонани демаса, барча иморатлар қайта қурилган. Аёл сомонхона ёнида бир зум тўхтаб, девордаги жажжи панжа изларига зеҳн солди, маънос жилмайди.

Сомонхона солинаётганда у кичкина қизча эди. Акаси икки пахса юзини шапатилаб, панжа изларини туширишганди. Ҳа, ўшандан бери қанча сувлар оқди... Ҳаёт шу экан, йиллар ўтавераркан. Энди мана шуни қурган ота ҳам йўқ, анча бўлган унинг ўлиб кетганига. Онаси неча йиллардан буён уникада. Аёл акасини кўргани унда-мунда бир келади...

У уйга чўмган кўйи каттакон дарвозадан ховлига кирди. Кенг ховлида жон асарини кўрмай, сергак тортиди. Қия очиқ дахлиз эшигини итариб, кўрпага ўраниб ётган янгасини кўрди.

— Ия, янга, ётиб олибсиз-ку! Саломалейкўм.  
— Келинг, — янга ўрнидан кўзгалди, чехраси ёришди.

— Яна елкангизми? Акам яхши юрибдиларми?

— Ҳа, шукр. Шу, игна санчгандай оғрийди. Кишини қаери оғриси, жони ўша ерда деганлари рост экан. Хай, болалар соғ-саломатми? Ойбийим яхши юрибдиларми? Тўй ташвишлари билан чарчамаёйсизми? Ўтиринг. — Янга юкоридаги кўрпачадан жой кўрсатиб, кафтини очди: — Омин! Кенг феъл, кетмас давлат берсин! Хуш келибсиз, Бахшанда.

— Хушвақт бўлинг. Дўхтир-пўхтирга бордингизми?

— Бордим. Тухумдай келадиган шиша бонкачаларини кўрсатиб, шуни ёқ-да, елкангга қўй дейди. Акангиз қўйдиям, э-э, бу ёқдан тушиб кетаверди, куриб кетгур! У кун Ражаб кайвони янги сўйилган молнинг ўт пуфаги суяк оғриғига биттаю битта даво деган экан. — Янга офилхонага ишора қилди. — Акангиз сўйдиртирди. Исикқина ўт пуфагини бир кунча боғлаб ётдим, сал босилгандай бўлди. Йўқ, кечадан бери яна... — У елкасига қўл обориб, уқалаб-уқалаб қўйди.

— Шамоллатгансиз-да, янга, иссиқ тутинг.

— Хай, майли, чой қўяй, — янга ўрнидан турмоқчи бўлди.

— Йўқ, чой ичмаган уйимми? Ётинг, овора бўлманг, — дея деразадан ташқарига қаради жувон. — Акам ҳам қелиб қолар-а, янга?

— Келадиган пайтиям бўлди. Э-э, шу табилчиликни топширсаям бўларди энди акангиз, тинка-мадори куриб кетди.

— Анча бўлди табилчилик қилаётганларигаям?

— Қарийб ўттиз йил, Бахшанда. Ўзи бўладими!.. Буёғи қариб қолди.

— Ҳа, янга. Акам уч қизни чиқарди, энди икки ўғилнинг гами... Болалар бир томондан умрни эгови экан. Мана, бошимга тушиб кўриб турибман... — Аёл кигизга тушиб қотиб қолган гуруч доналарини кафтига тера бошлади.

— Ҳа, аста айтасизми! Иби, саватти тагида бир товоқ ош бор. Кеча қилувдим, қўл урилмаган. Шуни иситиб келай, хай, Бахшанда.

— Акам келсин, бирга ермиз...

— Нима гап? — Янга аёлнинг ташвишманд чехрасига синчков тикилди. — Қудангиз катта сўраяптими?

— Бир оз катта сўраяпти. ЗАГСни тўйдай қиламиз, минг қилсаям кенжамиз, дугоналари кўп, деяпти. Яна алламбало, оти нимайди... Ха, ансамбль. Шахарда қандайдир ансамбль бор экан...

— Артистлар-да?

— Ха-ха! Ўшани чақирсак, деган гап қилибди келин тушмагур Нуриддинга.

— Сиз аёл кудого айтмадингизми, ошириб қилишга қурбим етмайди, деб? Қолаверса, билади беш болани ёлғиз бош билан катта қилганингизни. Кетидан яна тўрттаси етилиб келаяпти.

Аёл жимгина кафтидаги гуруч доналарини санагандай титкилаб ўтирарди.

— Шу ўғлингизам нима қиларди бурни кўтарилганига оғиз солиб, ўз тенгидан топмайдими! Ҳали кўп қийнайди улар, олди-бердини чўзиб...

— Бир амалларман, янга. — Аёл оғир тин олди. — Шахардан артист чақирмасам ҳам, дабдабали қилмасам ҳам, эл қатори ўтказармиз. Қўнгил иши, Нуриддиндаям айб йўқ.

Шу пайт ташқаридан қадам товуши эшитилди. Аёл чакқонлик билан ўрнидан туриб, акасига пешвоз чиқди. Янга хушламайгина кўзғалиб, кўрпани тахмонга йиғдида, бахмал нимчасини кийди.

Ховлида ака-сингил аҳвол сўрашишарди:

— Уйга ўтмайсиз, ака? Онам сўраётувдилар.

— Ҳеч қўл тегмайди. Ўзинг биласан, пилла даври. Ҳали уёкка чоп, ҳали буёкка, яхшиям янганг курт олмаган.

— Янгамниям мазаси бўлмайд қолибди.

— Шуни айтаман-да.

Ака қўлларини сочиққа артиб дахлизга кирди. Остонага ўтириб оёғидаги қизғиш латта этигини ечди. Пайтавазини олиб, бир четта қўйди. Дахлизни тер аралаш пайтава хиди тутди.

— Хўп, тўй қачон, тўй? — сўради у тўрга чиқиб чордона қураarkan.

— Энди, ака, бориб сиз ҳам қудолар билан гаплашиб кўринг, дегандим. — Аёл унинг ажин тимдалаган

қорамгағиз юзидан кўзини олиб ерга қаради. — Бир тоға етти отага тенг дейдилар.

— Тўғрику-я гапинг... — ака дастурхон кўтариб кирган аёлига алахсиди. — Ҳа, сен қалайсан? Оғриғи босилганми?

— Ўша-ўша, ҳалигача ётувдим...

Аёл туриб янғаси ортидан ўчоқ бошига юрди. Бирпасдан сўнг бир товоқ ош олиб кирди. Ош ҳидини олган семиз бароқ мушук миёвлаб эшиқдан бош суққанди, янға бобиллаб берди:

— Пишт-э, қирилиб кеткур! Ошхонада сичқонлар ўйнайди, буни кўзи дастурхонда! Пишт!

Аёл номига бир-икки чимдим ош еган бўлди.

— Ман қайтсам бўларди, хали-замон автобус бўлмай қолади.

— Кетарсан, жиянинг келса, мопетида олиб бориб кўяр. — Ака бошини эгиб, кафтидаги гуруч доналарини сўриб-сўриб тортди. — Пиллани териб олайлик... Бу раис анча бадфеъл чиқди. Бир кун кўринмай қолсанг...

— Бозор кунлариям бундай оёқ чўзмайдилар, — гапга аралашди янға.

— Ол, ошдан ол! — Ака пиёладаги чойдан хўплади. — Энди сен ҳеч чўчимай тўйни бошлайвер. Ўзи ҳамма нарсанг етарлими?

Аёл худди шуни кутиб тургандай ялт этиб акасига, сўнгра янғасига қаради. Ботинмайроқ гап бошлади:

— Кеча онам билан борини ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Етарлидай кўринди-ю, шу... бироз гуручига қўлим калталиқ қилиб турибди. Йиғилиб қолган пенсиямни акангдан сўра, ҳарна бир томонини кўтаради, деб онам қўймай юборувдилар...

— Онам юбордиларми, ҳм-м... шунақа де, — ака ош ейишидан тўхтаб, тағин чойдан хўплади. — Ҳа, бор етти-саккиз ойлик пули. Лекин уни йиғиб қўяяпман. Ўзига ярайди. Онани умрбод бермаган-ку! — у билагига оқаётган ёғни ялади-да, яна ошга қўл чўзди.

Аёл хозиргина эшитганига ишонмагандай аввалига акасига қараб қолди. Сўнгра уятли бир гап эшитгандай кўзларини олиб қочди. «Нима деди акам? Ўзига ярайди... Нима? Ўлимлик... Акам онамни пенсиясидан унға ўлимлик йиғаяпти! — Аёлнинг тирноғигача жимир-

лаб кетди. Кўз олди бирдан хиралашиб, дастурхон, ош, нон — хаммасини парда тутди. — Ё товба! Акам онамни ўлимини ўйлаб, пул йиғаяпти. Ман нимагадир бу ҳақда ўйламабман. Худди онам умрбод ўлмайдигандай... Мабода, ўлсаям, нахотки унинг ўлимига пул тополмасам?! Шу акаси шундай дедими? Нахотки, шунчалик... Эҳ, нимагаям келди шу ерга?!

— Ҳа, қовоғинг осилди. Сан ҳам, онам ҳам эртани ўйламаяпсизлар! Тўй нима у, ўтади-кетди ўйин-кулги билан. Мана, ўн беш йилча бўлди-а, онам саникида, эринг ўлгандан бери, тўғрими? Шунча йил бериб, юбориб турдим. Ёлғиз қўл эдинг. Мана, энди каттанг каватингга кирди, кейингисиям кираяпти... Ҳа, энди эртасиниям ўйлаши керак-да, бу кампир! Саксонга борди, етар невараларига едиргани...

Аёлнинг қулоғига гап кирмас, шундоққина ёнида кимдир гўнғир-гўнғир овоз чиқараётгандай бўлаверди, бўғзига нимадир тикилди.

Бундан ўн беш йил олдин эрининг жасади тепасида шундай бўлган: кўзини туман босган, қулоқлари том битган, бўғзига ёнғоқдек нарса тикилиб, на дод солиб йиғлашга қўяди, на унсизгина ўтиришга. Оғзини каппа-каппа очади, боши билан елкалари учиб-учиб тушади...

— ... мана ҳозир туради-ю кетади, ана, ҳозир. Ана шу остонадан ҳатласа бўлди, кейин хаммаси яхши бўлади! Ана, ана шундай, яна бирпас юрсин, яна...

Ранги уникқан ковушлари тупроққа ботиб бораётганда, аёлнинг кўзлари хийла тиниқлашган, қишлоқ узра оқшом чўкаётган эди.

## МУНДАРИЖА

### Қиссалар

Шайдолик (А. Расулов) . . . . .	3
Белбоғ . . . . .	7
Тоғу тошларда . . . . .	63
Ғанимлар . . . . .	125

### Ҳикоялар

Етим қолган гуллар . . . . .	192
Кекса тут . . . . .	197
Тунгги меҳмон . . . . .	205
Қуёш тутилган кун . . . . .	217
Қабртош . . . . .	230
Сут сотувчи бола . . . . .	239
Даштда . . . . .	244
Алп онадан . . . . .	253
Бўрон кўпган кун . . . . .	260
Қудук . . . . .	268
Кизча . . . . .	278
Энатеп . . . . .	286
Қариндошлар . . . . .	298

**НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ**

**БЎРОН ҚЎПГАН КУН**

*Қисса ва ҳикоялар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2007

Мухаррир *И. Шоймардонов*  
Рассом *Ш. Тўропов*  
Бадий муҳаррир *М. Аъламов*  
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*  
Мусахҳихлар: *Н. Охунжорова, Ш. Хуррамова*  
Саҳифаловчи *Л. Бацева*

Теришга берилди 11.01.07. Босишга рухсат этилди 10.02.07.  
Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Петербург гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма табоғи 15,96. Нашриёт-ҳисоб табоғи 15,99. Адали 5000 нусха.  
Буюртма № 3260. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,  
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.